

БАҲОДИР КАРИМ

АБДУЛЛА  
ҚОДИРИЙ

«ФАН»

**БАҲОДИР КАРИМ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ :  
ТАНҚИД, ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН**

**Тошкент**  
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси**  
**«Фан» нашриёти**  
**2006**

Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди тадқиқига бағишланган ушбу монографияда сал кам бир асрлик энг муҳим илмий манбалар, адиб қаламига мансуб бадий асарлар янгича нуқтаи назардан ўрганилади. Китоб XX аср қодирийшунослиги тарихи ва умуман, ўзбек адабиётшунослиги тарихининг илмий манзарасини намоён қилади. Муаллиф хориждаги қатор қодирийшуносларнинг асарларини ўрганиб, улар хусусида ҳам муайян илмий хулосалар беради. Энг муҳими, адабий-илмий манбаларга жаҳон адабиётшунослигида мавжуд мезонлар асосида ёндашилади.

Мазкур китоб филолог-мутахассислар, адабиёт муаллимлари, шунингдек, Абдулла Қодирий ижоди ўргатиладиган барча ўқув даргоҳларининг талаба ва ўқувчиларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: проф. У.НОРМАТОВ

Тақризчилар: проф. Н.КАРИМОВ,  
ф.ф.н. У.ЖЎРАҚУЛОВ

ISBN 5-648 – 03480-6

© Ўзбекистон Республикаси  
ФА «Фан» нашриёти, 2006 йил.

269.375

*Ушбу асарим боис етажасак савобни онам  
Зиёда Абдурахим қизининг руҳига бағишлайман.*

**Муаллиф**

## **К И Р И Ш**

Абдулла Қодирий ҳақида ўнлаб китоблар, юзлаб адабий-танқидий мақолалар ёзилган. Уларда адиб ижоди, ҳаётига тегишли маълумотлар турлича талқин қилинган.

Абдулла Қодирийнинг бадий олами, адабий-эстетик идеали билан талқинчининг илмий қарашлари орасидаги муносабат, ҳукмрон сиёсатнинг адабий талқинга таъсири, талқин ва таҳлиплардаги вульгар социологизм, субъективизм ва бошқа қатор масалаларни янгича илмий асосда ўрганиш муҳим.

XX аср ўзбек адабиётшунослигида, умуман, собиқ иттифоқдаги миллатлар адабиётшуноелигида бадий асар талқини кўпинча давр сиёсати йўриғида бўлди. Шу маънода адабиёт ва сиёсат жуфтлиги филология илмида ҳар вақт ёнма-ён келади. Хорижда эса ўзбек адабиёти, хусусан, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва Бехбудийлар ижоди бир оз ўзгача талқин қилинди.

Мазкур китобда масаланинг шундай жиҳатларига тарихий-қиёсий нуқтан назардан эътибор қаратилди. Адабий асарни, маълум бир ижодкор меросини, шахсиятини бор ҳолича тушуниш ва тушунтиришда архив ҳужжатлари муҳим аҳамият касб этади. Зотан, биографик маълумотларнинг илмий муомалага олиб кириш нафақат бадий асарнинг ўзини, балки унинг муаллифини, аниқ бир инсон қалбини, дарду дунёсини ҳис этишда ҳам аҳамиятлидир.

Бадий талқин негизида юксак образли тафаккур, воқеликни санъат тилига кўчириш туради. Адабиётшунослар ҳар доим ҳам ўша ҳақиқатни ўз ҳолича ёзишга имкон топа билмай, баъзан «эзоп тили»ни қўллаганлар. Шу йўсинда сиёсийлашган талқинлардан чекиниб, бадий асарнинг ҳақиқий эстетик моҳиятини намоён қилишга интилганлар. Ёзувчи бадий талқинининг тўла равишда, барча ғоялари, қарашлари, фикрларига мос ҳолда илмий тилга кўчиши, илмий талқинда ўз ифодасини топиши адабий-эстетик

ҳақиқатни юзага чиқаради; санъаткор ва олим орасида фикрлар мувозанати пайдо бўлади. Адабиётшунос асарнинг бадий концепциясини тушуниб, муайян фалсафий-эстетик принциплар, илмий-назарий методлар асосида талқин қилса, ҳар доим моҳиятга яқин келади.

Айни масалаларни мантиқий, изчил ва асосли равишда қодирийшунослик мисолида ёритиш XX аср ўзбек адабиётшунослигининг умумий ва хусусий ҳолатини тасаввур этишга ёрдам беради. Бир томондан, қодирийшунослик тарихининг умумий манзараси кўзга ташланса, иккинчидан, талқиндаги хилма-хиллик негизи, бадий талқин ва илмий талқин мувозанати, бадий асарни тушуниш ва тушунтириш, илмий талқин ва унга бошқа омилларнинг таъсири ойдинлашади. Қаламга олинган масалалар адабиётшунослигимиз тарихидан ибрат олиш ва ўз назарий қарашлари билан дунё адабиётшунослиги сари интилаётган ўзбек адабиётшуносларининг адабий-эстетик дидини такомиллаштириш учун ҳам муҳимдир.

Дунё адабиётшунослигида герменевтикани адабий талқин таълимоти, талқин назарияси сифатида адабий танқидчилик ва адабиётшунослик учун методологик асос қилиб олишга уринишлар кучли.

Герменевтика таълимотида «талқин» сўзи истилоҳий мазмунда келади. Герменевтиканинг ўзи эса, Ғарбда матн талқини назарияси ва амалиёти ҳамда замонавий фалсафадаги оқимлардан бири маъносидан изоҳланади.

Адабий талқин назарияси, бадий матнни тушуниш ва тушунтириш методологияси сифатида адабиётшунослик соҳасида хусусийлашганда герменевтика ўз фалсафий-назарий имкониятлари кенглигини намоён қилади. Бироқ бу таълимот доирасида шаклланиш жараёни кечаётганлигини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Чунончи, немис олимлари герменевтикани айни фалсафий тушунчанинг тараққиёт босқичларидан келиб чиққан ҳолда ўз моҳиятига мувофиқ қўллайди. Бошқалар эса, масалан, ҳатто англиялик, америкалик олимларнинг аксарияти герменевтикани оддий «интерпретация» маъносидан ишлатади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Jeremy Hawthorn. Grundtheorie moderner Literaturtheorie. Basel, 1994. 117-120.

Шундай экан, бу ўринда герменевтикага доир айрим маълумотларни баён этиб ўтиш жоиз.

«Герменевтика» грекча «hermeneukos» сўзидан олинган бўлиб, «тушунтирувчи», «талкин этувчи» маъносини беради. Истилохнинг ўзи ҳам қадим грек афсоналарига бориб тақалади. Ривоятларга кўра, Олимп тоғидаги «илох»ларнинг амр-фармон ва хабарларини Гермес одамларга олиб келиб, тушунтириб, талкин этиб берганмиш. Қадим Рим мифларида бу вазифани Меркурий (Аторуд) бажарган эмиш. «Гермес» билан «герменевтика» орасидаги талаффузда ҳам, вазифадошликда ҳам яқинлик бор<sup>2</sup>. Қадимги юнон файласуф ва филологлари герменевтика асосида қадимги юнон шоирларининг, энг аввало, Гомер асарларини талкин қилган, турли рамзларни шарҳлаганлар. Ўрта асрларда герменевтика Инжилни талкин этишда қўл келган.

Герменевтикани талкин назарияси сифатида юзага чиқаришда немис руҳоний уламози ва файласуфи Ф.Шлейермахер (1768-1834), файласуф В.Дильтей (1833-1911), экзистенциалист-файласуф М.Хайдеггер (1889-1976) ва унинг шогирди Г.Г.Гадамер (1900-1991) катта хизматлар қилди.

«Герменевтика - бу амалиётдир, -дея ёзади Г.Г.Гадамер. - Ҳақиқатни ёлғиз бир одамгина англаб олиши ва бу ҳақда бошқаларга хабар бериши мумкин эмас. Бу герменевтиканинг фундаментал асосидир»<sup>3</sup>. Шундай экан бошқача фикрлайдиган кишиларни ҳам тинглаш ва уларнинг айтганларини тушуниш керак - герменевтиканинг моҳиятига бу ҳам тегишли.

«Бутунни қисм асосида ва аксинча қисмни бутун асосида тушуниш лозим»<sup>4</sup>. Г.Г.Гадамер тушунишда герменевтиканинг ана шу қондасига амал этади.

Алоҳида олинган сўз гап таркибига, гап эса матн таркибига, матн ёзувчи асарлари таркибига, ёзувчининг ижодий маҳсули бутунни ташкил қилиб, қандайдир жанр ёки адабий тур таркибига киради. Иккинчи томондан, матн бир бутунлигича ёзувчининг маънавий дунёсига алоқадор. Демак,

---

<sup>2</sup> Борев Ю. Эстетика. М., 1988. С. 430.

<sup>3</sup> Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. М., 1991. С.8.

<sup>4</sup> Там же.

тушуниш ана шу объектив ва субъектив жиҳатлар қамровида тўлиқ намоён бўлиши мумкин.

Рус адабиётшунослигида герменевтика билан М.М.Бахтин шуғулланди. У бошқа бир маданиятни тушуниш учун унга «кўчиб ўтиш» шарт эмас, аксинча ўз маданияти доирасида мустақкам туриш керак, деб ҳисоблайди.

Тушуниш - бу бошқа бир инсоннинг маънавий-руҳий оламини англаш, ҳис этиш, унинг мақсад, ғоя ва ниятларини уқиб олиш демакдир. Чунончи бадий асар соҳиби ҳар доим ҳам ўз қалбида кечаётган туйғуларни, инсон ва борлик хусусидаги ҳиссий қарашларини қоғозда тўлиқ ифода эта олмайди. Шу сабаб муаллифнинг маънавий дунёси, бадий олами матнда ифодаланган мазмунга нисбатан анча кенг бўлади. Тушунишдаги субъективлик ҳам, тарихийлик ҳам, психологизм ҳам ана шу жиҳатни инобатга олади.

Ижодкор қалами остидан чиққан ҳақиқий санъат намунаси - мўъжизакор бадий асар матндир. Матн йўқ жойда тушуниш ва тушунтириш, талқин ва таҳлил хусусида гап бўлиши мумкин эмас. Матн объектив оламнинг субъектив инъикоси, тушунчалар ифодасидир. Бадий асар матни - талқин объекти. Адабиётшунос ва мунаққид шу манбани талқин этади. Ҳар қандай бадий асар ўз субъекти (ёзувчиси, ижодкори)га эга бўлганидек, ҳар қандай илмий тадқиқотнинг ҳам ўз субъекти (ёзувчи-тадқиқотчиси) бўлади. Демак, иккиламчи бир объект юзага келади. Қолаверса, ижтимоий фан соҳасининг энг муҳим хусусияти ҳам шу, яъни ғоялар ҳақида ғоялар, сўзлар ҳақида сўзлар, матнлар тўғрисида матнлар ёзилади.

Танқидлар танқид этилади, талқинлар талқин қилинади.

Бадий асар матнини тўғри, ўз ҳолича, ҳеч қандай мафкуравий-сиёсий таъсирларга берилмасдан тушуниб олиш натижасида, унда тасвирланган воқеа-ҳодисалар, ҳис-туйғулар тўғри ва ўз ҳолича илмий тилга кўчади.

Тушуниш бир томондан матн моҳиятини, иккинчи томондан талқин этувчининг маънавий дунёси ва билиминини кўрсатади. Тушуниш икки қирралидир. М.М.Бахтин ибораси билан айтганда, унда иккита онг, икки субъект иштирок этади. Тушунтиришда эса бир онг, бир субъект ўзини намоён қилади.

«Тушуниш», «тушунтириш», «тушунишдан олдинги ҳолат» бир-бири билан ўзаро боғлиқ истилоҳлар ҳисобланади. Тушуниш талқин жараёнининг ижодий натижасидир. Талқин - тушуниш ва тушунтириш жараёни. Юқорида айтганимиздек, адабиётшунос ва адабий танқидчилар бадий асар матни билан иш кўради. Мусикашунос эса ижро этилаётган куйни, санъатшунос расмларни, таржимон фикрларни, ҳуқуқшунос юридик қонунларни, актёр драматик образларни, театршунос сахнани, математик олим формулаларни талқин этади.

Гарчи, жуда кўп ўзбек адабиётшунослари герменевтиканинг кўплаб принципларини ўз илмий фаолиятларида қўлласалар ҳам, ўша фикрлаш тарзи, гипотезалари, таққослари, ҳукм ва хулоса чиқариш усулларининг қайсидир жиҳати герменевтикага дахлдорлигини ҳаёлига ҳам келтирмайдилар.

Чунки биз яқингача диалектик метернализм фалсафасидаги гносеология - билиш назариясини чуқур ўрганганимиз ҳолда герменевтика таълимотининг жаҳон илм-фанидаги атамасидан ҳам аксар ҳолатларда беҳабар қолдик. Шу сабаб ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида бу атама кам учрайди<sup>5</sup>.

Ўзбек илм-фанида, адабиётшунослигида герменевтиканинг тутган ўрни ва ишланиш доираси, албатта, қониқарли эмас. Жаҳон адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги бадий асар матнини тушуниш, тушунтириш ва талқин қилишда муайян принципларга амал қилади. Герменевтика асосида иш кўрилганда матн моҳияти сохталаштирилиб, қандайдир ўткинчи мафкуравий манфаатларга қурбон қилинмайди. Бадий асарни ҳар ким ўзича, ўз дунёқарашига мос билими ва ҳаётий тажрибаси даражасида тушунади, ҳис этади. Асарда йўқ нарса изланмайди, бор нарса беркитилмайди. Лозим ўринда бутун диққат-эътибор муаллиф шахсиятига ёки асар яратилган тарихий шарт-шароитга ёхуд муайян қаҳрамон дунёсига қаратилади.

Герменевтика талқинчига матни талқин этишнинг назарий-методологик усулларини кўрсатади. Бадий матндаги

---

<sup>5</sup> Ҳотамов Н. Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Тошкент: Ўқитувчи, 1983. 81-82-бетлар;  
Р а с у л о в А. Танқидчилик уфқлари. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. 38-40-бетлар.



қахрамонларни талқин этувчи ўз шахсияти билан таққослайди - идентификациядан кенг фойдаланади. Герменевтик доира воситасида матннинг «ичига кириши» мумкин бўлади...

Бу таълимотининг қатор афзалликлари борлиги шубҳасиздир.

Маълумки, адабиётшунослик ўтмиш Шарқ маданиятида хилма-хил шаклларда мавжуд бўлган. Бироқ бир савол туғилади: ўрта асрлар Ғарб илм оламида Инжил матнини талқин қилиш воситаси бўлган герменевтикага мос келадиган илм Шарқ халқлари маданияти тарихида мавжудми?

Бунга жавобан беихтиёр Қуръони Карим тафсирлари, Ҳадиси шариф шарҳлари хаёлга келади. Муслмон-Шарқ дунёсида мазкур муқаддас китоб Қуръон муносабати билан хилма-хил йўналишдаги кўплаб тафсирлар майдонга келгани ҳақиқатдир.

Тафсирларнинг эса турлари кўп. Ибн Касирнинг «Тафсирул қуръанил аъзим» асарига доктор Абдурахмон Муръашлий ёзган муқаддимадаги маълумотларга кўра, тафсирларнинг луғавий, аклий, фикҳий, тарихий, фирқалар ва мутасаввифларнинг тафсирлари каби турлари мавжуд<sup>6</sup>.

Олимп тоғидаги «илоҳ»ларнинг хатлари ва Инжил матнини шарҳлаш учун Ғарбда шаклланган герменевтика таълимоти билан Қуръони Карим оятларини шарҳлаш ва тушунтириш тарзида вужудга келган илми тафсир орасида ҳам луғат, ҳам моҳият эътибори билан ўхшашлик бор. Айтиш мумкинки, Шарқда ҳам герменевтика ўзига хос шаклда мавжуд бўлган.

Аммо, илми тафсир ва илми шарҳ сингари «Шарқ герменевтикаси» муайян тараққиёт босқичларини босиб ўтиб, XX аср ўзбек адабиётшунослиги учун замин бўлган эмас. Бу илмлар ўзининг баҳс юритадиган мавзу доирасини кенгайтириб, Ғарбда «силжиш» юз берганидек, бадий адабиёт илми доирасига кириб келмади. XX асрда ўзбек адабиётшунослари Шарқдаги анъанавий илмий тамойилларга эмас, балки Ғарб олимларининг илмий-адабий мезонларига мурожаат этишга мажбур бўлдилар. Нима бўлганда ҳам,

---

<sup>6</sup> Абу Фидо Исмоил ибн Касир. Тафсирул қуръанил аъзим. Байрут: Дорул маърифат, 1984. 17-бет.

«Шарқ герменевтика»си билан Ғарб герменевтикасининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари қиёсан ўрганилиши лозим бўлган масалалардан биридир.

Фикримизча, бугун ўзбек адабиётшунослиги жаҳон илм-фанидаги энг илғор назарий-фалсафий мезонлардан истифода этиб, Ғарб ва Шарқ адабиётшунослигини синтезлаштириб, ўзига хос фундаментал йўлга чиқиши учун имконият пайдо бўлди. Қодирийшунослик асосига қурилган мазкур тадқиқот шу йўлдаги дастлабки уринишлардан биридир.

Ўтган юз йилликда шундай чуқур илмий талқинлар мавжуд бўлганидек, афсуски, бирёқлама ғайриилмий, вульгарлашган ва субъективлашган илмий мақолалар ҳам ёзилди. Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Фитрат ва бошқа машҳур ижодкорларнинг ҳаёти, дунёқарashi, асарлари ва қаҳрамонлари хусусидаги илмий асарларда ўша ҳолат кўзга ташланади.

Санъат асарининг ғоявий-бадий моҳиятини тушуниш ва тушунтиришда нафақат филологик билим, балки ижодкор биографиясига тегишли маълумотларни, рамзий имзоларнинг асл ҳақиқатини, тарихий шарт-шароитни билиш психобиографик талқин учун муҳимдир. Қодирийшунослик тарихида ижтимоий-социологик, ғоявий-эстетик талқинлар билан бирга психологик, биографик, этик, структурал ёндашувлар ҳам кўзга ташланади.

Шунингдек, ушбу китобда Абдулла Қодирий романларининг ўзбек романчилигига таъсири, хронотопи, маълум бир маънавий-ахлоқий талқинига, умуман, бадий матнга оид янгича назарий қарашлар ҳамда хориждаги қодирийшунослик масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

## ҚОДИРИЙ ИЖОДИГА ДАСТЛАБКИ ҚАРАШЛАР («Ўткан кунлар» ва 20-30-йиллар муҳити)

20-йилларнинг мураккаб маънавий муҳитида шаклланган замонавий адабиётшунослик ва адабий танқидчилик матбуотда кўзга кўрина бошлаган ёш ижодкорларга, шунингдек, алоҳида нашрдан чиққан бадий асарларга эътибор берди. Бу даврда маълум бир шахс ижодини талқин этувчи мақолаларни ҳам, алоҳида олинган бадий асар ёки лирик тўпламга тегишли тақриз характеридаги чиқишлар, баҳс-мунозара ва умумтавсифий мақолаларни ҳам учратиш мумкин. Улар жиддий текширилса, адабий жараён ҳолати, нисбатан эркин ижодий муҳит ва бегараз дастлабки талқинлар ҳолати намоён бўлади.

Абдулла Қодирий гарчи, «Бахтсиз куёв», «Жувонбоз», «Улоқда» каби асарлари, айрим шеърлари ва айниқса, ҳажвий-публицистик чиқишлари билан адабий жамоатчилик орасида яхши танилган бўлса-да, 20-йиллар аввалида унинг ижоди юзасидан махсус мақолалар ёзилган эмас, махсус таҳлил қилинган эмас. Давр адабий кечимига доир умумтавсифий мақолаларда истеъдодли қалам соҳиблари қаторида санаб ва у ҳақда йўл-йўлакай бир-икки жумла ёзиб ўтилди. Бу манба-маълумотлар Абдулла Қодирий ижодига бағишланган илмий ишларда деярли эсга олинмайди.

«Инқилоб» журнаlining 1922 йилги бир неча сониди Б.А.Пестовскийнинг «Ўзбек театрининг тарихи» сарлавҳали мақоласи босилади. Муаллиф ўзбек сахна асарлари борасида қанчалик батафсил маълумот беришга уринмасин, барибир айрим муҳим асарларни назардан қочиради. «Равшан» имзоси билан Б.А.Пестовский чиқишига жавоб тарзида ёзилган «Ўзбекларда театр» номли мақолада ўша камчиликлар кўрсатилади ва Жулқунбойнинг 1915 йилда ёзган «Бахтсиз куёв»и алоҳида тилга олинади<sup>7</sup>.

Абдурахмон Саъдий «Октябрь ўзгариши ва ўзбек адабиёти» мақоласида: «Жулқунбой кўпдан ёзиб келадир, бунда ҳажвга истеъдод ва бу тўғрида унинг қаламида қувват

<sup>7</sup> Р а в ш а н . Ўзбекларда театр. Инқилоб. 1922. №5-6.

яхши кўриладир», деб ёзади (Туркистон. -1922. -7 ноябрь). Шу каби саноқ ва мулоҳазалар Али Исмоилзоданинг «Адабиёт гавғоси» (Туркистон. 1922 йил, 23 декабрь), Незмат Ҳакимнинг «Ўзбек адабиётида танқид ва адабий муҳокамалар» (Туркистон. 1924 йил, 25 июнь.), Вадуд Маҳмуднинг «Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз» (Маориф ва ўқитғучи. 1925. № 4.) каби мақолаларида ҳам кузатилади.

Абдулла Қодирийнинг қалами ўткирлиги, ҳажвга усталигини таъкидлаган муаллифлар негадир адиб романига муносабат билдиришмади. Журналда босилган қисмлари тугул, ҳатто, алоҳида-алоҳида китоб кўринишида напир этилганда ҳам, танқидчилик шавқ билан ўқиладиган романнинг томошабини бўлиб турди. Баъзан «Ўткан кунлар» номигина тилга олинди. «Роман ёзишнинг биринчи қадамини босқон киши Жулқунбой бўлди» (А.Саъдий). «Ҳикоя ва айниқса, ҳажвий ҳикоялар ёзмақда кўб усталик кўрсатувчи кучлик ёш инқилобий ўзбек адиби Жулқунбой (Абдулла Қодирий) ҳам шу олти йиллик даврда ўзининг шеърӣ адабиётининг бу ёқдан кўтарилишида катта бир омил бўла олди. Бу шеърӣ истеъдодли «Инқилоб» журналида босилиб келган «Ўткан кунлар» деган романи билан ўзбек шеърӣ адабиёти майдонида роман ёзувчилиқнинг биринчи қадамини босиб юборди»<sup>8</sup>.

Хўш, адабий танқиднинг сукутини, «Ўткан кунлар» талқинига дарҳол киришмаганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Асар жанрига кўра ўзбек адабиётида мутлоқ янгилик эди. Йирик жанрдаги асарларни махсус тадқиқ этишнинг концепциялари ҳали адабий танқидчиликда шаклланмаган эди. Фикримизча, мунаққид, адабиётшунослар «Ўткан кунлар»га ёндашувнинг назарӣ билимлари билан қуролланишлари учун бир неча йил лозим бўлган кўринади<sup>9</sup>. Бу жараён 1925 йилги РКП (б) МКнинг қарори чиққан, 1927 йилги Ўзбекистон қизил маданиятчиларининг II қурултой бўлиб ўтган, Чўлпон ва Мунаввар қорилар аёвсиз танқид

<sup>8</sup> Саъдий А. Олти йил ичида ўзбек шеърӣ адабиёти. Туркистон. 1924 йил 21 июнь.

<sup>9</sup> Нодир, адабий дурдоналарга ўзига хос оригинал ёндашувлар учун махсус тайёргарлик, атрофлича кенг филологик билим лозим.

этилаётган, шунингдек, марксизм таълимотининг фалсафий асослари рус тилидан ўзбек тилига ўтирилаётган ҳамда синфийлик нуктаи назарини нафис адабиётга татбиқ этишга уринишлар бошланиб қолган даврга тўғри келади.

20-йиллар охири 30-йиллар бошларида янгича ижтимоий сиёсатга мос адабий-илмий муҳит яратиш йўлида ҳаракат этган Айн (Олим Шарафиддинов), Миён Бузрук, Сотти Хусайн, Жалил Бойбулатов, Абдурахмон Саъдий, Отажон Ҳошим каби қатор шахсларнинг асарларида вульгар социологик талқинлар мавжуд эди.

Вульгар социологизм, файласуфлар фикрича кенг маънода «ижтимоий ҳодисаларни сийқа талқин қилишдан иборат бўлиб, бундай талқин қилиш тарихий материализмни бузади, чунки у ижтимоий тараққиётнинг айрим факторларини: техникани, ишлаб чиқаришни ташкил этиш формаларини, экономикани, сиёсатни, идеологияни бир томонлама бўрттириб кўрсатади. Тор маънода - идеологиянинг синфий шарт-шароитга боғлиқ эканлигини сийқа тушуниш»дан иборатдир. Ҳар ҳолда санъат ва адабиётдаги вульгарлашув ҳодисаси нафақат ўзбек адабиёт-шунослари, балки ўша даврдаги В.Шулятиков, В.Переверзев, В.Фричега ўхшаш рус олимлари ижодида ҳам мавжуд эди. Буларга жавобан ўша пайтдаёқ вульгар социологизм бадий адабиётдаги мураккаблик ва зиддиятларни ифодалай олмаслигини, санъат асарини тушуниш ва тушунтиришдан ожизлигини ёзиб чиққан муаллифлар ҳам бўлди.

Бадий асарни сийқа, бирёқлама талқин этувчи маданиятимиз, адабиётимиз тарихидаги вульгар социологизм асосини синфийлик ва синфий кураш мезони ташкил қилади. Бу мезон «жадидчи», «миллатчи», «майда буржуазия» вакили бўлган ижодкорларни бадном этди, машъум қатлгоҳ сари етаклади. Бадий асарни ёзувчи идеалига тескари тушуниш ва ёзувчи шахсиятини қоралаш мақсадида тушунтириш герменевтика қонуниятларига мутлақо бегонадир. Зеро, 30-йиллар мунаққидлари учун ҳолис илмий талқиндан кўра сиёсий қарорлар муҳимроқ ва асосий мезон эди. 20-йилларнинг охири ва 30-йиллардаги бу ҳолат бадий адабиёт устидан юритилган сиёсат, сўз эркинлигининг бўғилиши, нафис адабиётнинг партия қарорларини тарғиб-ташвиқ этадиган мафкуравий қуролга айлантириш жараёни билан

изоҳланади. Адабиётга партиявий, синфий нуқтаи назардан қараш давр талаби эди. Ўз замонасининг мунаққид ва адабиётшунослари шу талаб-заруратни четлаб ўтган эмас. Зотан, юқорида айтганимиздек, сиёсий-мафкуравий талаб янги жамият қурилишида қатнашаётган ижтимоиятчилар тарафидан бадиий адабиётнинг қони-қонига сингдирилиши учун махсус қарорлар пайдо бўлган эди.

Бундай қарорларни қўллаб-қувватловчи махсус мақолалар майдонга келди. «Фирқа йўлигина пролетариат адабиёти гегемониясига олиб келади. Бу ҳаммамизга маълум. Бу йўл билангина ўзбек пролетариат адабиёти етишадир, тараққий этади, ўз гегемониясига эришадир. Бу йўл эса Марказий Қўмитанинг «Фирқанинг нафис адабиёт жабҳасидаги сиёсати» тўғрисидаги қароридан кўрсатилгандир. Бизга уни ўзбек пролетариат адабиётини ўсдириш, етишдириш ишида тўғри татбиқ қилишгина қолади»<sup>10</sup>. Мафкуравий майдон «тозариб» олиш эҳтиёжини сезарди. Негаки бу майдонда «тескаричи»лар, «қора гуруҳ аъзолари», «миллатчи»лар, «майда буржуазия» вакиллари ва бошқа пролетариат адабиётининг ривожига ҳалакит берувчи турли-турли «душман» тоифалар урчиб кетган ҳисобланар эди. «Душман» шоирлар шеър эмас, оғу тарқатар эдилар гўё. Демак, қарор асосида ўшаларга қарши курашмоқ лозим эди.

Маъхур тарихий ҳужжатнинг ҳазм жараёни узоққа чўзилмади. 1927 йили «Қизил Ўзбекистон» газетасида Айн (Олим Шарафиддинов)нинг Абдулҳамид Чўлпон ҳақидаги мақоласи пайдо бўлди ва ўн йилларча давом этган «чўлпонизм» баҳсларининг эшиги очилди. Бу пайтга келиб, замона аллақачон қалтислик сари юз бурган эди. Чўлпон типидagi ижодкорларнинг миллатпарварлиги, ватанпарварлиги, хаёлга берилиши «миллатчилик», «ватанпарастлик», «бадбинлик» ва «жинниларча ҳовлиқиш» тарзида талқин этилар эди. Кун-бакун мустаҳкамланиб бораётган «давлат механизми» миллий кайфиятдаги зиёлиларни мажақлаб ташлашга чоғланмоқда эди. Санъат ҳам, адабиёт ҳам, илм ҳам, хусусан, адабий танқид ҳам ягона давлат сиёсати учун дастёрлик оstonасига келиб қолган эди. Бу «азиз вазифа»нинг

<sup>10</sup> Хошимов О. Ўзбек пролетариат адабиёти учун курашмақ керак. Аланга. 1930. №7-8.

дастлабки маҳсули, албатта, Айннинг Чўлпон мафкураси ва ёшларга таъсирини текширувчи мақоласи бўлди.

Бир мулоҳаза: ҳозирги давр кўзи билан қараганда, айниқса, чўлпонлар, қодирийлар эъзозланаётган бугунги кунда мақоладан жуда кўп кўчирмалар олиб, Айнни аёвсиз танқид этиш мумкин. Мақолада иқтибосбоп ўринлар анчагина. Аммо яна бир нарсани айтиб ўтиш керак. Мақоладаги айбловга ташналик оҳангини озгина таҳрир қилиб ўқиб кўрайлик. Шунда марксист мунаққид томонидан Чўлпон шеърларига хос айрим хусусиятлар тўғри илғаб олингани маълум бўлади: Чўлпон ҳис-туйғуларини рамзий йўсинда ифода этади; Чўлпон ватан озодлигини севади; Чўлпон мустамлакачи руслар сиёсатини ёқтирмайди; Чўлпон миллий шоир, ҳеч қачон пролетариат шоири бўлмаган, бўла-олмайди ҳам ва х. к.<sup>11</sup>

1928 йили Фитрат томонидан тузилган, О.Ҳошим тарафидан «Сўз боши» ёзилган «Ўзбек адабиёти намуналари» китоби нашр этилади. Илмий соҳадаги бирёклама синфий қарашнинг, вульгар социологизмнинг юзага келиш ана шу китоб билан ҳам боғлиқдир. «Вульгар социологизмнинг ашаддий намояндаси Ж.Бойбўлатов китобнинг тузувчисига ҳам, «Сўз боши» муаллифига ҳам кўполлик билан ҳужум қилиб, улар адабий меросни халқ ўртасида ташвиқ қилганлари учун қоралади»<sup>12</sup>. Бу ўринда Ж.Бойбўлатовнинг 1928 йили 13 мартда «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган «Ўзбек адабиёти ва чигатойчилик» мақоласи назарда тутилади. Унда муаллиф Фитратга «миллатчи», «чигатойчи», «пантуркист», «панисломист» каби ўша даврда фақат салбий маънодагина ишлатилувчи айбномаларни тақади<sup>13</sup>. Фитрат ўта илмий ва

<sup>11</sup> Бу ҳақдаги баҳсларга қаранг: Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. Тошкент: Ёзувчи, 1994.

<sup>12</sup> Юнусов М. Барҳаёт мерос саҳифалари. Тошкент: Ўқитувчи, 1986. -Б.33.

<sup>13</sup> Изох: Мақола рус тилига ҳам таржима этилган, Ж.Бойбўлатовнинг 1932 йили чиққан «Чигатаизм-пантюркизм в узбекской литературе» деган китобига ҳам киритилган. Ж.Бойбўлатовнинг «оҳужуми» совет ҳукуматининг маҳсус топшириғи эканлигини, миллий мафкура, миллий тарих ва миллий кадриятлардан ажралиб, интернационализмга юз буришга тарғиб-ташвиқлигини Тоҳир Чигатой ўзининг «Алишер Навоий ва совет ҳукумати» («Ёш Туркистон» журнали, 1939 йил 112-113-114 сонлар) номли мақоласида таъкидлайди. Ж.Бойбўлатов муносабатларининг оқибати нима билан яқун топди, деган саволга Т.Чигатой шундай жавоб ёзган эди: «Бу нашриёт натижасида совет ҳукумати маориф қўмиссарлиги

маданий бир йўсинда ўзини ҳимоя этди. Ж.Бойбулатовга «Ёпишмаган гажаклар» деган очик хатини ёзди<sup>14</sup>.

30-йиллар арафасидаги ижтимоий-маданий ҳаётда «хужум» ва «ҳимоя»ларнинг кўлами кенг эди. Хужумкорлар ортида бутун бошли ижтимоий тизим, миллий туйғуси кучли ва ўзлигини теран англаган ойдин зиёлиларнинг қаламини синдиришга, ёстиғини қуришга қаратилган қизил кучларнинг шопмўйлов арбоблари турар эди. Миллий ёзувчилар эса, ўз қалами, ўз виждони, ўз иймон-этикодини ўртага кўярди, холос. Деярли қизил аждаҳонинг оғзи очилган, қурбон талабида қонсираш жазавалари бошланиб қолган эди. Тафаккур ва таҳайюл денгизига шўнғиб, маржонлар шодасини термоқчи бўлган ижодкорлар фикри кишанга олинган эди.

Маълумки, ижодкор эрки, эркин мушоҳадаси бўғилган муҳитда муайян типдаги маҳдудлик адабиёти юзага келади. Бунда ҳукмрон сиёсий мафқурани оммалаштирувчи, турмушдаги ўткинчи маиший муаммоларни баён этган замонабоп асарлар «санъат намунаси», «энг долзарб мавзунини ёритган қимматли бадиий асар» тарзида улуғланади. Аммо эрксизлик, социал талаб ва мажбуриятлар туфайли қаламдан томчилаган ўзгалик руҳи уларни ўлимга маҳкум этади. Шу боис, Владимир Короленко сингари ёзувчилар инқилобдан кейинги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётни таҳлил қилиб, ижтимоий адолат ва ижодкор, умуман, инсон зотининг ҳақ-ҳуқуқлари топталмаслиги илинжида ҳукуматнинг масъул лавозимидаги раҳбар ходимларига туркум хатлар ёзди<sup>15</sup>.

Шунингдек, вазиятни чуқур англаган шоир, файласуф ва адабиётшунос Дмитрий Мережковский 1926 йилда ёзган «О мудром жале» номли мақоласида ўз маслақдошларига қарата қуйидаги мулоҳазаларни айтади: «Янги уй» бинокорлари, мен сизларга бор-йўғи бир жуфт сўз айтмоқ истайман.

---

тарафидан чиқарилган «Намуналар»ни истъмоладан монёъ этди, иккинчи жилдини ундан тушунилган шаклинда ҳозирловни тўхтатдирди, («Ёш Туркистон» журн, 1939. №112. 31-бет).

<sup>14</sup> Фитрат. Ёпишмаган гажаклар. Қизил Ўзбекистон. 1929 йил. 15, 16 май.

<sup>15</sup> Кафанг: Брюсов В. Свобода слова. Литературная газета. 1990. 22 август. Шунингдек, Короленко Вл. Луначарскийга ёзилган хатлар // Шарқ юлдузи. 1989. №6. (Рус тилидан Нуруллоҳ Отахонов таржимаси).



Фикр эркинлиги - мана менинг бир жуфт сўзим, шу икки сўздан менинг ниятимни илғаб оласизлар, деб ўйлайман.

Фикр эркинлиги ҳозир Россияда шу даражада кишанга солинганки, дунё ҳалигача бундай аҳволга гувоҳ бўлган эмас. Фикрни бўғмай туриб, Россияни қўлга олиб бўлмаслигини фикрга кишан солувчилар жуда яхши тушунадилар. Бу ўта даҳшатлидир. Бироқ, ажабланарлик эмас»<sup>16</sup>.

Бундай ҳолат нафақат Россия, балки барча жумҳуриятларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва адабий-илмий муҳитига хос хусусият эди. Жумладан, Ўзбекистон учун ҳам. Умуман, 20-йилларнинг охирига келиб, 30-йиллар арафасида, «пролетариат иши», «пролетариат мафкураси», «пролетариат адабиёти» учун хизмат қилишга бел боғлаган янги авлоднинг адабий-илмий ҳаётида ижодкорнинг индивидуал ҳолатига эътиборсизлик, интеллектуал қобилиятини менсимаслик, уларга тайёр социал мавзулар таклиф этиш амалий тус олди; «муҳит эрки»да (Чўлпон таъбири) қилдан кийик ахтариш, ноҳақ тухматлар уюштириш кайфияти секин-аста кучая борди. Ўзлигини чуқур англаган, ўз миллатининг истиқболи кўйида қайғураётган фидокор зиёлилар ва истеъдодли ижодкорлар тўғрисида, уларнинг фаолиятини нотўғри талқин этадиган мақолалар юзага келди.

Жумладан, юксак истеъдод соҳиби Абдулла Қодирий ҳақида ҳам. Дастлаб, Михаил Шевердин чикди. Унинг 1928 йили ёзилган «Биринчи ўзбек романи» мақоласида жиддий илмий талқиндан кўра ижтимоий-сиёсий ёндашув ва маслаҳат оҳанги кучли. Қандай бўлмасин романи замонавий сиёсатга мослаш, бепоён бадийят денгизини тор бир қўлмакка айлангиришга уриниш сезилади. Шу сабаб муаллиф «Ўткан кунлар»нинг бадий юксаклигини, бақувват ва бетакрор роман эканлигини тушуниб тургани ҳолда, унинг нуқсон ва камчилигини, таҳрирға лойиқ «ғоявий хатолари» борлигини айтaveraди. Романи пролетар адабиётининг, социалистик жамиятнинг аллақандай мужмал, санъат қонуниятларидан узоқ принципларига мувофиқлаштирмақчи бўлади. Шунга биноан янгидан-янги «нуқсон»ларни ўйлаб топаверади.

---

<sup>16</sup> Мережковский Д. Акрополь. М., 1991. С.315.

Адабиётшунос олим, академик Матёкуб Қўшжонов М.Шевердин мақоласидаги баъзи ғалати, ғайриилмий, вульгар социологизм иллатини намоён этган ўринларига тўхтала туриб: «Мунаққиднинг бу хилда фикр юригишлари, умуман, мазкур мақоланинг ёзиб эълон қилинишидан маълум бир мақсад кўзда тутилгани сезилиб туради. Асосий масала биринчи ўзбек романига мафкуравий баҳо бериш, ҳатто бу баҳони сиёсий қарашларга олиб бориб боғлаш эди», деган ҳақли фикрни ёзади<sup>17</sup>.

Гарчи, М.Шевердин романи «ғоявий жиҳатдан бизга ётдир» дея инкор этган бўлса-да, «жуда катта бадий қимматга эга» эканлигини ҳис қилган эди. Инсоннинг иймон-этиқодига, илоҳий акидаларга тубдан қарши бўлган, тобора даҳрийлашаётган социалистик жамиятнинг курашчан мунаққиди, табиийки, романинг ич-ичига сингиб кетган илоҳий нурдан кўркмасдан илоҳи йўқ эди. Зеро ғоялар, тушунчалар, дунёқарашлар тўкнашаётган, ўзаро курашаётган ва давлат миқёсида кенг қулоч ёзаётган шароитда шевердинлар «Ўткан кунлар»ни ҳазм қилишга қийналдилар. Ҳатто, «муаллифнинг хавфли» ғояларидан китобхонлар заҳарланиб, «дарров мусулмон қаҳрамонлардан ўрнак» олиб, Аллоҳнинг улуғлигини зикр этиб қўйишларидан чўчидилар. Ўтмишда мусулмонобод бўлган даврларнинг реал манзараларини намоз ва таҳоратсиз тасаввур этиш қийин. Зотан, таҳоратсиз шайтоний васвасалар комида ёзилган семиз тарихий китоблар бугун таҳрирга муҳтожлигича қолмоқда.

Адабиётшунослигимиз тарихида Абдулла Қодирий дунёқарашининг турли кирралари жиддий талқин этилди. Асарларидаги ифода хусусида кўп гапирилди. Аммо, адиб маънавий-руҳий дунёсининг асосий моҳиятини ташкил қилувчи энг катта омил – исломий тушунчаларнинг бадий ифодаси масаласи холис ўрганилмади.

Асарни жиддий таҳрир этишга чанқоқлик, ёзувчининг дунёқарашини билан ҳисоблашмаслик, сўз санъатининг нозик ва нафис спецификасини назар-писанд қилмаслик, ҳар қандай адабий воқеликка фирқанинг сиёсий-мафкуравий

<sup>17</sup> Қ ў ш ж о н о в М. Қодирий – эркисизлик курбоналиги. Тошкент, 1992. 7-бет.

позициясидан синфий ёндашиш, ўзгани хатокор, ўзни мутлок ҳақгўй дея тасаввур этиб, бошқага йўл кўрсатиш ва ақл ўргатишга иштиёқмандлик - буларнинг барча-барчаси вульгар социологизм иллати негизидаги бирёқлама сиёсий талқинларнинг асосий хусусиятлари эди. Зотан, юқорида фикрлашганимиз - М.Шевердиннинг «Ўткан кунлар»га муносабати бу иллатнинг ёрқин намунаси.

Реал ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар санъат тилига кўчганда орада фарқланиш бўлиши табиий. Ёзувчи тарихчи эмас. Демокчимизки, бадий талқинда ижодкорнинг ўз олами, ўз қарашлари гўзаллик қонуниятлари негизида акс этади. Шу сабаб бадий талқин билан ҳаётдаги воқелик орасига тенглик аломатини қўйиш ўта жўнлик саналади. Ўқувчи, китобхон, боринги, тадқиқотчи бадий матн ичига кириб, асар қаҳрамонлари билан бир ҳаводан нафас олиб, уларнинг саргузаштларига ҳамқадам юргани ҳолда воқеликни ўз ҳаётий тажрибаси билан солиштириш мумкин. Бу қиёслар ночор, содда, қотиб қолган ва жўнлашган қарашлардан анча юксалган, бадийят, санъат соҳасидаги илмий эҳтимоллар даражасига кўтаришган бўлиши лозим. Зеро, талқин таълимоти қайсидир маънода шуни ҳам талаб этади, албатта.

\* \* \*

Мукамал бадий асар мунаққид ва адабиётшуноснинг бахти. Александр Пушкиннинг гўзал асарлари нафақат шоирнинг ўзини, балки В.Г.Белинскийдек, мунаққидни ҳам дунёга танитди; бекиёс шухрат келтирди. М.Бахтин ўзининг янгича жаҳоншумул назарий қарашларини Ф.Достоевский ва Ф.Рабле каби ижодкорларнинг асарлари моҳиятидан келтириб чиқарди. Бу завкли ва гаштли эслатмалар, албатта.

Аммо адабиёт тарихида шундай ғаройиб ҳолатлар ҳам бўладики, энг истеъдодли ёзувчи ва энг гўзал романлар муносабати билан бирга ўша объектни асосли-асоссиз танқид этган кишилар ҳам тилга олиनावеради.

«Ўткан кунлар» Абдулла Қодирийга шухрат келтирди. Айни чоғда, роман Сотти Хусайнни ҳам «машҳур» қилди. Бу мунаққид айнан «Ўткан кунлар» номи билан роман тўғрисида

китоб ёзди<sup>18</sup>. Назаримда бундаги қарашлар ҳам ҳали шу кунга қадар муносиб ва холис талқин қилинган эмас.

С.Хусайн Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»ини асосан синфий нуқтаи назардан ижтимоий талқин этиш ниятида қўлига қалам олди. Китобнинг «Кириш»ида шунга урғу берди.

С.Хусайннинг фикрларидан ўша даврда адабиётшунослик, адабий танқидчилик таҳлил ва талқин масалаларида ўта сиёсийлаша борганини сезиш қийин эмас. Дарвоқе, асарда «ғоявий хатолар», «мафкуравий бузукликлар» ёки «аксил инкилобий нуқталар» учраб қолса нима бўлади? «Бу ҳолда марксизм танқиди, марксизм сензорасига айланади. Чунки, биз синфий, сиёсий, мафкуравий курашнинг жиловини бўшаштира олмаймиз» (8-бет), дея ёзади С.Хусайн.

С.Хусайннинг асл позициясини, талқин принципларидаги вульгарлашувни оқлаб ҳам, ёқлаб ҳам бўлмаганидек, унинг марксизмга самимий ишонганини ҳам, «Ўткан кунлар» романи табиатига хос айрим тўғри фикрлар ёзганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бир мисол. Мунаққид тадқиқотида Жўржи Зайдоннинг «Армануса» романи билан «Ўткан кунлар»ни таққослайди. Адабий таъсирни далиллашга интилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Жўржи Зайдон ва Абдулла Қодирий масаласи кейинги давр олимлари томонидан ўрганилди, махсус мақолалар ёзилди. Бирок, бу мақолаларда мазкур масалалар батафсил ва тўла-тўқис текширилмади.

С.Хусайн асосий фикрларини «Роман», «Тарихчи ҳам художник», «Кўлёзма», «Дидактик-таълим», «Қарама-қарши солиштириш», «Тили», «Тасвири», «Асл фикрнинг жилови», «Жўржи Зайдон-Абдулла Қодирий», «Роман ҳам ҳақиқат», «Қодирий яшаган давр ва роман», «Адабий приёмнинг ижтимоий моҳияти (негизи)», «Романтизм мактабининг ижтимоий асоси қандай» каби ўн уч боб, бир «Кириш» ва икки қисмли («Умумий мулоҳаза - яқунлар», «Бундан кейин (натиха ўрнида)») хулосага ажратиб баён этган. Шунингдек, китобга Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ҳам «Ўткан

---

<sup>18</sup> Хусайн С. «Ўткан кунлар». Ўзнашр. Тошкент-Баку: 1931. Изох: бундан кейинги кўчирмаларда мазкур китоб саҳифаси қавс ичида кўрсатиб ўтилади.

кунлар» танкиди устида баъзи изоҳлар»и ва бунга жавобан яна С.Хусайн ёзган «Ўткан кунлар (Абдулла Қодирийнинг «Изоҳлари» муносабати билан)» деган мақоласи ҳам илова этилган.

Мунаққид сал кам олти босма табоқдан иборат китобида роман жанрига, ёзувчининг тасвирлаш усулига, романнинг айрим образлари ва тилига, адабий таъсир масалаларига, тарихий воқелик ва унинг бадиий талқини каби қатор масалаларга қисман бўлса-да тўхталлади.

«Шеър, ҳикоя, повесть ва ҳоказолар каби роман ҳам адабиётнинг бир навидир. Романчилик адабиётда жуда эркин бўлиб, ўз ичига бошқа адабий турларни ҳам олади. Ҳикоя турмушдаги ҳодисаларнинг бирортасини тасвирлаб беради. Повесть ҳикоядан юқори, романдан кичикдир. Повесть ҳодисаларни ҳикояга қараганда катта расмини олади. Роман ўзининг олдига аҳамиятли ижтимоий бир масалани қўйиб, ҳал қилади ёки бирор даврни ўз ичига олиб қўйган мавзунинг мазмунидан четлашмасдан уни кенгайтириб, натижада бир бутунликка олиб чиқади. Роман воқеалар тўғрисида ҳикоя қилиб ўтирмайди, балки кўрсатади. Ўзининг аниқлаш жак муддаосини турли суратлар - «образ» билан гавдалантириб беради. Асарда, айниқса романда одамни суратлаш жуда катта аҳамиятга эга».

Ҳикоя ва повесть каби эпик жанрларга қиёсан романга берилаётган бу таърифни бутунлай нотўғри деб бўлмайди. Унда роман жанрининг айрим қирралари ўз ифодасини топган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, роман жанрига мукамал таъриф бериш анча мушкул иш. С.Хусайн тугул, кейинги даврларнинг энг билимдон назариётчиси бўлмиш Иззат Султонов ҳам: «Ҳаётнинг кенг манзарасини тасвир этувчи эпик асар «роман» деб аталади», дея бу жанрни таърифлагандан сўнг ҳам, икки бетни тўлғазиб унга изоҳ ёзади<sup>19</sup>. Ёки роман жанрининг хусусиятини тушунтирган яна бир манбага қарайлик: «Роман (французча roman - дастлаб роман тилларда ёзилган асар сўзидан) - роман. Янги давр адабиётидаги катта ҳажмли эпик асар бўлиб, унинг асосий хусусиятлари инсон ҳаётини бутун мураккаблиги билан ҳар

<sup>19</sup> Султон И. Адабиёт назарияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1986. 258-260-бетлар.

томонлама ва тўлиқ тасвирлашдан, иштирок этувчи шахслар тақдирини акс эттирувчи кўп планли сюжетга эга бўлишдан иборатдир»<sup>20</sup>.

Мазкур муъжизавий жанрнинг XX асрдаги тараққиёти ва эврилишлари (ўз замонаси учун тўғри бўлган) В.Г.Белинский ва Н.Г.Чернишевскийдек, машҳур танқидчиларнинг таърифлари доирасига ҳам тўла сиғмайди. Ҳар олим романдаги қайсидир жиҳатга урғу беради ва унинг яна қайсидир қирраси очиқ-изоҳ талаблигича қолади. Бу воқеликка нисбатан адабиётшунос М.М.Бахтин қуйидаги фикрларни ёзади: «Адабиёт назарияси романга муносабатда ожиз-иложсиз бир ҳолатда қолмоқда.

Тадқиқотчилар романнинг баҳс-мунозарага асло ўрин қолдирмайдиган жанрига хос белгисини кўрсатиб бера олмаётирлар. Романга хос белгиларни кўрсатишга интилган баъзи фикрларга назар ташлаймиз: роман - бу кўпқиррали жанр, ҳолбуки, жуда гўзал содда планли романлар ҳам мавжуд; роман - ўткир сюжетли динамик жанр, ваҳоланки, юксак савияли ёлғиз тавсифга асосланган романлар ҳам бор; роман - муаммоли жанр, ҳолбуки, муаммо кўтармаган ва жуда кўп ажойиб романларга намуналар топилди; роман - муҳаббат тарихи, ваҳоланки, Оврупаннинг энг машҳур жуда кўп романлари ишқ унсуридан мутлақо холи; роман - насрий жанр, ҳолбуки, беназир-тенгсиз шеърӣ романлар ҳам мавжуд»<sup>21</sup>.

Олим бу фикрларни 50-60-йилларда ёзган. Жаҳондаги бир қатор романчилик мактаблари, жумладан, рус романчилик мактаби ҳам фаолият кўрсатаётган, улар тўғрисида кўплаб тадқиқотлар аллақачон майдонга келиб бўлган бир шароитда роман жанрининг тавсифига адабиёт назарияси ожиз қолганини айтди.

С.Хусайнга келсак, албатта, ундан мукаммал таърифни талаб этиш, айрим қарашларига қўшимча қиритиб, гўё мукаммаллаштирган бўлиб, ўзимизни унга қараганда айни масалада олимроқ кўрсатиш тўғри бўлмаса керак.

---

<sup>20</sup> Ҳотамов Н. Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1983. 278-281-бетлар.

<sup>21</sup> Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. М.: Художественная литература, 1986. С.396-397.

Абдулла Қодирий романида ўқувчига кучли таъсир этадиган ва уни чуқур ҳаяжонга соладиган ўринлар талайгина. С.Хусайн баъзан буни кўрди, сизди. Шу сабаб «Ўткан кунлар»нинг айрим саҳифалари «адабий-бадий суратда кишига таъсир қиларлиқ» тарзда берилганини (рисоласининг 25-бети), ёзувчининг моҳирлигини, жумлаларни ҳаяжонли туза олишини (29-бет), романда ўхшатиш, муболага ва қарама-қарши қўйиш каби бадий тасвир воситаларидан фойдаланилганлигини (31-бет) тан олди. Романда воқеалар кечадиган замон ва макон ҳамда конфликт масаласини «Қарама-қарши солиштириш» деган махсус бўлимда текширишга интилди: «Ўткан кунлар» романида очикдан очик қарама-қарши қўйишнинг кучли эканини кўрамиз. Бу Абдулла Қодирийнинг адабий усулларининг асосий қисмини ташкил қилади. Романда иштирок қиладиган қаҳрамонларнинг характерлари ва жойлари бир-бирларига қарши қўйилган. Биз бундай қарама-қарши қўйиш усулларини романда асос марказий чизик эканини кўрамиз» (36-бет).

Абдулла Қодирий сўзга «зикна» ёзувчилардан. Ҳар бир сўз, ҳар бир жумлани ақл тарозисида тортиб, етти ўлчаб бир кесади. Романдаги муаллиф нуткида ҳам, персонажлар нутки, хусусан, диалогларда ҳам сўзни иқтисод қилиш - қисқа жумлалар, қисқа савол-жавоблар бор. Афтидан бу хусусият С.Хусайнга маъқул келган кўринади. Шу сабаб Отабек билан Ўтаббой кушбеги, Отабек билан Кумуш ва «яна қизикроқ» бўлган Зайнаб билан опаси Хушрўй орасидаги суҳбатлардан кўчирмалар келтиради (53-54-бетлар).

Рисола ана шундай оғмача кайфият услубида ёзилган. Гўзал тасвирларни кўриб, сезиб, тушуниб қолган С.Хусайн бир-икки жумла илиқ сўз айтиб қўяди-ю, бирдан санъат қонуниятларидан чекиниб, вульгарлашади; сиёсий ҳушёрлиги тутиб қолади ва айбнома ёзиб ўтишни унутмайди.

С.Хусайн рисоласидаги романнинг тилига тегишли махсус бобда «романнинг ўзбек адабий тили такомилда катта хизмати бор», «Абдулла Қодирий ўз романининг тили устида кўп ишлаган», чиғатойликка берилиб, ўз асарларида ўринли-ўринсиз араб ва форс сўзларини қўллаган ёзувчилардан фарқли ўлароқ «Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романини асосан ҳозирги адабий тил билан ёзган», «Абдулла Қодирий учун «Ўткан кунлар»ни содда ўзбек тилига яқин қилиб ёзиш

кулай бўлмаган (осон демоқчи - Б.К.). Бунинг учун авом халк билан кўп улфатчиликда бўлгон. Берган типлари билан кўп суҳбатлашган, натижада тил масаласида соддаликка эришган. Бусиз албатта, уйдагина ўтириб авомга яқин тилда асар яратув мумкин эмас эди», мазмунидаги бир қатор тавсифларни келтиради. Роман лексикасини таснифлашга ҳаракат этади; фикрига мисоллар беради. С.Хусайннинг вульгар социологик талқинлари билан бирга ана шундай тўғри фикрларига ҳам эътибор лозим бўлади.

Мунаққиднинг ижодий метод масаласига доир қарашларини ҳам, романдаги бадий тасвирга тегишли ўринларни ҳам бира тўла инкор этиш ёки тўла тасдиқлаш мушкул. С.Хусайн фикрича, Абдулла Қодирий макон, замон ва образларни ўзаро зид тасвирлагани ҳолда романда «ҳаяжонли тасвир қондасига» ҳам мурожаат қилади. Ўқувчини гоҳ ҳаяжонлантириш ёки бирдан даҳшатга солиш «романтик ёзувчилар учун севилиб қўлланадиган приём». «Романтиклар воқеани, одамларнинг кайфиятини турмушда қандай бўлса, шундай жонлантириб бермайди». Романтик чизгиларга, романтизмга мунаққид муносабати ижобий эмас. Уни айбли, нуқсонли кўради. Абдулла Қодирийнинг Отабек ёки Кумушнинг руҳий ҳолатлари билан боғлиқ тасвирий «нуқсон»ларни ҳам ўша «романтик мактаб» принциплари билан изоҳлайди. Мунаққид гарчи, ёзувчидан реалист бўлишни талаб этса ҳам, романдаги гўзал тасвири манзараларга ҳавас этади. Ўрни-ўрни билан: «Абдулла Қодирийнинг романтикчиликда тасвирий қуввати ҳозирги ўзбек ёзувчиларининг барчасидан кучлидир», дея ёзади. Ёки мисол билан бирликда куйидаги кўчирмани кузатайлик: «Абдулла Қодирийнинг тасвирий қуввати кучлидир. Ўхшатишлар, муболағалар билан сўзлардан маънолик гул дастаси тизиб бера билади...

Абдулла Қодирий лаззатли тасвирини ўз ўрнига қўйиб ўқувчига ёзади. Ўқувчида ҳаяжонли туйғулар қолдиради:

«...Ариқнинг мусаффо тиниқ суви явошгина оқиб келар. Кумуш бувининг қаршисига етганда гўёки унинг таъзими учун секингина бир чарх уриб кўяр. Ўз устида ўлтирғон соҳиранинг сеҳрига мусаҳҳар бўлгон каби тағи бир катгарак доирада айлангач оҳистагина кўприк остига оқиб кетар эди. Ариқ сувининг ниҳоятсиз ҳаракатини узоқ кўздан кечириб



ўтиргоч кўл узатиб сувдан олди ва юзини ювди. Унинг юзини ўпиб тушган сув томчилари билан ариқ ҳаракатга келиб чайқалди, гўёки сув ичида бир фитна юз берган эди... Нозик аёқлар толдилар шекиллиқ, садаф каби оқ тишларини бирикки қайталаб чайди, ариқ бўйи ва унинг сувларини ташлаб кетди» (65-бет).

Бу сержило тасвир С.Хусайнга манзур бўлган, албатта. Қолаверса, айнан ана шу тасвирга - Кумуш бибининг ариқ бўйида ўтирган ҳолатига бошқа олимлар ҳам эътибор берди. Энг гўзал ва энг латиф тасвирлардан бири сифатида талқин қилди.

Романда мунаққид илғаган ва кейинги давр олимлари ҳам тасдиқлаган яна бир муҳим жиҳат бор. Бу табиат тасвири воситасида қахрамонлар руҳиятини бериш.

С.Хусайн ёзади: «Абдулла Қодирий табиатни тасвир қилганда албатта қахрамонларнинг қандай борувини кўзда тутди. Табиатдаги кўриниш билан қахрамонлардаги аҳвол руҳиятни солиштириб боради» (66-бет).

30-йиллардаги тадқиқотларда адибнинг ижодий методи масаласига ҳам диққат қилинди. «Абдулла Қодирий,-дея ёзади С.Хусайн,-асосан романтик бўлиб, қисман реалистдир. Натурализм унсурлари ҳам чакана бордир». \*Ойбек бу масалада С.Хусайнга яқин фикр айтади, Абдулла Қодирий ижодий методини романтизм ва реализм уйғунлигида кўради. Адабиётшунос Иззат Султонов: «Ўткан кунлар» асари романтик руҳ билан суғорилган реалистик асардир», деган фикрни билдирди<sup>22</sup>.

Бу ўринда Ойбек ва И.Султон фикрларига мурожаатдан мақсад С.Хусайн қарашларидаги ҳақиқатни кўрсатмоқдир. Албатта, «Ўткан кунлар»нинг 30-йиллардаги дастлабки йирик, салмоқли талқинида камчиликлар бор. Уни давр мафкураси билан, ўша давр адабий танқидчилигидаги тамойиллар билан изоҳлаш лозим. Қолаверса, энг ҳақли изоҳларнинг айримларини улуғ романнависнинг ўзи ёзганлигини яхши биламиз. Айнан тасвир масаласида мунаққид романдан қуйидаги:

---

<sup>22</sup> Султон И. Адабиёт назарияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1986. 197-бет.; Ижодий метод масаласига тегишли 70-йиллардаги баҳс-мунозарага кейинги бўлимда тўхталамиз.

1. «Унинг бу кунги ҳолига қараш юракларни ёрганидек тасвирга ҳам қалам кучи ожиздир»;

2. «Кумушнинг бу дақиқадаги ҳолини қалам билан чизиб кўрсатув албатта мумкин эмас»;

3. « - Бечора ота - бечора она!...

Учинчи кун улар ҳам келиб ётдилар... уларнинг ҳозирги ҳолининг тасвири мумкинми?!» (68-бет), парчаларини келтириб, ёзувчи қаламининг ожиз қолганига ишонмайди. Бу бир «такводорлик», «ҳаяжон уйғотиш приёми» дейди.

Бу хусусида Абдулла Қодирий «Изоҳлар»да шундай ёзади: «Баъзан меним сўзга усталигим тўғрисида ҳазм ва қолипдан юқорироқ мадҳларда бўлинган. «Бу ҳолнинг тасвирига қалам ожиздир», каби узрларимни «ёлғон айтади, сўзга жуда уста», деган каби талкин қилинадир. Дуруст, менга қараганда тубан кишилар учун мен жуда ҳам сўзни қотирадиган кўринаман, бироқ «ўзимдан ўтади, ўзим билмаман», деганларидек, ҳар кимнинг аҳволи ўзига маълумдир. Баъзи руҳий кечинмалар (переживание) борки, киши сезмайди, тушунади. Бироқ, шу ҳолни қоғозга туширмакчи бўлинганда сўз топилмай, ифода қилолмай ҳаракатда қолинади, ноилож ожизни иқрор қилишга, «қаламим ожиздир» дейишга мажбур бўлинади. Менинг «Ўткан кунлар»даги ожизларим ҳам шу жумладандирлар»<sup>23</sup>.

Албатта, адиб бу ўринда ҳақли. Инсон руҳиятининг бадий талқинида қалам ожиз қолишига очиқ иқрор бўлган. С.Хусайннинг матнда баён қилинган бу руҳий ҳолатларни ҳис қила билмагани танқидга сабаб бўлган.

30-йилларда қишлоқда бой бўлса, катта ер эгаси, феодал-эксплуататор деҳқоннинг ризқини еб кетувчи сифатида, шаҳардаги бойларга савдо сармоядори, майда буржуа вакили тарзида қаралар эди. Жамиятдаги бу ижтимоий-сиёсий табақаланишнинг маданий ҳаётга, хусусан, бадий асарлар талқинларига таъсири кучли бўлди. «Ўткан кунлар»даги Отабек ва Юсуфбек ҳожи типлари юқори табақа вакиллари бўлгани учун танқид қилинди. Ёзувчи уларни ижобий, серфазилат хислатлар билан тасвирлагани сабабли

<sup>23</sup> Қ о д и р и й А. Кичик асарлар. Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1969. 197-бет.

«дунёқараши чекланган»ликда, ўзининг «майда буржуа» қарашларини тарғиб этишликда айбланди. Баъзан қуйидагига ўхшаш фикрлар билдирилди: «Отабек Шамайга бориб келгандан кейин бутун фикри-ёди русларнинг ҳукумат қуришидан режа очиб ўшандай қурилишнинг ўз Туркистонига келишини истайди. Аммо Абдулла Қодирий уни бошқача таҳлил қилиб, рус қурилишига ўхшаган миллий мустақил давлат тарафдори қилиб кўрсатадир...

...Юсуфбек ҳожи ва Отабекни русларнинг келишига жондиди билан қарши турган шахслар деб таҳлил қилиш тўғри эмас» (С.Хусайннинг ўша асари).

С.Хусайн бу қаҳрамонларни нега бундай талқин қилмоқда? Мунаққид Отабекни кимлар қаторига қўймоқчи? Бизнингча, М.Солиҳовнинг қуйидаги фикрлари масалага ойдинлик киритади: «Романнинг идеалний шахсияти-қаҳрамони бўлгон Отабек типичи - Николай подшолик аскарининг келувига йўл кўрсатган ва уни вакил бўлиб тилаган машҳур қароқчи миллионер Саид Азимбой каби бир тип эмасми? Бош қаҳрамонни (Отабекни демоқчи - *В.К.*) таҳсин ва офарин билан қабул қилган бойлар Мирзаҳаким Парвоначи каби Қўқон хонлигига қарши Николай идорасини истаб фикр тўплаган катта бойларнинг типичи эмасми?

Бу типларни идеалний қаҳрамон ва ижобий шахсиятлар қилиб тасвирловчи роман, 1925 йилда нима истайдир? Буни изоҳлаб ўтирувга ҳожат бўлмаса керак. «Ўткан кунлар» каби тарихга оид романларда миллатчилик ташвиқоти очикдан-очик акс этмайдир, аммо унинг қурилиши ва кайфияти айланмароқ йўл билан ёлғиз миллатчилик мафқурасигагина мол бўла олишини кўрсатиб турадир»<sup>24</sup>.

Отабек образини шу тарзда тушуниш, тушунтириш ва «Ўткан кунлар»га миллатчилик айбини тақаш, албатта, 30-йиллар адабий-илмий муҳитидаги талқинларга хос ҳолатдир. Бадиий ҳақиқатнинг ҳаёт ҳақиқатига тўла мос келмаслигини кўрсатиб чиқиш, бадиий асардан фақат ижтимоий маъно излаш, адибнинг «синфий асосини белгилаш»га (Абдулла Қодирий таъбири) уриниш, вульгарлашув адабиётшунослик тарихидаги «энг кир, энг қора» саҳифалардир. Ҳолбуки, «Ўткан кунлар» ро-

<sup>24</sup> Солиҳов М. Ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари. Тошкент: 1932. 84-бет.

манида бошқачароқ талқинларга «мол бўла оладиган» фази-латлар анчагина. Романдаги шахсий-оилавий муносабатлар, иш-кий кечинмалар адабиётшунос учун муҳим манба. Дарвоқе, юзаки ҳисоб-китобга, санюк-статистикага берилиб ҳам оддий бир ҳақиқатни кузатиш мумкин. Роман уч бўлим, қирқ етти бобдан иборат. Шундан асосий боблар қахрамонлар дунёси, оилавий маиший ҳаёти ва айниқса, ишкий кечинмаларига оид бўлиб, бор-йўғи тўққиз боб («Тошкент устида қонли булутлар», «Тошкент қамалда», «Азизбек», «Истиқлол дарди», «Исён», «Мусулмон-кул», 3 - бўлимдан: «Мусулмонкул истибдодига хотима», «Қирғин», «Хожи этак силккан») тарихий воқеалар тасвирига бағишланган<sup>25</sup>.

«Ўткан кунлар»ни ўқиган ўқувчи ҳақиқатан ҳам гўзал қахрамонлар билан ёнма-ён юради, уларнинг ғам-ташвишларига шерик бўлади, бошига кулфат тушса хафаланади, шодлигида қувонади, айниқса, китобнинг охириги эпизодларидаги фожеали манзараларни ўқиб йиғлайди, айрилиқдан кўнгли ўқсийди, тақдирнинг беаёв ўйинлари қошида лол қолади. Ўқувчи қалбини тарихий воқеалар моҳиятидаги «майда буржуазия» ниятлари, ҳокимиятни ким бошқаришининг «кўрсатилиши» эмас, балки кўпроқ ишқ достонининг дилўртар оҳанглари қамраб олади. Зеро, «Ўткан кунлар» таржимасини ўқиган бошқа миллатга мансуб китобхонлар ҳам ўша ишкий оҳангларга мафтун бўлгани ҳақиқатдир<sup>26</sup>.

Маълумки, С.Хусайн мақоласига Абдулла Қодирий «Баъзи изоҳлар» ёзган. Аммо С.Хусайн ва Абдулла Қодирий мунозара-муносабати шу билан яқун топган эмас. Аксинча, «изоҳлар»ни ўқиган С.Хусайн Абдулла Қодирийга қарши ўзининг «жиддий синфий нуқтаи назарини», «марксистча танқидини», адибни «тўғри йўлга» солишга бўлган ҳаракатларини қаттиқ ҳимоя қилиб чиқди. Илмий-адабий жамоатчилик негадир бу жавобга кўп ҳам эътибор берган эмас. С.Хусайн позицияси эса айнан ана шу жавобда янада ойдинлашади.

<sup>25</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: Махмудов М. Талант ва ижод фалсафаси. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976. 105-107-бетлар.

<sup>26</sup> Қаранг: Абдулла Қодирий. Замондошлар хотирасида. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 114-115-бетлар.

Агар Абдулла Қодирий мунаққиднинг мақоласидаги айрим ўринларга изоҳ ёзиб, ўша масалаларни тўққиз қисмдан иборат кўринишда баён этган бўлса, С.Хусайн ҳам айнан шу шаклда ҳар бир рақамланган фикрга диққат қилди ва асосан Абдулла Қодирийнинг ноҳақлигини исботлашга интилди. Фақат бир ўриндагина изоҳлардаги эътирозни, яъни ўзини тил ва фикр ифодасидаги тажрибасизлиги ҳамда нуқсонлигини тан олди.

Бир қарашдан воз кечиб, бошқаси билан қуролланиш, албатта, ҳеч ҳам осон кечадиган жараён эмас. «Ҳатто, мутлақо шахсий бўлганида ҳам, янги гоълар бизни ўзига бир зумда ром эта билмайди. Энг аввало, уларга кўникмок лозим» (Л.Шестов фикри). Дунёқараш - энг мураккаб фалсафий тушунча. Айниқса, 20-30-йиллар муҳитида яшаган таниқли инқилобдорлар дунёқарашини бир-икки сўз билан аниқлаш мушкул. Зотан, С.Хусайнлардан бошланган Абдулла Қодирийнинг дунёга қарашини ҳали шу кунга қадар баҳс этилади.

Нима бўлганда ҳам, С.Хусайн тўғри таъкидлаганидек, Абдулла Қодирий дунёқарашига марксизм-ленинизм асослари келиб ўрнашмаган эди. Бундай «нуқсон»ли дунёқараш билан, албатта, синфлар орасидаги курашлар бадий асарда тасвир этилмаслиги мумкин. Марксизм-ленинизм таълимотидан ўсиб чиққан дунёқарашсиз яшаш 30-йиллардаги илғор зиёлилар учун катта айб ҳисобланар эди. Ҳайриятки, Абдулла Қодирий ана шу жиҳатдан «нуқсон»ли эди, акс ҳолда ўзбек халқи адабиётимиз хазинасидан муносиб жой олган гўзал романларни ўқиб завқланиш бахтидан бебахра қолар эди. 30-йилларда С.Хусайнлар «ийгитлар орасида отабекчиликка, қизлар орасида кумушчиликка» қарши уриш очмоқни тарғиб этди: «Ҳеч шубҳасиз биз «Ўткан кунлар»нинг берадиган таъсири билан курашмоғимиз керак», деди мунаққид ва кўзлаган натижаларига вақтинча эришдилар ҳам<sup>27</sup>.

---

<sup>27</sup> Қўшимча: С.Хусайннинг бу узундан узоқ танқидий ўз даврининг танқидчилари қўлаб ҳам қувватлади, жиндай танқидий муносабат ҳам билдирди: «Сотти Хусайннинг бу тўғрида («Ўткан кунлар» романи ҳақида - Б.К.) узун танқиди бор. Бу танқид айрим камчиликларни ўз ичига олган ва тугал қабул қилинарли бўлмаса-да, ҳар ҳолда ромanning моҳиятини кўрсатарлик хусусиятга эгадир» (М. Солихов. Ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари. Тошкент, 1933. 83-бет).

30-йилларда баъзи танқидчилар бадий асарларда «синфий кураш» нақадар намоён бўлганлигини жиддий текшириб, «жадид»ларнинг режаларини, «аксилинкилобчи»ларнинг, «миллатчи»лар ва «майда буржуазия вакиллари»нинг фаолиятини қоралаб чиқдилар. Санъатнинг эстетик моҳияти ва бадийят қонуниятларидан анча узоқ бўлган қолиплар, жамиятнинг социал ҳолатини анализ қиладиган асослар билан бадий асарларга бирёклама - вульгар социологик муносабатда бўлдилар. Гарчи, жузъий ҳақ гаплар, қисман тўғри мулоҳазалар айтилган бўлса-да, бадий асарга ёндашувдаги сиёсий босим қуввати ўша майда жиҳатларни босиб кетар эди. Ўша даврдаги мақолалар, рисоаларнинг муқаддимаси ёки хулосасида замон сиёсатининг илмий текширув учун тайёрлаб қўйган мезони, асарни тушуниш ва тушунтиришга оид йўлланмаси тез-тез тилга олиниб турди. Ижод аҳлини хушёрликка чорлади, уларга йўл кўрсатди: танқидчилар шунга мувофиқ хулосалар бердилар. С.Хусайн рисоласининг «Натижа»сида ёзади: «Умуман буржуа алиблари ва тарихчилари, тарихий фактларни ўз мафкураларига мос қилиб олиб нотўғри таҳлил қиладилар. Аммо, уларнинг яратган асарлари ҳар ҳолда қисман даврдан маълумот берадилар. Масалан: Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи бизга октябрь кунлари ва унинг маҳкамланиши вақтидаги майда буржуазиянинг руҳини, фикрини очик тушунтирадир» (121-122-бетлар).

Шунингдек, М.Солиҳовнинг «Ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари» (1933) ёки А.Саъдийнинг «Ўзбек буржуа адабиёти» (1934) деган китоблари майдонга келди. Уларнинг номланишидаги айрим сўзларнинг ўзиёқ («миллатчилик» ва «буржуа» сўзлари) китоб моҳиятидан хабар беради. А.Саъдий китоб «Кириш»ида қуйидагиларни ёзади: «Бадий адабиёт ўз-ўзидан бўлмайди. У осмондан тушмайди. Уни кишилар, яъни ёзувчилар, шоирлар яратади. Синфдан ёки ижтимоий гуруҳлардан ташқари бўлган ёзувчи йўқ. Ёзувчилар маълум синфдан чиққан ёки у синфдан чикмаса-да, кейин у синфнинг тарбиясини олиб, шу синф томонига кўчиб, шунинг манфаатига хизмат қила бошлаган бўлади. Ҳар бир даврнинг ёзувчилари шу даврда синфлар томонидан уларнинг олдиларига қўйилгон синфий

вазифаларни бажара борадилар, шуларни бажариш учун курашадилар. Уларнинг бу курашларида уларга раҳбарлик этувчи, уларга таянч бўлиб йўл кўрсатиб, куч ва ёрдам бериб боровчи кувват яна ўша синф ва ўша синфнинг партияси бўлади. Шу равишда адабиёт синфларнинг синфий кураш куролларида бири деяр экансиз, шу замон, шу адабиётни яратувчиларнинг ўзларининг, яъни ёзувчиларнинг ҳам синфлар ва синфларнинг сиёсатлари учун курашувчи бўлганликларини тушунимиз лозим»<sup>28</sup>. Шу кўчирманинг ўзида «синф» ва «синфий» сўзи ўндан ортиқ ўринда маъноли-маъносиз бир ҳолда қўлланган. Бундай сийқа ва бачкана муносабатлар 30-йиллар адабий-илмий муҳитида кўп учрайди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жадидча руҳият ва кайфият билан адабиёт даргоҳига кириб келган, бошқачароқ айтганда, дунёқарашида жадидона ғоялар устуворлик қилган Фитрат, Чўлпон ва Абдулла Қодирийлар авлоди билан уларнинг яқин издошлари, «шогирд»лари, улардан кейинги адабий авлод орасида эстетик идеал жиҳатидан муайян тафовут бор. Баъзи масалаларда «устоз» ва «шогирд»лар, «оталар» ва «болалар» ғоявий жиҳатдан ўзаро оппозицион ҳолатда эди. Миллатлар орасидаги фарқлар алаҳқибат барҳам топиши борасидаги тушунчаларга урғу кучая бошлаган бир шароитда Чўлпон барибир «миллатчи» эди. Гоҳ очиқ-ойдин, гоҳ санъаткорона йўсинда ўз қарашларини асарларининг мазмун-моҳиятига жойлар эди. Ва Чўлпоннинг чинакам санъатга дахлдор бадий-эстетик дунёсини ҳам ўша типдаги асарлари ташкил этиши аниқ. Фитрат «трактор овозидан завқ топа билмади ва шунинг учун ҳам «трактор тўғрисида шеър ёза оладиган шоирлар қавми»га (Н.Каримов таъбири) кирмади. Демокчимизки, ўзаро фарқли бўлган, мураккаб дунёқарашли Фитратнинг олами ўздан кейинги келган адабий авлод тушунчаларидан тафовутли эди. Бошқачароқ айтганда, эстетик идеалнинг икки хиллиги қалби ширин орзумидлар уммонига фарқ бўлган ғайрат ва шижоатли ёшлардан айримларининг қўлига ўз устозлари тўғрисида танқид ёзиш учун қалам тутқазди.

---

<sup>28</sup> Саъдий А. Ўзбек буржуа адабиёти. Тошкент: 1934. 15-17-бетлар.

С.Хусайннинг «Ўткан кунлар» рисоласи характеридаги, ундан бир оз илмийлиги ва композицион бутунлиги билан фаркланадиган, бироқ моҳияти нисбатан яқин китоблар 30-йилларда битта эмас эди. Ҳамид Олимжон Фитрат, Ойбек Абдулла Қодирий тўғрисида асарлар ёзди. Бу муаллифларнинг фикрлаш савияси, бадииятни ҳис этиши, бадиий асарни тушуниш ва тушунтириш даражалари турлича. Айнан ижодий жараён азоб-уқубатларини ўз бошларидан кечириб кўрган Ҳ.Олимжон ва Ойбеклар С.Хусайнга нисбатан устун эди, албатта. Қолаверса, улар илмий тадқиқот институтининг илмий ходимлари ҳам эди.

Шу ўринда бир фикр хаёлга келади. Мудҳиш 30-йилларнинг консираган муҳотида Ҳ.Олимжон ва Ойбеклар «буржуа миллатчи»ларини фoш этувчи асарлари билан ўзларига ҳимоя қалқони ясаган эдимиз? Аммо 1937 йилдан эътиборан Ойбекнинг ишдан ҳайдалиб, бир-икки йил ишсиз қолгани яна маълум<sup>29</sup>. Аслида Ойбекка муносабат 20-йилларнинг охири 30-йилларнинг бошига келиб ёмонлашган эди.

Ойбекнинг 30-йиллардаги айнан, «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» асарини ёзиш арафасидаги аҳволи, адабий танқидчиликнинг унга муносабати яхши эмас эди.

Ойбек икки ўт орасида туриб, Абдулла Қодирий тўғрисида ёзди, имкони борича холис фикрлар билдирди ва кўп ўринларда дилидаги ҳақ гаплари, ўзи тушунган ҳақиқатлар юзига сиёсий парда тутишга мажбур бўлди.

«Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» рисоласининг илмий йўсиндаги системали қурилиши Ойбекнинг илмий қобилиятини, ўша давр адабий танқиди савиясини намоён этади. Зотан, миллатнинг ойдин фикрли зиёлилари тухматлар бўрони остида жар ёқасига келтириб қўйилган бир шароитда Чўлпон, Фитрат ва Абдулла Қодирийлар тўғрисидаги

---

<sup>29</sup> Ойбекнинг бошига тушган бу машаққатлар тўғрисида қаранг: Саидносирова Зарифа. Ойбегим менинг. Тошкент: Шарк, 1994. «Бойкуш келган йил» бўлими, 161-169-бетлар; Олтой. Ёш ленинчи. 1931 йил. 27 июнь; Ҳошимов О. Ўзбек пролетар адабиёти учун курашмак керак. Аланга. 1930 йил. № 8; 15 йил ичида ўзбек совет адабиёти. Тошкент: Нафис адабиёт давлат нашриёти, 1934. 51-бет. Қўшимча: М.Солиҳовнинг «Ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари» китобининг «Йўловчи ёзувчиларнинг кўпайишлари» бўлимида (77-бет) Ойбек «Йўловчи»лар сафига киритилади, «миллатчилик оқимига тутилган» ёшлардан бири сифатида зикр этилади.



мақолалар матнини айбнома оҳангидаги «типик жаид», «майда буржуазия вакили», «миллатчи» эканлиги ва «синфийлик» этишмаслиги хусусидаги жумлаларсиз тасаввур этиш қийин, албатта.

Шунинг учун Ойбек ҳам қарашларини гоҳи-гоҳида ўша тушунчалар билан алоқадорликда ифодалади.

«Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли»да Ойбек адиб ижодининг илк даврини, юмористик, сатирик кирраларини ҳамда йирик прозасини даврий (хронологик) тартибда кетма-кет текширди, талқин этди.

Ижодий фаолияти асримизнинг аввали 10-йиллари билан боғлиқ ёзувчи-шоирлар борки, уларнинг бирортасини жаидчилик ҳаракати ғояларига боғламасдан тўғри тушунтириб бўлмайди. Жаидлар ижодий фаолиятида, шеърый, насрий асарларида миллат учун ғам чекиш, миллатни илм-маърифатга даъват, хурофот ва бидъатдан узоклашувга чорлаш мотивлари асосий ўринни эгаллайди. Чўлпоннинг «Дўхтир Муҳаммадиёр», «Қурбони жаҳолат», Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг «Янги саодат», «Учрашув», Фитратнинг «Ҳинд сайёҳи», «Мунозара» ва мавзуимиз эгаси Абдулла Қодирийнинг «Жувонбоз» ҳамда «Бахтсиз куёв» каби асарларида жаидона кайфият ҳукмронлик этади. Албатта, бу тип асарларнинг майдонга келишида четдан Қрим, Озарбайжон ва татар жаидларининг, ўзимиздан эса «Падаркуш»нинг (М.Бехбудий асари) таъсири кучли бўлди. Абдулла Қодирийнинг ўзи бу хусусида шундай ёзади: «1913 йилда чиққан «Падаркуш» пьесаси таъсирида, «Бахтсиз куёв» деган театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим (1915 йилда). Яна шу йилда татарларда чиқиб тургон ҳикоя ва романларга таклидан «Жувонбоз» отлиқ ҳикоячани ёзиб, ношир топилмоғонидан, ўзим нашр қилиб юбордим»<sup>30</sup>.

Шу маънода Ойбек: «Илк асарларида Абдулла Қодирий типик жаид эди. Ижодининг биринчи давлари ҳам буржуа жаид адабиёти ва ҳаракати билан узвий боғлиқдир. Асарларининг идеяси жаидизм идеологияси билан суғорилгандир. Асарларининг мавзулари, идеяларигина эмас,

<sup>30</sup> Қ о д и р и й А. Кичик асарлар. Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1969. 206-бет.

балки уларнинг формал тузилишлари, бадий хусусиятлари, даражалари ҳам жадид адабиётининг типик намуналарини ташкил этади», деганда ҳақли эди<sup>31</sup>.

Ойбек Абдулла Қодирийнинг дастлабки шеърлари моҳиятини ҳам, «Жувонбоз» ва «Бахтсиз куёв» номли асарларининг гоҳсини ҳам бевосита жадидчиликка боғлаб тушунтиради.

«Жувонбоз» - бадий жиҳатдан юксак эмас, аммо унда Туркистон бойлари ва болалари ҳаётининг нақадар тубанлашиб кетганлиги намоён бўлган. «Туркистоннинг ўз чирик одатлари - наша, кўкнори, баччабозлик, жаҳолат ва бошқалар стмагандай, мустамлакачи рус буржуазияси маданият номи билан мустамлака халқига қиморхона, алкагол, фоҳишахоналар келтирилди»<sup>32</sup>. Инсонни маънавий таназзулга олиб борадиган бундай ҳолатлар бадий адабиётда ўз ифодасини топмаслиги мумкин эмас эди. Эслайлик, Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесасида айнан пивахоналар билан боғлиқ сахна бор. Ёки Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида Акбарали мингбоши ва Мирёкуб эпака тез-тез бориб турадиган, мустамлакачи руслар томонидан очиб қўйилган фоҳишахонани тасвирлайдиган эпизодлар мавжуд.

Абдулла Қодирий эса, ҳақиқатан ҳам, «Жувонбоз» асарида ярамас, касал одатга қарши чиқади. Туркистон ўлкасида тарқалган бу ифлосликдан Абдулла Қодирий жуда қаттиқ нафратланган. Айнан «Жувонбоз» асари ёзилаётган бир даврда «Туркистон вилоятининг газети»да (1914 йил 24 июнь, №50) «Ҳаё» имзоси билан «Жулқунбой билан мубоҳаса» деган мақола босилади. Афтидан, «Ҳаё» Жулқунбойни тараққийпарвар жадидларга, замонавий газета-журналларга тарғиб-ташвиқ этиб юрган кўринади. Аммо, Жулқунбой тараққийпарварлардан бирининг ёнида «бесақол боласи

---

<sup>31</sup> Ҳозирда «Миллий уйғониш даври адабиёти» термини билан номланаётган давр адабиётшунослигимиз тарихида «Ўзбек буржуа адабиёти», «жадид адабиёти», «буржуа жадид адабиёти», «жадидларнинг гўзал адабиёти» каби атамалар билан номланган. Абдулла Қодирийнинг «Жувонбоз» ва «Бахтсиз куёв» асарини «Ўзбек буржуа адабиёти» (1934) деган китобига киритган А.Сатдий ҳар икки асарнинг «мафкуравий установаси, тематикаси ва плани»да «Падаркуш»нинг ҳамда озарбайжон «буржуа жадид адабиётининг» таъсири борлигини айтади.

<sup>32</sup> Ойбек. Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли. Тошкент: ЎзССР Фанлар комитетининг нашриёти. 1936. 4-бет. (Кейинги кўчирмаларда саҳифа рақам кўрсатилади).

бирлан маст» бўлиб юрганини кўриб қолади. Тараққийпарварлардан кўнгли совийди. Мақола муаллифи Жулқунбойга танбеҳ маъносида бир-икки ифлосга қараб, бутун тараққийпарварлар устидан ҳукм чиқариш ярамайди, деган каби сўзларни айтади. Ўзини «мен тараққийпарварман» дея таништирган, аммо ўзини фахш ишларга урган кўзбўямачи мунофиқлар ўша замонларда ҳам бўлган. Мирмуҳсин Шермуҳаммад ибораси билан айтганда: «Мен динчи» деб ўзига ёлгон исм берган бир хоиндан миллатга қандай зарар тегса, шунингдек, «мен тараққийчи» деб, ўрус маржаси ортидан тун-кун фоҳишахонага югуриб юрган қисқа кийимли миллий хулиганлардан-да шу даражада зарар тегди!»<sup>33</sup>

Абдулла Қодирийнинг мақсади «Жувонбоз»ни ёзиш орқали ўша ифлос одатларнинг, «миллий хулиган» ва «шарлотан»ларнинг миллат бошига келтираётган зарарини уқтириш эди. Зеро, ҳикоя хулосасидан ҳам ёзувчининг покиза ниятини англаш қийин эмас.

Ойбек ва ундан кейинги тадқиқотчилар ҳам «Жувонбоз»даги воқеа-ҳодисалар нисбатан юзаки, бадийликдан, фикрни образлари бериш ва муайян портрет яратишдан нисбатан узоқлигини таъкидлаганлар. Адиб ижодининг ўша дастлабки намунасида, ҳар ҳолда, унинг истеъдодидан нишона бор. Ойбек ҳикоя тилини «дуои салом» тили, «халқ тилидан узок», бўёқсиз, жонсиз, «қурук» бир тил, дея танқид қилади. Бу ҳолат янги ўзбек адабий тилининг шаклланиш жараёни, тарихий шарт-шароит билан изоҳланади, албатта.

Ойбек адибнинг ижодий йўлини текширар экан, ундаги асосий тенденцияларни, нафосатни аниқ сезади; гоҳо 30-йиллар адабий танқидчилиги талаби ва мезонлари доирасига фикрини қамашга мажбур бўлса, гоҳо ўз ички интуитив идроки оқимида, бадий сезим қувватининг инерцияси билан ҳақиқатни ҳам айтиб ўтади.

«Жувонбоз» ва «Бахтсиз куёв»лар машқи туфайли ёзувчининг қалами чархланиб, «Улоқда» ҳикоясида жиддий реалистик ўзгариш юз берди. Ойбек бу юксалиш тўғрисида холис туриб қуйидагиларни ёзди: «Абдулла Қодирий турмушни бадий кўрсатишда тез ўсади. Насрчиликда унинг

<sup>33</sup> Мирмуҳсин. Динчилар, тараққийчилар. Шўро 1917. №20.

усталиги мукаммаллашади. 1916 йилларда ёзилган «Улоқда» номли ҳикояси «Жувонбоз» ва бошқа асарларига нисбатан тенглаштирмаслик даражада юқори бир асар. Ёзувчи ҳикоя техникаси, приёмларини эгаллаган. Воқеаларни очиш, буларнинг инкишофи ва ешилиши Оврўпа новелла форма равишидадир. Бу асарда жонли бўёкли образлар учрайди. Кишиларнинг портрети аниқ, қабартиб берилади... «Улоқда» ҳикоясида ташвиқотчининг, воизнинг ўрнини санъаткор олади».

Дарҳақиқат, Абдулла Қодирийнинг жадидона руҳдаги «Тўй», «Аҳволимиз», «Миллатимга бир қарор!», «Фикр айлагил» деган шеърлари, «Жувонбоз» ва «Бахтсиз куёв» асарларидан кейин ёзилган «Улоқда» ҳикояси адибнинг воқеликни санъаткорона тасвирлаш реалистик тамойили томон юз буриши бўлди. «Европа адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли асарлар»дан (А.Қахқор таъбири) бири бўлмиш «Ўткан кунлар» романининг талқини «биографияси»да Ойбекнинг қарашлари ўзига хослик касб этади. Ойбекнинг бу романларга муносабати, расмий синфийлик ва социологияга берилиши жиҳатидан М.Шевердин, С.Хусайнларга бир оз яқин туради. Аммо ёзувчи эстетик дунёсини тушуниши, роман моҳиятига кириб бориши билан ўша икки мунаққиддан анча юксак даражага кўтарилиб, узоқлашиб кетади. Ойбек рисоласида Абдулла Қодирийнинг бошқа асарларига нисбатан «Ўткан кунлар»га энг катта ўрин беради (52 бетлик рисоланинг деярлик ярми шу романга бағишланган). Ойбек рисолада Абдулла Қодирийнинг бошқа асарларини текширар экан, алоҳида ички тагсарлавҳалар кўймайди. Аммо «Ўткан кунлар»ни «Тарихий роман масаласи», «Халқ массаси ҳаёти», «Тавсифий моментлар», «Сюжет», «Тил» каби махсус илмий мавзуларга бўлиб таҳлил этади. Кўйилган масалалар бўйича Ойбекнинг илмий талқинларидан юз фоиз қониқарли жавоб олиш мушкул. Қолаверса, янги йирик эпик жанрнинг пайдо бўлиши ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги олдига янги илмий проблемаларни кўндаланг қўйди.

Тарихий роман нима? У қандай бўлиши керак? Унинг тасвир тамойиллари қанақа? Тарихий роман қандай классификация қилинади? ва ҳ. к.<sup>34</sup>

«Ўзбек адабиётининг биринчи романи «Ўткан кунлар» тарихий романдир», дея ёзган Ойбек тарихий ҳақиқатнинг бадий тасвирини синфларга боғлаб, масалани марксчасига ҳал этади: «Тарих синфларнинг курашидан иборат. Синфлар мавжуд бўлган жамиятда, синфий кучларнинг муносабатлари қандай бўлмасин, ижтимоий ҳаётнинг асосини синфий кураш ташкил этади. Тарихий даврнинг тўғри картинасини чизиш, ҳаёт ҳақиқатини очиш учун ёзувчи тарихий давр проблемаларига синфларнинг кураш нуқтаи назаридан қараши лозим... Санъаткор тарихий протсессга ўз синфий нуқтаи назаридан қарайди... Санъаткор турмушни ўз синфий кўзгуси орқали ўтказди...» (9-бет).

Бу фикр-мулоҳазалар ёнига, агар тарихий роман буржуа ёзувчилари тарафидан ёзиладиган бўлса, барибир улар «тарихий воқеаларни ўз синфий манфаати, ўз синфий идеясига хизмат» қилдиради, мазмунидаги гаплар ҳам ёзилган. Ойбек буни «Абдулла Қодирий буржуазия тарихий романларининг изидан кетади», деган жумлани ёзиш учун биттади, чамаси. Негаки, салгина кейинроқ: «Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар»да ижтимоий муносабатларни, ўз манфаати учун курашган синфларнинг ҳаракатини кўрсатишга тиришмайди. Хонлик даври тарихи синфсиз, синфий курашсиз бир давр бўлиб чиқади», (11-бет) деган гапларни ёзади.

Тақдири азал муҳри суратланган «Ўткан кунлар» романи схематик талқиндан, синфийлик қолипларидан анча юксак туриши аниқ. Абдулла Қодирий «мамлакатининг фуқаролари» ҳам ўзининг «синфий мен»лигини эмас, даставвал инсонийлик фазилатларини намоён этадиган қаҳрамонлардир.

Ойбек тушунтиришича, Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар»даги қаҳрамонларини «буржуазия позициясида турган» ҳолда тасвирлайди; уларнинг руҳиятига «ўз синфий

---

<sup>34</sup> 30-йилларда майдонга келган бу ўта мураккаб ва баҳсли масалага доир ўзбек адабиётшунослигида асарлар ёзилди: С. Мирвалиев «Ўзбек романи» (1969) китоби, «Жанрнинг камолоти» (тарихий жанр) бўлими (203-260-бетлар), А. Каттабеков «Тарих сабоқлари» (1986) китоби, «Тарихий роман хусусида баҳслар» бўлими (145-157-бетлар).

идеялари»ни (яъни буржуазия иделарини) сингдиради. Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожи, уста Олим - бу каби образлар «ўз синфларига хос асосий типик чизгиларни ифода қилмайди». «Отабек, Юсуфбек ҳожилар ва бошқа савдо капитал намояндалари «Ўткан кунлар»да синфнинг ҳақиқий сиймосини ифода этажак бир равишда эмас, балки бўяб берилади. Ёзувчи тўғридан-тўғри уларни идеаллаштиради» (15-бет). Мунаққид ўз синфий нуқтаи назарини ифодалаш жараёнида «идеаллаштириш» деган атамани қўллайди.

Хусусан, Отабек ва Кумуш идеаллаштирилган ҳисоблайди. «Эксплататор синфларнинг намояндалари қайси тонда сахнага чиқмасинлар, ёзувчи унинг синфий сиймосини кўрсатиши, маълум сифатларни киррали, қабарикли ифода этувчи тип каби тасвирлаши лозим. Абдулла Қодирийнинг синфий онги ва позицияси буни бажаришга йўл қўймайди. Отабекни идеаллаштиради» (17-бет). Кумуш образи тўғрисида эса Ойбек қуйидагича ёзади: «Ёзувчи Кумушни «Осмон гўзали» каби тасвирлайди. Унинг қалби, севгиси ҳам ортиқ даражада идеаллаштирилади. Ёзувчи Кумушнинг гўзаллигини кўрсатиш учун бўёқларни аямайди. Ўзбек савдогари Қутидорнинг эрка-арзанда қизини бу бўёқлар романтик булутларга ўрайди. Синфий характерни очиш масаласи яна четда қолади, ёзувчининг принциплари реалликни қоплай бошлайди» (18-бет).

Ойбекнинг «Ўткан кунлар» романидаги тасвир принципларига, қаҳрамонларига ва ёзувчисининг «синфий позицияси»га муносабати беихтиёр С.Хусайннинг вульгар социологик қарашларини эсга келтиради. Зеро, Абдулла Қодирийнинг тарихий воқелик тасвирида хроникага берилиши нуқсон эканлиги юзасидан айтилган фикрлар ҳам, «Ёзувчи тарихий фактларнинг бадиий хроникасини беради» (11-бет), «Масса иштирок этган катта муҳим сиёсий воқеаларда ҳам ёзувчи асосан хроника тавсифидан четга чиқмайди» (12-бет) тарзидаги Ойбекнинг мулоҳазалари ҳам С.Хусайннинг айни масаладаги қарашларига яқин туради. Айнан шу масалада академик Матёкуб Қўшжоновнинг фикрига қарайлик: «Хроника масаласига келганда айтиш керакки, бу ўринда ҳам Ойбек фикри асосли эмас. Умуман, «Ўткан кунлар»да тарих хроникаси биринчи ўринда туради, деган фикр асл моҳияти

билан ҳақиқатга тўғри келмайди. «Ўткан кунлар»да тарих хроникаси умум фондир. Ёзувчи диққат марказидаги асосий масала қаҳрамонлар қисматиدير»<sup>35</sup>.

Ойбекнинг ушбу рисоласига муносабат билдирган олимларнинг аксарияти уни «суяш»га интиладилар.

Аслида Ойбек бундай ғамхўрликка, ғайриилмий ҳамдардликка мухтож эмас. Ойбек юксак истеъдод соҳибларига хос мардлик бор. Аммо 1936 йилдаги унинг фикрларига, Абдулла Қодирий ижодига муносабатига тарихий нуқтаи назаридан, замон талабини инобатга олиб, фикрий пиллапоянинг бир босқичи тарзида қараш ўринлидир. Ойбекнинг Абдулла Қодирий тўғрисидаги чинакам фикрини 60-йиллардаги А.Наумов билан бўлган суҳбатида ва аynи асарнинг таҳририда кўрамиз.

Руҳият моддиятга емиш бўлаётган 30-йиллар муҳитида туриб ойбекчасига ёзилган «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» рисоласи, хусусан, унинг «Ўткан кунлар»дек дилбар романга тегишли ўринлари фақатгина синфийлик доирасидаги бирёклама талқинлар ёки мафкуравий енгил-елпи танқидлардангина иборат эмас. Зотан романга, гўзаллик оламига бундай муносабат Ойбек феномени, Ойбекнинг истеъдоди ва илмий салоҳиятига муносиб эмас.

Шунга кўра бадий назокатни ҳис эта олган ва давр талабига мувофиқ тадқиқот ёзиш мажбурияти хаёлини эгаллаган Ойбек рисоласидаги ўша сезим беихтиёр ифода этиб ўтилган ўринларига ҳам ҳақгўйлик, инсоф, адолат ва илмий холислик юзасидан бир назар ташламоқ жоиздир.

Ойбекнинг: «Абдулла Қодирий ўзининг кўп йиллик адабий ижодида бир кўп типлар, инсон образларини яратган ёзувчидир. Унинг баъзи типлари унутилмас, жонли, мукамал ишланган образлардир», (14-бет) деган фикри чуқур илмий асосга эга.

«Ўткан кунлар»ни кузатаётган Ойбекнинг ўткир нигоҳи қовоқ девонага келиб тўхтайтиди. Абдулла Қодирий тарихий шахсларни ўша давр одамларининг тасавури орқали характерлашга тиришади; «Қовоқ девона белидаги қовоқ-

<sup>35</sup> Қ ў ш ж о н о в М. Қодирий – эрксизлик қурбони. Тошкент: Фан, 1992. 14-бет.

лардан битта эгри маймоғини кўрсатиб: «Мана Муслмон чўлок, дейди, унинг ёнидаги кичкина томоша қовоқни тутиб, «бунов, Худой бачча (Худоёр бачча)», дейди, сув қовоғини эркалаб «Норкалла» (Нормухаммад қушбеги), дейди».

Саҳифалар бағишланган тавсифларга қараганда мана шу кичик парча, мана шу эгри характеристика кўпроқ нарса англатади. У давр «улуғлари»нинг образлари яна ҳам тўлароқ ифодаланади. Келтирилган парчада ҳар бир сўз бир саҳифалик умумий тавсифлардан кўра кучлирак, ўткиррақдир» (16-бет).

Ҳақиқатан ҳам Абдулла Қодирийнинг маҳорати, санъаткорона қалами қовоқ девона устида ёрқин кўринади. Ойбек томонидан келтирилган парчага яна қўшимча қилиб айтиш лозимки, романда Отабек билан Кумушнинг никоҳ тўйлари батафсил тасвир этилади, аммо Отабекнинг иккинчи уйланиши хабари китобхонга қовоқ девона воситасида маълум қилинади. Романдаги шу кичик бир эпизодда жуда қисқа муддат иштирок этадиган шу образнинг индивидуаллиги ва ёрқинлиги ёзувчининг санъаткорлигига содда бир мисолдир.

Яна бир мисол. Рисолада Отабек, Кумуш, Юсуфбек ҳожи образларининг идеаллаштирилганлиги, шунингдек, Қутидор ва унинг хотини Офтоб оғимларнинг «қоникарсиз» чизилгани айтилган. Аммо Ойбек Отабекнинг онаси Ўзбек оғим образи масаласида ҳаддан ташқари «ешилиб кетади»: «Ўткан кунлар»да энг жонли, реалистик чизиқлар билан кўрсатилган шахс Отабекнинг онаси Ўзбек оғим. Ўзбек оғим кеккайган, мақтанчоқ, ўз вазиятини, ўз мартабасини билган, шунга қараб ўзини тутқан бир хотин, уй хўжайини, қайин онадир. Ўзбек оғим ўзининг юқори табақадан эканини ҳар вақт сезади. Унинг бутун ҳаракати, бутун қилмишлари характерини очишга хизмат қилади» (18-бет). Ойбек романдан шу фикрларига мувофиқ келадиган кўчирмалар олади; қарашларини исбот этади.

С.Хусайндан то шу кунга доғур «Ўткан кунлар» устида жиддий фикр юритган олим борки, Абдулла Қодирий ўз қаҳрамонларининг руҳий олами инкишофида ўрни-ўрни билан табиат тасвирига мурожаат этишини таъкидлаб келадилар. Романда табиат тасвири гоҳ қаҳрамоннинг жўшқин руҳиятига ҳамоҳанг (параллел) берилса, гоҳида унга тескари - контраст равишда ифода этилади. Зотан, бу хусусият дунёдаги машҳур



ёзувчилар ижодида кўшлаб учраб турадики, бу жиҳат Абдулла Қодирийнинг жаҳон адабиёти дурдоналари билан ошно тутинганини ҳам намоён қилади. Айнан адиб услубидаги шу гўзал бадиий хусусият Ойбекдек нозиктаъб инсоннинг диққат-эътиборини ўзига тортиши табиий эди: «Романда яна табиат кўринишлари ва умуман пейзажлар тасвири ҳам сийрак эмас. Табиат кўринишлари аксар қаҳрамонларнинг психологияси, кайфиятига ҳамоҳанг равишда тавсифланади. Табиат ҳодисаларининг тасвири қаҳрамоннинг кечинмаларини ифода қилиш учун бадиий бир восита ролини ўйнайди: «Куз кунларининг оёғи ва қиш кунларининг боши эди. Дарахтлардаги сариқ барглار тўкилиб тугалган. Ер юзи ўзининг қишқи сариқ кийимини кийган эди. Тўрт томонининг ўралганлиги соясида япроқларини тўкилишда сақлаб қолган бу гилос ёғочлари ҳам букун тунги қора совуққа чидамай елнинг озгина ҳаракати билан-да баргларини ширт-ширт узиб ташламоқда эди. Ҳаво очиқ бўлиб, қуёш тузуккина кўтарилган. Аммо, унинг ҳам бу кун таъсири йўқ, бу кунги қора совуқ қуёш кучини-да кескан эди». Бу парча Кумушбиби Отабекдан айрилиб, энг бахтсиз кунлар ила қаршилашган пайтда, Кумуш вазиятининг симболи каби берилади. Кумушнинг шу аҳволи билан тўкилган япроқлар орасида гармония вужудга келади: «Кузларини озгина ҳаракатлантириб кетма-кет чип-чип этиб тўкилмақда бўлган хазонларга қаради ва ҳар бир япроқни юқоридан кузатиб, ерга қўя боради. У ерга тушган ҳар бир япроқда ўзининг таржима аҳволини ўқур эди». Баъзан аксинча, табиат кўринишлари қаҳрамоннинг кайфиятига, кечинмалари, туйғуларига зид, контраст бир фон ташкил қилади. Бунда табиат қаҳрамоннинг кечинмаларини ўқувчи учун равшанлантиради: (Отабек Марғилон жўнаркан, унинг маънослиги, паришонлигига қирларда баҳорнинг қувноқлиги қарши қўйилади). Табиат кўринишларининг тавсифида ёзувчи ортиқча бўёқсиз, содда картиналар беради. Айниқса, пессимистик кайфият уйғотатурган, қўрқинч ва «сирли» манзараларни жуда чуқур ҳис қилади: «Хўжамағоз» пейзажи символик - лирик бир табу» (23-бет).

Бундай узун кўчирмани мисоллари билан келтиришимизнинг сабаби бор. Романдан олинган «Куз кунларининг оёғи...» дея бошланувчи мисол айна ҳажмда С.Хусайн рисоласида ҳам келтирилган. Ойбекнинг бу тасвирга холис

муносабати юқоридаги парчада кўриниб турибди. С.Хусайн эса ўша манзарани шундай талқин этади: «Куз кунларидаги табиатни уста тасвир килар экан Абдулла Қодирий муболаға билан ҳақиқатдан тисарилай, тисарилай, дейди. Тузикгина кўтарилган куёшнинг унча таъсири бўлмай кетуви мумкинми? Йўқ, албатта. Бу ерда, тасвирдаги муболағалар Кумуш учун қўлланилгон»<sup>36</sup>. Албатта, Ойбекнинг таҳлили бундай жўнликдан йироқ, анча асосли ва илмийдир.

Кўчирмадан келиб чиқадиган иккинчи бир мулоҳаза шуки, ҳалигача тадқиқотчиларимиз Абдулла Қодирийнинг табиат манзаралари билан қахрамонлар орасидаги «гармония» хусусида Ойбек фикрига таяниб келадилар.

Шунингдек, «романинг умумий пессимистик характери» «янада чуқурлашти»риши хусусидаги фикрини ўйлаб кўрган ҳолда романда берилган «Хўжа Маъоз» қабристони билан боғлиқ тасвирлар юзасидан айрилган энг оригинал фикр («символик-лирик бир лавҳа») ҳам Ойбек қаламига мансубдир.

1935 йили 10 мартда Абдулла Қодирий «Ёш ленинчи» газетасининг адабий тўғарагида ёш ёзувчилар билан учрашади ва ижодий тажрибасидан сўзлаб беради. Адиб асарлари устида ишлаш жараёни тўғрисида гапира туриб, шундай дейди: «...Материални ўрганиш маҳалида энг майда нарсаларга (деталларга) ҳам аҳамият бераман. Масалан, мен ҳалиги ўрганмоқчи бўлган ерда қанча дарахт борлиги, уларнинг қанчаси эски ва қанчаси янгилиги, мен борган маҳалда ўша дарахтларда қандай кушлар қайси хилда кўниб турганлиги ва шунга ўхшаш жуда майда нарсаларгача. Биринчи қараганда бу нарсалар ҳеч аҳамиятга молик бўлмайдигандек кўринса ҳам, кейинроқ фойдаси тегиб қолиши жуда мумкин.

Масалан, «Ўткан кунлар»ни ёзиш чоғида Марғилонга борганимда, бир кўчадан ўта туриб, номозшом маҳалида, доғ қилинаётган зигирёғининг ҳиди бурнимга урилди, мен буни эсда тутиб қолишга тиришдим. «Ўткан кунлар»нинг бир жойига шу кичкина детални киргизилганида, берилаётган тасвирнинг яна ҳам одам ишонарли бўлиб чиққани эсимда»<sup>37</sup>.

<sup>36</sup> Хусайн С. «Ўткан кунлар». Тошкент-Баку: Ўзнашр. 1931. 66-бет.

<sup>37</sup> Қодирий А. Ёзувчи ўз иши тўғрисида. Қизил Ўзбекистон. 1935 йил. 14 март (№60).

Бу суҳбатга Ойбекнинг иштирок этиб, ёзувчининг иш тажрибаси тўғрисидаги гапларини эшитган ёки эшитмагани бизга қоронғи. Аммо, ёзувчининг юқорида ўзи эътироф этган детал қатнашган тасвирий моментни рисолада келтириб: «Бу парчада табиат тасвирига қўшилган «зигирмойининг аччиқ иси» картинани жуда жонлантирган» (24-бет), дея ёзади Ойбек.

Шунга ўхшаш ўринларда икки улуғ қалб соҳибининг кўнгли садолари ҳамоҳанглик, уйғунлик касб этади.

Бадий асар тили, сўз санъатининг мазкур компоненти, яъни «тил адабиётининг биринчи унсури, асосий қуроли» (М.Горький таъбири) эканлиги барчага маълум. «Ўткан кунлар» бу ҳақиқатни дунё юзини кўргандан то шу кунга қадар ўз вужуди - мавжудлигида намоён этиб келади. Яхлит матндаги жозоба ва нафосат, ички ритм, оҳанг - булар Абдулла Қодирий қаламидан тўкилган маржонлар занжиридан пайдо бўлгани аниқ. Тил - коммуникатив восита. «Ёзувчи тил оламида ижод қилмайди, у аниги тилдан фойдаланади, холос. Санъаткорнинг ижодий тафаккури ҳеч қачон тилдаги тафаккурга мос келмайди, тилдаги тафаккур соф бадий вазифаларни сурункасига бошқарувчи материал, жараёндир...».

М.М.Бахтиннинг бу фикри герменевтиканинг маълум бир қондасини ўзида ифода этади. Ёзувчининг бадий-эстетик идеали, бадий эстетик тафаккури матнда объективлашган ҳарф, сўз, гаплардаги, бадий асар тилидаги тафаккурга нисбатан анча кенгдир. Бадий асар матнига яхлит организм сифатида қараш ва герменевтик доирани (бутуннинг қисмларга ажраши ва қисмлардан бутуннинг юзага келишини) ҳис этиш энг тўғри ва холис адабий-илмий тафаккурга ҳос хусусиятдир. Зотан, бадий асарга вульгар социологик муносабат билан герменевтик муносабат асло тенг қучли эмас. Ёзувчининг эстетик идеалини унинг асарларидан, айнан асарлари моҳиятига сингдирилган гўзал ғояни яхлит матндан, асар тилидан ажратиб талқин қилиш герменевтик мезоннинг бузилишидир. «Ўткан кунлар» романининг тили гўзал. Ёзувчининг бадий тафаккури бунга нисбатан кенгроклигини, матнда тафаккур майдонидаги барча нарсаларни тўла ифода қилай билмаслигини инобатга олсак, демак, аввало ёзувчининг эстетик идеали гўзалдир.

Масаланинг шу тарзда қўйилиши Абдулла Қодирийнинг кимлигини, унинг эстетик оламини ва «Ўткан кунлар» романи умрбоқийлигининг сабабларини тўғри англашга ёрдам беради.

30-йиллардаги адабий танқидчилик Чўлпон ва Абдулла Қодирий асарларида ғоявий жиҳатдан «нуксон»лар кўрди. Кўпинча уларнинг истеъдоди, адабиёт оламидаги хизматлари, жаҳон адабиёти мезонларига тенглашадиган миллий-бадний тафаккури янги ўзбек шоири ёки носир, замонавий ўзбек адабий тилининг шакллантирувчилари, дея нисбатан торайтириб қўйилди.

Жумладан, Ойбек ҳам Абдулла Қодирий ижоди устида фикр юритар экан, айрим жузъий ўринларда адиб маҳоратини олқишлади; аксар ҳолатларда танқид қилди ва ниҳоят тил масаласи ўртага қўйилганда қуйидаги теран фикрларни ёзди: «Ўткан кунлар» романида ёзувчи тил устида катта маҳорат кўрсатади. Романнинг тили, ҳақиқатан бой, бўёкли, содда, ифода кучи зўр, массага англашиларили бир тилдир. Ўзбек адабий тилининг шаклланишида бу асарнинг роли, шубҳасиз катта» (26-бет), «Ўткан кунлар» янги ўзбек адабий тилининг тараққиётида катта роль ўйнайди» (28-бет).

Шунингдек, Ойбек адиб жонли халқ тилини яхши билганлигини ва ундан унумли фойдаланганлигини алоҳида уқтиради. Роман тилининг мусиқийлиги ҳақида: «Ўткан кунлар»да Абдулла Қодирий тилининг мусиқийлиги, ритмикасига ҳам катта аҳамият беради. Айрим ўринларда мусиқийлик, ритмиклик жуда очиқ кўринади. Услуб ҳам лирик тўлқунликка, жўшқинликка кўтарилади. Жумлада қофиядош сўзлар қўлланилади, қисқа жумлалар уланилади, жумлаларда такрор махсус аҳамият касб этади», (27-бет) дея ёзади. Романдаги ўхшатиш ва сифатлаш (эпитет)ларга аҳамият бериб, характерли мисоллар келтиради.

Баъзан форсча, арабча сўзларнинг меъеридан ортиброк кетганлигини, «эски адабий прозанинг таъсири» борлигини ҳам айтади. Дарвоқе, буни табиий қабул қилиш керак бўлади. Пиримкул Қодиров таъбири билан айтганда, «Ўткан кунлар»нинг бадний тили новаторона тил бўлишидан ташқари классик адабий тилимиз билан ҳозирги адабий тилимиз орасига тушган муҳим бир кўприк» ҳамдир<sup>38</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, 20-йиллар бошида адабиётшуносликдаги ҳар хил йўналишлар ибтидосини

<sup>38</sup> Қодиров П. Халқ тили ва реалистик проза. Тошкент: Фан, 1973. 89-бет. Автор мазкур рисоласида Абдулла Қодирий асарлари тили юзасидан қимматли илмий фикр-мулоҳазалар билдирган.

кузатиш мумкин; бунда ижодкор шахсини тушуниш, асарларини талқин этишда холис илмий муносабат сезилади.

Илмий-адабий муҳитда ягона давлат сиёсий мафкураси ҳукмрон бўлгандан сўнг эса, 30-йиллардаги талқинларда яқраглик, вульгарлашув, синфий ёндашув, бадий асар матнидан узоқлашув кучайди. Оқибатда ёзувчи, шоирлар шахси ва ижодига нолойиқ турли айбномалар тақалди.

Бу даврда гўзал бадий асарлар замон талаби ва мажбуриятлари туфайли матнига мувофиқ келмаган ҳолда тушунтириди. Баъзан эса тушунилган, ҳис этилган эстетик ҳодисанинг асл моҳиятига мувофиқ келадиган фикрлар ҳам берилди.

Чинакам санъат намунасининг талқинига сиёсат аралашса, асар замона майлига мосланса, илмий холислик йўқолади, эстетик моҳият очилмайди, герменевтик мувозанат бузилади. Гарчи, бадий кашфиёт даражасига етган «Ўткан кунлар»дек санъат асарлари маълум бир макон ва замонда яратилса ҳам, бадий-эстетик қувватининг инерцияси билан замон ва макон сарҳадларини енгиб ўтади, абадийлик сари юз тутади.

## АДАБИЙ ТАНҚИДДАГИ ЗИДДИЯТЛАР («Меҳробдан чаён»га муносабат)

Маълумки, Абдулла Қодирийнинг иккинчи машҳур «Меҳробдан чаён» романи ҳам адабиёт муҳиблари қалбидан мустаҳкам ўрин олди. Асар дунёга келгандан бери китобхонлар томонидан севиб мутолаа қилинади; ишқий саргузаштлар, жасурана ингилишлар, турли қаҳрамонларнинг зиддиятли кечинмалари, адолат учун кураш манзаралари такрор ва такрор ёдга олинади. Тўғриси, «Меҳробдан чаён» ҳам адибнинг дастлабки дилбар романи каби ўзининг доимий мухлисларига эга бўлган адабий дурдоналардан биридир. Шунингдек, романнинг шакл ва мазмуни, образлар тизими ва тасвир жозибаси, тил ва услуби, умуман, асар борлиғи ҳар вақт адабиётшунос олимларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келади. Ҳар бир давр ундан ўзича маъно ахтаради, топади. Ҳар қайси тадқиқотчи ундан ўзича фазилат излайди, топади. Ёки ашаддий бир мунаққид танқидни кўзлайди - у ҳам ниятига етади.

«Меҳробдан чаён» рангдор романдир. Ўйлаймизки, ҳеч бир талқинчи бу асар борасида энг тўғри ҳамда энг охириги тушунтириш берганлигини даъво қила олмаса керак. Даъвогар билан фикрлашиш ва баҳслашиш учун мавзу топилади. Зотан, «Меҳробдан чаён»нинг ўзбек романчилиги майдонида ўзига хос мавқени эгаллаб келишининг ҳам, нисбатан умрбоқийлик даражасининг ҳам сабаби айнан шунда. Яъни, роман турли даврларда турлича таҳлил ва талқинлар учун манба бўла олди.

Ўзбек адабиётшунослигида «Меҳробдан чаён»га муносабат Ойбекнинг «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» асари билан бошланганлиги таъкидлаб келинади. Аммо романнинг дастлабки талқини унинг нашрига санадошдир. 1929 йили «Шарқ ҳақиқати» газетасида Миён Бузрукнинг қодирийшунослар кўп ҳам аҳамият бермай келаётган «Меҳробдан чаён» (Мавзуи, синфий туси ва тузилиши жиҳатидан текширилмишдур)» сарлавҳали мақоласи эълон қилинади<sup>39</sup>. Дарҳақиқат, иккинчи романнинг биринчи талқини

<sup>39</sup> Бузрук М. Меҳробдан чаён. Шарқ ҳақиқати. 1929 йил. 1,2 апрель.

шудир. Мунаққид унда фикрларини рим рақамлари остида қуйидаги бўлимларга ажратади: I Романчиликда таржима; II Ўзбек адабиётида роман; III Романнинг хулосаси; IV Шартлар (Бунда «тузук жиҳатлар» ва «камчилик»лар, дея номланган иккита қисм бор); V Мафкура жиҳати; VI Тузилиш хатолари; VII Файригабиний жиҳатлари; VIII Сакталар; IX Типлар; X Таъсири; XI Хулоса.

20-йиллар охири ва 30-йиллар адабий танқидчилигига хос қатор хусусиятлар М.Бузрукнинг мазкур «гўё, елдек келган-у, селдек кетган» (Х.Қодирий таъбири) мақоласида ҳам ўз ифодасини топган эди.

Таъкидлаб ўтганимиздек, бу даврда ҳар қандай бадий асар ҳукмрон мафкура талабига кўра синфий жиҳатдан текширилар эди. Бутун мамлакат бўйлаб олиб борилаётган «буюк бунёдкорлик ишлари», «социализм учун кураш», «ички ва ташқи душманлар билан олишув», «эскилик саркитларини илдизи билан йўқотиш» жараёнларига гулдай нозик ва нафис, гўзал сўз санъати қурбон қилинар эди. Янги жамиятга, «ҳукмрон мафкурага ҳамиша ҳаёт бериб турадиган қул адабиёт, ҳаётдаги ҳамма нарсани маъқуллаб борадиган маддох адабиёт керак эди» (Озод Шарафиддинов таъбири). Ижод аҳли, айнан бадий қалам соҳиблари ҳоли-жонига қўйилмас, асар ёзиб туриши шарт саналарди. Йилдан йилга ҳажм эътибори билан кўпроқ «маҳсулот» беришлари лозим эди. «Шаклан миллий, мазмунан социалистик» маданият гуллаб яшнатилиши, ер юзига янги «энг адолатли жамият»нинг шон-шухрати овоза этилиши керак эди. Замонавий мавзудан чекиниб, тарихий воқеалар тили билан кўнгил дардини айтишга уринган ижодкорлар олдига ҳам синфийлик, ўтмишдаги «эксплуататор ва эксплуатация қилинган синф орасидаги курашни» тасвирлаш талаби кўндаланг қўйилар эди. Шу зайдда маънан мажруҳ жамиятнинг диққинафас муҳитида истеъдодли ижодкорлар эркин нафас олишдан маҳрум қолдилар, «кишанлар» ичра ботдилар.

Тарих ибрат ойнасидир. Айниқса, миллат ва мамлакатнинг тақдирида чуқур из қолдирган ва интиҳосига етган XX аср ойнаси чанг-ғуборлардан тозаланган сари инсон ва жамият ҳаёти юзасидан аччиқ ва ҳақиқий хулосаларни намоён этмоқда.

30-йиллар адабий танқидчилиги бадий асар қандай бўлиши кераклигини кўрсатиб майдонга чиқди. Худди ўша давр ва ундан кейинги жараёнлар адабий танқиднинг ўзи қандай бўлмаслиги лозимлигини кўрсатиб берди. Инчунун, бадий асарни ҳар ким ўзича англайди, ҳар ким ўз дунёқарашига мослаб тушунади ва тушунтиради; ҳақиқий санъат намунасини муайян ясама лузумлар асосидаги қолипларга солиб яқрангликка маҳкум этиш моҳиятини сийқалаштиради.

Ёзувчи илгари сурган ғояга, бадий талқинига мувофиқ бўлган илмий талқиннинг юзага келиши бадий-ғоявий бирлик ва илмийлик, ёзувчи ва талқинчи орасидаги мувозанатни таъмин этади.

Ёзувчининг эстетик идеалини ҳам, асар моҳиятидаги нафосатни ҳам аниқ-тиниқ тушунган ҳолда, сиёсатнинг монеликлари туфайли уларни тушунтиришнинг имкони бўлмаса, албатта, ғайритабиий талқинлар пайдо бўлади.

Адабиётшунослигимизда ўзбек адабиётидаги илк роман қачон ва қайси адиб томондан битилгани масаласида тортишган олимлар бор<sup>40</sup>. Бу масала ўзбек адабиётидаги ҳақиқий биринчи ва иккинчи романлар майдонга келган маҳалда ҳам долзарб бўлган.

М.Бузрук ўз мақоласида ўзбек адабиётида романнинг пайдо бўлиши ва таркиби хусусида қуйидаги мазмунда фикр билдиради. Жанр талабларига тўла жавоб берадиган биринчи «оригинал» роман «Ўткан кунлар»дир. Тўғри, Ҳамза Ҳақимзода «мишлий роман» дея кичик ҳажмли асар ёзган, бироқ уни «бу кунги романчилик шароитида роман демак тўғри бўлмайди. «Меҳробдан чаён» ёлғуз Жўлқунбойнинг иккинчи асари эмас, балки ўзбек янги адабиёти учун ҳам иккинчи роман эди»<sup>41</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Абдулла Қодирийнинг ҳар икки романи ўзбек адабиёти хазинасидаги тенгсиз гавҳарлар бўлса-да, кейинги роман юзага келган пайтдаёқ улар таққослаб кўрилган. Ҳозирга қадар давом этиб келаётган бу қиёсий талқинлар миқёси ўзига яраша тарихга эга. Романларнинг муқојасавий талқинидаги илк мулоҳаза иккинчи

<sup>40</sup> Бу ҳақда қаранг: Мирвалиев С. Ўзбек романи. Тошкент: Фан, 1969.-62-бет.

<sup>41</sup> Бузрук М. Меҳробдан чаён. Шарҳ ҳақиқати. 1929 йил 1,2 апрель.



романнинг биринчи мунаққиди М.Бузрук қаламига мансубдир: «Янги роман ва ҳикояларга мушгоқ-чанқоқ бўлгон давримизда «Ўткан кунлар»и билан танилган Жулқунбойнинг «Меҳробдан чаён»и жуда ҳам шошилиб кутилар эди ва жуда аҳамият билан қаршуланғони-да кўрилди. Бу ҳол бир даража табиий ҳам эди. Чунки биринчи асарида анча муваффақият кўрсатган. Жулқунбойдан бир неча йил сўнг чиқадиган асарининг яна ҳам комил ва гўзал бўлиши кутилар эди. Локин, «Меҳробдан чаён» у истак-орзуларга жавоб бера олмади. Унинг «Ўткан кунлар»га нисбатан ҳам анча кучсиз ҳолда чиққанини бошдаёқ айта оламиз»<sup>42</sup>.

«Меҳробдан чаён»нинг баъзи томонларини «Ўткан кунлар»га қиёс қилган Ойбек қуйидаги фикрларни ёзади: «Абдулла Қодирийнинг бу романи (яъни, «Меҳробдан чаён» - *Б.К.*) характер томонидан «Ўткан кунлар» каби романлар шаклига киратурғон бир асардир...

«Меҳробдан чаён»да ёзувчининг тарихий протсесга қараши, бадиий методи худди «Ўткан кунлар»да кўрдигимизчадир. Асарда тарихий протсес чуқур идрок этилиб, унинг қонунияти бадиий образларда тизилган эмас...»<sup>43</sup>.

Ойбек талқинича, «Меҳробдан чаён» характер ва бадиий метод жиҳатидан «Ўткан кунлар» билан деярлик бир қаторда туради. Зероки, бу тавсифни барча қодирийшунослар тасдиқлайди ҳам. Ҳақиқатан-да танлаган мавзу, конфликт яратиш, ички қарама-қаршиликларни юзага чиқариш, ишқий ва ижтимоий йўналиш параллелизми каби қатор унсурларда айнан қодирийна тасвирлаш услуби сақлангандир. Бу табиий ҳам эди.

Қиёсга тегишли бир гап. Ойбек Анвар образидаги «халқчиллик» устида тўхталар экан: «Бу «Меҳробдан чаён»да ёзувчи дунёқараши ва тарихий тасвирлаши жиҳатидан бир босқич баландга кўтарилиганини кўрсатади», деган жумлани ёзади<sup>44</sup>. Тўғриси, бу «бир босқич баландга кўтарилиш» ҳақидаги гап китобнинг 1936 йилги асл нусхасида мавжуд эмас. Шунга қўра Ойбекнинг ўз розилиги билан 60-йилларда Ҳ.Ёқубов томонидан таҳрир этилган вариантдан жой олган бу

<sup>42</sup> Бузрук М. Ўша асар.

<sup>43</sup> Ойбек. Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли. Тошкент: 1936. 30-бет.

<sup>44</sup> Ойбек. Асарлар. 10 томлик, 9-том. 284-бет.

фикрга 30-йилларнинг эмас, балки кейинги давр маҳсули сифатида қараш ўринлидир.

Абдулла Қодирийнинг дунёқарашидаги кўтарилиш, Анварни камбағалдан танлаб тўғри қилганлиги, тарихдаги синфий зиддиятларни яхшироқ ҳис этган ва бошқа қатор фикрлар борки, улар айнан 60-йиллар қодирийшунослигининг бош мотивини ташкил этади.

«Меҳробдан чаён»нинг бутун мундарижаси ёзувчи дунёқарашида ва тарихни тасвир этишда бир неча поғона баланд кўтарилганини намойиш этди»<sup>45</sup>. И.Султоновнинг бу гапига Ойбекнинг (Х.Ёқубовнинг) «бир босқич баланд кўтарилиш» хусусидаги фикрининг давоми тарзида қараш тўғри бўлмаса керак. Аксинча, И.Султонов мулоҳазаси «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» таҳририга таъсир этган ёки таҳрирчи айна масалада И.Султонов билан ҳамфикр бўлиши мумкин. Негаки, И.Султоновнинг мақоласи 1958 йилда ёзилган, асл нусха таҳрири эса 60-йиллар бошида амалга оширилган.

Қодирийшуносларнинг «Ўткан кунлар»ни «Меҳробдан чаён»га нисбатан бадий мукамал ва гўзалроқ, дея талкин қилишларига ҳалақит берган омил илмий тадқиқот метод ва принципларининг ягона давлат сиёсати механизми измида қолганлигидир. Қайсики, бадий асарда инсонлар табақасинфларга ажратилиб, улар орасидаги даҳанаки жанглар кўрсатилган бўлса, бу асар юксак, мукофотбоп, замонабоп. Қайсики, ёзувчи шунга ўхшаш қолипларга тушмаса, унинг дунёқараши нуқсонли ва ҳ. к...

60-80-йиллардаги талқинларда Абдулла Қодирий Анварни куйи табақадан танлагани дунёқарашидаги ижобий эволюцион ўзгариш эканига қайта-қайта урғу берилиб, бу «кашфиёт» тадқиқотларда фахр билан тилга олинди. Адиб иккинчи романини ёзиши билан баъзи бир «ғоявий-бадий маҳдудликдан» қутилгани, юксак камолотга эришгани эътироф этилди. Эътибор беринг, 1929 йили М.Бузрукнинг айнан «Ўткан кунлар»га қиёсан иккинчи роман камолотидан кўнгли тўлмаган эди.

---

<sup>45</sup> Су л т о н о в И. Пьесалар, мақолалар. Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1959 йил. 297-317-бетлар.

Хўш, бундай фикрлар, кўра-била туриб бири эвазига бошқасини сунъий равишда юксалтириш кимга, нима учун зарур бўлиб қолди? Бу замонабоп мулоҳазалар Абдулла Қодирийни «суяш», «ҳимоя қилиш» учун айтилаётган эдимми? Давр ўтиши билан адибнинг марксчи-ленинчига айлана борганлигини таъкидлаш моҳиятида ижодкорни эъзозлаш нияти яширинган эдимми?

Манбаларга кўра, Абдулла Қодирий аллақачон оқланган, унинг шахси ва ижодий мероси узра кезиб юрган баҳайбат қора булутлар аллақачон тарқаган эди. Балким, давр ва сиёсат тақозосига кўра адиб ижодидаги «социалистик элементлар»ни айрим олимлар атайин-билгичлайин бўрттиргандир. Аммо бу «атайинлик» кейинчалик баъзи олимлар учун дастуруламалга айланиб қолгандек таассурот беради. Улар «Меҳробдан чаён»нинг «Ўткан кунлар»дан ғоявий-бадий юксаклигини вужуд-вужуди билан уқтирдилар.

«Ёзувчи ижодида аста-секин юз берган эволюция дастлаб шунда кўринадики, Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён» романи билан «Ўткан кунлар»га нисбатан кескин равишда олға қараб силжийди. «Ўткан кунлар»нинг бош қаҳрамони Отабек йирик савдогар бўлса, «Меҳробдан чаён»нинг бош қаҳрамони Анвар қашшоқ бир оила боласи...

Ёзувчи «Меҳробдан чаён»да ижтимоий воқеликни ҳозирги замон нуқтаи назаридан тарихий фактлар асосида реалистик адабиёт талабларига мувофиқ баён қилишга «Ўткан кунлар»дагига нисбатан чуқурроқ киришди»<sup>46</sup>.

Кўчирмани бу ва бошқа манбалар асосида анча давом эттириш мумкин. Ҳолбуки, ҳақиқий санъат асарининг ғоявий-бадий қиймати ва жаҳон адабиётининг гўзал намуналари қаторидан ўрин олиши бош қаҳрамоннинг қайси табақадан танланиши билан белгиланмайди. Бош қаҳрамонлари курашчан пролетариат ёки меҳнатқаш деҳқон тоифаларидан танлаб олинган қанчадан-қанча асарлар мавжуд. Таассуфки, аксариятининг умри ниҳоятда қисқа бўлди. Ва шафқатсиз ҳакам - вақт уларнинг кўпчилигини абадий жимлик қаърига улоқтирди. Гўзалликка ташна қалб эса барибир бош

---

<sup>46</sup> А л и е в А. Ижод ва изланишлар. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976. 70-159-бетлар.

кахрамони «йирик савдогар» бўлган «Ўткан кунлар»га талпинаверди; янгилик кидираётган кўнгил ҳам таскинни «Ўткан кунлар»дан топди.

«Сир эмас, «Меҳробдан чаён» романида «Ўткан кунлар»га нисбатан тасвир принциплари жиҳатидан бир талай ўзгаришлар бор, бироқ бу ўзгаришларнинг барчаси ижобий характерга эгами? «Меҳробдан чаён»да ёзувчи дунёқараши ва тарихни тасвирлаш жиҳатидан ҳақиқатан ҳам бир боскич «баландга кўтарилган»ми? Адибдаги масалаларга марксча-ленинча ёндашишга ингилиш унинг дунёқарашидаги «ижобий эволюция»ми?»<sup>47</sup>.

Кескин ва ўринли саволлар. 30-йиллар мунаққидларини ўйлангирган, иккинчи боскич қодирийшунослари тўла тасдиқ жавобини берган бу саволларга 90-йилларда бошқачароқ жавоблар чиқди. Шу маънода профессор У.Норматов ёзади: «Бир вақтлар қувонч билан қайд этилган бундай «ижобий ўзгаришлар»нинг кўпи эндиликда бошқача талқин этилмоқда, булар буюк санъаткор шахси ва қарашига 20-йиллар иккинчи ярмидаги муҳит, шароит - тоталитар система мафқураси, адабиёт соҳасида юргизилаётган бир ёқлама сиёсатнинг салбий таъсири - оқибати сифатида баҳоланмоқда».

Умуман олганда, киёсларда истеъдодли адибнинг икки гўзал эгизак асарларидан бирини бошқаси эвазига сунъий равишда камситиш ёки атайлаб ортиқча фазилатли қилиб кўрсатиш ўзини оқламайдиган талқинлардир. Зеро, ҳар инсоннинг ўз сажияси, ҳар фаслнинг ўз таровати, ҳар романнинг ўз олами бор...

Ёзувчи мавжуд воқеликни, ижтимоий ҳаётдаги ҳодисаларни бадий талқин этар экан, ўз ғоявий мақсадини англатиш, асар марказида турган асосий қаҳрамонлари сурат ва сийратини намойиш этиш учун турли адабий усулларни ишга солади. Баъзида бош қаҳрамоннинг ўзини сўзлатади, ўзини кўрсатади, баъзан эса уни бутун вужудидан қирлик ёғилиб турган кимсаларга ёки очикқўнгил, соддадил инсонларга йўлиқтиради. Тўқнашувлар, мубоҳасалар, мунозаралар, самимий дилгир суҳбатлар ва ёки лирик

<sup>47</sup> Н о р м а т о в У. Қодирий боғи. Тошкент: Ёзувчи, 1994. 157-180-бетлар.

кечинмалар орқали воқеалар ривожи ечимга қараб силжийверади, кахрамонлар дунёси ойдинлашаверади.

Шу маънода Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён»да Анварнинг маънавий камолотини кўрсатишда Солиҳ маҳдум, Абдурахмон домла, Сафар бўзчи каби турли тоифадаги образлардан унумли фойдаланган.

Сафар бўзчи - романдаги энг самимий, энг бегубор образ. Унинг маънавияти бўрттириб, табиий равишда қабартиб кўрсатилган. Бу образнинг илмий талқини билан марксистик адабиётшуносликдаги синфийлик принципи ҳар доим ёнма-ён келади. Олимларимиз Сафар бўзчи ва синфийлик масаласига жиддий қарадилар. Бир тоифа мунаққидлар романдаги тўқнашувлардан синфий маъно излаб, топа билмади ва камчилик сифатида танқид қилдилар. Бир неча ўн йиллар сўнг бошқа бир тоифа олимлар Сафар бўзчи образининг синфий моҳиятини «кашф» этдилар.

30-йилларда М.Бузрук ёзади: «...Романининг қувватли камбағал типи бўлгон Сафар бўзчининг ҳаракатларидан синфий қараш сезгиси берарлик бир кайфият англашилмайди». Жуда яхши, жуда соз, жуда маъқул. Адибнинг ютуғи ҳам шудир. Бирок, романга синфийлик кўзойнаги ортидан қараб, тушунтираётган М.Бузрук наздида бу ҳолат камчилик, хатолик ва нуқсондир. Шу сабаб фикр давомида қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: «Ҳолбуки, Сафар бўзчи тилидан Анварни ёқлашда (гап «Жиловхонада бир жанжал» бўлими устида кетмоқда - *Б.К.*): «Ўзи камбағалдан чиққан, қаттиқликларни қўб кўрган етимлик ила ўсган, унинг учун бизлар каби камбағалларга қўб қайишади, бизнинг қаттиқ аҳволимизни яхши билгани учун юраги ачийди, бунинг мисолларини унда қўб кўрамиз...», каби ўзбек халқи орасида шуурсизча ва руҳдагина бўлгон исёнларни кўрсатувчи сўзлар сўзланса эди ва энг қувватли иллат ва сабаб бунинг каби сўзлар бўлса эди, албатта, бир даража бўлсин, синфий ҳис берилган бўлур эди»<sup>48</sup>. Сафар бўзчи айтиши лозим бўлган сўзларни мунаққид шу зайлда кўрсатиб берди. Бундан 30-йиллар шароитида бадиий асарни тушуниш ва тушунтириш, илмий талқин қандай ҳолатда бўлганлигини англаш қийин эмас. Герменевтиканинг назарий-методологик имкониятларида

<sup>48</sup> Бузрук М. Меҳробдан чаён. Шарҳ ҳақиқати. 1929 йил. 1,2 апрель.

ёзувчига буйруқ ва кўрсатма бериш принциплари мавжуд эмас. Матн ҳар доим биринчи планда туради. Талқинчи матннинг қандай бўлиши кераклиги ҳақида эмас, балки мавжуд матн айна ҳолатда қандай хусусиятларга эгаллиги, тағмотнда яширинган сир-асрорлар борасида фикр айтмоғи лозим.

Абдулла Қодирийнинг ўзи Сафар бўзчи зиммасига ортиқча юк юклаш ғайритабiiйликка олиб келишини ҳис этган. Шунинг учун адиб синфiiйликка тегишли насиҳатларни эшитиб эшитмаганга, кўриб кўрмаганга олди; бадий-эстетик қонуниятларни, образ жозибасини «синфiiй ҳис»га қурбон этишни истамади, романни мафқуравий талаб асосида янада яланғоч-қуруқ ҳолатга келтиришни хоҳламади.

М.Бузрук «синфiiй тус»ни оширишда нафақат Сафар бўзчи, балки Анвар ва Султонали муносабатларига доир маслаҳатлар ҳам берди. Бир ўринда романдаги: «Бу хон эмас, даюс», деган персонаж гапини «хон ва бекларнинг ҳаммаси шунақа, даюс» дея таҳрир этишни тавсия қилади. Шунда асарнинг синфiiй моҳияти кучаяр экан. Албатта, мунаққид ўз фикрларининг романнинг «иккинчи табъи ёки ёзадиган бошқа асарида» инобатга олинишидан умид қилди. Бироқ айнан «Меҳробдан чаён»га доир маслаҳат, кўрсатма ва тавсиялар жавобсиз қолди. «Чунки шундан ортиғи сохта бўлиши устига, китобнинг қадрини ҳам туширар эди» (Абдулла Қодирий сўзи, роман муқаддимасидан).

«Меҳробдан чаён» романининг мавзуи ҳақидаги сўзбоши асарни синфiiй нуқтаи назардан талқин этиш масаласи билан жуда кўп жиҳатдан боғлиқдир. Роман устида нисбатан батафсил тадқиқот олиб борган ҳеч бир олим сўзбошини асло эътиборсиз қолдирган эмас. Балки романга шу муқаддима орқали кириб борган. Аслида, калтис давр кирдикорларини кузатиб турган ёзувчи эҳтиёт чораси юзасидан романни ўқишга «тўғри йўлланма» берувчи муқаддимани атай ёзган кўринади. Эстетик воқеликка нисбатан бир ҳақиқат шуки, қачонки, ёзувчи ёки шоир ўзи ёзган асарнинг мазмун-моҳиятига, унда нимани ёзган-ёзмаганига муносабат билдира бошлаган нуқтадан эътиборан жозоба ортга чекинади. Чунки ижодкорнинг илгариги руҳий ҳолати, ғайришуурий равишда тўлиб, жазавага тушиб ёзган ҳолати билан ўзини-ўзи ақл

юритиб анализ қилаётган пайтдан кейинги ҳолатига зинҳор мос келмаслиги мумкин.

Мавзуга қайтиб, фикрлашайлик. Роман ёзиб тугалланган. Унга охирги нуқта қўйилган. Қарангки, сўнгра «Романнинг мавзуи тўғрисида» деган муқаддима битилган. Унинг тагига «Абдулла Қодирий (Жулқунбой), Тошкент, 5 февраль, 1928 йил» имзоси ва санаси қўйилган.

Орадан ўн кун ўтгач: «Мирзо Анварнинг кейинги ҳаёти тўғрисида», деган сўнгсўз ёзилган ва унинг охирига «Абдулла Қодирий (Жулқунбой), Тошкент, 15 февраль, 1928 йил» тарихи битилган. Оқ қоғоз ва қора сиёҳнинг беҳуда исрофидан истиҳола қилувчи адиб бу тадбири билан ўз романини «Сўзбоши» ва «Сўнгсўз» кўрғонлари орасига олиб, қутилган ҳужумлардан ҳимоя қилишни ниятлаган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. «Сўнгсўз»да: «Мирзо Анвар Худоёрнинг қўли етмайдиган Тошкентда (ўрис қўли остида) тинч, аммо жуда ҳам фақир яшаган...», жумлалари бор. Биз таъкидлаган в муаллиф қавсга олган сўз бирикмасига эҳтиёт чораси, ҳимоя тадбири маъносини бериш мумкин.

Сўзбошини ўқиган талқинчилар романдан астойдил икки синф курашини изладилар. 30-йилларнинг мунаққидлари муқаддимадаги фикр исботини ичкаридан топа билмай, у билан матнни икки хилда кўрдилар.

М.Бузрук ўз мақоласининг «Мафкура жиҳати» бўлими ҳулосасида шундай ёзади: «Мехробдан чаён» муқаддимасида «мумкин қадар синфий бўлишига уринғонини» билдирса-да ва «табiiй бўлғон қадар эскидаги синфий аҳволни кўрсатганини» хабар берса-да, ҳақиқатда эски турмуш шуурсиз тусда давом эткан ва бор бўлган синфий сезгиларни том мавзулари келганда ҳам кўрсата олмайин ўткан. Мадомики роман синфий бўлишқа уринғон, албатта, ундай нуқталарга эътибор қилмаслиги улуғ камчилик саналади. Роман ёзувчисининг янги мафкурага руҳан таниш ва йўлдош бўлиб етмаганини очиқ изоҳ этади...

Асар эгаси романни янги мафкурага хизмат қилдирмоқчи ва унга рiuя билан ёзмокчи бўлғон, у ўз муқаддимасида: «...Иккинчи тарафда мазкур («қора кучларга қарши «тубан» синф - камбағаллар, уларнинг хонлик тузилишига» - шу сатрлар М.Бузрук мақоласидан тушиб қолган, асл матнда бор - В.К.) қора

куч уламо алайҳига чиқиш, меҳнаткаш камбағалларнинг ахлоқ, сажия, оила, турмуш ва бир-бирига алоқаси, самимияти...» каби сўзларни ёзади. Бундан романга синфий бир ранг бермакчи бўлғони кўрилади. Локин бу хоҳиш ва истак қуруқ даъво ҳолида қолғон. Амада кўрсатилмағон...

Демак Жулқунбой асарининг синфий тусда бўлғони ва унга ўзбек тарихининг ҳазми кўтарган даражада синфий тус олғони даъвосидадир. Ҳақиқатда бўлса, асарда синфий тус ҳеч кўринмайди. Ҳатто ўзбек тарихида ва турмушда мавжуд бўлгон қадаринда тасвир қилишга ҳам муваффақият кўрсата олмайди»<sup>49</sup>. Ваҳоланки, адиб айтмоқчи, «Шундан ортиги сохта бўлиши устига китобнинг қадрини ҳам туширар эди».

Жулқунбой имкони доирасида ўз реалистик принцип-ларига содиқ қолди, давр талабини ортикча бўрттирмади. Қалбига қулоқ тутди; иймонида маҳкам турди. Романнинг сохта бўлишини истамасди. Ҳаёт ҳақиқатининг реал бадий талқинини тақдим этишни истади. Китобнинг қадрини ўйлади. Адиб романга мунаққидлар талабида бўлган «синфий тус»ни сўзбоши воситасида бериб қўя қолди.

«Асарда тарихий процесс чуқур идрок этилиб, унинг қонунияти бадий образларда чизилган эмас. Чин тарихий роман ўтмиш давр ҳаётини қайтадан яратади, тиргизади...

Катта бадий тарихий асарларда синфларнинг, ижтимоий туркумларнинг тақдирлари ҳал қилиниши керак. Қаҳрамон ва бошқа персонажларнинг фаолияти, кураши, эҳтирослари уларнинг синфий мансубиятига боғланиши лозим»<sup>50</sup>.

Сўзбошидаги Абдулла Қодирий фикрларини ўқиган Ойбекнинг ҳаёлига шу жумлалар ёғилиб келади. Ўз текширишлари жараёнида бош қаҳрамонларнинг «синфий характери» мукамал суъратда, тўла-тўқис очилмаганини таъкидлайди.

Аммо романдаги камчилик ва номутаносиблик 60-80-йиллардаги талқинларда айнан сўзбоши воситасида бартараф ўтилди. Роман муқаддимаси синфий талабга, синфийлик эса гоятда усталик билан асарга боғлаб тушунтирилди. Далиллар ҳам топилди. Хукмрон мафкурага ҳам мос туширилди.

<sup>49</sup> Бузрук М. Ўша мақола.

<sup>50</sup> Ойбек. Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли. Тошкент: 1936. 30-31-бетлар.



«Абдулла Қодирий ўз олдига икки синф курашини тасвир қилиш вазифасини қўйиш билан тарихга марксча-ленинча қарашга интилганини кўрсатади»<sup>51</sup>. Асар тугалланганидан кейин романнинг мавзуи тўғрисида ёзилган сўзбошига ёзувчининг ўз олдига вазифа қўйиш маъноси берилди. Замон ва сиёсат талабига кўра гўё дунёқарашда ижобий эволюция юз бергани ҳам таъкидлаб қўйилди. Романнинг ўзи йирик ижтимоий-сиёсий, мафкуравий-синфий доирага тортилди.

Ўша пайтларда «чекланган дунёқараш»ли Абдулла Қодирийдек истеъдодли бир ижодкорнинг тарихий романидан ҳам жиндай нуқсон топилиши лозим бўлар эди. Шунга кўра олимлар романдаги синфий кураш масаласида «эксплуататор муҳит мукаммал тасвирланган ҳолда, бу муҳитга қарши турган меҳнаткаш халқ муҳити етарли кенг тавсифлаб» берилмаганини айтиб ўтишни урфга айлантириб олдилар. Умуман олганда, романга доир синфий-социологик талқинлар тарихи кузатилганда тескари пропорционаллик аломати борлиги кўзга ташланади.

Абдулла Қодирий 30-йиллар мунаққиди назарида «янги мафкурага руҳан таниш ва йўлдош бўлиб етмаган» эди. Орадан йиллар ўтди; «ёзувчи дунёқарашда ижобий эволюция юз бергани» «кашф» этилди. Роман талқинига давр сиёсати ва давлат мафкураси нақадар кучли таъсир этгани шу қиёсдан ҳам кўриниб турибди.

Даврлар ўтган сари илмий талқинлар тарихий чексизлик қаърига сингиб боради. Аммо улкан истеъдод соҳиблари ёзган гўзал романлар ҳар доим муҳлисларни ўзига жалб этганича абадийлик майдонида туради.

Рус адабиётшуноси М.М.Бахтин муаллиф ва қаҳрамон масалаларини текшира туриб, бу муносабат уч хилда бўлишини айтган эди. Биринчи ҳолатда, ёзувчи ўз қаҳрамони устидан ҳукмронлик қила билмайди, уни бошқара олмай қолади; қаҳрамон ўз табиати мангигига кўра ечимга боради. Иккинчи ҳолатда, муаллиф қаҳрамонларни ўз идеясига тўла бўйсундириб олган бўлади, улар кўпроқ ёзувчи истагига биноан ҳаракат қиладилар. Учинчи ҳолатда эса, қаҳрамоннинг

---

<sup>51</sup> Султонов И. Пьесалар, мақолалар. Тошкент: 1959. 309-бет.

ўзи муаллифга айланади, гўё сахнада роль ўйнаётгандек ўз шахсий ҳаёти хусусида ўзи эстетик мулоҳаза юритади<sup>52</sup>.

Абдулла Қодирийнинг ижодий меросида ҳар уччала типдаги қаҳрамонларни учратиш мумкин, албатта. Хусусан, «Меҳробдан чаён» романида Солиҳ маҳдумга ўхшаш ўз табиати мантқиғига кўра ҳаракатда бўлган қаҳрамонлар ҳам, Анвар ва Раъно сингари нисбатан ёзувчи идеяси измига бўйсунган қаҳрамонлар ҳам мавжуд. Ва бадий адабиётда хилма-хил ва ранг-баранг қаҳрамонларнинг бўлиши табиий ҳамдир. Фақат ўткинчи сиёсий талаб қолиптидаги илмий метод ва фалсафий асослар билан иш кўрадиган олимларгина қаҳрамонлар елкасига бир хил ранг ва бир хил ўлчамдаги либосларни ёпиб кўрадилар. Мабодо қаҳрамон либосга номувофиқ келса, уни танқид қилишга тушиб кетадилар. Аслида қаҳрамонлар дардини англаш, юзидаги рангни сезиш, жуссасини тўғри чамалаш ва энг муҳими, қалбига қулоқ тутиш лозим бўлади.

Шу маънода «Меҳробдан чаён»даги энг мафтункор жуфтлик - Анвар ва Раъно образлари адабиётшуносликда кўп муҳокама қилинган. Бу муҳокама, талқин ва таҳлиллар тарихи кузатилса, ҳар хил фикрлар, турли мулоҳазалар учрайди.

М.Бузрук «Меҳробдан чаён» (мавзуи, синфий туси ва тузилиши жиҳатидан текширилмишдур)» сарлавҳали мақоласида асар сюжетини баён қила туриб ёзади: «Меҳробдан чаён»нинг энг катта ва энг ёқимли қаҳрамони Анвардур. Ҳамма воқеа унинг атрофида айланади». Латиф бир ҳолатни ҳис этган танқидчи ўз нафис тушунчаси ва таассуротини ёзиб-ёзмай, дарҳол «хушёр» тортади, даврнинг мафкуравий талаби доирасига чекинишга мажбур бўлади. «Солиҳ маҳдум каби риёчи, виждонсиз, хоин, ҳасис, аҳмоқ, лакма (сифатларнинг қалашганини қаранг! - Б.К.) бир киши қўлида ва тарбиясида Анвар ахлоқли, виждонли, шоир, ёзувчи, мафкурачи, сахий, яъни жуда ҳам комил бир киши бўлиб етиша боради» – жумла охирига таажжуб ва раддия билдириш учун сўроқ аломати қўйилган. Мунаққидга негадир Солиҳ маҳдум оиласидан комил фарзандлар тарбияланиб чиқиши ҳеч маъкул келмайди. Шу сабабки, мақоласининг «Ғайритабиий жиҳатлари» бўлимида бунга алоҳида тўхталлади: «Анвар каби

4

<sup>52</sup> Б а х т и н М. Эстетика словесного творчества. Искусство, М, 1979.С.18-21.

олим, шоир, ахлоқли, виждонли, тарбияли, мафкурачи, жасур бир киши Солиҳ маҳдум каби риёчи, мунофиқ, виждонсиз, хасис, аҳмоқ ...бир кишининг тарбиясидан етишади. Яна Солиҳ маҳдум тарбиясидан Раъно каби олима, шоира, виждонли, тарбияли, жасур, озод фикрли бир қиз ҳам етишади. Бу иккисининг бу тусда комил бўлишларига ҳеч бир турлик бошқа таъсир кўрсатилмайди. Буларнинг тарбияларини «тикондан гул, аридан бол» чиққанини мисол келтириб, ғайбий таъсирларгагина боғлаш кўрилади. Бу ҳол тарбиянинг таъсиридан ва идеянинг идеяга таъсир қилишидан хабарсизлик натижасида туғилгон бир кайфиятдир. Солиҳ маҳдум каби ифлос типдан Анвар ва Раъно каби икки комил шахсларнинг чикувларига инонмоқ учун «аътои ғайбий, фазли илоҳий»га инонмоқ ижоб этади». М.Бузрукнинг бу танқидий мулоҳазалари билан баҳслашиш мумкин. Танқидчи Абдулла Қодирийнинг: «Ва лекин табиат хасис эмас; тикондан гул, аридан бол ярата беради», деган жумлаларини ҳам яхши билади. Аллоҳ берган неъмат-да, деган энг тўғри хаёлга ҳам боради. Асар матнида реал далиллар ҳам бор. Чунончи, оиладаги бола тарбияси, Раъно тарбияси билан кўпроқ Нигорхоним шугулланишини, Анварнинг маҳдумлар оиласига ўн бир ёшида келганлигини, қолаверса, бу хонадонда Анвар ва Раъно маънавиятига таъсир қиладиган ажойиб бадиий китоблар кўпчилигини ҳам инobatта олиш керак бўлади. Романнинг ички – ботиний маънига ва моҳиятида комил тарбиянинг мумкинлигига доир далиллар бор. Фақат уни кўра билиш, ишаш керак. Ойбек ҳам «Анвар образи анчагина «курук» чиққанлигини, «ҳатто унинг портрети ҳам равшан кўринишли эмас»лигини ёзган эди. Ойбек Анвар образининг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол курашчи бўлишини истади. Ахлоқий доирада чекланиб қолмай, «ирода йўналиши»га кўра ҳақсизликка қарши курашувчи зиёли бўлишини хоҳлади. Дарвоқе, портрет масаласида. «Агар мирзо Анвар киёфасини кўз ўнгингизга келтирмоқчи бўлсангиз, муаллиф тасвирларида дўмбоққина ёш болани кўз олдингизга келтирасиз. Мирзонинг камолот ёшидаги ҳусн камолини эса қирқ қизларнинг биридан сўрайсиз!»<sup>53</sup>

<sup>53</sup> Қ о д и р и й А. Ўткан кунлар, Мехробдан чаён. Рўмонлар. (Тошкент. 1992.) В. Раҳмоновнинг «Сўнгсўз» идан, 637-бет.

Бугунги янги адабий-илмий тушунчалар ҳаётдаги ҳар қандай воқеа бадий асардаги воқеа-ҳодисаларга юз фоиз мос келавермаслиги мумкинлигини англамоқда. Аммо бадий адабиётни фақат ижтимоий маънода, унинг бадий-эстетик қонуниятларидан чекиниб, жамият қонуниятлари ҳатто ижтимоий-иқтисодий формациялар, синфий курашлар асосида талқин қилиш танқидчиликдаги вульгар социологизмга хос аломат эди.

60-80-йиллардаги адабиётшунослар «Меҳробдан чаён»га феодализмни, эксплуататорлар синфини фош қилувчи асар сифатини бердилар.

И.Султонов: «Анвар Отабекдаги синфий чекланганликдан ҳоли. Меҳнатқаш халқ қондошлиги ва фикрдошлиги туфайли Анварнинг зулмга, феодалларга ва руҳонийларга нафрати чексиз», деб ёзди<sup>54</sup>.

Шунингдек, А.Алиев М.Бузрук тасавурида ғайритабиий, Ойбек наздида романтик бўлиб кўринган Раъно образига йирик ижтимоий-сиёсий вазифаларни юқлаб талқин этди. Ёзувчи романтикасидан ҳам ошириб, Раъно жаҳон аренасига олиб чиқилди. И.С.Тургеневнинг «Арафа» романидаги Елена билан фикрдошга айлантирилди<sup>55</sup>. Бечора-шўрлик қаҳрамон шу зайлда гоҳ ерга урилди, гоҳ осмонга чиқарилди.

«Ўзбекнинг ўзлиги» китоби муаллифи М.Қўшжонов Анвар ва Раъно муносабатларига ўзига хос ёндашди. Кўпроқ характерлар мантиғига эътибор бериб, адибнинг романтик қаҳрамонларидаги ажиб чизгиларни реаллаштирди. Олим Анвар табиатига хос вазминлик, олижаноблик, сезгирлик каби қатор фазилатларни илғаб олди. Бош қаҳрамонлар бошига ёпирилиб келаётган фожеани кузатар экан, Анварнинг сусткашлигини, натижада Раънонинг жасорати ортанлигини кўрди. Гап шундаки, Анварнинг муҳаббат хусусидаги китобийроқ туюладиган, романтик бўёқларга йўғирилган фикрини изоҳлашда М.Қўшжонов ҳам муболағага берилди. Анварнинг: «Ишқ давоси авом ўйлаганча васл эмас - ҳажрдир. Зеро, васл ишқ ўтини сўндиргувчи, ҳажр эса камолатга эришдиргувчидир», деган мулоҳазаси устида тўхталиб: «Гап

<sup>54</sup> Су л т о н о в И. Пьесалар, мақолалар. Тошкент, 1959.

<sup>55</sup> А л и е в А. Ижод ва изланишлар. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976.

нимада экан, тасаввуф таъсиримикин? Эҳтимол, шундайдир» дея тасдиқли савол-жавоб қилади. Бир оз ўтиб: «Тасаввуф таъсири Раънода ҳам йўқ эмас эди»<sup>56</sup>, деган фикрни илгари суради. Тўғри, гарчи Анварнинг ишқ хусусидаги ҳикматлари тасаввуф аҳлининг қарашларини эслатса-да, Анвар ва Раънонинг ишқий тушунчаларини бу фалсафий оқимга боғлаб талқин этиш бир оз нотабиийдек туюлади. Анварнинг васл ва ҳажр хусусидаги ўша ҳикматини иложсизлик туфайли маърифатли инсон хаёлига келган фикр тарзида изоҳлаш тўғрироқ бўлади. Қолаверса, буларнинг ишқий киссаси «ҳажр» билан эмас, балки «васл» билан яқун топган эди.

М.Қўшжонов талқинича, Раънонинг барча хатти-ҳаракатлари реал ва табиий. Олим адиб баъзан қаҳрамонини ўз идеяси йўлида «етақлаши» мумкинлигига бир оз ишора ҳам қилиб ўтмайди. Аксинча, «Абдулла Қодирийнинг Раъно образини шу йўсинда тасвирлаётгани ҳеч кимни ажаблантирмайди», дея ёзади. Ажаблантирмайди?! Нега?! М.Бузрук ажабланган эди-ку! Шунингдек, 90-йилларнинг яна бир адабиётшунос олимаси Раъно образидан, унинг эркин хатти-ҳаракатларидан, қолаверса, жасоратидан анчагина ажабланди.

Бу ҳолат Х.Лутфиддинованинг Раъно образи талқинига бағишланган «Гулларнинг раъноси» рисоласида кузатилади<sup>57</sup>. Тўғриси, олима Раъно образини тушуниш ва тушунтиришда иккиланаётгани сезилади. Рисола шундай таассурот беради. Абдулла Қодирий маҳоратига, романнинг бағоят гўзаллигига тан беради-ю, аммо Раънонинг ҳаётийлиги масаласида шубҳага бораверади. Адиб тасвирлаган манзараларга, яратган қаҳрамонларга қойил қолади-ю, бироқ орадан сал ўтиб-ўтмай Раънонинг романтик қаҳрамонлиги, «муаллиф ихтиёрига мойилроқ»лиги (6-бет) гўё камчилик тарзида таъкидланади.

Кумушбиби ва Зебинисоларда миллий ўзига хослик мавжуд. «Бу миллий ўзига хосликни, давр одоби ва талабига бўйсунини Раънода кўрмаймиз» (6-бет). Демак, Раъно Оврўпа аёллари образига мойил. Бу миллий романнинг

<sup>56</sup> Қ ў ш ж о н о в М. Ўзбекининг ўзлиги. Тошкент: 1994. 84-бет.

<sup>57</sup> Лутфиддинова Х. Гулларнинг раъноси. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Кейинги кўчирмалар шу манбадан олиниб, китоб саҳифаси кавс ичида кўрсатилади.

камчилигимми ёки фазилати? Бу реалликми ёки қуюқ романтизм? Бир пайтлар романдаги айна моментлар, айна моҳият кўкларга кўтарилди, Еленаларга қиёс этилди. Бунда эса, миллийлик ва тарихийлик нуқтаи назаридан қараганда «ўз даври учун ҳаётийлик касб» (7-бет) этмайди. Раънонинг жасурлигини «ҳаётда учраши мушкул бўлган идеал ҳодиса» (7-бет) сифатида талқин қилинади. Раъно «ёзувчининг хоҳиши-иродаси таъсирида бошқарилган», «ижодкорнинг жасорати Раънога кўчирилган» (8-бет). «Раъно уста санъаткор қаламига мансуб бўлса-да, ҳаёлий, лекин ҳаётий белгиларга эга бўлган образлар сирасига киради. Ҳаётда мавжуд белгиларга эга бўлган романтик образ» (12-бет).

«У муаллиф ихтиёри, хоҳиши билан актив ҳаракат қилади» (12-бет). «Раъно бир қараганда замин фарзандидек, укаларига қарайди, уй юмушларини бажаради, отинлик қилиб қизларга сабоқ беради. Гўё реал ҳаётга боғлангандек таассурот қолдиради. Аслида эса у ҳаётда эмас, ижодкор орзусида эди» (12-13-бетлар).

«Хонлик замонида Раъно типдаги қиз-жувонлар бормиди ёки йўқмиди? Бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Ёзувчи фантазиясига тўла қувват берган ўша заминда Раънолар бор бўлганда, ёзувчи тўғридан-тўғри реалистик картина яратиб қўя қоларди. Ёзувчининг эса эстетик идеалида, орзу-тасавурида туғилган бу образ худди эртақлардагидек романтик заминга эга» (29-бет).

«Ижодкор ўз замонасида минглаб раъносифат қиз-жувонлар бўлишини армон қилган бўлса ажаб эмас. Лекин гап шундаки, ҳаётда худди Раъно каби қизлар бормиди ёки бўлиши мумкинмиди деган ҳақли савол ўқувчини ўйга толдиради» (44-бет).

«Раънони эслаганда дабдурустдан тасаввуримизда бу сифатларнинг (кўпгина гўзал фазилатлар назарда тутилмоқда - Б.К.) қай бирини илгари ўринга қўйишни билмай ҳам қоламиз. Ва Раъно каби мукамалликнинг ҳаётда борлигига ёки уни излаб топиш мушкул эканига ишонгандек бўламиз» (44-45-бетлар).

Такрор айтамыз, олиманинг Раъно образини талқин қилиши қандайдир иккиланиш, ўз фикридан шубҳаланиш, ўз-ўзини инкор ва гоҳида ўз-ўзини такрорлашлар гирдобидадир.

Юқоридаги кўчирмаларнинг айримларига қўшилиш мумкин, аммо аксариятида бир оз эътирозга сабаб бўладиган, фикрлашадиган ва баҳслашадиган жиҳатлар йўқ эмас. Баъзи ўринларда рисола муаллифининг Раъно образини тасдиқлаётгани ҳам, рад қилаётгани ҳам, хайрихоҳ ёки холис муносабати ҳам, умуман, илмий мезон сезилмай қолади. Мужмал.

Бир қараганда, олима муаллиф ва қаҳрамон муносабатларининг назарий асосларини, қаҳрамоннинг ёзувчи измига бўйсунуш ҳолатлари жаҳон адабиётида кўплаб учрашини эътибордан қочирмаётгандек кўринса, бошқа ўринда олимлар томонидан аллақачон айтиб қўйилган, яъни Абдулла Қодирийнинг романтик қаҳрамонлари ҳақидаги гапни қайта эсга туширади. Аслида, «Меҳробдан чаён» романтик, реалистик ва ҳатто, натуралистик чизгилар айни бир бадий асарда мавжуд бўлиши мумкинлигининг намунасидир.

Х.Лутфиддинова айрим ҳолатларда М.Бузрукнинг 30-йиллардаги бир хил фикрларини силлиқ йўсинда такрорлаётганини ўзи ҳам сезмайди. Тўғриси, Раъно образининг ҳаётда учраши-учрамаслиги хусусидаги баҳслар анча ибтидоий бўлиб туюлади. Адабиётга оид бирёклама эски қарашлар тубдан янгиланаётган ҳозирги даврда роман жанри имкониятларига нисбатан масаланинг бу тарзда қўйилиши ўзини оқламайди. Ҳаётда борми-йўқми, бўлганми-бўлмаганми? Бадий образ моҳиятини англаш ва инкишоф этиш учун бу илмий мезонлар бугун ноқислик қилади. Бадий адабиёт масаланинг шу тарзда қўйилиши туфайли асл санъатлик моҳиятидан узоклашиб кетди, примитивлашиб қолди. Бундай талаб ва саволлар ёзувчиларнинг бадий тафаккурини қолига солди. Адабиётда ҳаётда учрайдиган пахтакор, ҳаётдаги чўпон, турмушдаги темирчи, ҳаётдаги сувоқчи образлари ясалди. Айнан ҳаётда учрайдиган тарзда кўрсатилди. Бироқ ўй-хаёлдан, орзу-умидлардан, рухий кечинмалардан, романтик ҳаёлот оламидан маҳрум ясалди. Моддий реаллик тасдиғи, ҳаётда борлигининг исботи учун зарур ўринларда рақамлар келтирилди. Аммо бадий адабиётда руҳияти покиза инсон образи юзага келтирилгани йўқ.

Фараз қилайлик, «Меҳробдан чаён» романидаги Анвар ва Раъно образларининг қайсидир қирралари тарихий шарт-шароитга, реал ҳаётга мос келмайди. Айнан шу талабларга тўла

жавоб бера оладиган романлар ўзбек адабиётида талайгина. Бирок, биринчиси «Меҳробдан чаён»нинг ўзбек адабиёти тарихидан мумтоз ўрин олишига монелик қилмайди...

Абдулла Қодирий маънавиятидан сизиб чиққан бу тотли чашма етмиш йилдирки ташна қалбларга ором бағишлаб, хорғин руҳларга енгиллик, ғамгин кўнгилларга сурур ва маҳзун дилларга завқ улашади. Романни ўқиганда адиб меҳр берган Анвар, Раъно, Нигоройим ва Сафар бўзчилар, қаҳрига учраган Абдурахмонлар, тараддуллари оғушида қолган Солиҳ маҳдумлар ва ниҳоят муътадил тасвири Худоёрхонлар сиймоси такрор ва такрор тасаввурда пайдо бўлади.

Юқорида кузатилганидек, романнинг кўпгина қаҳрамонлари хусусида адабиётшуносликда хилма-хил ва ранг-баранг фикр-мулоҳазалар айтилган. Романни матн асосида илмий талқин қилиш доимий заруриятдир. Вақт ўтган сари бирёқлама қарашлар барҳам топиши, илмий талқинларда ҳам роман аслига мос тиниқлик юзага чиқиши мумкин. Зеро, мувозанат, холис муносабат илмий талқин учун асосий таянч ҳисобланади.

«Меҳробдан чаён»даги қаҳрамонларни нуқул салбий ёки фақат ижобийга ажратиш ҳоллари кўп бўлган. Гарчи, романдаги воқеликнинг бадий талқини холис бўлса ҳам, бу холислик кўпинча илмий тилга ўз ҳолича кўчган эмас. Замон ва сиёсат, мафкура ва метод монеликлари мавжуд эди. Фикримиз учун мисол ўлароқ романдаги тарихий воқеа-ҳодисалар, тарихий шахслар тасвирини олишимиз мумкин.

Маълумки, романдан Қўқон хонлигидан айрим лавҳалар, хусусан, Худоёрхоннинг ҳукмронлиги, амалга оширган ишлари, ўрдадаги фиску фужурлар билан боғлиқ манзаралар ўрин олган. Ёзувчи хонни ўз истаги йўлида ҳеч қандай зулмдан қайтмайдиган ҳукмдор, айни чоғда, ўзига яраша фазилату нуқсонлари бор образ сифатида кўрсатишга интилган. Хон шахсиятининг бадий талқинида муаллифнинг бирёқламалиги деярлик сезилмайди. Аксинча, мувозанатни сақлай билган кўринади. Ҳукмдор табиатидаги ҳар икки жиҳат тасвири кўзга ташланади. Бу масалада асар моҳиятидан келиб чиққан профессор У.Норматов шундай ёзади: «Энг муҳими, «феодал иерархиянинг чўққисида турган ва бутун адолатсиз тузумни ўзида мужассамлаштирган тарихий шахс»



образида кескин қоралаш, фош этиш билан баробар уни ўз ҳолича, йўқни йўндирмай, бор гапларни ёзишга уриниш ҳам мавжуд. Адабиётшуносликда, негадир ҳозирга қадар Худоёрхон талқинидаги мана шу жиҳатлар эътибордан четда қолиб келаётир»<sup>58</sup>.

Ҳақиқатан ҳам кўпчилик олимлар хонни қоралашга тушиб кетиб, бу жиҳатга эътиборсиз қараганлар. Гап шундаки, бу жиҳатни, ёзувчининг холис муносабатини ҳис этган мунаққидлар ҳам унга ромanning камчилиги, носирнинг нуқсони сифатида баҳо берган эдилар.

1. Чунончи М.Бузрук «Меҳробдан чаён» (Мавзуи, синфий туси ва тузилиши жиҳатидан текширилмишдур)» сарлавҳали мақоласининг «Типлар» бўлимида бундай ёзади: «Энг кучли, ёмон ва золим тип қилиб Худоёрхонни жонландирмоқ лозим эди. Локин хоннинг шахсияти бузуқ кўрсатилган. Худоёр гоҳ «онангиз арабми?» деб мирзоларни арабчани кўб ёзганлари учун иътоб қилади. Демак бунда миллий сезги кўрсатилмакчи бўлинади». М.Бузрук ҳис этган, аммо норозилигига сабабчи бўлган романдаги ўша саҳифага қараймиз: «Худоёр муҳр босиш асноси ёзилган ёрлик ва номаларни ўқутиб эшитар, муношиларнинг эшитилмаган араб ва форс сўзлари орқали тўқуған ярим туркий жумлаларига аксар вақт тушунмас: «Эналаринг арабқа текканма?» деб мирзо, муфтиларни койир эди. Аммо, Анварнинг ёзган ҳар бир жумласини мусиқий каби роҳатланиб, тушуниб тинглар ва «шу бала бариларингдан ҳам ўқуғанрақ чиқар!» деб, бошқа мирзоларнинг юрагига ўт ёқар эди». (Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар, Меҳробдан чаён. Рўмонлар. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. 429-430-бетлар.). «Миллий сезги»ли хонга муаллифнинг холис муносабати «Анварнинг ёзган ҳар бир жумласини мусиқий каби роҳатланиб, тушуниб тинглар...» жумласида ўз аксини топгани аниқ. М.Бузрук талабига кўра эса, хон «Энг кучли, ёмон ва золим тип қилиб» кўрсатилиши лозим эди.

2. М.Бузрук ёзади: «Гоҳ русларга қарши кучлик кўринмак учун маданий ишлар кўрувни лозим кўради. Демак, Худоёр мударбир ватанпарвар бир сиёсий(?)».

---

<sup>58</sup> Н о р м а т о в У. Қодирий боғи. Тошкент: Ёзувчи, 1995. 159-бет.

Адиб «Зулм ўчоғи» номли бўлимда аввал Худоёрхоннинг зулм йўли билан қурдирган бинолари, қаздирган ариқлари устида тўхталади, сўнг ёзади: «Хоннинг гарчи зулм билан бўлса ҳам солган мадрасаларига, қаздирган ариқларига таҳсин қилғувчи, «золим бўлса ҳам маъмуриятпарвар экан» дегувчи баъзи биравлар орамизда топилиб қолур. Шунинг учун хонни «маъмуриятпарвар» қилган омиллар устида тўхталиб оламиз. Хон икки мартаба тахтдан ҳайдалиб, анчагина тажриба ортдирган, учунчи мартаба тахтка ўлтуриши маданиятлик ўрус истибдодининг Тошкандни олиб Хўжандга ҳам қўл узатқан саналарига тўғри келган эди. Бу кунги шароит тажрибалик хонни бошқача сиёсат ушлашқа мажбур этар эди. Ниҳоятда қаттиқ қўллик бўлиш, юқори табақа ҳисобланган уламони, ашрофни ўзига қаратиш лозим ва тахтга аждаҳо каби оғиз очиб келмакда бўлган ўрусларга қарши ўз маданиятини қуриб, жавоб бериши керак эди. Шунинг учун меҳнаткашни раҳмсиз ишлатиб мадрасалар бино қилмоқда, ариқлар чиқармоқда, сарой ва расталар, қаландархона ва ўрдалар ёпмоқда эди. Абдукаримхондан бери ўнлаб хонларга яраб келган ўрдани бузиб, янги ўрда бино қилиш ўз кайфига қараганда ҳам ўрусларга жонлилик кўрсатиш, ялтирасин шаъну шавкат билан Фарғонани ўз қўлида саклаб қолиш учун эди» (480-481-бетлар). Абдулла Қодирий «тажрибали хон»нинг ана шундай тадбирларини, «хон тахтига аждаҳо каби оғиз очиб келмакда бўлган ўрусларга қарши ўз маданиятини» қураётганлигини ёзиб кела туриб, негадир «бунда самимий ҳеч нарса йўқ эди» жумласини қўшиб қўйишни ҳам лозим топади. Нима бўлганда ҳам, муаллифнинг холисона тасвирлаш кайфияти Худоёрхонга «мудаббир ва танпарвар» (М.Бузрук таъбири) сифатини бера олар эди.

3. М.Бузрук давом этади: «Гоҳ фазлу камолни тақдир қилиб ўз ўрдасининг маросимларига риоя қилмайин Анварни ирзабоши қилади. Демак, Худоёр - ҳақиқатчи».

«Ёрлиғ бериш маросими»да Анвар хон томонидан ирзабоши қилиб тайинланади. Бу ўринда мунаққидга қўмаётган жиҳат хоннинг «ўз ўрдасининг маросимларига риоя қилмас»лигидир. Яъни, Худоёрхоннинг «ҳақиқатчи» эканлиги айригабинийдир. «Чунки эскида бир мансаб бериладиган бўлганда, - деб ёзади М. Бузрук, - бу мансабга лаёқатни фазлу

камолдан ақтармас эди. Энг аввало шухрат, ижтимоий аҳвол ва насаб суриштирилар эди. Бунинг учун битмас-туганма интиригалар ўйнанилар эди. Тубан синфдан бирининг фазл камол ва ахлоқи билан кўтарилиши хонлик даврларида йў эди. Ҳамда у даврга бу кайфият ярашмас эди». Балки хонлик даврларига бизга қараганда яқинроқ бўлган М. Бузрук фикрларига кўшилмоқ мумкиндир. Балки романдаги ўш эпизодларни ёзувчининг замона билан муросаси, «синфий тус»га эътибори тарзида қабул этиш керакдир. Бирок масаланинг яна бир жиҳати борки, улуғ адибимиз Абдулла Қодирий ҳам тарихни, тарихий шароит ва шахсларни М.Бузрукдан кам билган эмас. Қолаверса, мирзо Анварнинг ўрдага кириши ва обрў-эътибор қозонишини Муҳаммад Ражаббек образи воситасида реаллаштириб берган. Адиб мирзо Анварнинг мирзабошилиқка эришуви ва бу ҳолнинг табиий бўлиши учун ёрдамчи образни орага киритган. Насаби юксак Муҳаммад Ражаббекни Анварнинг ҳомийси тарзид кўрсатган эди.

4. М.Бузрук яна бир ўринда ёзади: «Гоҳ Анварни ўлумг ҳукм қилғонда унинг талаби бўйича инсофга келиб Султонани каби ноҳақ ерга зиндонга тушган кишини озод қилади. Демак Худоёр - адолатчи».

Демак, хон характерининг бу қирраси ҳам романда ў аксини топган экан. Абдулла Қодирий Худоёрхон образида олабўжи ясашни эмас, балки ҳукмдор инсон сиймосини, ҳаё зиддиятлари ичра ўз ҳолича кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шу сабабли хон бутун зулм-заҳматлар баробарида, М.Бузрук сезганидек, романнинг айри сахналарида «миллий сезги»ли, «мудаббир ватанпарвар» «ҳақиқатчи» ва «адолатчи» қиёфасида ҳам намоён бўлади. Танқидчи эса бу иккинчи жиҳатни сира ҳам тушунишни истамади. Бу мунаққидлар авлодининг ўз талаби, айнан тарихга, бадий асар ва ўтмишдаги хону бекларга ў «оригинал» муносабати бор эди. Хон ва бекларда бирон инсоний фазилат, тирик инсонга хос ижобий ҳис-туйғу бўлиш мумкин саналмас эди. Улар «қўллари қон зулм ҳайкали»нинг тимсоли бўлишлари шарт эди. Мана ўша талаб баёнидан би кўчирма: «Бизча, хоннинг типни доимо зулм ва қон билан бўёлғон бўлиши керак эди. Уни доимо қизларнинг олдиди

доимо гафлатда кўрмагимиз керак эди. Анварнинг талаби билан Султоналини инсофқа келиб озод қилиш эмас, балки Султоналини-да кўшиб жаллодга топшириши керак эди...

Шу замондагина кўллари қонли зулм ҳайкали бўлгон бир хонни гавдалангирмак мумкин эди».

Ўзлари билиб-билмай кўллари қон, золим замон сиёсатига хизмат қилган мунаққидлар вақти келиб инсоф, адолат нелигини билмайдиган ҳукмдорларнинг қаҳрига гирифтор бўлдилар. Бу қонхўр қизил ҳукамоларнинг йиртқич шотирлари Абдулла Қодирийларга кўшиб М.Бузрукларни ҳам жаллод кўлига топширдилар, қатл этдилар.

Хон образининг бадий талқинида ҳар икки - мусбат ва манфий жиҳатни кузатиш мумкин. Бироқ, 60-йиллардан кейинги адабиётчилар ҳам ўз асарларида хон характерида «паразитлик ҳаётга муккасидан кетган монархия арбобларининг энг жирканч характерларини умумлаштириб» берилганлигини биринчи ўринга олиб чиқдилар. Бирон ўринда Абдулла Қодирийнинг ҳақиқий муносабати кўрсатилмади. Талқинчилар «Раънога панжа урган» Худоёрни ҳақоратларга кўмдилар. Мувозанат мутлоқ бузилди. Холислик йўқолди. Ҳолбуки, адиб тарихий ҳақиқатга хиёнат қилмаган эди.

Худоёрхоннинг хотинларга ўчилиги, ўнлаб канизаклари борлиги кўп марта такрорланган. Романнинг «Ҳарам», «Оғача ойим», «Хоним ойимлар», «Қирқ қизлар», «Нозик» бўлимларида бу масала жиддий ёритилган. Адиб бу ўринда ҳам ўзининг ҳақиқатўйлик, холислик принципларига содиқ қолади.

Романнинг «Оғача ойим» бўлимида Оғача ойим Гулшан билан суҳбатлаша туриб: «...Сайиднинг никоҳларида биз ўнлаб кундашмиз...», деган гапни айтади. Ёзувчи бу гапни изоҳлаш лозим, деб ҳисоблайди ва уни романнинг умумий матнидан ташқарида шундай шарҳлайди: «Шариятда тўрттадан ортиқча хотин олиш йўқдир. Худоёрнинг расмий никоҳидаги хотини тўрттадан ошмас, яъни, янги хотин оладиган бўлса, тўртинчи хотинини канизликка кечириб, ўрнига янгисини қўйиб турар эди. Оғача канизликка кечирилганларни ҳам бунда кўшиб ҳисоблайдир (муал. )» (489-бет).

Ёзувчининг бирдан бир нияти хонни қоралаш, унинг кирдиқорларини фош этиш бўлганда эди, Оғача ойимнинг сўзлари учун махсус изоҳни ёзиб ўтирмаган бўларди. Борини

ўз ҳолича, тарихий фактларни бузмай, ўринсиз бежамай, ортикча муболағага берилмай ёзишни Абдулла Қодирий ўз иймони, виждони олдидаги муқаддас бурч, дея ҳисоблаган.

90-йилларга келиб миллий тарихга, миллий кадриятларга, Худоёрхон каби тарихий шахсларга муносабат ўзгара бошлади. Бирёқламаликлар нисбатан барҳам топиб, мувозанат ўз ўрнига кела борди.

Хусусан, XIX аср охири тарихи ва адабиёти билан шуғулланадиган олимлар бир қатор илмий тадқиқот ва ноширлик ишларини амалга оширди. Булар орасида хон шахсига оид маълумотлар ҳам йўқ эмас.

Ибратнинг «Фарғона тарихи» («Мерос» рукнидаги китобда, Тошкент: Камалак, 1991.) Мирзоолим Мушрифнинг «Кўкон хонлиги тарихи» («Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин», 1995.), Ш.Юсуповнинг «Худоёрхон ва Фурқат» (1996) каби китоблари нашр қилинди.

Адабиётшунослар ҳам «Мехробдан чаён»ни қайтадан жиддий мутолаа қилиб, янгича талқинларга эҳтиёж борлигини англадилар. Масалан, профессор У.Норматов романдаги хонга оид барча эпизодларни, тасвир ва талқинларни бирма-бир синчиклаб текширди<sup>59</sup>. Натижада Худоёрхон манфий ва мусбат хусусиятлар уйғунлигидан вужудга келган образ эканлигини асослаб берди. Такрор айтаманки, олим хон «образида кескин қоралаш, фош этиш билан баробар уни ўз ҳолича, йўқни йўндирмай, бор гапларни ёзишга уриниш ҳам мавжуд»лигини таъкидлайди.

Яна бир қўшимча. Романдаги Анварни мирзабоши қилиб кўтариш учун берилган фармонни кузатиш ҳам фойдадан холи эмас. Ёрлиғ «Ба исми субҳанаху. Амруллоҳи фаризатун ва амруна важиб» - яъни, меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ ёд этилгач, Яратувчининг буйруғи фарздор ва бизнинг амримиз вожиб, маъносидаги сўзлар билан бошланади. Сўнгра мирзабоши «доруссалтанатнинг ҳаққи шаръийсига хиёнат» қилмасликка, адолат ойнасига ғубор кўндирмасликка, фуқаронинг арз-додига қулоқ солиб, бу ишда сусткашлик этмасликка ва салтанатнинг адолатини субҳу шом интишор этишликка даъват қилинади. Бу даъват - топшириқ қоғозда қолиб кетган

<sup>59</sup> Н о р м а т о в У. Қодирий боғи. Тошкент: Ёзувчи, 1995. 157-181-бетлар.

такдирда ҳам ҳокимиятдаги маънавий муҳитни сап бўлса-да кўрсатиб туриши табиийдир.

«Романда Худоёрхон образининг шу хил мусбат томонларини, хайрли ишларини эслатишдан мақсад асло уни «реабилитация қилиш», «ижобий қахрамон» қилиб кўрсатиш эмас, бу ўта сунъий, бачкана, гайриилмий иш бўлар эди. Аслида бу билан биз ёзувчининг бош ижодий принципига, реализмга хос хусусиятларни - тарихни, тарихий шахсларни, ижтимоий кучларни орттирмай ва камситмай «ўз ҳолича» олиш, «бор гапларни ёзиш» санъатини таъкидламоқчимиз, холос»<sup>60</sup>.

Шу зайлда адабиётшунослик романга доир қатор масалаларда бирёклама қарашлардан нисбатан чекинди, бадий ва илмий талқинлар орасида мувозанат юзага келгандек бўлди.

Хуллас, «Меҳробдан чаён» романига муносабатдан кўринадики, воқеликнинг бадий талқини билан илмий талқин орасидаги мувозанатнинг бузилишида ташқи сиёсий-мафкуравий омилларнинг таъсири кучли бўлган.

Қодирийшунослар эътиборидан четда қолиб келган М.Бузрукнинг мақоласида вульгар социологик руҳ бор. Унинг Худоёрхонга оид қарашлари романи, ҳатто тағматни яхши ҳис этганлигини, бироқ уларни тушунтиришда матн ҳақиқатидан чекинганини кўрсатади.

«Меҳробдан чаён» романи талқинидаги бирёкламалик, инкор ва зиддиятлар тарихий шарт-шароит, шунингдек, адабиётшунослар жасорати, дунёқараш ва умуман, эстетик диди билан ҳам изоҳланади.

XX асрнинг 90-йилларида романи қайта идрок этиш, янгича шароитда роман матнини, бадий-эстетик қимматини янгича тушунтириш бошланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳақиқий санъат даражасига етган, ўзининг доимий ўқувчиларига эга бўлган бадий асарлар адабиёт майдонида умрбоқийлигича қолади. Адабиётшунослик эса бундай нодир манбага қайта-қайта муурожаат этаверади.

<sup>60</sup> Н о р м а т о в У. Қодирий боғи. Тошкент: Ёзувчи, 1995. 164-165-бетлар.

## ИЛМИЙ-АДАБИЙ МУҲИТ ВА АДАБИЙ ТАЛҚИН

XX аср ўзбек адабиётшунослиги тарихида тоталитар сиёсат ўзининг мудҳиш ва салбий изини қолдирди.

Илм-фан, санъат ва адабиёт ягона давлат сиёсати механизмининг мувватларига айлантирилди. Ижод эркинлиги, сўз эркинлиги, мустақил фикрлашга барҳам берилди.

Сталин вафотидан сўнг эса давлат микёсидаги маънавий муҳитнинг нисбатан соғломлашиш, хато ва камчиликларни фош этиш, ноҳақ жабр-зулм чекканларга ҳамдардлик билдириш жараёнлари бошланди. 1956 йилда бўлиб ўтган партиянинг XX съезди мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётидаги барча масалаларни расмий равишда кўриб чиқди.

Чўлпон ва Фитратларнинг ёзган асарлари оқланмаса-да, ўзлари шахс сифатида оқланди.

Абдулла Қодирийнинг барча асарларини қайта нашр этиш имкони пайдо бўлди. Зотан, улуғ адиб ижоди талқинининг иккинчи босқичи бошланиши ҳам 60-йилларга тўғри келади. Адабиёт ва ижтимоийлик, адабиёт ва сиёсат XX аср адабиёти ва санъати учун ёндош тушунчалардир. Ижодкорга санъаткор сифатида қараб, бадиий-эстетик диди ва иқтидори даражаларини кузатишдан кўра биографиясининг ибтидосига - қандай синфга мансублиги, қандай муҳитда ўсганлиги, хуллас, ижтимоий келиб чиқишига алоҳида урғу берилди.

Ижодкор яратган асарнинг ижтимоий мазмуни, социал моҳияти нимани ташкил этади; қайси табақа манфаатига хизмат қилади, деган масала ҳам айнан ўша адабиётнинг жамият ва сиёсатга алоқадорлигининг бир қиррасини намоён этади.

Дейлик, бадиий асар дунёга келган. Муҳокама ва мунозаралар мавзуга айланган. Истайсизми-йўқми барибир ўша янги асарнинг жамиятга, сиёсатга қандай хизмат қилиши, қанақа фойда келтириши, албатта, биринчи планга чиқарилган.

Бадиий адабиётни социологик тадқиқоти - марксистик адабиётшуносликда ижодкорнинг ижтимоий мансубияти, асарининг ижтимоий моҳияти ва жамиятга таъсири масалалари талқиннинг асосини ташкил этади.

XX аср ўзбек адабиётшунослиги тарихидаги талқин муаммосини тадқиқ этишда юкоридаги ҳолатлар баёнини асло четлаб ўтиб бўлмайди. Зеро, бадий адабиётнинг йўналиши ижтимоий-сиёсий давлат идораларига, бадий асар талқини, таҳлили ҳамда баҳоси давр ва давлат мафқурасига, комфирка сиёсатига алоқадорлиги инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

Абдулла Қодирий шахси ва ижодига муносабатнинг ўзгариши ҳам шу ижтимоий-сиёсий воқеликлар натижаси, албатта. 1937 йилги қатағондан сўнг, қарийб, йигирма йил мобайнида Чўлпон ва Фитрат қатори Абдулла Қодирий номи ҳам, асарлари ҳам ижобий маънода тилга олинмаган эди.

1956 йилги оқланиши жараёнида, оммага маълум қилинган махфий ҳужжатлардаги қайдларга кўра, Абдулла Қодирий шахси ва ижоди юзасидан Туркистон Ҳарбий ўлкасининг прокурори айрим таниқли ёзувчи ҳамда адабиётшунослардан «хулосалар» ёздириб олади. Уларда Абдулла Қодирий романларининг ниҳоятда гўзал ёзилганлиги, ўз вақтида жуда машҳур бўлганлиги, тили бағоят ширадор эканлиги таъкидланади. Ва айни чоғда, сўтдан оғзи куйган қатикни пуфлаб ичади деганларидек, мутахассислар ўз мулоҳазаларига бир «аммо»ни илова этиб ўтишни лозим кўрганлар.

Собир Абдулла 1956 йил 25 апрелда ёзади: «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари ҳақида менинг мулоҳазаларим ва таассуротларим тубандагича: ҳар икки романнинг тили бой, содда ва бадий жиҳатдан юксак бўлиши билан, авторнинг моҳирлиги билан катта сўз санъаткорлигидан дарак берар эди. Бироқ асарда синфий кураш тўла ёритилмаган ҳолда, хонлар даврида ёзилган меҳнатқаш табақанинг роли кам, кураши етарли бўртмаган эди».

1956 йил 4 майда Мумтоз Муҳамедов маълумот беради: «Мана шу асарларнинг ҳаммаси («Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» - В.К.), хато ва камчиликларига қарамадан, менинг назаримда, Абдулла Қодирий ўша пайтда ўз тили ва маҳорати билан бошқалардан ажралиб турадиган истеъдодли сўз санъаткори эканини кўрсатган эди».

Бутун қатағонни ўз кўзлари билан кўрган авлод XX съезд ҳақиқатларига ишониб-ишонмай ўз хулосаларида эҳтиёт чораси учун ана шундай «гарчи» ва «аммо»ларни ёзиб ўтдилар.



Жамият ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, маънавий муҳити ўзгариши оқибатида 30-йиллар адабий майдонида туриб Абдулла Қодирийни танқид қилган айрим мунаққидлар ҳам бу даврда ўз хулосаларини замонга мослади.

Таассуфки, Сотти Хусайн ва Миён Бузрукка Абдулла Қодирий номи ва асарларининг қайта майдонга чиқиш жараёнини кўриш nasib этмади; улар ҳаётдан кўз юмган эдилар. Билъакс, улар ҳам улуғ адиб асарлари борасидаги талқинларини нисбатан ўнглаб, замонага мосроқ хулосаларни айтган бўлар эди.

Инчунун, ўз қарашларига жиддий таҳрир берган шахслардан бири Ойбек эди. 1936 йилда ёзган рисоласини «Асарлар»га киритиш арафасида дўсти Ҳ.Ёқубовга жиддий таҳрир учун изн берган. Ва биз ҳозирда 60-йиллар маънавий муҳитига мосланган, Ойбекнинг мактабдош дўсти профессор Ҳ.Ёқубов таҳриридан чиққан «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли»ни ўқиб келамиз. Зероки, иккала вариант орасида фарқ бор. Бирида 30-йиллар нафаси сезилса, кейингисида 60-йиллар муҳитининг таъсири кўринади. Баъзи тадқиқотчи олимларимиз таҳририй нусхани Ойбекнинг 30-йиллардаги талқинлари тарзида қабул қилиб, кўчирмалар оладилар ва хатб қиладилар.

Дарвоқе, 30-йиллардаги вульгар социологик қарашлар тегирмонбошиси М.Шевердин 60-йилларда саломатлик нашидасини сурмоқда эди. Унинг «Абдулла Қодирийга муносабати қандай? Бу ёзувчи бирон кўрсатма ёки хулоса берганми бу хусусда?

Юқорида номлари зикр этилган айрим ўзбек ёзувчилари ва олимлари қатори М.Шевердин ҳам 1956 йили 26 май куни Туркистон Ҳарбий ўлкасининг прокуратурасига ўз хулосаларини ёзиб берган эди.

«Мен Абдулла Қодирийни ўз асарларида феодал тартибини, қалокликни фош этишга ҳаракат қилаётган ва янги Шўро тузуми муваффақиятларини куйлаётган Шўро вакили сифатида билардим»<sup>61</sup>.

М.Шевердиннинг бу фикридан Абдулла Қодирий шахсиятига муносабати ўзгарганини, замонабоп тусга

<sup>61</sup> Ушбу кўрсатма-кўчирмалар Н.Боқийнинг «Қатлнома» (Тошкент: Нашрият-матбаа бирлашмаси; 1992 ) китобидан олинди.

келганлигини сезиш қийин эмас. Ўзининг 1928 йилги мақоласида: «Ўзбекларнинг биринчи романи - Қодирийнинг романи ғоявий жиҳатдан бизга ётдир... «Ўткан кунлар»нинг салбий томонларини ҳатто унинг жуда катта баъдий қимматига эга экани билан ҳам оқлаб бўлмайди...», жумлаларини ёзган «мунаққид» 1956 йилга келиб, Абдулла Қодирийни ғоявий жиҳатдан ўзига маслакдош қилиб қўяди.

Такризда роман олдида жуда катта социал талаблар қўйган ва икки жумланинг бирида бош қаҳрамоннинг ижтимоий фаолияти суствашигидан норозиланган такризчи прокуратура учун ёзган кўрсатмаларида бу ижтимоийлик иллатидан халос бўлгани кўринади. «Умуман айтганда, баъзи арзимас таҳрирларни ҳисобга олмаганда, йигирма-ўттиз йил муқаддам Абдулла Қодирий ижоди ҳақида айтган гапларим ҳам шу бугун баён этаётган фикр-мулоҳазаларимдан деярли фарқ қилмайди. Менинг баҳойим, асосан ижобийдир». Салбий кирғокдан ижобий кирғокқа ўтиш жараёнини сездирмаслик ва ўзининг 30-йиллардаги фикрига садоқатини намоён этиш ниятида М.Шевердин йўл-йўлакай «Ўткан кунлар», хусусан, бош қаҳрамон камчиликларини ҳам эслатиб ўтади.

Кейинчалик олимлар орасида давомли баҳслар мавзуси бўлган метод масаласида адибни «социалистик реализм вазиятида турган истеъдод» соҳиби сифатида тавсифлайди. М.Шевердин «хулосаси»даги яна бир жиҳат Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романида «Ўткан кунлар»га нисбатан «ғоявий жиҳатдан улғайган»лиги масаласидир. Зотан, бу «кашфиёт» ва «улғайиш» кўплаб олимларимизнинг фикрий негизига, онгу шуурига муҳрланиб қолгани ҳам сир эмас.

Абдулла Қодирийнинг оқланиши жараёнида унинг исарлари юзасидан хулосалар ёзиб берган ёзувчилар адибнинг аксилшўровий хатти-ҳаракатини тасдиқламадилар... «Абдулла Қодирий (Жулқунбой) адабий мероси юзасидан тузилган комиссиядан

Абдулла Қодирийнинг адабий мероси юзасидан тузилган комиссия ёзувчининг қўлёзмалари, хатлари, фотосуратлари, шунингдек, унинг ҳаёти ва ижодига тааллуқли бошқа материалларга эга бўлган барча муассасалар ва граждандар ушбу материалларнинг асл нусхаларини ёки копияларини қўидаги адрес билан комиссия ихтиёрига юборишларини

илтимос қилади. Адрес: Тошкент шаҳри, 1 май кўчаси, уй № 20. Ёзувчи Абдулла Қодирий (Жулқунбой) адабий мероси юзасидан тузилган комиссия»<sup>62</sup>.

Бу тарихий манба қаторида узоқ ҳукм сурган жимликдан кейин матбуот юзини кўрган биринчи «Машҳур ўзбек ёзувчиси» дея номланган кичик бир мақолани ҳам тўла кўчирамыз.

«Машҳур ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий (Жулқунбой) ўзбек халқининг атоқли адиби эди. Абдулла Қодирий ёшлик чоғларидаёқ адабиётга ҳавас қилиб, бошлаб хабар, мақола ва ҳикоялар ёзди.

Қодирийнинг биринчи ҳикоялари газета ва журнал саҳифаларида босилиб чиқди. Чунончи, «Улоқда», «Жинлар базми» каби ҳикоялар ҳамда «Уйланиш» номли драмаси («Бахтсиз куёв» - Ъ.К.) Абдулла Қодирийнинг революцияга қадар ёзган бошланғич асарларидан эди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин Абдулла Қодирий (Жулқунбой) ўзининг катта асарлари билан майдонга чиқди. У аввало «Ўткан кунлар» романининг биринчи қисмини ёзиб кенг ўқувчилар оммасига тақдим этди. Кейинчалик, бу романинг иккинчи ва учинчи қисmlарини ёзиб тугатди. Сўнгра «Меҳробдан чаён» романини нашр эттиришга муваффақ бўлди.

Абдулла Қодирий кишлоқ хўжалигини коллективлаштириш темасида «Обид кетмон» номли роман ёзди.

Ёзувчининг қалами юмор ва сатира соҳасида ҳам сезиларли из қолдирди. Унинг «Муштум» журналин саҳифаларида босилиб чиққан «Тошпўлат тажанг ним дейди?», «Қалвак махзум» ва шунга ўхшаш катта-кичик сатирик ҳикоялари мана шулар жумласидандир.

Абдулла Қодирий (Жулқунбой) кенг китобхонла оммасига ўзининг бадий маҳорати, тилининг халқчил бойлиги билан танилган улкан адиб эди.

Машҳур ўзбек ёзувчиси рус адабиёти классиклари, Шар мамлакатлари ёзувчилари асарлари билан мунтазам равишда танишиб борди ва улардан ижодий ўрганди. Абдулла Қодирий

---

<sup>62</sup> Уша жойда.

бадий ижодиётга юксак талаб қўядиган, доимо ижодий изланишлар билан яшаган катта санъаткор эди.

Совет китобхонлари Абдулла Қодирий асарларини тез орада яна ўқишга муяссар бўладилар»<sup>63</sup>.

Мақолага имзо қўйилмаган. У тахририят ёки комиссия аъзолари томонидан ёзилган бўлиши мумкин.

Адибнинг оқланиши, асарларининг қайтадан оммага тақдим этилиши уларнинг нафақат яроқли-яроқсизлиги, ғоявий жиҳатдан зарарли-зарарсизлиги, балки ижтимоий-сиёсий муҳит об-ҳавосига ҳам боғлиқ эди. Абдулла Қодирий тўғрисида ўтказилган махфий текширувлар, мутахассис ҳамда ёзувчиларнинг яширинча берган маълумотлари замона иқлимига мосланган, ижобий характерли мулоҳазалар эди. Улар демокчики, Абдулла Қодирий асарларининг баъзи ўринларини тахрир қилиб, қайта нашр этиш мумкин.

Мамлакат миқёсидаги сиёсий муҳит, табиийки, маънавий-маърифий муҳитга ҳам таъсирни ўтказди.

Абдулла Қодирий ижоди юзасидан узок жимликдан кейин Иззат Султоновнинг «Ёзувчи Абдулла Қодирий ҳақида» деган мақоласи «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1956 йил 28 октябрь сонидида босилиб чиқди. Муаллиф мақоласида янгича талқинлар нафаси сезилади, адиб тўғрисидаги хулосалар жиддий ўзгаргани аниқ кўринади. Абдулла Қодирийнинг ўзбек адабиётидаги ўрни хусусида янгича ёзаётган адабиётшунос олим имкони борича ёзувчи шахсига, асарларига илман холис ёндашувга интилади. «Агар ёзувчи ҳақиқатан талангли ва соф кўнгли бўлса, у ўз социал муҳитининг бор синфий манфаатлари доирасидан чиқиб, ҳаётни ҳаққоний тасвирлайдиган ва ижтимоий тараққиётга хизмат этадиган асарлар яратолади». Бу назарий гапни жаҳон адабиёти гигантлари - Лев Толстой, О.Бальзак каби адиблар мисолида исботлайди ва ўринли равишда Абдулла Қодирийни ҳам шулар қаторига қўяди.

«20-йилларда кўп ўзбек танқидчилари, назарий жиҳатдан хомлиги натижасида марксча-ленинча принцип, яъни даставвал ёзувчи ижодининг объектив ижтимоий қимматини тайинлаш принциpidан четга тойдилар ва натижада Абдулла Қодирий

<sup>63</sup> Совет Ўзбекистон маданияти. 1956 йил. 13 октябрь.

ижодини ғоявий йўналиши ва мундарижаси жиҳатидан буржуа миллатчилиги руҳидаги ижод, деб эълон қилдилар.

Абдулла Қодирий ижодига юқоридагидек характеристика беришга гўё уч «асос» бор экан. Абдулла Қодирий ижтимоий чиқиши ва муҳити; унинг революциядан аввал жадилизм билан бўлган алоқаси; ёзувчининг совет тузумига душманлиги билан қарashi (гўё бу унинг асарларидан «кўриниб турар» эмиш)».

И.Султонов «Ўткан кунлар» романига тўхталиб, Абдулла Қодирийнинг миллатчиликда айбланиши ёзувчига қўйилган очикдан-очик бўҳтондир, деган фикрни билдиради.

Абдулла Қодирийнинг асарлари оммага етказилиши уларнинг маънавий мулкига, эмин-эркин мутолаа этадиган сеvimли асарига айланиши учун олимлар қўлидан келганча ҳаракат қилди. Ҳатто, баъзан романлардаги мутлақо иккинчи даражали жиҳатларни бўрттириб кўрсатиш орқали ўзиниятларини рўёбга чиқаришга интилди. «Ўткан кунлар» романининг темаси «феодал тузумни фош этишдан иборат» эканлигига урғу берилиб, социал формацияларга боғланди. Адабиётнинг абадий ва азалий мавзуси, «Ўткан кунлар» романининг туб негизини ташкил этадиган, ишқ-муҳаббат масаласи, «Отабек ва Кумуш ўртасидаги муҳаббат фожеаси» урф-одат туфайли юз берган ҳодиса тарзида талқин этилди.

И.Султонов Абдулла Қодирий тақдирини «ҳал этган» «улуғ оға» бўлмиш руслар масаласида жуда эҳтиёткорлик билан иш кўрди; улар билан боғлиқ ўринларни атай бўрттириб кўрсатди. Отабекнинг рус идораси тўғрисидаги гапларини «Отабекнинг бу айтган сўзлари рус халқининг юксак маданиятига тааллуқлидир», дея шарҳлади. «Меҳробдан чаён» интиҳосида Анвар билан Раънонинг Тошкентга қочиш келишини: «Роман қахрамонлари хон жабридан қочиш, рус паноҳида омон қолганликлари, инсонпарвар рус тартиби ҳукмрон бўлган жойда бахт-саодатга эришганликлари (? - В.К.) жуда яхши кўрсатиб берилган»<sup>64</sup>, тарзида талқин қилинди. Баъзан атайинлик суистеъмол этилди; инсоннинг индивидуал дунёсига эътиборсиз қаралгани ҳолда ёзувчидан

<sup>64</sup> Султонов И. Ёзувчи Абдулла Қодирий ҳақида. Қизил Ўзбекистон. 1956 йил. 28 октябрь.

коммунистик хушёрлик, марксча-ленинча дунёкарашга эгалик талаб этилгандек бўлди. Гарчи, адиб тўғрисидаги энг муҳим хулосалар ижобий томонга силжиган бўлса ҳам, унинг «камчилик ва нуқсонлари»дан баҳс юритиш барҳам топмади, албатта.

Шу ўринда мавзуимизга дахлдор кичик бир хотирага эътибор берайлик. Иззат Султонов ёзади: «Абдулла Қодирийни оклаш масаласини биринчи бўлиб Москвада Мухтор Аvezов кўтарган эди. Бу сатрларнинг муаллифи билан суҳбатда Аvezов бу ишни нимадан бошлаш ҳақида ҳам яхши маслаҳат берган эди: «Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романида Россиянинг Шарққа нисбатан прогрессив роль ўйнаганини биринчи бўлиб кўрсатди: Отабекнинг Шамайга сасҳати ҳақидаги ҳикоясида бу фикр яхши ифода этилган. Қодирийни реабилитация учун ҳаракат бошланг ва мана шуни дастак қилиб олинг». Бу сўзлар айтилган маҳалда Россиянинг Шарққа нисбатан ижобий роли ҳар жиҳатдан бўрттириб кўрсатилар эди ва шу сабабли реабилитациянинг муваффақияти учун ишни Қодирийнинг хизматини намойиш этишдан бошлаш у вақтдаги мураккаб шароитда ишнинг муваффақиятини таъминловчи фактор бўлиб қолди»<sup>65</sup>.

Ҳақиқатан И.Султонов бу факторни маҳкам тутганлигини ТуркХў прокуратурасига ёзиб берган хулосасида ҳам, биз юқорида фикр билдирган матбуотдаги дастлабки чиқишида ҳам, шунингдек, «Ўткан кунлар»нинг 1958 йилги наشري сўзбошиси-ю дарсликлар учун ёзган махсус мақолаларида ҳам кўриш мумкин.

Отабекнинг рус идораси тўғрисидаги гаплари ўз вақтида реабилитация учун муҳим роль ўйнаган бўлиши мумкин. Аммо шуни ҳам эътибордан қочирмаслик керакки, И.Султонов ва ундан кейин ҳам Абдулла Қодирий романини тилқин қилган олимлар «Россиянинг Шарққа нисбатан прогрессив роль ўйнаганлиги»га чин дилдан ишонган бўлса ажаб эмас. Бу олимлар аср шомида тарихга муносабат мутлақо ўнгаришини, юрт истиқлолини туш кўрмаган ахир, албатта.

---

<sup>65</sup> Султонов И. Улкан адиб сабоқлари. Жаҳон адабиёти. 1997 йил. № 2. 164-бет.

Умуман олганда, И.Султонов Абдулла Қодирий ижодини янгича шароитда замоннинг адабий сиёсатига ва ўзининг ўш ижтимоий-сиёсий муҳитга мувофиқ келадиган филологи билимига мослаб талқин этди. Душманга айлантири қўйилган адибни дўстлар қаторига қўйиш, «қора»ни оқартириш жараёни осон кечмади.

Иззат Султоновнинг талқинларида Абдулла Қодирий ижодидаги ютуқ сифатида кўрсатилган жиҳатлар ҳам камчилик тарзида баҳоланган нуқталар ҳам, истайсизми йўқми, эътиборни ўзига жалб этади. Агар С.Хусайн адибни «майда буржуазия» табақасига мутааллақ этган бўлса, И.Султонов «совет»лар қаторига қўйишга мажбур бўлди. Фикр ифодасида «совет» сўзига, «социалистик жамият бирикмасига урғу кучайтирилди. Табиийки, бунда бадиий асар матнидан узоқлашиш бор. Талқинлар замонга мосланган. Ҳолбуки, энг муносиб талқин матн моҳиятидан келиб чиқади.

И.Султоновнинг Абдулла Қодирий ижодига хос, хусусан, ижодининг илк даврига доир мулоҳазалари ва романлари билан боғлиқ қатор фикрлари қодирийшунослик йўналишида ўз гегемонлигини узоқ вақт сақлади. Аммо олимнинг қодирий-шунослик тарихидаги ўринли хизматларини ҳеч инкор этиб бўлмайди, албатта.

Ўзувчига дунёқараш масаласида буйруқ бериш осон эмас. Ва инсоннинг оламга қараши қандайдир давлат миқёсидаги расмий қарор ёки буйруқлар билан ҳам ўзгариб қолмайди. Дунёқараш инсон тафаккури, ички руҳияти, фикр юритиш тарзи билан боғлиқ тушунча. Чунончи инсон ақлидан ҳақиқат ўлароқ ўрин олган тушунчалар осонлик билан ўз ўрнини иккинчи бир шубҳали тушунчаларга ҳам бўшатиб бермайди. Ҳақиқат илоҳий маънодагина ягона бўлади. Инсонлар доирасида эса, «Дунёда қанча одам бўлса, шунча ҳақиқат бордир» (Л.Шестов ибораси), яъни ҳар ким ўз ҳақиқатига таяниб яшайди.

И.Султонов Абдулла Қодирий ижодини талқин қила экан, адиб дунёқарашининг «мураккаб»лиги, баъзан чекланганлигига эътибор берди.

«Қодирийнинг «Ахволимиз» ва «Миллатимга» шеърлари ҳамда «Жувонбоз» драмаси Бехбудийга таклидан ёзилган; бу асарларда маҳаллий буржуазия идеологларининг «асо

солувчи» ғоялари тарғиб этилган. Бу ёзувчи дунёқарашига бойлар ва буржуазия интеллигенцияси муҳитининг таъсири натижаси эди».

«Октябрь социалистик революциясидан кейин жадиализмнинг йўлбошчилари очикдан-очик контрреволюция лагерига ўтиб, Совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борди. Абдулла Қодирийнинг эса совет позициясига ўтиб, ўзбек халқининг янги матбуоти ва адабиётини яратишга қаттиқ бел боғлаши билан унинг революциядан аввалги ҳаёти ва ижоди орасида маълум даражада узвий боғланиш бор. Шу билан бирга, Абдулла Қодирий дунёқарашига революциядан илгариги жадиализмнинг таъсири бўлгани ҳам ёзувчининг совет давридаги ғоявий ва ижодий йўлини мураккаблаштиради. Ёзувчи катта қийинчиликлар билан «эскилик юки»дан аста-секин холос бўлиб боради ва бу «тозариш» процесси - Абдулла Қодирийнинг Совет ҳокимияти ва социализм учун курашда актив иштирок этиш процесси, ҳаётдан ўрганиш процесси эди»<sup>66</sup>.

Абдулла Қодирий дунёқарашини ижтимоий муҳитга, жамиятдаги ғоявий йўналишларга ва ўзгаришларга алоқадорликда талқин этиш бошқа олимларнинг асарларида ҳам И.Султонов позициясига яқинлик касб этади.

«Абдулла Қодирий ижодий фаолиятининг илк даври шундай бир ижтимоий-сиёсий мураккаб шароитга тўғри келдики, у ихтиёрсиз равишда бу муҳит тўзонидан ҳаво олишга мажбур эди»<sup>67</sup>.

Адиб ижодининг эволюциясини текширган И.Мирзаев қуйидагиларни ёзди: «Шубҳасиз, Абдулла Қодирийнинг инқилобдан олдинги илк ижодий изланишлари нуқсонлардан холи эмас. Ёзувчи дунёқарашига чекланганлик унинг бадий асарларида ҳам ўз ифодасини топди...»<sup>68</sup>.

Ёзувчининг «дунёқарашига чекланганлик»ни И.Султонов «Ўткан кунлар» романида ҳам кўради. Ромanning бутун фазилятларини бир-бир қайд этган олим: «Шу билан бирга,

<sup>66</sup> Султонов И. Асарлар. 4 томлик, 2-том. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. 116-337-бет.

<sup>67</sup> Насриддинов Ф. Адибнинг йўли Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971 йил. 17-бет.

<sup>68</sup> Мирзаев И. Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси. Тошкент: Фан, 1977. 11-бет.



«Ўткан кунлар»да тарихий воқеликни тасвирлашда жиддий нуксонлар бор. Бу камчиликлар юқорида айтилганидек, ёзувчининг дунёқарашидаги ожизликлардан келиб чиқди...

«Ўткан кунлар» романида халқнинг зулмга қарши ҳаракати кўрсатилган бўлса ҳам, шу ҳаракат ичидаги ана шу энг илғор кучлар (кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишига қарши курашиб келган кучлар-Б.К.) кўрсатилмай қолган. Бунинг сабаби - ёзувчи дунёқарашидаги ожизликдир. «Ўткан кунлар»нинг ғоявий мазмуни шуни кўрсатадики, Абдулла Қодирий бу роман устида ишлаган чоғида (1921-1924 йиллар) марксизм-ленинизм таълимоти билан яхши таниш бўлмаган ва шунинг учун феодализм даврида ислохчилик (реформаторлик) йўли билан одил тузум майдонга келтириш мумкин деб ишонган. Феодализм давридаги антогонистик синфларни мурсогага келтириш мумкин эмаслиги ҳақидаги марксистик таълимот ёзувчига ҳали маълум эмас эди.

Бугун бир оз ғалати туюладиган бу талқинлар 60-йилларнинг гапи, албатта. Бу ўринда тарихийлик принципи эътибордан четда қолмаслиги лозим. Бундаги талаблар ҳукмрон методологик асосларга ҳам тааллуқлидир.

Зотан, ўша ҳукмрон методологик таълимотнинг яна бир талабига кўра бадий-тарихий асарда синфий кураш ҳам ўз ифодасини топиши лозим эди.

«Синфий курашнинг муқаррарлигини ва бутун ўткирлигини тушунмаслик ёзувчини яна бир хатога олиб келади: эксплуататор синфлар муҳитидан чиқиб, прогрессив позицияларга ўтган баъзи кишиларни (рус маданиятидан ўрнак олишни тарғиб этувчи Отабек, феодалларнинг бемаъни ўзаро урушларига қарши, халқ бошида туриб курашувчи Юсуфбек ҳожи ва уларга ўхшашлар) тасвирлаганда ёзувчи бу кишиларнинг синфий чекланганлик иллатига мубтало эканини эътиборга олмайди, тасвирлаб бермайди. Ваҳоланки, отабеклар ва юсуфбеклар, ўз даври учун маълум даражада илғор идеяларни ташувчи бўлишларга қарамай, бутун феодал системасининг асоси бўлган кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишини йўқотиш ҳақида сўзлаши ҳам мумкин эмас эди, чунки уларнинг ўзи ҳам «тўқ синф»ларга мансублар ва шу синф мавқеида қоладилар». Олим фикрича,

«юкорида қайд этилган камчиликлар бу асарнинг маърифий киммати бир даража пасайтиради»<sup>69</sup>.

30-йилларда С.Хусайн вақт ўтган сари «Ўткан кунлар»нинг «бадий киймати» йўқолишидан «башорат» берган эди.

Гарчи, И.Султоновнинг «маърифий киймат» хусусидаги фикри С.Хусайннинг «бадий киймат» тўғрисидаги фикридан жуда катта фарқ этса ҳам, ҳар икки фикрнинг қай даражада тўғри-нотўғри эканини вақт кўрсатди. «Ўткан кунлар»нинг бадий киймати ҳам, маърифий киймати ҳам олимларнинг бирёклама баҳо ва башоратларига тесқари пропорционаллик касб этди.

Маънавий муҳит жисмоний қирғинлардан узоқлашиб қолган 60-йиллар шароитида Абдулла Қодирий ижодини энг жиддий ўрганган олимлар айнан ёзувчи дунёқараши, унинг синфий камчиликлари борасидаги И.Султонов қарашларини мазмунан такрорлайдилар.

Масалан, «...Ўткан кунлар» романида йирик бир камчилик бор, деб қайд этишга тўғри келади: романнинг бош ижобий қаҳрамонлари (Отабек, Юсуфбек хожи) каторида яна кенг халқ оммасининг вакили ҳам бўлса, роман мазмунининг тарихий ҳақиқатга мослиги ва ҳаққонийлиги яна ҳам ортган бўлур, романнинг ижобий қаҳрамонлар галереяси яна ҳам тўлароқ бўлган бўлур эди. Романда бу камчиликнинг мавжудлиги – авторнинг ҳали вояга етмаган дунёқарашидаги ожизлик, унда халқ оммасининг тарихдаги роли ҳақида ҳақиқий марксистик нуқтаи назар пишиб етмаганлиги боисидир», деб ёзади А.Алиев<sup>70</sup>.

---

<sup>69</sup> Султонов И. Ўша манба.

<sup>70</sup> Алиев А. Абдулла Қодирий. Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1967 йил. 87-бет. Шунинг ҳам таъкидлаш жонлики, И.Султонов, А.Алиевлар бундай фикрлардан 90-йилларга келиб воз кечган, албатта. Масалан, А.Алиевнинг 1997 йили нашр этилган «Истиқлол ва адабий мерос» китобининг «Абдулла Қодирий» бўлимида эски фикрларнинг жиддий таҳририни кўриш мумкин. Ҳатто бир масалада ҳамавлюд адабиётшуносларни ҳушёрликка даъват ҳам қилган: «Адабиётшунослар орасида эса, то кейинги йилларгача – мамлакатимизда янгилашиб бошланган даврда ҳам, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»ида русларга нисбатан миллатчилик қилинган, Россиянинг Ўрта Осиёга киришини Отабек ва Юсуфбек ҳожилар қоралаганлар; бу ёзувчи дунёқарашининг чекланганини билдиради, деган фикрни Ҳомил Ёқубов, Ҳафиз Абдусаматовлар муттасил давом эттириб келдилар» (90-бет).

Бундай фактлар адабиётшунос учун тафаккур кенглиги, санъат асарини ўзлаштириш эстетикаси ва ўзининг оригинал-хос фикрларини баён этиш жасорати нақадар зарурият эканлигини кўрсатади.

Адабиётшунос ва мунаққид бадий асардаги мавжуд образларни, бадий тасвир воситаларини, асарнинг сюжети, композицион қурилиши, ёндош санъат турлари ёки ёндош илм соҳаси билан алоқасини чуқур тушуниши ва баҳоли қудрат тушунтириши лозим. Чинакам санъат намунаси бўлган бадий асар мазмун-моҳияти, асос-негизи, у ғоявий-бадий жиҳатдан монофоник ёки полифоникми - бундан қатъи назар, адабиётшунос-мунаққиднинг фикр майдонидир. Ёзувчи яратган бу ажиб майдонда мавжуд адабий-бадий унсурлар устида батафсил фикр юритмасдан туриб муаллифга «ақл ўргатиш» миссияси, ёзувчи олдида қандайдир талаблар қўйиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилган эмас. Илло, совет адабиётшунослари шундай миссия ва ҳуқуққа эга эдилар; уларнинг нафис гуллар оламига гулқайчи билан эмас, балки аксар ҳолатларда коммунистик кетмонни кўтариб кириб бордилар.

Сал илгарилаб кетиб айтамызки, оқибат «Обид кетмон» ёзилди.

Бу ўринда адибнинг 30-йиллар тарихий-ижтимоий муҳитини тасвирлаб берган ушбу асари ҳам дастлаб вульгар социологик талқин этилганини айтиб ўтиш лозим<sup>71</sup>. 60-70-йиллар қодирийшунослигида «Обид кетмон» Абдулла Қодирийнинг «ғоявий ва ижодий ўсишда олға қўйган қадами» (И.Султонов таъбири), «замонавий темани ҳам бадий ўзлаштирганидан дарақ» бериши (Ҳ.Ёқубов таъбири) сифатида баҳоланган бўлса ҳам, «Аммо «Обид кетмон» повести қишлоқнинг, социализм изига кўчишининг тўла ва етарли бадий манзарасини бермайди Бунга дастлабки сабаб - колхоз қурилиши атрофида борган ўтқиқ синфий курашнинг повестда етарли акс этмаганидир Повестнинг яна бир камчилиги - схематизмга йўл қўйилганидир Повестнинг бош қаҳрамони тасвирида ҳам жиддий камчиликлар бор: уни ёзувчи фавқулудда фазилатлар эгаси қилиб кўрсатади аммо унда даврнинг ўрта ҳол дехқонига хос типни

<sup>71</sup> Қ а р а н г: Шарифий Ж. Шарафиддинов О. «Обид кетмон» ҳақида Қизил Ўзбекистон. 1937 йил. 3 июль.

хусусиятларнинг етарли бўлишига эътибор қилмайди»<sup>72</sup>, тарзидаги мулоҳазалар кўп учрайди.

Шуни таъкидлаш керакки, профессор У.Норматовнинг «Обид кетмон» ҳақиқати» номли мақоласида қисса талқини тарихи анча батафсил баён этилган. Аини пайтда, олим «Обид кетмон» қиссасининг 90-йиллар муҳитига муносиб келадиган, хусусан, асар матнidan келиб чиқиб, Обид кетмон образининг ўзига хос янги талқинини тақдим қилган.

Абдулла Қодирий ўз вақтида «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари юзасидан танқидий мулоҳазаларни, романларининг «мукаммаллашуви» йўлидаги тақлифларни инобатга олмади. Ўз эстетик идеали ва бадиий концепцияси, ўз эътиқоди ва сўзига содиқ қолди. М.Шевердин, С.Хусайн ва Миёнбузрук Солиқовларнинг талқинидаги тақлифларга адибнинг муносабати маълум. Шунингдек, Абдулла Қодирий адабий танқид ёзувчига ақл ўргатадиган соҳа эмаслигини яхши билган.

Дунё олимлари ҳам адабий танқид вазифасини ёзувчи олдига сиёсий талаб қўйиш, асарида бўлмаган образларни излаб, танқидга куч бериш, дея белгилаган эмас.

Француз олими Фердинанд Брюнетьер (1849-1906) «Адабий танқиднинг мақсади нима?» деган саволга, талқин этиш, тавсифлаш ва тушунтиришдир, деган маънода жавоб беради<sup>73</sup>. Албатта, бири-бирига яқин бу тушунчалар бадиий асар матнининг ички спецификаси билан боғлиқ.

Далил шуки, 60-йилларда бадиий асарни талқин қилиш принципларида муайян сиёсийлашган қолиплар мавжуд эди. Агар ўз даврида энг тўғри дея эътироф этилган ўша қолиплар бугунга келиб, ғайритабиий кўринаётган бўлса, буни ҳам табиий қабул этмоқ лозим. Марксизм-ленинизм таълимоти абсолют ҳақиқат эмас. Унинг ўткинчилигини ҳаёт кўрсатди. Илм оламида олимлар ўзларини кўндириб олиши шарт бўлган бир ҳақиқат бор. Бу инсон фикрининг нисбийлиги, маълум бир вазифани адо этгач, кўпгина янгиликларнинг тарих саҳифасидан жой олишидир.

Илм-фандаги оламшумул кашфиётлар, санъат оламидаги бетакрор мўъжизалар абадият монументларидир. Ижтимоий

<sup>72</sup> Султонов И. Абдулла Қодирий ижоди ҳақида. Пьесалар. Миколалар. Бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент: 1959 йил. 314-бет.

<sup>73</sup> Брюнетьер Ф. Литературная критика. Зарубежная эстетика и теория литературы XIX-XX вв. Масковского университета, 1987. 97 стр.

соҳада, хусусан, адабиётшунослик бобида Аристотелнинг «Поэтика», Гегелнинг «Эстетика» каби нисбатан умрбоқий илмий асарлар ҳар доим ҳам ёзилаверган эмас. Инсоний фикрлар, қараш ва тушунчалар тарихи доимий баҳс-мунозара, доимий инкор ва тасдиқ тарихидир.

XX аср ўзбек адабиётшунослигидаги Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитратдек сиймолар ижоди талқини устида мулоҳаза юрита туриб, аксар ҳолатларда бу талқинлар ижтимоий-сиёсий ҳаёт эврилишларига ҳамоҳанг давом этганини кўрамиз.

Айниқса, Чўлпон ва Фитрат ижодининг талқинлари 60-йилларда ҳолис илмийликдан жуда узоқ эди.

Адабиётимиз тарихида кўп бора такрорланган бир факт шуки, Фитратнинг «янги ҳаётни, меҳнаткашлар қураётган ижодий ҳаётни ёқтир»масдан, «бадбинликка тушиб», «тинч кечани истаб» ёзган «Менинг кечам» шеърига қарши Боту «янги ҳаётдан мамнун эканлигини ва бу ҳаётда актив иштирок этажagini изҳор» қилган «Менинг кундузим» шеърини ёзган.

Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага» шеърига қарши Ғайратий «Тузалган ўлкага» шеърини ёзди. «Чўлпоннинг пессимистик руҳда ёзилган «Ваҳм» шеърига қарши шоир Уйғун «Шодлигим» шеърини ёзди». Чўлпоннинг «Баҳорни соғиндим» шеърига қарши Ҳамид Олимжон «Қишлоқ қизи» шеърини ёзди<sup>74</sup>.

Албатта, ижод майдонига кетма-кет кириб келган авлодлар ўртасида ғоявий жиҳатдан фарқланишлар бор. Бироқ талқинларда примитивлашиш, майдакашликка берилиш, атайин зўрма-зўраки қаршилантириш ҳолатлари ҳам кўзга ташланади. Биз адабий воқелик тарихидан келиб чиқиб, бу ўринда ҳам давр сиёсатининг олиму ёзувчилар фикрига кишан солганлигини қалам ва қоғозлари устида кўзларини лўқ қилиб турганлигини қайд этиб ўтишни адолат, деб биламиз.

60-70-йилларда олимлар Чўлпон ва Фитратнинг аввал адашганлиги, сўнг «секин-аста совет позициясига» ўтганлиги ҳамда ижодининг мураккаблигини кўп такрорланган.

Абдулла Қодирий ижодининг эволюцияси ҳам тахминан шундай тасаввур қилинган ва тадқиқотларда қайд этилган.

<sup>74</sup> Ўзбек совет адабиёти тарихи. Уч томлик, 1-том. Тошкент: Фан, 1967. 35-43-бетлар.

Ўзгарган адабий-илмий муҳитда Абдулла Қодирий тўғрисида адабий-танқидий очерк ёзган Аҳмад Алиевнинг «Абдулла Қодирий» номли китобида ҳам бу ҳолат сезилади.

А.Алиев асарини адибнинг ижодий биографиясини майдонга келтириш йўлидаги дастлабки уриниш тарзида баҳолаш ўринлидир. Китоб ўша замон илмий таомилига мувофиқ ёзилган. Шу сабаб фикр-мулоҳазалар ўрни-ўрни билан гоҳ К.Маркс, гоҳ Ф.Энгельс, баъзан В.Лениндан олинган парчалар асосида исботлаб ўтилади.

Кўп ўринларда А.Алиевнинг мулоҳазалари, масалан, Абдулла Қодирийнинг эстетик қарашлари ёки ёзувчи дунёқарашидagi ожизлик каби масалаларда И.Султонов қарашларига мос келади.

«Абдулла Қодирий ўзининг бутун ижодида коммунистик партия овозига қулоқ солди, у кўрсатган йўлдан боришга ҳаракат этди. У гарчи коммунистик партияга расман аъзо бўлмаса-да, «Ўзим гоё ва иш эътибори ила чин коммунист эдим», деганида жуда ҳақли эди»<sup>75</sup>.

Бугун кимгадир ғалати кўринадиган бундай жумлалар ўша давр китоблари учун табиий ва ҳатто, Абдулла Қодирий ижодининг тарғиб-ташвиқи учун зарур ҳам эди.

Айни чоғда, тарих бағридан бир нурли сиймо келажак авлодга қараб, насиҳатомуз оҳангда дейди: «Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узок андиша керак» (Абдулла Қодирий сўзи).

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий муҳит ўзгаришлари ижодкорларнинг кайфиятида, ёзган асарларида ўз таъсирини намоён этди. Худди шунингдек, адабиётшунослик ва адабий танқид ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини, галқин ва таҳлилларини ўша муҳитга мослаштирди.

Ҳар қандай ижодкорнинг давлат сиёсати доирасида эркин бўлиши, адабий талқинда марксизм нуктаи назарининг устуворлиги, коммунистик ғояга садоқат, социалистик реализм методини мустаҳкамлаш йўлидаги жонқуярлик - ҳамма-ҳаммаси ўз даврининг табиий ва долзарб масалалари эди. Бу даврда бадиий адабиёт нисбатан кенгрок тушунилиб, 30-йиллардаги вульгар социологик талқинларга танқидий ёндашувлар ҳам бўлганлигини таъкидламоқ лозим.

---

<sup>75</sup> А л и е в А. Абдулла Қодирий. Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1967 йил. 46-бет.

Абдулла Қодирий ижодини талқин қилишнинг иккинч босқичи 60-йилларда бошланган бўлиб, бу ҳолат жамия ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий муҳит ўзгаришларига дахлдор.

Адибни оқлаш учун ҳукуматнинг махсус ташкилотлар бир қатор таниқли ижодкорлардан Абдулла Қодирий хусусида расмий ҳулосалар ёздириб олганки, бу ҳам давлат сиёсати ижод аҳлини ўз измида, ўз қолипида сақлаб келганлиги, уларни хоҳлаган кўйга солганлигини, ижод эркинлигининг чекланганлигини кўрсатади.

Бу давр олимлари адиб асарларини яхши тушунганини, ҳис этганини илмий матнларда баён қилган эътирофларидан англаб олиш қийин эмас. Аммо, тушунтириш жараёнида сиёсий кўркуви, ўзларининг эркин фикрини мажбуран қолипга солишлари, ўринли-ўринсиз кўчирмалар келтириб, адиб ижодидаги айрим камчилик ва нуқсонлардан баҳс юритишга маҳкум эканликлари аниқ сезилиб туради.

## САТИРИК ТАЛҚИН ҚИРРАЛАРИ

Фикрни кулгили тарзда ифода этиш, воқеа-ҳодисаларни сатира ва юмор воситасида тасвирлаш ўзбек адабиёти учун ҳам хос бўлган эстетик воқелиқдир.

Хусусан, XX аср ўзбек адабиётига назар ташланса, жаҳон адабиёти мезонларига мувофиқ келадиган сатира ва юмор 20-йиллар адабий майдонида пайдо бўла бошлагани кўринади.

Абдулла Қодирий ижодий меросининг маълум бир қисмини ташкил этган ҳажвий асарлар ҳар доим қодирийшунослар эътиборини тортди. Ва давр ўзгариши, ижтимоий-сиёсий муҳит об-ҳавосига қараб ўша асарларнинг турлича талқинлари юзага келгани кўзга ташланади.

Шуниси диққатга сазоворки, Абдулла Қодирийнинг махсус ҳажвий асарларидан ташқари, жиддий тарихий романларида ҳам, ижтимоий-сиёсий чиқишлари - фельетонларида ҳам беғубор ва аччиқ кулги намуналари мавжуд.

Адиб аксар ҳолатларда ўзининг ҳажвия, фельетон ва ҳангомаларини шартли имзолар («мустаор имзо») билан эълон қилган. Хусусан, Жулқунбой, Мулла Жулқунбой, Калвак махзум, Тошпўлат тажанг, Думбул, Овсар, Шилғай каби имзолари машҳур. Бу урфнинг сабаби ва Қодирий имзоларининг сони хусусида Ҳ.Қодирий шундай ёзади: «Душманларнинг таҳдидлари важдан «Муштум» муаллифлари ўз танқидий мақолаларида номларини кўпинча яширишга, турлича таҳаллусларда имзо чекишга мажбур бўлганлар. Масалан, Қодирий «Муштум»да ва кейинги йиллардаги турли газета-журналларда босилган ҳажвий танқидий мақолаларидан эллиқдан ортиқ махфий таҳаллус (лақаб)ларни қўллаганлар»<sup>76</sup>.

Бундай махфий таҳаллусларни қўллаш фақат Қодирий ёки «Муштум»чиларгина эмас, умуман, 20-йиллар адабий муҳитига хос хусусиятдир. Мазкур масала махсус тадқиқ ҳам этилган. Гарчи, айрим ноаниқликлардан холи бўлмаса-да, махсус мақолалар ҳам эълон этилган.

---

<sup>76</sup> Қ о д и р и й Ҳ. Отам ҳақида. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983 йил. 32-38-бетлар.



20-йиллар адабий жараёнида, илмий ҳаётида фаол бўлган Чўлпон, Ғози Юнус, Ашурали Зоҳирӣ, Вадуд Маҳмуд каби ижодкорлар борки, уларнинг айнан жиддий бадий ва илмий асарларида шартли имзоларга дуч келинади. Бу ҳолат адабиётшунослар учун баъзи муаммоларни юзага чиқариши табиий, яъни имзо эгасининг кимлигини, асарнинг қайси ижодкорга тегишли эканлигини аниқлашда баъзи чалкашликларга йўл қўйилди, бировнинг асари бошқага нисбат берилди.

Бу масала юзасидан бир-икки аниқ мисолларга қарайлик.

20-йиллар адабий муҳитини тадқиқ этган айрим олимлар «Вов» деган имзони Абдулла Қодирийга нисбат бердиларки, оқибатда бу факт қодирийшунос олимларнинг китобларига ҳам кўчиб ўтди. «Маориф ва ўқутғучи» журналининг 1925 йил 4-сонида «Туркия матбуоти» номли мақола «Вов» имзоси билан эълон қилинган. Профессор У.Норматовнинг «Қодирий боғи» китобида бу мақола Абдулла Қодирий асари сифатида тилга олинган ва кўчирмалар ҳам келтирилган.

Тадқиқотчиларни чалғитган нарса имзо ёнида «Москав, январь» деган аниқликларнинг ёзиб қўйилгани бўлса ажаб эмас. Албатта, Абдулла Қодирий бу пайт, яъни 1925 йилда Москвада ўқигани рост.

Бирок, биз бу мақоланинг эгаси Вадуд Маҳмуд деган фикрдамиз. Ва бунга қуйидаги далилларни келтираемиз.

Биринчидан, «Вов» - Вадуд исмининг биринчи ҳарфидир.

Иккинчидан, Вадуд Маҳмуд ҳам 1924 йил охири ва 1925 йил бошларида Москвада бўлган. Унинг ўша жойдан ёзган мақолалари Самарқанддаги «Зарафшон» газетасида чоп этиб турилган.

Учинчидан, В.Маҳмуд Самарқандда нашр этилган «Маориф ва ўқутғучи» журналининг энг фаол қаламкашларидан бири бўлган, Абдулла Қодирий эса бу журнал билан деярлик ҳамкорлик қилган эмас.

«Туркия матбуоти» услуб жиҳатидан ҳам В.Маҳмуд мақолаларига яқин туради.

Шу пайтгача Абдулла Қодирийга нисбат бериб келинган ва адибнинг «Тўла асарлар тўплами»ни нашрга тайёрлаш муносабати билан шубҳа остига олинган яна бир имзо бор. Шапақ маҳзум.

Мазкур биринчи жилддаги «Изоҳлар»га кўра «Кичик асарлар»га киритилган «Лаҳми қадид», «Ғирвонлик Маллавой»да эълон этилган «Лаҳми қадид», «Иҳий, базмимиз тарала гижданг!», «Жойинг жаннатда бўлсин», «Бечора Розикбой ака», «Маймунларимиз» деган беш ҳажвия Абдулла Қодирий қаламига мансуб эмас. Шапақ махзум имзоси билан битилган бу беш ҳажвиянинг китоблардан ўрин олиши хато. «Изоҳлар»да Шапақ махзум имзосининг Абдулла Қодирийга тааллуқли эмаслигини Абдурахмон Саъдийнинг 1924 йил «Туркистон» газетасида босилган «Олти йил ичида» мақоласи асосида исбот этилади. «Муаллиф (яъни А.Саъдий - Б.К.) 1917-1923 йиллар ўзбек матбуоти тўғрисида бундай ёзади: «Олти йиллик қизил матбуот даврида ўзбек шеърий адабиётининг кўзга кўринадурғон бир томони эса ҳажвий қисмидир. Бу давр ичида уч қалам ўзини очик танита олди: Жулқунбой, Ишчи, Шапақ махзум. Булар «Иштирокиюн» газетасидан бошлаб ишлаб келадилар». Бу сатрларда тилга олинган «Ишчи» Ғози Юнуснинг тахаллусларидан бири бўлса, Шапақ махзумнинг ким эканлиги ҳозирча аниқ эмас. Мутахассислар бу имзо остида Ашурали Зоҳирий ижод қилган, деб тахмин этадилар»<sup>77</sup>.

Абдулла Қодирийнинг тўпламларидан Шапақ махзум имзоси билан ўрин олган ҳажвияларни ўқиганда Қодирий услубига яқин киноя, пичинг ва кесатиклар кузатилади.

Шапақ махзумнинг Абдулла Қодирий эмаслигига ишонинг келмайди. Баъзан: «Қодирий бўлса-чи?!» деган тахмин-иштибоҳга борилади. Лекин Ҳ.Қодирийнинг «Отам ҳақида» китобида келтирилган яна бир факт бу тахмин ва шубҳани бир оз тарқатгандек, «Изоҳлар» ёзувчи фикрига қувват бергандек бўлади. Ҳ.Қодирий шундай ёзади: «Ҳеч ким билмасин» - бир пардалик комедия. 1921-1922-1923 йилларда Тошкент саҳналарида ўйналган бўлса ҳам чоп қилинмаган. Бу ҳақда «Қизил байроқ» газетасининг 17 сентябрь сонисида Шапақ махзум шундай ёзади: «10 сентябрда ёзлик «Турон» саҳнасида «Ҳеч ким билмасин» (Жулқунбой асари) ўйналди...»<sup>78</sup>.

<sup>77</sup> Абдулла Қ о д и р и й. Тўла асарлар тўплами, олти жилдлик. Биринчи ■ ил. Тошкент: Фан, 1995 йил. 267-268-бетлар.

<sup>78</sup> Қ о д и р и й Ҳ. Отам ҳақида. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. 32-бет.

Бунда биз текшираётган муаммога дахлдор жиҳат шуки, Жулқунбой асарининг сахнада ўйналгани ҳақида Шапак махзум ахборот бермоқда.

Имзолар билан боғлиқ бу масала ёзувчининг қарашлари, эстетик принциплари, билим даражасиго иймон-этиқоди каби жиҳатларни ойдинлаштиришда жуда ҳам муҳимдир.

Абдулла Қодирий баъзан «Думбулниса», «Кампир» каби муаннас имзоларни ҳам қўллаган экан.

Шунга монанд, мухожиротда яшаган Д.Мережковский-нинг (1865-1941) турмуш ўртоғи истеъдодли шоира Зинаида Гиппиус ўзининг бир қатор асарларини «Антон Крайний», «Лев Пушкин» сингари музаккар тахаллуслар билан эълон қилган экан. Шоира «Живые лица» деган хотираларида ўзининг ўша тарздаги барча тахаллусларини эслай олмаслигини айтади<sup>79</sup>.

З.Гиппиус қаламига мансуб шеър ва ҳикояларни аниқлаш руҳ адабиётшуносларини илмий-услубий изланишларга чорлайди.

Бизнинг адабиётшунослар ҳам нафақат А.Қодирий, балк 20-30-йиллар адабий-илмий муҳитидаги шартли имзо эгаларининг ҳаммасини қатъий аниқлаб улгурган эмас. Демак, бу йўналишда ўзбек адабиётшунослари келгусида илмий тадқиқотлар олиб боришлари табиий эҳтиёждир.

Ҳаётнинг ҳажвий талқини, ижтимоий турмушдаги нуқсон-камчиликларни сатира ва юмор билан танқид этиш 20-30-йилларда аёвсиз кўриниш олган эди. Гоҳ тўқима образлар, баъзан аниқ тарихий шахсларни тилга олган ҳолда ҳажвий асарлар яратилар эди. Публицистиканинг ҳажвий тармоғи бўлмиш фельетон жанри жуда фаол эди. Хусусан, бу йўналишда «Туркистон» газетаси, «Муштум» журналида юзлаб чиқишлар қилган, «кулдириб йиғлатадиган, йиғлатиб кулдирадиган» Жулқунбой 1924 йилдаёқ «фельетонлар кироли» номини олди.

Абдулла Қодирий билан «Муштум»да бир неча йил ёнма ён хизмат қилган Мўминжон Муҳаммаджон ўғли (Тошқин) «Абдулла Қодирий ҳар нарсага танқидий назар билан қара

<sup>79</sup> Мережковский Д. Большая Россия. Л: Издательство Ленинградского Университети, 1991.248 стр.

эски хурофот нарсаларга ғоятда душман эди. Унинг ҳар бир сўзидан х а ж в и й и ф о д а анкиб турар эди.

У ғоятда жасоратли, ўз сўзида устувор ва барқарор, ўткир сатирик ва ғоятда заковатли эди...»<sup>80</sup>, деб хотиралайди адибни.

Зотан, Жулкунбой ўткир сатирик қалами ортидан ғаразгўй сафдошларининг тухмату бўҳтонларига учраб азобланган пайтлари ҳам бўлган. Аниқроқ қилиб айтганди, Абдулла Қодирий 1926 йил 8 мартдан 17 июнига қадар ҳибсда сақланади. Айби нима?

### «Айбнома»

Абдулла Қодирий «Муштум» журналининг муҳаррир ёрдамчиси лавозимида ишлаган. Ўз вазифасидан фойдаланган ҳолда муҳаррирнинг қатъий тақиқига қарамай журналнинг 27-сонида «Йиғинди гаплар» мақоласини бостирган. Моҳияти жиҳатидан мазкур мақола очикдан-очик Ўзбекистон ҳукумати ва компартиясининг раҳбарларини обрўсизлаштириш ҳамда шу билан бирга коммунистик партиянинг муҳим тадбирларини танқид қилиш ва масхара қилиш руҳи билан ёзилган. Муаллиф шубҳасиз бу мақолани аксилинқилобий мақсадларда фойдаланиш учун кенг ёйишга уринган.

Бу жиноий хатти-ҳаракат Ўзбекистон Жиноят процессуал кодексининг 72- ва 105-моддасининг 1-бандига мувофиқ кўриб чиқилсин.

Айбнома протоколини тузувчилар Агидулин ва Бельскийлар»<sup>81</sup>.

Абдулла Қодирий «Йиғинди гаплар»и билан «раҳбар ходимларни обрўсизлатириш...»да шу тарзда айбланади.

Адиб ўзининг асло айби йўқлигини исботлаш учун судда узундан-узук ёзма нутқ ўқиб беради. Мазкур тарихий ҳужжатни «Суддаги нутқ» сарлавҳаси билан қайта нашрга тайёрлаган Шеркон Қодирийнинг изоҳлашича, ёзувчининг «Кичик асарлар»идан (1969 йил) ўрин олган «Кулги ҳақида» (181-183-бетлар) ва «Таржимаи ҳол» (205-209-бетлар) асарлари айни «Нутқ»нинг қисмларидир. Ҳақиқатан ҳам учала

<sup>80</sup> Қ о д и р и й Х. Отам ҳақида. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. 35-бет.

<sup>81</sup> Хидиров А. Абдулла Қодирий: Имоним тазйики остида сўзлайман. Ёш лешинчи, 1988 йил. 4 февраль.

манба охирида бир хил сана, яъни 15 июнь 1926 йил саналари кўрсатилган.

Абдулла Қодирий «Йиғинди гаплар» ҳангома мақоласини нотўғри талқин этиб, қоралаш ўз сафдошлари Комил Алиев, Зиё Саидий, Хуршидларнинг ёлғон гувоҳликлари, қандайдир шахсий адоватлари ортидан содир бўлган деб ҳисоблайди.

«Йиғинди гаплар»да шубҳа остига олинган, ўзига раҳбар ходимларни обрўсизлантириш, «аксилинкилобчи», «тескаричи» тамғаларини босилишига сабаб бўлган ўринларни бирма-бир шарҳлашга мажбур бўлади.

Мисол: «Иккинчи устун 17 нчи йўлдан бошлаб «Шу замондаги баъзи одамларга ажаб ҳайрон қоласан, бир минг болаға битта мактаб бўлса нимаю, ўн минг болаға битта тўғри келса нима қайғи?» жумласи билан яна юқорида айтганимча ўртоқ оқсоқолнинг (Й.Охунбобоев - *B.K.*) чиндан ишчи-деҳқон маориф ва бошқаси учун ғамхўр ва бош оғритганини кўрсатмакчи ва шу гувоҳини, яъни мазлум халқ маориф-маданияти йўлида ўз-ўзини машаққатлагани учун овсарона уни шилталамакчидирман. Бундоғ киноялик мадҳ аксар халқ орасида истеъмол қилинадур. Масалан, тиришқоқ ва жонкуяр бўлгон иккинчи биров ўзини овсарликка солиб, «қўй, нима керак сенга шунча ташвиш; шукр бир кунинг бўлса ўтиб турадир; беш кунлик дунёда сен ҳам тинчкина юрсанг-чи?» дейдилар»<sup>82</sup>.

Адиб томонидан айнан Й.Охунбобоевга тегишли «Йиғинди гаплар»даги «Биринчи устуннинг 25 нчи йўлидан бошлаб иккинчи устуннинг 4 нчи йўлигача...», «иккинчи устуннинг 5-6 нчи йўллари», «иккинчи устун 7 нчи йўлдан бошлаб 13 йўлнинг охиригача», «иккинчи устун 20 нчи йўлдан бошлаб 3 нчи устуннинг бешинчи йўлигача» бўлган жумлалар махсус изоҳланади. Ва янги жамиятга мутлақо қарши эмаслиги, аксинча илмга, мактаб-маорифга зарар келтирадиган лоқайдларга қарши эканлигини далиллашга уринади<sup>83</sup>.

Жулқунбой ҳимояланар экан, кўпроқ меҳнаткаш халқ манфаати ортига ўзини олади. Зотан, чиндан ҳам Қодирийдек

<sup>82</sup> Қодирий А. Суддаги нутқ. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989 йил. 1 декабрь.

<sup>83</sup> Ўша жойда.

улкан қалб эгасининг фикри-хаёлини ҳар доим ўз халки-миллатининг, меҳнаткаш халқнинг бахт-саодати эгаллаган эди. Айниқса, «Йиғинди гаплар» воситасида уюштирилган тухмату бўҳтонлар туфайли турмахона остонасига келиб қолган адиб айни вазиятдан чиқиб кетишнинг иложини кўрди. Ҳангомани жамият манфаатига муносиб шарҳлаб берди. Ўзини «маъюблар курсисига ўтқизгон «Йиғинди гаплар»ни енгил-елпи тушуниш-тушунтириш, ундан бошқа маънолар чиқариб, «турлик эҳтимолларга бориб қайтиш» ўринсиз эканлигини, алқисса, бу ҳолат ҳам адабий кулгининг «ҳали ёшлиги ва ўзлашиб кетмаганли»ги билан изоҳланишини илмий йўсинда англатишга интилди: «Шуни ҳам айтиб ўтишни, ёдларингизга солишни лозим топаманки, кулгу мақоладаги мустаор имзо мақоланинг ҳаракатини аксар вақт ўз тарафига буруб юритадир, яъни музика ёзғувчининг мустаор шахсига лойиқ гаплар, жумла ва таъбирлар орқасидан эргашадур. Мақоланинг имзоси Овсар қўйилган, демак ундаги кўб таъбир ифодалар овсарона, далиёнадир. Тентакни тентак тинглайдир деганларидек, кулгуликдагина эмас, умуман сажиявий адабиётга яқин турғон кишилар бу мақолани шу нуқтадан қараб текширсалар яна ҳам ҳақиқат очиладур»<sup>84</sup>.

Бироқ истак шу ҳолича узоқ вақт истаклигича қолди. «Йиғинди гаплар»да овсарона, далиёна кайфият ҳукмрон ва айни ифода-таъбирлар замирида Абдулла Қодирийнинг ғоясини, воқеликка муносабатини илғаб олиш жуда мушкул. Бу кайфият ва мушкул-мураккаб ҳолатни талқин этишда соддаликка, оддийликка берилиш, айниқса, «сажиявий» адабиётга яқин турғон кишилар»га, олимларга мутлақо ярашмайдиган бир хусусиятдир.

Абдулла Қодирийнинг нафақат биргина «Йиғинди гаплар» ҳангома-мақоласи, балки мустаор имзолар остида эълон этилган бошқа ҳажвий асарларида ҳам адиб шахсини топиш, ғояи аъмолини англаш осон эмас. Ва Абдулла Қодирийнинг ҳажвиялари айни хусусияти билан гўзал. Чунки уларда маъно қатламларни қатма-қат. Ҳар сўз, ҳар жумла замиридаги пичинг, киноя ва ё «чирт-пирт»дан туйқус

<sup>84</sup> Қ о д и р и й А. Суддаги нукт. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989 йил. 1 декабрь.

қандайдир ҳақиқатни илғаш, комик ҳолат баёнидан йиғлаш ёки очилиб-сочилиб, юрак-юракдан кулиш мумкиндир. Абдулла Қодирий ҳажвия, фельетон ва ҳангомаларида аёвсиз танқид, айблига юзинг-кўзинг демай тортилган гарсаки, «сўз ўнқови» келганда чапаничча дўқ-пўписа, «овсарона, далиёна» - тажохилу орифона сўз айтиш санъати бор.

Абдулла Қодирийнинг сатирик ва юмористик асарларига жуда юксак баҳо берган, ўлмас ҳажвий типлар яратганини тан олган, адибни «катта ҳажвий ёзувчи», «кулги, юмористик асарларида равшан типлар чиқарди» дея эътироф этган Ойбек бир ўринда шундай жумлаларни ёзади: «Совет воқелигига алоқадор ҳажвий ва юмористик асарларида ёзувчи масалага жуда бир томонлама ва субъектив яқинлашади, турмушдаги камчиликларни дўстларча очиш, танқид қилиш ўрнига, маскара қилиш, ундан кулишга тамоийил кўрсатади. (Мазкур илмий рисоланинг кейинчалик таҳрир этилган вариантыда шу ўринга қавс ичида «Москов хатлари». «Йиғинди гаплар» каби эслатма қўшиб қўйилган ва қуйидаги жумла умуман олиб ташланган). «Калвак махзум» ва бошқа типлари орқали ёзувчи ўша вақтларда зарарли фикрларни, қарашларни ёйишга ҳам тиришкан»<sup>85</sup>.

Ойбекнинг бу танқидий фикри 30-йиллар маҳсули. Ва айнаи чоғда бугунги назардан қараганда, А.Қодирийдек истеъдодли бир адиб фойдаси учун тош босадиган мулоҳазалардир. Абдулла Қодирий ўзлигининг, ўз шахсий фикр-мулоҳазасидан айри тушмаганлигининг ифодаси ўлароқ, оммавий қарсақбозликка ҳар доим қўшилавермаган, бизнингча. Қолаверса, халқда бир ҳикмат бор: «Тирик балик оқимга қарши ҳам сузади», деган.

30-йилларнинг даҳшатли довулида юрагини олдирган бизнинг зиёлилар барибир, гарчи, Абдулла Қодирий 1956 йилга келиб тўла оқланган бўлса ҳам, айнан адибнинг дунёқараши ва асарлари масаласига келганда эҳтиёткор эдилар. Сутдан оғзи куйган кишининг бир неча ўн йиллаб қатикни пуфлаб ичишига мисол шудир.

---

<sup>85</sup> Ойбек. Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли. Тошкент: ЎзССР Фанлар комитетининг нашриёти. 1936. 8-бет.

Яъниким, Жулкунбой «Йиғинди гаплар»и учун уч-тўрт ой ҳибсхонада ушланиб, айбисизлиги исботланиб озодликка чиқарилган бўлса-да, айна хангома-мақола мутахассис олимларнинг тадқиқотларида «зарарли» сифати билан тез-тез тилга олинар эди. Таҳрир қилинган «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли»да йўл-йўлакай эслаб ўтилиши шулар жумласига киради.

Жадидона заминда дунёқараши шаклланган барча зиёли-ижодкорлар каби миллат дардига малҳам бўлиш Абдулла Қодирийнинг бош гоёси эди. Нафақат йирик жиддий романлари, балки ҳажвий йўсинда битилган машҳур асарларида ҳам, газеталардаги кичик-кичик хангомаларида ҳам буни сезиш қийин эмас. Кўп ҳолатларда шартли имзо билан эълон этилган, пичинг ва кинояларга тўла оддийгина «Билдиришлар»ини англаш, тушуниш учун ҳам зукколик лозим бўлади. Гарчи, Абдулла Қодирий ижод маҳсулининг аксар қисми вақт сарҳадлари, айна асар ёзилган муҳит атмосферасидан юқорилаб кетган бўлса ҳам, баъзан «Тилак» (хангома) («Туркистон» газетаси, 1923 йил 7 январь), «Ашъори ғализа» («Мушгум», 1923 йил 13-сон), «Самон парча» («Мушгум», 1923 йил 15-сон), «Ижмоли сиёсий» («Қизил байроқ» газ. 1922 йил 15 апрель) каби мақолаларидаги моҳиятни тўғри талқин қилиш учун айна 20-йиллар муҳитини, ундаги шахслар фаолиятини жуда яхши билиш керак бўлади.

Бир мисол: Абдулла Қодирий «Билдиришлар» номли хангомасининг «Тилхат» деган қисмида куйидагиларни ёзади: «Манким, Туркистон ўзбекларининг вакилидирман. Бераман ушбу тилхатни Татаристон вакили ибдаш Абдурахмон Саъдийга шул хусусидаким, Чингиз, Оксоқ Темир, Аҳмад Яссавий, намангонлик Шоҳ Машраб, Абу Али Сино... буларнинг ҳаммаси ҳам татардирлар. Татар қардошлар мазкурларни ҳар бир йўсин билан тасарруф этмакка ҳақлидирлар. Оксоқ Темир, Аҳмад Яссавий, Шоҳ Машраб марҳумларнинг қабрларини бузиб, наъшларини Татаристонга кўчирилганда, ўзбеклар чурқ этмай, балки кўмак берурлар... Навоийнинг татарми ва ё ўзбекмилиги масаласини алоҳида бир ўлтиришда ҳал қилинур.



Ўзбек вакили: Думбулбоев»<sup>86</sup>.

Бундаги пичинг ва кинояларнинг ўз сабаблари бор. Зотан, 20-йиллар муҳтигада туркий миллатнинг машҳур шахслари юзасидан баҳслар очилгани маълум. Кимдир Фузулийни «форс шоири»<sup>87</sup>, яна биров Алишер Навоийни «уйғур шоири», «форс шоири»<sup>88</sup> эканлигини баҳс жараёнида асослашга интиланган, ҳатто.

Юкоридаги «Тилхат»да «Думбулбоев»нинг айнан Абдурахмон Саъдийга мурожаат этишининг ўз тарихий асоси бор. Фикримизча, А.Саъдийнинг «Яссавий ким эди?» мақоласидаги куйидаги фикрлар «Думбулбоев»ни безовта қилган бўлса ажаб эмас.

«Чигатой адабий тилини туғдиришда ёки шунга қувват беришда кучли омил Навоий бўлгон бўлса, татар адабий тилининг ва татар шеър мактабининг туғишига ҳам Яссавий ва Боқирғонийлар йўл ҳозирлагандирлар. Тил ва услубда ҳам чинликда турк-татарлик руҳини ул негизландирди.

Шуниси ажабдирки, Яссавийнинг тили руҳ эътибори ила ва жумлаларнинг тузилиши ёғидан татар тилига гоят яқин турадир. Ҳатто фарқ кеч йўқ деб айтарлик бир даражададир. Шунинг учун бўлса керакки, Яссавий ва Боқирғоний асарларини, шеърларини татар оммаси, уламаси ўзларига умумий адабиёт этиб, шулардан кўнгили озиги олуб келгандирлар. Ҳатто, машҳур шоир Тўқай ҳам Яссавий шеър мактабидан илҳом ва намуна олғондир. Ва унинг шогирди Боқирғонийни шу жиҳатдан гарчи Эдил-Урал ёқларида тукқан бўлмаса ҳам, Яссавийни татарлар ўз шоирлари этиб санашқа ҳақли бўларлар»<sup>89</sup>.

Жулқунбойнинг кичик асарларидаги пичинг, киноя ва шу каби ифода йўсинини англаш, тўғри хулосаларга бориш учун унинг даврини, унга ҳамнафас ижодкорларни ҳамда,

<sup>86</sup> Қ о д и р и й А. Тўла асарлар тўплами. Олти жилдлик. Биринчи жилд. Тошкент: 1995. 92-бет.

<sup>87</sup> Қаранг: Чўлпон. «Адабиёт надири» китобидаги «Ризо Тавфикбек» номли мақола. Тошкент: Чўлпон. 1994. 46-бет.

<sup>88</sup> Бу ҳақда қаранг: Саъдий А. Адабий-тарихий саводсизликка қарши. Зарафшон. 1924. №148-150.

<sup>89</sup> Саъдий А. Яссавий ким эди? Тошкент: Абдулла Қодирий номдаги халқ мероси нашриёти, 1994. 16-17-бетлар.

юқоридаги мисолдан ойдин бўлганидек, ўша давр матбуотидаги турли жанр, турли савияли асарларни яхши билиш лозим бўлади. Адибнинг бир қатор асарлари айнан даврдош қаламқашларнинг асарларига муносабат тарзида битилгани сир эмас. Демак, Абдулла Қодирийнинг бу типдаги асарларини нафақат замонасидан, балки замондошларидан ҳам айрича талқин қилиш нисбатан бирёқламаликка олиб келиши мумкин.

Бирок, Абдулла Қодирийнинг ижод хазинасида «Калвак махзумнинг хотира дафтарида», «Тошпўлат тажанг нима дейдир?» типдаги кулги асарлари борки, улар бир неча ўн йиллар давомида қодирийшунослар учун таҳлил ва талқин объекти бўлиб келади.

Аввал «Калвак махзумнинг хотира дафтарида» асарининг номи хусусида икки оғиз сўз. Айни услубда жиддий хотиралар ва йўл саёҳати хотира-таассуротларини ёзиш туркий дунёда ўтган аср охири ва янги аср бошларида муайян урф-одат тусига кирган эди. Оренбург шаҳрида 1908-1918 йиллар мобайнида нашр этилган Ризоуддин ибн Фахриддиннинг машҳур «Шўро» журналининг 1915 йил 11-сонида «Саёҳатномалар» сарлавҳаси остида ўттиздан ортиқ асар хусусида қисқа-қисқа маълумот берилади.

Петербургда чиқарилган «Улфат» газетасининг соҳиби машҳур маърифатчи-жадид Абдурашид Иброҳимнинг «Таржимаи ҳолим» (бошима келганлар), «Даври олам» каби асарлари айнан хотира ва таассуротлар услубида ёзилган.

Шунингдек, «Шўро»нинг 1913-1914 -йиллардаги қатор сонларида узлуксиз босилган «Абдусалом муфтининг хотира дафтари» номли асар айнан ном жиҳатидан «Калвак махзум...»га анча яқин. Абдулла Қодирий ўз замонининг илғор зиёлиси сифатида ўша асарларни, журналларни мутолаа қилган бўлиши ва ўзи учун маълум даражада маънавий озуқа олганлиги табиийдир. Қайсидир маънода «Калвак махзумнинг хотира дафтарида» асарининг шаклий-услубий жиҳатдан «Шўро»даги «Саёҳатнома»лар ва ёки Абдурашид Иброҳим асарларига муқояса қилиш мумкин.

Ўзбек миллатининг ва қардош халқлар маънавий чашмасидан ҳам қониб сув ичган Абдулла Қодирийни кулги устаси сифатида элга танитган асар, шубҳасиз, «Калвак

махзум...»дир. Шу сабабдан адибнинг сатирик асарлари хусусида гап кетса, аввало «Калвак махзум...» ва «Тошпўлат тажанг...» тилга олинади. Адабиётшунослигимиз, хусусан, қодирийшунослик тарихида бу асарларнинг турли савиядаги талқинлари бор. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Қодирийнинг сатирик асарларини халқ кулгисидан алоҳида олиб тушунтириш асло мумкин эмас. Зотан, дунёдаги машҳур «Кичик Цахес» (Гофман), «Гаргантюа ва Пантагрюэл» (Ф.Рабле), «Ревизор» (М.Гоголь) сингари асарлар бевосита халқ кулгиси билан боғлиқ. Ф.Рабле маҳоратини, пичинг, киноя, муболага воситаларини тадқиқ этган рус олими М.Бахтин халқ кулги маданияти тарихига мурожаат этади. Унинг шакллари куйидагича таснифлаб беради:

«1. Маросим ва томошага оид шакллар (халқ байрамлари, масхарабозлик ўйинлари ва ҳ. к.);

2. Оғзаки ва ёзма шакллардаги турли-туман кулги асарлари (шу жумладан пародиялар);

3. Очиқ-чапанича нутқнинг ҳар хил шакл ва жанрлари (ҳақорат, қасам-онг ичиш ва ҳ. к.).

Гарчи, турлича номланса-да, бу уч шакл борлиқнинг кулгига хос ягона моҳиятини ифодалайди. Айни чоғда, улар ўзаро мустақкам алоқада ва куп жиҳатдан бир-бирини тақозо қилади»<sup>90</sup>.

Бу залворли назарий фикр нафақат Франсуа Рабле ижодининг халқона моҳиятига, балки дунёдаги бошқа турли миллатларнинг кулги маданиятига ҳам мувофиқ келади. Чунончи, бирон миллат ёзувчиси ўз халқининг айни булоқларидан баҳраманд бўлмаслиги мумкин эмас. Мавзуимиз объекти - эғаси Абдулла Қодирий «26 нчи йилда кулдирувчиларимиз» деган мақоласида шу ҳақиқатни куйидагича эътироф этади: «...Танқиднинг иккинчи хил бўлган ҳажвий (сатира маъноси билан) оммавий дейиле бўлади. Чунки кулки танқид турмуш бўлиб (бўйлаб - Б.К. учкувчи бургутдир. Ҳаёт шароитига ярамаган заиф, кизганч манфур, музир ва шунинг сингари унсурлар унга емдир.

<sup>90</sup> Б а х т и н М.М. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. М.: Худ.лит., 1990. 9 стр.

Ҳажвий танқид авомнинг руҳига яқин ва унинг ҳис этган, аммо ифода қила олмаган масалаларига таржимондир. Хулоса: ҳажвий танқиднинг табиатидаги кулгилик унсури авомнинг маҳбуби, тагин тўғриси (таъқид бизники - Б.К.) унинг ўз ижодидир»<sup>91</sup>.

Қодирий 1926 йилги «Суддаги нутқи»да ҳажвий асарларини изоҳлаши жараёнида «Турмушдан мисол келтирганда...», «Бундоғ киноявий мадҳ аксар халқ орасида истеъмол қилинадур» каби жумлаларни ишлатадики, бу ҳам адиб ижодининг халқона моҳиятидан далолат беради.

Кулги - халқ ижоди. Ёзувчи халқдан олади ва халққа беради. Абдулла Қодирий Қалвак махзум ва Тошпўлат тажангни ҳам, Солиҳ махдум ва Ўзбек ойимни ҳам ўз халқи ичидан топди. Характерларини умумлаштирди, сайқал берди, бадий-поэтик либос кийдирди. Адибнинг турли суҳбатларда, давраларда гап «ўғирлаб» ўтиришининг боиси ҳам шудир<sup>92</sup>.

Ҳатто, адибнинг ўғли Ҳабибулла Қодирий «Отам ҳақида» номли китобида юқорида исмлари келтирилган сатирик қаҳрамонларнинг айрим прототиплари, улар билан Қодирийнинг реал мулоқотлари ва ўзи гувоҳи бўлган қизиқ-қизиқ воқеалари ҳақида қимматли маълумотлар беради<sup>93</sup>. Бу фактлар улуғ адибнинг халқ ҳаётига, оддий одамларнинг қалбига, дарду аламларига, қувончу шодлиқларига нақадар яқин ҳамда шерик бўлганлигини кўрсатади. Қолаверса, Қодирийнинг бадий адабиётдаги кулгининг моҳиятига оид назарий фикрлари ҳам ғоятда кучлидир. У ёзади: «Адабиётда бир неча хил кулги йўллари бўлса ҳам (масалан, пичинг, кесатиш, киноя, тағофил ва бошқалар...), лекин энг муътабари характер кулгисидирки, юқорида айтиб ўтдик, аммо бунда қуйидаги шартларнинг топилиши керак:

1. Қаҳрамоннинг характери (яъни сизнинг олган масалангиз ва ёки кишингизнинг ўзидагина топилган табиат), масалан: сўз, иш, феъл ва ...

<sup>91</sup> Қ о д и р и й А. Кичик асарлар. Тошкент: 1969. 184-бет.

<sup>92</sup> Қаранг: Нодир Назаров. «Гап ўғрилаб» ўтирар эдилар. Қодирий рамондошлари хотирасида. Тошкент: 1986. 42-бет.

<sup>93</sup> Қаранг: Қ о д и р и й Ҳ. Отам ҳақида. Тошкент: 1983. 39-47-бетлар.

2. Шу характеристика ичидан сиз бермакчи бўлган маъно ёки ибратнинг ўз-ўзидан тошиб туриши;

3. Шу икки турлик нарса ичидан истихзо ёки хохоҳо моддасининг табиий суратда келиб чиқиши»<sup>94</sup>.

Жулқунбойнинг нисбатан ҳажман кичик ҳажвия ва ҳангомаларида кулгининг пичинг, киноя, кесатик йўсинида юзага келганини кузатиш мумкин. Аммо, унинг Калвак махзум ва Тошпўлат тажанги «характер кулгиси»га ёркин мисолдир. Ҳар икки қаҳрамон ҳам ўз ҳолини ўзи баён этади. Улардаги кулги халқ ичидан олинган иборалар, кўча-кўйнинг гап-сўзлари, баъзан сўкинч, хитоб ва ундов воситасида, баъзан бевосита иш-феълдан - реал воқеликка номувофик ҳолатлар баёнидан юзага келади. Ойбек айтмоқчи, Қодирий қаҳрамонлари «турмушга, нарсаларга, турли масалаларга ўз назарлари билан қараб, ўзларича муҳокама қиладилар, ўзлари баҳо берадилар. Асли комизмни туғдирадиган нарса ҳам шундадир». Зотан, жаҳон эстетикаси тарихидан маълумдирки, комизм моҳиятида контраст-зиддият мавжуд. Масалан, Аристотель хунукликнинг гўзалликка, И.Кант ҳақирликнинг олийжаноблик-юксакликка, А.Шопенгауэр беъмаъниликнинг бамаъниликка, Гегель эса ёлгоннинг ҳақиқатга зиди-контрастида кулгани ҳолат асосини кўради. Рус олими Ю.Борев ёзади: «Мабодо, биз кутилмаганда бирор ножўя иш-қилиқни кўриб қолсак, табиийки бу ўзига хос шўхлик ва ҳатто, кулгини юзага чиқариши мумкин»<sup>95</sup>.

Дунё файласуфларининг ушбу назарий қарашлари Қодирий маънавий дунёсига бегона эмас. Амалий исботи асарларидир. Адибнинг ҳажвияларида, хусусан, «характер кулгиси» намоён бўлган асарларида гоҳо хунуклик билан гўзаллик, баъзан сунъийлик билан табиийлик, гоҳида тубанлик билан олижаноблик тўқнаш келади. Зотан, ҳаёт-турмуш кирдикорларининг ҳажвий-бадий талқини бусиз мумкин эмас.

Ҳар қандай миллатнинг машҳур сатирик ёзувчисининг ижоди халқ донишмандлиги, халқ ичидаги оғзаки кулги жанрлари, айниқса, халқ тили билан жуда мустаҳкам

<sup>94</sup> Қ о д и р и й А. Кичик асарлар. Тошкент: 1969. 187-бет.

<sup>95</sup> Борев Ю. Эстетика. М: 1988. С. 82-83.

боғланган бўлади. Ва шу миллат тилига хос ҳажвий-поэтик унсурлар иккинчи бир тилга таржима жараёнида кўчмай қолиши ҳам мумкин. Бизга ҳозирда ўспирин болалар ёзувчиси сифатида танилган Марк Твен америкаликларнинг инглизча шеvasида - Америка халқи тилида жуда гўзал сатирик асарлар ёзган адибдир.

М.М.Бахтин Ф.Рабленинг «Гаргантюа ва Пантагрюэл» романидаги жозиба ва тароватни ҳамма ҳис этишини, аммо уни ҳеч ким кўнгилдагидек талқин қилмаганини айтади. «Бунинг учун, - дея ёзади олим, - энг аввал Рабленинг ўзига хос тилини, яъни халқ кулгиси маданияти тилини англаш-тушуниш лозимдир»<sup>96</sup>.

Ойбек талқинидаги «Калвак махзум...»да М.М.Бахтиннинг бу фикрларига яқин қарашлар кўринади. Қодирий қаламидан тўқилган жавҳарлар жозибаси устида тўхталиб, улар халқона тил ва услубга эга эканлигини айтади; Калвак махзумнинг услуби халқимизнинг қадимги эски проза «манерасига кулгили тақлид» эканини таъкидлайди ва қўйидаги характерли мисолни келтиради. «Алқисса, падари бузруквор маълум фақир фарзанд ноқобилларининг мадрасадаги кирдикорларимдан волидан мушфиқага шаммаи изҳор айлаб, бул маънидин бисёр малули хотир бўлғонларини баён қилғонларида, волида ҳам фақирлардан андак ранжибдурлар».

«Алқисса, эртаси кун бағдаз нонушта падар бирлан биргалашиб, қозининг уйларига бориб, мазкур маҳзари шаръни ушлоғонимизда, эшон қози маҳзарни ўқуб, кўб яхши ёзилибди, аммо, муддаий алайҳингиз кеча аробада кизи бирлан келиб, мазрубанинг жароҳатларини кўрсатиб, сизларнинг устиларингиздан ёздириб кетган эди, бинобарин, сизлар кечга колубсизлар».

Ойбек давом этиб ёзади: «Бир кўп кулги асарларида Абдулла Қодирий халқ аксиячилигига яқин бир равишда услуб яратади. Халқ сўзлари, ифодалари, чапани таъбирлар, кочирма гаплар кўп ишлатади, «Толе деган муттаҳам йўк»,

---

<sup>96</sup> Б а х т и н М. М. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. М. 1990. С. 68.

«Мен кўтир итнинг кейинги оёғи ҳам бўла олмадим», «яғир эшагингни чу де» ва ҳоказо...»<sup>97</sup>.

Қодирий ҳажвий қаҳрамонларининг негизи халқ билан уйғунлашиб кетганлиги, айниқса, тил ва услубидаги халқона унсурлар Ойбекдан кейинги авлод адабиётшунос - қодирийшунос олимлар томонидан ҳам таъкидланди. «Абдулла Қодирий сатирик сифатида ўз олдида турган ижодий масалаларни ҳам халқчиллик руҳида ва халқ бадиий меросидан фойдаланиб туриб ҳал этади»<sup>98</sup>.

Адибнинг «Калвак махзумнинг хотира дафтарида», «Тошпўлат тажанг нима дейди?» ҳажвияларининг мавжуд талқинларида, уларнинг ғоявий-бадиий таҳлилларида бирёкламаликлар учрайди. Тўғриси, бу икки ғаройиб кулги асарида муаллиф тажоҳили орифона усулларини қўллайди. Абдулла Қодирий сатирик қаҳрамонлари, ўзининг «салбий тип»лари орқали, ўша «жоҳил, илмсиз, бадбин, бадбашара, мияси диний сарқитлар билан ғовлаган, чапани» характерлари воситасида нуқул социалистик жамиятни, ижтимоий ҳаётдаги янгиликларни қўллаб-қувватловчи тарзида кўрсатилди. Калвак махзум ва Тошпўлат тажанг образларини адабиётшунослик салбий - қоп-қора рангда кўрди. Улардаги колоқлик, жамиятдан узилиб қолганлик, қўлидан иш келмаслик, тажанглик ҳар вақт «фош этувчи»лик сифати билан боғлаб берилди. Адабиётшуносликдаги бундай илмий талқинлар адибнинг машҳур ҳажвиялари жозибасини, тароватини кетказиши, уларни жўнлаштириши мумкин. Зеро, ҳажвияларнинг ўзини ўқиган, тағматни, тағмаънони уққан китобхон уларнинг илмий талқини орасида тўла маънодаги мувофиқликни топа билмайди.

Қодирий реализмидаги буюк ҳақиқат шуки, дунё, ўзаро инсоний муносабатлар, инсоннинг ўзи яқраг эмас; мураккаб ва зиддиятлидир. Калвак махзум ва Тошпўлат тажанглар бадиий талқинида адибнинг эстетик принцип даражасига кўтарилган мазкур ақидасини эътибордан қочирмаслик лозим. Бу ҳажвий қаҳрамонлар сажиясида қусур, нуқсон кўп. Аммо

<sup>97</sup> Ойбек. Асарлар. 10 томлик. IX том. 1974. Тошкент: 251-бет.

<sup>98</sup> Султонов И. Асарлар. 4 томлик, 2-том. Тошкент: 1972. 345-бет.

Шунингдек, яна қаранг: Мирзаев И. Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси. Тошкент: 1977. 32-33-бетлар.

муаллиф улардаги фақат шу хусусиятларнигина тасвирлаб қўя қолмаган. Агар асарни фақат шу кирра учун ёзганида уларнинг ҳозирга қадар яшаб қолиши амримаҳол бўлар эди. Абдулла Қодирий инсон табиатига хос, ҳажвий сажияларга хос барча мураккабликларни ўз қаҳрамонлари табиатига жойлай билди. Зотан, адиб бу қаҳрамонлари ҳақида ўз ақидасига мувофиқ келадиган қўйдаги талқинни ёзади: «Калвак махзумда: кўпдан ҳақиқий ҳаёт билан алоқаси узилган, мадраса хурофоти билан мияси ғовлаган, холис бир маҳалла имоми, Тошпўлатда: ишсиз, бири бит, бити сирка бўлмаган ва шу фақирлик орқасида ўғрилиқ ва фаҳшият денгизида сузиб, тажангланган холис бир чапани кўрилу»<sup>99</sup>. Сўзни беҳуда исроф қилмайдиган адиб ҳар икки қаҳрамонига нисбатан «холис» сўзини қўллайдики, талқинчига асардаги айна сифат устида ҳам фикрлаш жоиз бўлади.

«Калвак махзумнинг хотира дафтарида» ҳажвиясидаги муаллиф ғояи аъмолини ҳис этмаслик, пичинг, кесатиқ ва кинояларини тушунмаслик оқибатида асар қаҳрамонига нисбатан «нодон, қолоқ, калтафаҳм, ҳақиқий одамлик хосиятларидан маҳрум, пасткаш ва шу билан бирга, ғоят кибрли» (И.Султонов) каби сифатлар урчиб кетди. Гарчи, ёзувчининг ўзи «холис бир имом», «холис бир чапани» дея қаҳрамонларига холис ёндашаётган бўлса-да, уларни илмий тадқиқ этиб, фош қилувчилик моҳиятини «кашф этган» илмий асарларнинг салмоғи талайгина.

Бадий асар моҳиятини муаллиф фикрига мувофиқ равишда талқин этишда энг биринчи манба матндир. Матн бир томонда қолиб, давр талаби, ҳукмрон мафкура қолиши ёки талқинчи тасавурида шаклланиб қолган сийқа мезонлар билан асарга ёндашув нотўғри, нисбатан бирёқлама хулоса, тасавурларга олиб келади. Қодирий ҳажвий асарлари тадқиқотида матндаги ҳар бир сўз, сўз бирикмаси, ҳар бир жумла ва белги ўз салмоғи-салоҳиятига эга. Қолаверса, йўналишни тўғри олиш учун ёзувчи дунёқарашидаги устувор ақидаларни, шунингдек, муаллифнинг иккинчи бир асарида талқин этилаётган асарига бўлган муносабатини ҳам инобатга олмақ лозим.

---

<sup>99</sup> Қодирий А. Кичик асарлар. Тошкент: 1969. 183-бет.



Абдулла Қодирийнинг «Калвак махзумнинг хотира дафтарида» ҳажвияси талқини учун калит вазифасини ўтайдиган яна бир жумласи бор. Адиб Ғози Юнус билан тортиша туриб, ўзининг «Шаллақи» номли мақоласида қуйидаги жумлаларни ёзади: «Маълумки, ҳар бир кишининг (жумладан, Ғозининг ҳам) ўзига яраша даҳмазаси бўладир, ҳам томоғинг қаердан тўйса, ўша жойнинг ашуласини айтишга тила, тилама мажбур қоласан. Шунга ўхшаш мен ҳам баъзи идоралардан иш олиб, эртадан кечгача матбаада ишлай бошладимки, Ғозининг кўзи юмилган эмас, аммо шунда ҳам «Муштум»ни унутмадим, масалан, Ғози бўлмаган вақтларда баъзи сонларни ўзим чиқардим ва бир йилнинг 15-сонидан бошлаб то 35-сонигача давом этган «Калвак махзум хотираси» ва бошқалар, уста Ғози айтгандек, тарелка ва ялинишлар натижаси эмас, махфий самимият тўлкинидир. Заказ ва тарелка (лаганбардорлик маъносида - *Б.К.*) билан, айникса, таълифотда (ёзувчиликда - *Б.К.*) бир иш чиқариб бўладир, деса номаъқул бузокнинг гўштини есин, Ғози!»<sup>100</sup>.

Ғози Юнус билан аёвсиз гап-сўз талашган Жулқунбойнинг ёзганлари лаганбардорлик ёки ялиниш натижаси эмас, балки «махфий самимият тўлкинидир». Мазкур таъкидланаётган бирикма Қодирий киёфасини кўришга ёрдам беради. Муаллиф ўз ёзганлари билан махсус «заказ»ни бажараётгани йўқ. «Таълифот»да бундай мавқе билан обрў олиб бўлмайди. Қодирий буни яхши билган. Унинг «Калвак махзум...» ва бошқа асарлари ижодкор қалбининг ички бир эҳтиёжи махсули - «махфий самимият тўлкинидир». Биз бунинг ифодасини муаллифнинг ўз эътиқодига бўлган садокатида, ҳажвий қаҳрамонларини «чилпарчин»ида, уларни восита қиларок ўз дарду дунёсини баён этишида, «оғамиятнинг қитғи»га тегиб кетадиган муаммоларни ғоятда маҳорат билан тасвирлашида кўраимиз.

Умуман олганда, 60-80-йиллар адабиётшунослигиде Абдулла Қодирийнинг Калвак махзум, Тошпўлат тажам сингари қаҳрамонлари талқинида нисбатан жўнлик бирёкламалик ва яқранглик кўзга ташланади. Уларни бо ҳолича тушуниш ва тушунтириш учун муаллиф ғояси

<sup>100</sup> Қ о д и р и й А. Кичик асарлар. Тошкент: 1969. 78-бет.

мувофиқ равишда асарнинг «махфий самимият»и устида жиддийроқ бош қотириш лозим бўлади. Халқ ичидан чиққан «салбий қаҳрамонлар»нинг халққа қарши юриши, нуқул халқдаги «эскилик саркитларини фoш этиши» негaдир анча курук ва носамимий бўлиб туюлади. 90-йилларда профессор Умарали Норматов аввалги қoдирийшунослардан фарқли ўларoқ, ёзувчининг санъатқорона услубини, ҳажвий қиссаларидаги тағмаънони, нисбатан теран тушунди. Бундаги ҳақиқатни англаш осон эмас, албатта. Чунки «Абдулла Қoдирий кулги асарларида ўзини тамом беркитади» (Ойбек); бунда «...ёзувчининг шахсини тамоман кўролмайсиз. Фақат сўзни имзо эгасининг ўз оғзидангина эшитасиз» (Абдулла Қoдирийнинг ўз таъбири).

Юқорида айтганимиздек, адибнинг қатор шартли имзолари бор. Овсар, Думбулбой, Калвак махзум ёки Шилғай билан айнан Абдулла Қoдирий қарашлари орасига тенглик ва ёки зидлик аломатини қўйишда нафақат чуқур андиша, балки чуқур билим керак. Қoдирийнинг ҳаётдаги ақидасидан, дунёқарashiдаги ўзгаришлардан ва айниқса, адиб ҳамда унинг қаҳрамонлари нафас олиб турган муҳитдан - тарихдан бохабар бўлмоқ лозим.

«Маълумки, «Калвак махзум» 1923 йили ёзила бошлаган эди. Ўша кезлари мамлакатда «феодал ўтмиш»га, «ўтмиш саркитлари»га, жумладан, динга, диний ақидаларга, диндорларга қарши шафқатсиз кураш авж олдирилиб юборилган, кўплаб зиёлилар, ижодкорлар мана шу курашга сафарбар этилган эди. Қoдирийдек эътиқоди бутун аллома ҳам замона зайли туфайли, ихтиёрли ёки шайтон васвасаси, шубҳа-гумонлар, руҳий-маънавий иккиланиш, изланишлар оқибатидами - қандайдир сабаблар билан муайян муддат шу жангу жадалларда қатнашади, дин ва диний удумларни ёппасига қораловчи, рад этувчи асарлар ёзади, дин ва диндорлар хусусида тарафқашлик билан хийла кескин бирёклама ҳақоратомуз танқидий гаплар айтади»<sup>101</sup>.

Бу масалада эҳтимол олим билан баҳслашиш мумкиндир.

Чунки ўша даврдаги айни мазмунли асарлари шартли имзолар остида чиққан. Ҳеч бўлмаганда Қoдирий эътиқо-

<sup>101</sup> Норматов У. Қoдирий боғи. Тошкент: 1994. 89-бет.

дидаги силкинишлар даври юзасидан бу ўринда бир оз бахслашиш мумкин. Аслида, Қодирий чин мусулмон эди, ўз эътиқодига зиддан бирон ҳаракат қилган эмас, деган тезисни илгари суриш ҳам мумкин. Аммо, начора. Бандачилик. Қолаверса, «Отам ҳақида» китобида Ҳабибулла Қодирий отасининг 1936-1937 йилларда рус тилидан динга қарши ўн тўртта асар таржима қилганлигини айтади ва уларнинг рўйхатини келтиради.

Иккинчи бир факт: Тошпўлат тажанг прототипи устида тўхталар экан ёзади: «1930 йилга қадар дадамнинг, ўзи бизнинг мавзелик... Полвон исмли бир «дўст»и бўлар эди. У ёз кунлари баъзан-баъзан бизникига «яримта»ни кўтариб келарди-да, дадам билан «чин кўнгилдан суҳбатлашиб» қайтар эди»<sup>102</sup> (Бунда қанчалик ҳақиқат бор?).

Нима бўлганда ҳам, У.Норматов тўғри иллаганидек давр талотўшлари Қодирий дунёқарашида муайян изини қолдиргани рост. Биз учун муҳими шуки, олим аср шомида «сажия кулгиси»ни ўзларида жамлаган Калвак махзум ва Тошпўлат тажангларни «фош этувчи»лик, «салбий қаҳрамон»лик сифатларидан нисбатан қутқарди.

«Махзум саргузаштлари талкинидаги яна бир ғоят характерли йўналиш шу пайтга қадар адабиётшунослар эътиборидан мутлақо четда қолиб келаётир. Гап шундаки, гўё махзум учун тушуниксиз, ғайритабиий, кулгили бўлиб туюлган ҳодисалар замирида тамомила бошқа бир маъно уқиб олиш қийин эмас; бир қарашда Махзумни «фош этиш»га қаратилгандек бўлиб кўринадиган кулги тиғи ўша давр - 20-йиллар ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнинг кўзгина жиддий томонларига, адиб ибораси билан айтганда «жамият китигига» тегиб ўтадики, ёзувчи бундай қалтис ишни бениҳоя усталлик, қатта маҳорат билан адо этади»<sup>103</sup>. Булар матнни жиддий текшириш ва теран тушуниш, муаллиф дарди ва миллат руҳиятини теран англаш натижасида туғилган мулоҳазалар, албатта. Шунга мувофиқ мисоллар кўп. Калвак махзумнинг мусҳафи Усманийни зиёрат учун бориши, кўчада Абжал сариқ-милицияга учраши; яширинча ўқилган жаноза намози,

<sup>102</sup> Қодирий Ҳ. Отам ҳақида. Тошкент: 1983. 45-бет.

<sup>103</sup> Норматов У. Ўша жойда. 91-бет.

шўроларнинг қишлоқдаги сиёсатига муносабат шулар жумласидандир.

Абдулла Қодирийнинг «Калвак махзумнинг хотира дафтарида», «Тошпўлат тажанг нима дейди?» типдаги ҳажвиялари югириклаб, кўз югиртириб ўқиладиган асар эмас; уларни ҳижжалаб, ҳар бир сўз, ҳар бир жумла маъносини чуқур идрок қилиб ўқиш лозим бўлади. Шу маънода Калвак махзумни оклаш ёки ёклаш учун эмас, балки Қодирий маҳоратини, мавжуд талқинлар ночорлигини кўрсатиш учун У.Норматов фикрларига қўшимча ҳам қилиш мумкин.

60-80-йиллардаги аксар талқинларда матности маъноларини, «коса тагидаги нимкоса», адибнинг кесатиқ-киноялари остидаги ижтимоий-сиёсий жараён, дин-диёнат, иймон-эътиқод билан боғлиқ жиддий масалалар ҳис қилинмаган, агар ҳис этилган бўлса-да, уларни айтишга имкон берилмаган кўринади. Чунки талқинлар ҳажвий қаҳрамонларнинг салбий эканликларини таъкидлаганлари ҳолда, Абдулла Қодирийни ҳам фақатгина янги жамият йўлидаги курашчи, социалистик жамият тарғиботчиси, эски жамият, дин-диёнатнинг ашаддий душмани ўларок тушунтирганлар. Ҳолбуки, бу масалалар асарга жиддий ёндашувни талаб этади.

Калвак махзумнинг отаси вафот этиб, иккинчи марта бир бевага уйланган, ўз тили билан айтганда «Ақоид»ни тамомлаб, «тахзиб» қилгандан кейинги ҳаёти илгариги ҳаётига нисбатан ўзгачадир. Муаллиф ҳам унга нисбатан «шафқат» қилади. Қолаверса, Калвак махзум турмушидаги мазкур чегара, ўзгариш асарни нашрга тайёрловчи томонидан қуйидагича изоҳлади: «Ақоид - Оллоҳнинг мавжудлигидан, бирлигидан хабар берувчи илм. Таҳзиб қилиш - покланиш, «Ақоид» илмини эгаллаган киши Оллоҳ таолога имон келтириб, унинг қудрати ва ҳикматини тафаккур қилади, ҳар бир ишни унинг ихтиёрига ҳавола қилади. Исломга хилоф иллатлардан, хурофотлардан ҳоли бўлади, яъни руҳан ва маънан покланади»<sup>104</sup>. Такрор айтаманки, бизда Калвак махзумни сунъий равишда ижобийлаштириш ёки унга «рахм-шафқат»

---

<sup>104</sup> Қ о д и р и й А. Тошпўлат тажанг нима дейди? Калвак махзумнинг хотира дафтарида. Тошкент: 1993. 87-бет.

қилиб аяшга интилиш нияти йўқ. Бу қахрамон бундай марҳаматларга мухтож эмас. Демокчимизки, Қодирийнинг холислигини англайлик, матнга муносиб талқин юритайлик.

Хўш, Калвак махзум нақадар нодон, нақадар билимсиз ёки калтафаҳм? Унинг кутубхонадан сўраётган китобларига эътибор қилмоқ лозим:

- «Шархул-виқоя»нигиз борми?

- Йўқ, тақсир.

- «Шарҳ мулла Жомий?»

- Йўқ.

- «Маслаки муттақин?»

- Йўқ.

- Бас, сизда нима бор?

- Бизда ҳар бир китобдан бор.

- «Далойили хайрот?»

- Йўқ.

- «Канзили Хусайн?»

- Йўқ.

- «Нурномаи шариф?»

- Йўқ.

- «Кимёи саодат?»

- Йўқ.

- Йўқ-йўқ-йўқ! Бас, бул китобларингиз қуруқ қоғозларми? ...»<sup>105</sup>

Мазкур китобларга нисбатан нописандлик билан айрим изоҳларда: «Октябрь инқилобига қадар халқ ўртасида тарқалган диний китоблар», деган жумлалар ёзилади. Ваҳоланки, «Шархул-виқоя» Убайдулла ибн Маъсуд ал-Махбубий томонидан машҳур фақиҳ Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя» китобига ёзилган шарҳдир.

«Шарҳ мулло Жомий» эса Абдурахмон Жомий томонидан араб тилининг грамматикасига доир «Қофия» китобига ёзилган шарҳ ҳисобланади. Дарвоқе, «Қофия»дек мураккаб китобни Калвак махзум ҳам ўқиган. Эси паст, нодон кишилар бу китобдан бирон сатр ўқиб, тушунишлари амри маҳолдир. Аммо Қодирийнинг ёзишича, Калвак махзум «қофияхон болаларнинг бир нечасига муқаррирлик» қилган. Айни китоб

<sup>105</sup> Қ о д и р и й А. Тошпўлат тажанг нима дейдир? Калвак махзумнинг хотира дафтарида. Тошкент: 1993. 46-47-бетлар (биз китобларга ёзилган изоҳларни ҳам шу манбадан олдик).

номини изоҳлаш билан боғлиқ афсусланарли жой шундаки, эски ёзувдан унинг номи бир ўринда «Қофия» тарзида табдил қилинган ва «эски мактабларда ўқитиладиган фан», «илми қофия» тарзида изоҳланган<sup>106</sup>. Калвак махзум аҳли шуарога мутааллақ қилинган.

Хуллас, табдилнавис ва талқиннавислар юқорида номлари зикр этилмиш грамматикага, тарих ва тасаввуфга доир китобларни «диний китоблар» тарзида изоҳлашлари илмий ҳақиқатга мувофиқ келмайди.

Қолаверса, Абдулла Қодирийнинг ўзи жуда яхши хабардор бўлган ва балки Калвак махзумнинг илм даражасини кўрсатиш учун атайлаб келтирган бу китоблар қаҳрамонни ерга уришга асос бермайди. Ўйлаб қаралса, бу китоблар Калвак махзумнинг «жирканч башарасини фош этиш»га ҳам, «мияси хурофот» билан ғовланганини исботлашга ҳам хизмат этмайди.

Кўп масалаларда профессор У.Норматовнинг янгича талқинларини тасдиқлаш мумкин бўлса, айрим ўринларда олим билан баҳслашиш ҳам мумкин. У.Норматов муаллиф асар бошида Махзумни ҳийла кучли фош этганини, қораланганини, баъзи эпизодларда характер мантиғига зид келадиган лавҳалар борлигини таъкидлайди ва давомидан ёзади: «Шунингдек, Махзумнинг дунёга келиш тарихи, чақалоқлик йиллари, касалликларга чалиниш воқеалари баёнида ҳам инсон шахсини таҳқирлаш, масхаралаш, бу борада меъёрдан чиқиб кетиш ҳоллари учрайди»<sup>107</sup>. Бу масалада адибни танқид этиш ўринсиздек кўринади. Чунки дунё адабиётини, хусусан, ҳажвий образлар яратиш тажрибасини яхши билган Қодирий айнан бадий адабиёт ҳизми кўтарган доирада иш кўради. Дунё адабиётида бу усулда яратилган қаҳрамонлар бор.

Немис ёзувчиси Т.А.Гофманнинг «Кичик Цахес» номли иссаси шу жумладандир. Гофман Цахесни айнан туғилган палласидаёқ бадбашара («урод») бўлиб туғилганлигини тасвирлайди, ёши улғайган сари ҳам унга доир тасвир

<sup>106</sup> Қ о д и р и й А. Тўла асарлар тўплами. Олтин томлик. I-том. Тошкент: 1995.

<sup>107</sup> -бет.

<sup>108</sup> Н о р м а т о в У. Қодирий боғи. Тошкент: 1994. 89-бет.

манераси ўзгармайди: кулоқ-бурун ниҳоятда катта, беўхшов боши ҳам гавдадан катта, қўл-оёқлар жуда ингичка ва х. к Цехеснинг на ташқи қиёфасида ва на маънавий дунёсида ҳава қилгулик сифат бор, аммо ҳеч ким бу образга Гофма олмонни ва ёки инсон зотини таҳқирлаган, деган мезонлар билан ёндашган эмас.

Бошқа бир мисол, француз ёзувчиси Франсуа Рабленин «Гаргантюа ва Пантагрюэл» асарида ҳам образ яратилишини айнан гротеск усули кузатилади. Дарвоқе, «Гаргантюа ва Пантагрюэл»даги овқат тизими, пошларнинг тасвири, бол тарбиясидаги ночор ҳолатлар, арзимаган нарсалар устида жанжал-ғавго кўтарилиши, оддий ҳолатларнинг ғайриоддий ғайритабиий бўлиб кўриниши каби ҳолатлар қайсидир жиҳат билан «Калвак махзум...»нинг маъно-моҳиятига, образнинг яратилишига, шунингдек, кулгини юзага келтирувчи омилла - киноя, пичинг, «коса тагида нимкоса» эътиборига кўра яқин туради.

Калвак махзум кўп овқат еганидан «сассиқ меъда» бўли қолади; айна сабабга кўра Гаргантюанинг ошқозон тозаланади.

Ёзувчи образ яратишда ҳаддан ташқари кучли муболағ қўллаш санъати Гаргантюада ҳам, Цехесда ҳам, шунингдек Калвак махзумда ҳам мавжуд адабий воқеликдир.

Калвак махзумнинг ўлкаси амрикон маҳсидаги жирилайди, боши кесак қисган қовундек қийшиқ. Яна би тасвир: «Лекин бул чечак деган нимарсанинг ажиб бир хусу бузатурган хоссаси бўлур эркан. Агарда ўзингизга ҳам чечак чикқан бўлса сезарсиз: мисоли юзингиз ғалвирақ бодом. Аммо фақирнинг юзимда баъзи чандиклар ҳам зухурга келган учу гўёки ҳусни Юсуф бизда хотима топди... Агар сиз бир ҳову тарикни юзимизга қаратиб сепсангиз-да бир дона ери тушса биз минават ...».

Бундай тарзда жаҳон адабиётидаги машҳур қаҳрамонларга мос келадиган образлар яратиш, албатта Қодирий истеъдодининг белгисидир. Эҳтимол, Қодирий Раблени ўқимаган ҳамдир. Аммо даҳоларнинг бадий фикри мулоҳазалари санъат оламида уйғунлашади, ўзар яқинлашади ва алалокибат инсониятнинг умрибоқни маънавий мулкига айланади.

Адибнинг «Калвак махзумнинг хотира дафтарида» асари икки қиррали кескир пичокни эслатади. Ёзувчи бир томондан хурофот илдизларини кесади, иккинчи томондан динсиз жамият сари юз тутган кишилар дунёсига Калвак махзумнинг кўзи орқали назар ташлайди.

Абдулла Қодирийнинг «Калвак махзумнинг хотира дафтарида», «Тошпўлат тажанг нима дейдир?» типигаги асарлари хусусида тўхталганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу асарлар сюжет эътибори билан даставвал ҳаёлда обдон пишигилиб, яхлит ҳолга келтирилиб, сўнгра муайян композиция асосига қурилган эмас. Улардаги композицион бутунлик бош қаҳрамон сиймоси, услубдаги ўзига хослик ҳамда муаллифнинг «пардаланиши» каби хусусиятлар орқали майдонга келади. «Калвак махзум...» 1923-1927-йиллар давомида, «Тошпўлат тажанг...» 1924-1927-йиллар оралиғида ёзилган ва вақтли матбуотда босилиб турган. Дарҳақиқат, мазкур давр масофаси орасида ҳам ёзувчининг шахсий ҳаётида ҳам, дунёқарашида ҳам, ижтимоий-сиёсий турмушда ҳам ижодкорнинг ижод психологиясига таъсир этиш мумкин бўлган ўзгаришлар юз берди. Абдулла Қодирийнинг Москвада таҳсил олиши, «Йиғинди гаплар»и учун жиноий жавобгарликка тортилиши ва ёки яқка хўжаликларни коллективлаштириш жараёнлари шулар жумласидандир. Мазкур биографик фактларнинг инобатга олиниши асарнинг муаллиф фикри-ғоясига мувофиқ равишда тушуниш ва тушунтиришга имкон беради. Асар бошланишидаги нисбатан бешафкатлик, аёвсиз пичинг ва киноя оҳангининг асар охирига бориб нисбатан самимийлик касб этиш сабабларини, характер устидаги жиддий-танқидий кулги ўрнини нисбатан енгил юмор эгаллаш сабабларини англашга имкон беради.

Адабиёт майдонида шундай ҳажвиялар бўладики, ёзилган замонидаги муайян долзарб муаммони кўтариб чиққанлиги билан шуҳрат топади, аммо вақт ўтиши билан унутилади. Зеро, бадиий адабиёт муаммо кўтариб, ҳал қиладиган майдон эмаслиги, бу ўткинчи хусусият катта адабиёт учун бир оз бегона экани шунда ҳам кўринади. Абдулла Қодирийнинг ўнлаб ҳажвия-ҳангомалари айнан ҳозир биз айтган сифатларга эга – маърифатга тарғиб, мактабга пул бермаган хасис бойни танқид, матбуот ҳолига ачиниш ва ҳ. к. Бироқ, адибнинг ўзи айтмоқчи, уларда «характер кулгиси» йўқ. Айнан ана шу



сифат катта адабиёт учун жуда муҳим унсур. Калвак махзум ва Тошпўлат тажанг - характер кулгиси учун ёркин намуна.

Бадий-ҳажвий асарни муайян тарихий воқеа-ҳодисалар фониди талкин этиш мумкин бўлганидек, айна пайтда, унинг ўз бадий қуввати имкониятларидан келиб чиққан ҳолда талкин қилиш ҳам мумкин. Назаримда, «Калвак махзум...» ва «Тошпўлат тажанг...»ни ўқиган, даврнинг тарихий ҳодисаларидан анчайин беҳабар китобхон ёки тадқиқотчи улардан айнан бадий қувват инерцияси билан жуда катта маъно ўқиб олади; инсон табиатига абадул-абад ҳамроҳ бўлиб келаётган жиҳатларни кўриб, завқланиб кулади. Мазкур асарларни ҳар ким ва ҳар давр ўзича англайди, тушунади ва тушунтиради.

Қолаверса, Қодирий ўз сатиралари билан мактаб яратган ижодкор. Ижодга ҳавасмандлар айна даргоҳда бемалол таҳсил олишлари мумкин. Шу ўринда XX асрнинг охириги чораги ўзбек насрининг истеъдодли адибларидан бири Мурод Муҳаммад Дўстнинг эътирофларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир: «Қодирийни биз ёшлар ўрганишимиз зарур иккинчи фазилати - кулги. Унда кулгининг беозор жилмайишидан тортиб, ўлдирадиган захарҳақдага қадар, ҳамма туридан топилади. Қодирий сатираси жуда кучли. Пародия услубини қўллашда Рабле ёки Свифтдан қолишмайди. Қодирий сатирасида яна бир нукта борки, бу - холислик. Гўё ёзувчи бефарқдай тугўлади, қахрамоннинг ўзи гапирди, тўйиб-тўйиб сўзига маст бўлиб гапирди...»<sup>108</sup>

Абдулла Қодирий психологиясида, табиатида воқеликка танқидий муносабат билдириш кучли. Воқеликни, хоҳ у замонавий, хоҳ тарихий мазмунда бўлсин - қатъи назар, аксар ҳолатларда ҳажвий-бадий руҳда талкин этиши шундан. Адиб ижодига хос бу хусусиятлар унинг майда ҳангомаларидан тортиб энг йирик ҳажвийлари моҳиятида, шунингдек, йирик жиддий тарихий романларида ҳам учрайди.

Ҳақиқатан ҳам Қодирий Ўзбек ойим каби образнинг жонли чиқишида кулгидан кенг фойдаланди. Айна романнинг «Қовок девонанинг белбоғи» сарлавҳаси билан номланган бобида ҳам адиб алмойи-алжойи ҳазил-хузил билан моҳирона

<sup>108</sup> Мурод Муҳаммад Дўст. Ибрат. Шарқ юлдузи. 1984. №4.

бадий усулда асар воқеалари ривожини таъминлайдиган илмоқларни бериб ўтади. Тўғриси, барча адабиётшунослар бирдек тан олганларидек, «Меҳробдан чаён» романида сатирик рух нисбатан кучли. Гарчи, романнинг бош қаҳрамонлари Анвар билан Раъно бўлса-да, уларнинг доимий ҳамроҳи ва асарда жуда ёрқин бир адабий суратда чизилган Солиҳ маҳдум образи шу кулги руҳи билан суғорилгандир.

«Ёғлар тўкилса ерга ётиб ялар тақсирим,

Бўлса бозорда пастлик сотиб олар тақсирим...», мисралари билан бошланадиган Раънонинг отасига бағишланган ҳажвий шеър, аввало ним табассумга сабаб бўлса, иккинчидан, бутун роман воқеалари ичида очилиб борадиган Солиҳ маҳдум характерининг хос бир қиррасини ифода этади.

Романнинг «Хон кўнгил очмоқчи» ва «Қизиклар» бобларида, айниқса, адибнинг халқ кулгисини, халқ ижодини нақадар теран билиши яққол намоён бўлган. Адиб хон ва «шайхулислом» - мударрис табиатига хос штрихларни айнан кизиклар воситасида бериши унинг кулги бобида қалами чархланганлиги, тажрибаси ортақчилигини кўрсатади. Бундай жиддий кулги жиддий эстетик ҳодисадир.

«Обид кетмон»даги айрим лавҳалар, хусусан, «қишлоқ домлалари ҳақидаги боблар юмор ва сатира билан тўла, жонли, реал картиналардан иборат» (Ойбек таъбири).

Абдулла Қодирий ижодиётидаги сатира ва юморнинг моҳиятини илмий талқин қилишда айнан герменевтик доира қонуниятларига асосланиб, бутун ва қисмнинг ўзаро муносабатидан келиб чиққан ҳолда муайян хулосаларни илгари суриш лозим.

Адибнинг хангома-ҳажвияларидаги мутакаллим билан муаллиф орасига тенглик аломати қўйиш тўғри бўлмайди.

Майда ҳажвия-хангомалари талқинида шартли имзога, шунингдек, тарихий шарт-шароитга эътибор бериш керак.

Қодирийнинг «Калвақ маҳзумнинг хотира дафтарида», «Тошпўлат тажанг нима дейдир?» типидagi чуқур моҳиятли асарларининг 60-80-йиллардаги талқинларидан 90-йиллардаги талқинининг жиддий фарқланишини, аввало, давр-замон имкониятлари билан, қолаверса, адиб дарду дунёсини англаш,

тағмаёнони ҳис этишда илмий жиҳатдан чуқурлашув жараён кечаётгани билан изоҳлаш ўринли бўлади.

«Калвак махзум...»да саргузаштлар кўп ҳоллари қаҳрамон тилидан баён этилса, баъзан мактуб шаклида берилади. Шу маънода ундаги «сюжет бир оз саргузашт шаклида ривожланади» (М.Қўшжоновнинг фикри). Тўғриси бунда ўз ички симметрия ва ёки параллелизмга асосланаган мукамал композиция ҳам йўқ. Бирок, бу асарнинг шакли ноқислигини қайсидир даражада мазмун, бадий жозиба куч босиб кетиши мумкинлигига ёрқин бир мисолдир.

Абдулла Қодирий жаҳон кулги адабиётидан боҳабар эдунинг асарларидаги гротеск образ яратиш усуллари, кино кесатик ва пичинг каби бадий воситаларни ўша омиллар билан алоқадорликда талқин этиш яхши илмий самара беради.

Адиб халқ оғзаки ижоди, хусусан, кулги маданиятига нақадар теран билиши ҳажвий қиссаларида аниқ сезилади. Умуман, Жулқунбойнинг бу йўналишдаги асарларини халқ ижодиёти, халқ кулги санъати билан уйғун таҳлил ва талқин этиш лозим.

Ёзувчининг йирик романларида ўзининг индивидуал кифоаси билан аниқ кўриниб турган образлар сатира ва юмор руҳи билан суғорилганки, бу ҳодиса улуғ адиб табиатида мавжуд хусусиятнинг санъат тилига кўчганини намоён этади.

## БАДИИЯТ МАСАЛАСИ ВА АЙРИМ НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР БАҲСИ

XX аср ўзбек адабиётшунослигида бадий асарни поэтик маҳорат ва баъзи назарий масалалар юзасидан тадқиқ қилиш ўзига хос ўрин тутади. Зотан, чинакам бадий асарни эстетик ҳодиса сифатида талқин ва таҳлил этиш илм оламига абадий ҳамроҳдир. Жаҳон адабиётидаги «Шоҳ Эдип», «Фауст», «Жиноят ва жазо» сингари қатор асарларнинг поэтик моҳияти адабиётшунослар томонидан қайта ва қайта тадқиқ этилган. Шарқ адабиётидаги машҳур мумтоз асарлар бадий оламига мурожаат ҳам мутахассисларнинг доимий машғулотлари ҳисобланади.

Бадий асар поэтик тадқиқотга муносиб бўлган тақдирдагина унга адабиётчи-олимлар такрор ва такрор мурожаат этиши мумкин. Бунда талқинчиларнинг ҳаётни, санъатнинг тилини, поэтик-бадиият қонуниятларини, санъат асарининг эстетик ҳодиса эканлигини тушуниши санъаткорнинг эстетик қарашлари савиясидан юксак бўлса, талқинда ўзига хос илмий кашфиётлар юзага чиқади. Акс ҳолда, тадқиқотчи ёзувчи ижодининг ва ёки муайян асарининг жозибаси, латофати, назокати сирлари соясида қолиб кетади. Санъат ва адабиётдаги фавқулудда, оригинал асарларни тушуна билиш ва тушунтира олиш учун олим санъаткор-ижодкор дарду дунёсига бир қадар яқинлашуви лозим.

Дунё адабиётида шундай асарлар мавжудки, улар бири бирини такрорламайдиган турлича талқинларга эга.

Гарчанд, бундай хусусият ёрқин бир суратда кўринмаган бўлса ҳам, ўзбек адабиётида айнан ўзининг мажзубияти билан адабиётшуносларини ўзига ром этган асарлар бор. Абдулла Қодирий ижодига олимларимиз нафақат иқтимоият, ғоя ва ёки биография нуктаи назаридан, балки унинг асарлари бадийиати, поэтик моҳиятини кашф этиш учун ҳам ёндашганлар. Зотан, адиб ижоди мазкур жиҳат учун етарлича манба беради.

Бадий асар мазмунидаги гўзаллик унинг шаклий жозибасини, нафосатини таъминлайди. Зеро, мазмун ва шакл бадий асарнинг ҳам руҳи, ҳам танасидир.

Абдулла Қодирий асарларини, хусусан, «Ўткан кунлар»дек ўзбекнинг тўнғич романини мутлақо ғайриилмий асосда текширган мунаққидлар ҳам романда мавжуд гўзалликдан, адиб маҳоратидан кўз юма билмадилар.

Сотти Ҳусайн «Ўткан кунлар» танқидига бағишланган рисоласида муаллифнинг санъаткорлигини, поэтик маҳоратини ҳам кўрсатиб ўтади. «Қарама-қарши солиштириш» деган бўлимда вақтдаги қарама-қаршиликни (замон тушунчаси), Тошкент ва Марғилон қарама-қаршилигини (макон тушунчаси), кишилар-маслақлар қарама-қаршилигини (конфликт, коллизия масаласи) имкони, билими доирасида текширди<sup>109</sup>. Романдаги монолог ва диалогларга, айниқса, адибнинг тасвирлаш санъатига ҳам қайсидир даражада эътибор берди. Табиат тасвири билан қаҳрамон психологияси хусусида тўхталиб, мунаққид кўйидагиларни ёзди: «Абдулла Қодирий табиатни тасвир қилганда албатта, қаҳрамонларнинг қандай борувини кўзда тутди. Табиатдаги кўриниш билан қаҳрамонлардаги аҳвол руҳиясини солиштириб боради. Бундан бошқа табиий ҳодисаларни ўзи тафсиллаб қуруқ тасвиргина қилмасдан таҳлил ҳам қилиб баҳо қўйиб кетади. Табиий кўринишларини олиб туриб уни айнан кўрсатиб қўймай ундан турли натижалар туғдиришга ундайди. Бундай йўллар Абдулла Қодирий учун табиатнинг тасвирини воқеанинг борuvi билан боғлаб муддаосини ўтказувда имконият берган»<sup>110</sup>.

Ойбек «Ўткан кунлар» романининг образлар тизимида диққатни қаратганда Отабек ва Юсуфбек ҳожиларнинг ортиқча «бўяб берилган»ини, Кумушнинг «осмон гўзали» сифатида тасвирланиб, «ортиқ даражада идеаллаштирилган»ини синфий жиҳатдан танқид қилади. Аммо, текширувчининг нигоҳи Ўзбек ойим образи устига келганда беихтиёр унинг табиийлигини, адибнинг поэтик маҳоратини тан олади. «Ўткан кунлар»да энг жонли, реалистик чизиқлар билан кўрсатилган шахс - Отабекнинг онаси Ўзбек ойим. Ўзбек ойим кеккайган, мақтанчоқ, ўз вазиятини, ўз мартабасини билган, шунга қараб ўзини туткан бир хотин, уй хўжайини, қайин онадир. Ўзбек ойим ўзининг юқори табақадан эканини ҳар вақт сезади. Унинг бутун

<sup>109</sup> Ҳусайн С. Ўткан кунлар. Тошкент-Баку. 1931. 56-53-бетлар.

<sup>110</sup> Ўша асар. 66-бет.

ҳаракати, бутун қилмишлари характерини очишга хизмат қилади». Ойбек ушбу мулоҳазалари исботи учун асардан характерли мисоллар келтиради. Ўзбек ойим образига хос ёрқин, табиий чизгилар ҳар қандай тадқиқотчини ўзига тортади. Бу образнинг поэтик моҳияти ҳам айнан бадий тасвир жозибаси туфайлидир.

Абдулла Қодирий ўзининг «Ўқиш-ўрганиш» (майда хикоялар ёзганда сўзни қандай тежаш керак) номли мақоласида А.П.Чехов маҳоратидан сўзлайди. Шунингдек, бадий детални қўллаш масаласига юзланиб, афтидан Чеховга тегишли бўлган қуйидаги жуда муҳим бир образли фикрни қўштирноқ ичида келтиради: «Биринчи кўринишда милтиқ бўлса, шу милтиқ учинчи ёки тўртинчи кўринишда албатта отилиши керак, йўкса милтиқ тўғрисида сўзлашнинг ҳожати йўқдир»<sup>111</sup>. Чеховга хос бўлган - айнан деталларнинг бадий асарда ўз ўрнида ишлатиш хусусияти Абдулла Қодирийга ҳам хосдир. Адиб ортиқча сўз исрофига йўл қўймаганидек, «отилмайдиган», манзарани ойдинлаштирамайдиган ортиқча деталларни асарига киритиб, уни кераксиз семиртмайди.

Ёзувчидаги талабчанлик, образ-табиатига, умуман, сўзга, тасвирга, деталга эътибор беришлик ижодининг бадий-эстетик моҳиятига сўзсиз таъсир қилади. Абдулла Қодирий «мамлакатининг фуқаролари» аксариятининг узоқ вақт эсда сақланиб, хотирага абадий муҳрланиб қолишининг сабаби ҳам шундадир. Ёзувчи асл табиатининг покизалиги, ниятининг бегаразлиги, ғоя-идеянинг гўзаллиги гўзал-умрбоқий образларни юзага чиқаради.

Абдулла Қодирий ўз ижоди маҳсулининг кадр-қийматини, баҳосини бошқаларга нисбатан ўзи яхши билган. Шу сабабдан кўзи тириклигида майдонга келган мафкуравий талаблар билан ёзилган танқидларга баъзида бепарво бўлди. Ижодининг эстетик моҳиятига, образлари тизимига, бадийят мантиғи ва реализмга дахлдор баъзи масалаларда танқидчиларга муносиб жавобларини берди. Адиб кадр-қиймати даражасини яхши билганига конкрет бир факт шуки, «Ўткан кунлар» танқиди бутун бошли китоб ҳолида нашр этилганда,

---

<sup>111</sup> Қ о д и р и й А. Кичик асарлар. Тошкент: 1969. 200-бет.

мийиғида кулиб ўғлига: «Бу яхши, китобнинг қадри ошади»,  
деган экан<sup>112</sup>.

XX аср ўзбек адабиётшунослиги, адабий танқидчилиги тарихида 60-70-йиллар адабий-илмий муҳити алоҳида ўрин тутади. Адабиётчилар бу даврда диккинафас уйда нафаси бўғилиб, сўнгра баҳаво, сўлим бир гўшага чиқиб, ҳузурланиб, тўйиб нафас олган одамдек санъат, нафосат, бадийят, поэтик маҳорат каби масалалар хусусида нисбатан оромланиб ёздилар.

Шундай мунаққид-адабиётшунослар бўладики, гарчанд, уларнинг илмий мероси доирасида ўткинчи ғояларга ҳозиржавоблик ёки кетма-кет исмлар саноғидан туғилган даврий ҳисобот руҳида ёзилган мақолалар мавжуд бўлса ҳам, адабиётшунослик тарихида нисбатан умрбоқийликка даъвогар асарлари ҳам топилади. Нафақат топилади, балки илмий меросининг белгиловчи хусусияти сифатида намоён бўлади. Сир эмаски, бундай асарлар бадий адабиётнинг азалий қонун-қоидалари, назарий асослари, айниқса, поэтик моҳиятига доир асарлардир. Қолаверса, айнан бир бадий асар хусусида икки талқин юзага келган бўлса, улардан қай бири ўша бадий матн поэтикасига кўпроқ таянса, ўша талқин илмий ҳақиқатни нисбатан кўпроқ ўзида мужассам этади. Адабиётшунос М.Қўшжонов илмий асарлари орасида шу типдаги қатор асарлар мавжуд. Биқобарин, бу ҳақиқат ўзбек адабий танқиди тарихини ёзган олимлар томонидан ҳам эътироф қилинган. «М.Қўшжонов бадий проза поэтикаси масалалари билан жиддий шуғулланди. Унинг «Бадий асар композицияси ҳақида мулоҳазалар», «Сюжет ва характер», «Конфликт ва характер», «Бадий образ» сингари тадқиқотларида бадий асарнинг муҳим бир компонентига эътибор берилади. Борди-ю, муаллиф қўйилган масалани асар тўқимасидан «узиб» олиб талқин қилганда биз уни вульгарликда, бадийят қонунларидан йироқликда айблаган бўлар эдик. М.Қўшжонов композиция, сюжет, образ конфликт сингари масалалар ҳақида фикр юритар экан, мазкур компонентлар бадий асар деб номланган яхлитлик, бутунлик, «жонли организм»нинг муҳим томонлари эканлигини ҳаммиша

<sup>112</sup> Қодирий Ҳ. Отам ҳақида. Тошкент: 1983. 11-бет.

ҳис қилади»<sup>113</sup>. Ҳақиқатан ҳам олим муайян бадний асарни текширар экан, унинг поэтик моҳиятини ёзувчи ғоясидан ажратиб ташламайди, шакл ва мазмун бирлигини эътиборда тутлади. Зотан, машҳур файласуф Гегель таъбирича, «мазмун шаклнинг мазмунга, шакл мазмуннинг шаклга ўтишидан бошқа нарса эмас». Белинский эса бу фалсафий-эстетик категорияларни жисм ва руҳ бирлигига ўхшатган эди.

Гўзаллик, гўзал поэтик моҳият гўзал идея туфайли майдонга келади ва аксинча. Ўзбек ёзувчиси ҳам, олими ҳам бу ҳақиқатни яхши билади.

60-70-йиллар адабиётшунослигида Абдулла Қодирий ижодининг санъат, бадийят, маҳорат жиҳатларини Матёқуб Қўшжонов поэтик талқин қилди. Олимнинг 1966 йили нашр этилган «Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати» номли китоби бу давр адабиётшунослигида, хусусан, қодирийшуносликда муҳим ўрин тутлади.

Абдулла Қодирий ижоди ўз даврида ҳам, кейинги йилларда ҳам замон сиёсатига, давлатнинг социалистик мафкурасига боғлаб жуда кўп талқин қилинди. Юқорида кўриб ўтилганидек, бу талқинлар орасида онда-сонда адибнинг маҳоратидан, санъаткорлигидан сўз очилган. Кўпроқ ташқи омиллар текширилади. М.Қўшжонов «Ўткан кунлар»ни нисбатан имманентал анализ қилди. Хусусан, ёзувчининг маҳоратига, санъаткорлигига, воқеаларни баён этиш усулига, образлар табиатига, бадий ғоянинг ифодаланиш шаклига, асарнинг композицион унсурларига, коллизия ва конфликт масалаларига эътиборни қаратди.

Отабек сахнада тайёр - комил ҳолатда пайдо бўлади. Унинг юрт кезганлиги, илми, одоб-ахлоқи, очик фикрлилиги китобхонга тезда маълум бўлади. Мазкур бош қаҳрамоннинг инсон қалбидаги энг нозик туйғу - муҳаббатга муносабати ҳам, инсон турмушидаги энг муҳим асос - оилага муносабати ҳам ниҳоятда ибратли (идеалний). М.Қўшжонов таъбири билан айтганда, «ёзувчи асарнинг бошларида қаҳрамонни шарур бўлган баландликдаги трамплинга чиқаради».

---

<sup>113</sup> Худойберганов Н., Расулов А. Ўзбек совет адабий танқидчилиги. Тошкент: Ўқитувчи, 1990. 99-бет.



Адабиётшунос олим ёзувчининг тасвири, баёни усулини тасдиқлаш йўлидан бориб, романдаги гўзал бир ҳолатларни, ўқувчини энтиктирадиган, ҳаяжонга солиб завқлантирадиган омилларни бирин-кетин тушунтира боради. «Ўткан кунлар»да асарнинг бошлариданок кўзга ташланадиган ёзувчининг ўзига хос услуби-тасвирда воқеаларнинг маълум бир томонини сир сақлашдир. Бирор воқеа рўй берган, ё рўй бераётир ва ёки рўй бермоқчи. Буни китобхон яхши сезиб туради. Аммо ёзувчи бу воқеа билан китобхонни дарров таништира қолмай сир сақлайди. Баъзан воқеанинг моҳиятини яширади. Аммо, ҳали ўқувчига аниқ бўлмаган воқеа муносабати билан ёзувчи қаҳрамон психологиясида рўй бераётган маълум бир ўзгаришга имо қилади, баъзан уларни тасвирлайди»<sup>114</sup>.

Хусусан, Отабекдаги ишқ туфайли юз берган руҳий ўзгаришлар тасвири бу жиҳатдан эътиборлидир. Айни чоғда, ёзувчи бунга параллел равишда Кумуш биби руҳиятида содир бўлаётган ўзгаришларни - ғамгинлик, ўйчанлик, сирли-сирли боқишлар, сирли ариқ бўйидаги энтиқишларни тасвирлар экан, энг муҳим омилни сир сақлайди. Романнинг «Кутилмаган бахт» бобида ошиқ-маъшуқалар висолга эриштирилади. Кумуш тилидан «Сиз ўшамми?!» деган садо жаранглайди. Ва қарангки, М.Қўшжонов таъкидлаётган воқеалар баёнидаги, айни ишқий можаро баёнидаги сир сақлаб келинаётган - улар каерда, қандай учрашди экан, деган жумбоқнинг жавоби шу «Кутилмаган бахт» бобининг якунида берилади. Бу жавоб: «Отабек Марғилон келганнинг иккинчи кунни пойафзал бозорида бўлган эди. Аср номозининг вақти ўтиб борғонликдан ул шундаги дўкондорларнинг бирисидан таҳорат олиш учун сув сўради. Кўчадаги сув ариқнинг тагидан-сой оқар, шунинг учун ундан фойдаланиш қулай эмас эди», дея бошланувчи саҳифада жуда ҳам гўзал асослов орқали ишонарли тарзда берилади.

«Ўткан кунлар»даги висол роман воқеаларининг ибтидоси, холос. Тарихий даврга бағишланган саҳифалар битилиши учун муайян сабаб керак. Зотан, Отабек Марғилонга келгандан кейин Тошкент ҳокими Азизбек томонидан Қўкон хонлигига қарши бошланган уруш

<sup>114</sup> Ўша асар. 9-бет.

хабарининг берилиши роман сюжетидаги марказий тугунлардан биридирки, асардаги кейинги воқеалар ривожини таъмин этади. Муҳаббат мажороси билан боғлиқ сюжет линиясида ҳам «ота-она орзуси» билан боғлиқ яна бир поэтик тугун мавжудким, бунга ечимда Ғожавий йўсинда ғоятда таъсирчан ҳолда интиҳо берилади. М.Қўшжонов таъкидлаб ёзадики: «Романда асосий характерларнинг очилиши, сюжет динамикаси шу икки тугун бирлиги асосида олиб борилади».

«Ўткан кунлар» романига хос энг муҳим поэтик хусусиятлардан бири «воқеалар перепетияси» - воқеаларнинг кескин ўзгариши ҳодисасидир. Айни бирикмали термин остида мазкур бадиий воситани кузатар экан, адабиётшунос олим Отабекнинг оғир аҳволдаги, «жар ёқасига келиб» қолган ҳолатларидаги кучли иродасига, ўз кучига, ҳақиқат тантанасига ишончига диққатни қаратади. Маълумки, Отабек (Қутидор билан бирга) биринчи марта «нажот фаришта»си - Қумушнинг тасодифан олиб келган хати воситасида Ўтаббой қушбегининг қаҳридан, иккинчи марта Ҳасаналининг ўлимга ҳукм ўқиётган сахнага тасодифан Тошкентдан олиб келган хати туфайли Мусулмонкулнинг доридан омон қолади. Агар хотирга олинса, бу эпизодлар ниҳоятда асабни тараңлаштирадиган, инсон руҳиятига жиддий таъсир этадиган, юрагини ҳовучлатадиган ва сюжетдаги бу кичик тугунларнинг бахтли ечимидан кейин ҳузурланиб эркин нафас олишга имкон берадиган лавҳалардир.

Бизнингча, «Ўткан кунлар» романининг поэтик талқинларида тасодифий учрашувлар, бахтли тасодиф каби ҳодисаларнинг моҳиятига эътибор бериш ва айниқса, жаҳон адабиётидаги айни ҳолатларга киёсан ўрганиш жуда яхши самара беради.

Қадимги юнон романлари поэтикасини тадқиқ этган, рус олими М.М.Бахтин улардаги воқеалар динамикасини, авантюра замон (вақт) тушунчасини тасодифларга боғлайди. Юнон романларидаги бош қаҳрамонлар етуклик палласига кирган киз ва йигит тасодифан учрашади; бир-бирини севиб қолади, турли-турли саргузаштлар оқибати висолга эришади. Тасодифий учрашув ва висол оралиғида ҳам бир дунё

ходисалар баён қилинади. Юнон романи ана шу оралик воқеалари воситасида энциклопедик характер касб этади<sup>115</sup>.

«Ўткан кунлар»да тасодифий учрашув, висол, ишқий саргузаштлар ва бир дунё тарихий оралик, аниқроғи, ёнма-ён ходисалар тасвири берилади. Аммо, «Ўткан кунлар»да реализм кучли. Ёзувчи айтмоқчи, мазкур роман ўз мумтоз адабиётимиздаги «Тоҳир ва Зухра», «Фарход-Ширин»лардан айнан шу жиҳати билан фарқланади.

М.Қўшжонов романидаги тасодифларни воқеаларнинг кескин алмашинуви билан боғлаб талқин қилган. Ва бу хусусият Абдулла Қодирий романларига хослигини алоҳида таъкидлайди.

Ҳаёт зиддиятлар бирлигидан иборат. Табиат ва инсоният оламини ўша қарама-қаршиликларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Оламни бадий сўз воситасида талқин этадиган гўзал санъат соҳасида ҳаётдаги бу омил ўз ифодасини топиш табиийдир. Нафақат табиий, балки зарурат, янада аниқроғи муайян бадий қонуният тусини олган. Шу сабабдан бадий адабиётдаги бу ички ҳодиса махсус термин билан «конфликт» ёки «коллизия» (ҳар икки сўз ҳам лотинча бўлиб, «тўқнашув» маъносини билдиради) деб аталади. Бинобарин бадий асарнинг сюжет ривож, образларнинг ўзаро алоқаси ва тўқнашуви, умуман олганда, бадий асар мазмун-моҳият динамикаси конфликтга асосланади.

«Конфликт - ҳаётдаги реал қарама-қаршиликларнинг бадий ифодасидир. Асарда эса, у сюжетни ҳаракатга солувчи асосий куч, ривож берувчи пружина, ричагдир. Сюжетни асар скелети деб фараз қилсак, конфликт унга жон берадиган, ҳаракатга келтирадиган юракдир»<sup>116</sup>. М.Қўшжонов бу назарий қарашларини аниқ бир бадий асарга татбиқ этади. Жумладан, «Ўткан кунлар» романига доир тадқиқот - китобчасида ҳам асар конфликтга тегишли махсус «Инсоний гўзаллик ва зулмат», «Ички ва ташқи коллизиялар бирлиги» дея номланган бўлимлар бор. Олим бу масалани ҳам анча нозик кузатади. Алоҳида-алоҳида олинган қаҳрамонлардан ташқари гўзал инсоний фазилатларга эга характерлар билан давр-замон

<sup>115</sup> Қаранг: Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. М. 1986. С.123-135.

<sup>116</sup> Қўшжонов М. Сайланма. Икки жилдлик. 2-жилд. Тошкент: 1983. 187-бет.

мухити ўртасидаги зиддиятни асарнинг марказий конфликтга деб ҳисоблайди. Шу тарзда образларнинг ўзаро шахсий тўқнашувларига нисбатан кенг - романдаги ижтимоий конфликтга урғу беради. М.Қўшжонов бу жиҳатни «Ота-она орзуси»га боғлайди. Айни чоғда, олимнинг куйидаги фикри баҳсли ҳам кўринади:

«Ота-она орзуси...Ўзбекчиликнинг бу одати қанча-қанча соф инсоний ҳис ва муҳаббатни, инсоний гўзалликларни ўз оловида куйдириб юбормади. Ота-она орзуси деб қанча-қанча гул гунчалари очилмай сўлмади. Бу мудҳиш ўтмиш саркити ҳозир ҳам озод, бахтиёр ёшларимизнинг олдида баъзан ғов бўлиб турмайдими?

Романда Абдулла Қодирий ҳаётнинг мана шу зиддиятларидан унумли фойдаланган»<sup>117</sup>.

Ҳақиқатан ҳам романда Абдулла Қодирий ота-она орзуси туфайли фожеага юз тутган гўзал фазилагли Отабекнинг тақдирини тасвир этади. Аммо фикримизча, адиб бу воқеликни ўзбеклар ҳаётидаги типик ҳолат сифатида талқин этган эмас. Ёзувчи роман ёзмоқчи эди, муайян фожеани бошидан кечирган индивидуал шахснинг тақдиридан сўзламоқчи эди. Абдулла Қодирий шу ниятини амалга оширди. Бу бадий-эстетик ҳодисани ўзбек миллатига хос орзу-ҳавасларнинг типик танқиди тарзида тушунтириш ўринли эмас. Романда бундан бошқа айнан ижтимоий конфликтни ўзида жам этган ва адиб юрагини безовта қилган тарихий ҳодисалар баёни бор. Зотан, М.Қўшжонов романдаги тарихий, индивидуал, психик конфликтларни яхши тушунади. Инсоний гўзаллик билан ўша давр зулмати конфликтини ижтимоий юксакликка кўтариб, уни бош конфликт килиб кўрсатади.

Конфликт бадий асарда туркум қаҳрамонларнинг интилиши ва ҳолатларидан, алоҳида қаҳрамонлар тўқнашувидан, шунингдек, аниқ бир қаҳрамоннинг ўзида кечадиган психик ҳолатдан ҳам майдонга келиши мумкин.

Бадий асардаги бундай хилма-хил тарафга йўналтирилган кучлар зиддиятидан сиёсий, ижтимоий, ахлоқий,

---

<sup>117</sup> Қўшжонов М. Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати. Тошкент: 1966. 32-бет.

фалсафий ҳамда табиий (табиат ва инсон орасидаги) конфликт ҳам юзага келади.

Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъатига, поэтик маҳорати кирраларига диққатини қаратган талқинчилар ҳатто, С.Хусайн ва Ойбеклар ҳам бош қаҳрамон психология билан табиат тасвири орасидаги зиддиятли ҳолатларни адиб ижодидаги ўзига хослик сифатида талқин қилганлар.

М.Қўшжонов романдаги бу поэтик унсурга Отабекнинг ота-она орзусига бўйин эгиб, истар-истамай рози бўлиб Марғилонга кетиб бориш эпизоди муносабати билан мурожаат қилади. «Умуман, Абдулла Қодирий пейзаж тасвирида анчагина зикна ёзувчилардан. У пейзажга тез-тез мурожаат қила бормади. Мурожаат қилган тақдирда ҳам ундан унумли фойдаланади: «Ҳозир кўклам кунлари: қирлар, тоғлар, сойлар, кўк-кизил, қора-оқ, сарик, зангори, пушти-гўлас ва тагин аллақанча рангли чечаклар билан устларини безаб, киши билан тўнгиб аранг етишган ошиқларига янги ҳаёт, янги умид берадилар. Қиш бўйи аллақайси гўр остларида жунжикиб чиккан қуш зотлари: чумчуқлар, читтаклар, тўрғайлар, саъвалар ва бошқа аллақанча қуш туркумлари ўз тўплари билан вижир-вижир, чуғур-чуғур сайраб -куладилар, ер юзини тутган чечак гиламлари устини ўпиб ялайдилар, ётиб чўкийдилар, сапчиб учадилар...узоқ-узоқдан какку қуш ҳам арзи вужуд қилади: «какку-какку».

Ёзувчи қаҳрамон кайфиятини кенг осмон саҳнида эркин учиб юрган қушларга қарама-қарши кўяди»<sup>118</sup>.

«Қалдирғочлик қаноти ота-она мукофоти билан қайрилган» Отабекнинг кайфияти осмон бағрида, табиат кучоғида эркин қанот қоқиб юрган қалдирғочга қиёс этилади. Бунда ҳақиқатан ҳам тасвирнинг таъсир кучи ортган кўринади.

Зеро, ёзувчи баъзан табиат тасвирига параллел ёки зид ҳолатда қаҳрамон психологиясини очиб бериши - бу бир бадий восита. Ижод оламида бундан бошқа воситалар ҳам бор. Бу ёзувчининг хаёлотли, маҳорати билан боғлиқ ҳодиса. Ёзувчи томонидан ўнлаб, асарнинг вужуд-вужудига сингиган

<sup>118</sup> Қ ў ш ж о н о в М. Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати. Тошкент: 1966. 39-40-бетлар.

айрим бадийят унсурлари нафақат муайян қаҳрамон руҳияти билан, балким асарда илгари сурилаётган бош ғоя билан ҳам бевосита алоқадор бўлиши мумкин.

«Ўткан кунлар» романидаги Уста Олим ҳикояси ёзувчи хаёлотининг гўзал ҳосиласи; адиб маҳоратининг тенгсиз намунасидир. «Романнинг бу қисми чиройлик битилган мустақил бир ҳикоя. Унинг ўзига яраша пафоси, ўзига яраша сюжет асослари умуман ўзига хос ғоявий ва бадий хусусиятлари бор». М.Қўшжонов яна таъкидлайдики, Абдулла Қодирий бу ҳикояни романнинг умумғоясига бўйсундириш билан бирга ундан «асарнинг бош темасини ечишда» жуда унумли фойдалана олган. Уста Олимнинг суюкли ёри Саодатнинг ўлими Отабекда жуда кучли психологик портлашни вужудга келтиради. Қутидор эшигидан ҳайдалган Отабекда ўз тақдири билан кўзи олдидаги мажнунвац инсонни, Саодат билан Қумушни таққослаш имкони пайдо бўлади. Абдулла Қодирийнинг мазкур ўриндаги умумвоқеликни бадий-киёсий талқин қилиши хусусида яна бир муҳим фикрни ҳам айтиб ўтмоқ лозим. Бу ўринда нафақат Отабекнинг руҳий дунёси ойдинлашади. Бу ўринда тасвирнинг китобхон руҳиятига таъсири ва келгуси фожеаларга ўқувчини психологик тайёрлаш масаласи ҳам бор. Саодатнинг тақдирини эшитиб, ўқиб кўнгли ўксиған ўқувчи, Қумуш билан юз берадиган фожеага нисбатан руҳан тайёр ҳолда боради.

М.Қўшжонов романдаги психологизм масаласига эътибор берар экан, буни кўпроқ Отабек воситасида кузатади. Аввало, Уста Олим ҳикоясини тингловчи, сўнгра бўзахонадаги Отабек ҳолатини тадқиқ этади. Айниқса, «Наво» куйи таъсирида юзага келган психологик ўзгаришларга жиддий эътибор беради. Бинобарин, куй-мусиқа инсон руҳиятига энг кучли таъсир этадиган омиллардандир.

М.Қўшжонов романдаги Отабек ва Ҳомид, Отабек ва Уста Олим, Отабек ва Қумуш, Қумуш ва Зайнаб, Зайнаб ва Хушрўй сингари жуфтликларни ҳам жиддий кузатади. Улар тасвиридаги нозик жиҳатларни, инсоний гўзаллик ва хунукликларни тушунтиради. Романнинг бу даражада гўзал этган бадий-эстетик омилларни излайди, топади. Шу маънода Олимнинг мазкур иппи қодирийшунослик тарихидаги ёрқин саҳифалардан биридир. Бу китобчада сюжетни қурук

баён этиш ҳам, роман воқеаларини ўринли-ўринсиз социал муҳитга боғлайвериш ҳам, давр қарорлари ёки машҳур шахсларнинг фикрларидан ҳа деб кўчирмалар олавериш ҳам сезилмайди. Бунда олим романга эстетик ҳодиса сифатида қарайди. «Эстетик нагрузка»ни воқеалар «перепетияси» ва «антитеза»сини яхши ҳис этади, чуқур илмий-назарий фикр юритади; асосан ёзувчининг реалистик принципларини, воқеаларни баён этишдаги санъаткорлигини, композицион қурилишдаги маҳоратни тасдиқлаш йўлидан боради.

Албатта, олим Абдулла Қодирийни бир-икки ўринда давр талабига қулоқ тутган ҳолда танқид ҳам қилади. Адиб ижодидаги «чекланганлик» ва ёки «Отабекнинг русларга қарши урушда ўлиши реалистик далилланмаган» (74-бет) сингари танқидлар шулар жумласидандир.

Орадан чорак аср ўтгач, М.Қўшжонов ўзининг «Қодирий - эрксизлик қурбони» номли китобида «Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати» тақдири ва ундаги танқидларга жиддий муносабат билдирди. «Китобча (яъни, «Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати» - Б.К.) 1958 йилда ёзилган бўлиб, 8 йилдан кейин, яъни 1966 йилда аранг чоп этилди. Гап китобнинг кечикиб чоп этилганида ҳам эмас. Вазият шундай эдики, Абдулла Қодирий ижоди, хусусан, унинг асарларининг ижтимоий маъноси ҳақида фикр юритишга йўл кўйиш бермас эди. Шу сабабдан муаллиф эзоп йўлини тутиб, иш кўришга мажбур бўлди. У адиб маҳорати, тасвирлаш санъати хусусида фикр юритиб, «Ўткан кунлар»нинг ижтимоий маъносини адибнинг маҳорати таҳлилига ўраб беришга ҳаракат қилди. Яна шу нарса ҳам характерлики, Абдулла Қодирий ҳақида ёзилган асарда адибнинг дунёқарашидаги «чекланиш»ни айтмасдан ўтиш мумкин эмас эди. Шу сабабдан мазкур китобда ҳам, гарчи, у бошдан охиригача ёзувчи санъатини таҳлил қилишга бағишланган бўлса ҳам (таъкид бизники - Б.К.), бир-икки жумлада Қодирийни чекланишда айблаш керак бўлди»<sup>119</sup>.

Олимнинг ўзи эътироф этганидек, бу «айблаш» китобча охирида бор. Шунингдек, яна бир ўринда: «Демак, Отабек

<sup>119</sup> Қ ў ш ж о н о в М. Қодирий - эрксизлик қурбони. Тошкент: 1992. 75-76-бетлар.

тарихнинг маҳсули, аммо тарихни яратувчилардан эмас. «Ўткан кунлар» романининг маълум даражада чекланган томонлари ҳам мана шу тарих билан шахслар ўртасидаги муносабатга боғлиқдир» (30-бет) дея ёзган бўлса, бошқа бир саҳифада Ойбек домланинг мулоҳазаларига ҳамоҳангликда Отабекни «актив яратувчи эмас, балки пассив кузатувчи» (66-бет) сифатида «айблайди».

Бинобарин, замона зайли ва ёки китоб напри учун йўл-йўлакай қипинган танқидни, адиб ижодига тақалган «айб»ларни «Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати» китобчасининг рационал мағзи, илмий потенциали, жозибали талқинларнинг табиий оқими бир қадар ювиб кетади.

Абдулла Қодирий ижоди, хусусан, унинг романчи-лигимиздаги кашфиёти янги адабиётимизнинг жуда кўп бошқа назарий масалалари учун ҳам мавзу-материал бўлди.

30-йиллардаёқ С.Хусайн ва М.Бузрук типидagi олимлар роман жанри устида баҳс юритган бўлса, Ойбек тарихий роман жанри масаласига тўхталди. Шунингдек, ўша даврлардаёқ айни талқинчилар Абдулла Қодирий асарларининг ижодий методини кузата туриб, романтизмга мойилликда кўрдилар. Ойбекнинг кўзи тириклигида қайта таҳрир этилган адибнинг ижодий йўли ҳақидаги рисоласида романтизмни реалистик тасвир билан қўша олганлиги айтилади.

Зотан, Абдулла Қодирий асарларининг ижодий методи масаласи адабиётшунос олимлар орасида жиддий баҳс-мунозарага сабаб бўлган назарий омиглардандир.

«Ўзбекистон маданияти» газетаси мунозара йўсинида 1971 йил 22 июнь сонида Аҳмад Алиевнинг «Социалистик реализм ва адабий жараён» номли мақоласини беради.

20-йиллар муҳотидаги ижодий метод қандай эди, олимлар бу масалага қандай ёндашдилар, Абдулла Қодирийнинг ижодий методига ким қандай муносабат билдирган; социалистик реализм ва танқидий реализм нима - бу каби саволларга жавоб излаш мақола муаллифининг мақсади эди.

Шу сабаб мақола бошидаёқ А.Алиев социалистик реализм ва танқидий реализмнинг 20-йиллар адабий жараёнида намоён бўлишига доир ўз қарашларида адабиётшунос И.Султонов фикрларига таянишини сездирди. И.Султонов айни масала юзасидан «20-йиллардаги ўзбек совет адабиётининг ижодий



методи масаласига доир» деган мақола ёзган бўлиб, унда: «20-йиллардаги ўзбек совет адабиёти, социалистик реализмга келишдан аввал, танқидий реализм босқичини босиб ўтган, деган назария, бизнинг фикримизча...кўпол хатолардан биридир»<sup>120</sup>, деган фикр исботи учун қатор асослар келтиради; А.Алиев таъбири билан айтганда, «бу фикрни чуқур илмий далиллар билан асослаб беради».

«Бошқа бир олим, филология фанлари доктори, профессор Ҳомил Ёқубов эса «Типик шароит ва типик характер» («Шарқ юлдузи», 1969, №2) сарлавҳали мақоласида 20-йиллардаги ўзбек адабиёти социалистик реализмга келишдан олдин танқидий реализмни босиб ўтди, деган фикрни олға суради, бунинг мисоли сифатида Абдулла Қодирийнинг романларини кўрсатади. Аммо бадий асарнинг конкрет тарихий шароитида тугган ўрни, адабиётимиз тараккиётида ўйнаган роли, воқеликка бўлган эстетик муносабатларини чуқурроқ тасаввур қилинса, Ҳомил Ёқубовнинг фикрларига қўшилиш қийин бўлиб қолади»<sup>121</sup>.

А.Алиев ижодий метод масаласини ижтимоий-тарихий жараёнга боғлиқликда, ижодкор дунёқарашидаги социалистик ўзгаришларга, жамиятда юз берган социалистик революцияга алоқадорликда талқин этишга интилади. Бадий адабиётдаги танқидий реализмга нисбатан социалистик жамиятдаги ёт бўлган ижодий метод сифатида қарайди. 20-йилларда танқидий реализм ўз ўрнини социалистик реализмга бўшатиб берганини қайта-қайта уқтиради. Танқидий реализм деган тушунчани Абдулла Қодирий ижодига яқинлаштиришни асло истамайди ва хулоса сифатида: «Аниқроқ қилиб айтилганда, Абдулла Қодирий ижодини, янги социалистик тузум даврида, шу тузум позициясида туриб тарихий темада биринчи бўлиб юксак санъат асарларини яратган наватор ёзувчи ижодини танқидий реализм методига киритиш қийин. Абдулла Қодирий социалистик реализм методининг 20-йиллар ўзбек адабиётига хос жараённи кечирган ёзувчи эди. Энг муҳими - ёзувчи ҳаётга асосан социалистик позицияда туриб, янги

<sup>120</sup> Султонов И. Асарлар. 4 томлик, 2-том. Тошкент: 1972. 37-бет.

<sup>121</sup> Алиев А. Социалистик реализм ва адабий жараён. Ўзбекистон маданияти. 1971. 22 июнь.

замон нуқтаи назаридан қараган, унинг ижобий идеали - аниқ социализм эди. Шунинг учун ҳам у социалистик реализм адабиётининг ёзувчиси эди, деб ҳисобланишга ҳақли»<sup>122</sup>.

Бу назарий хулоса ўз даврида ғоятда жиддийлик касб этганлиги табиий. Аммо, бугун айнан ана шу сатрларга кўзи тушган киши истехзога, танқидга берилиши мумкин. Шуни ҳам эътибордан соқит қилмаслик жоизки, илмда олимларнинг фикрлаш жараёни тўхтамайди.

А.Алиевнинг мақоласи муносабати билан бошланган адабий-илмий мунозарада узоқ давом этди. Кейинчалик бу баҳсдаги баъзи мақолаларга муносабат билдирган адабиётшунос Абдуғафур Расулов шундай сатрларни ёзади: «70-йилларда назария назария учун деган қоида адабиётшуносликка кириб қолган, мутахассисларни тамоман чулғаб олган экан... Методлар ҳақидаги баҳслар шунчалик «қизиқ» кетдики, конкрет асарларни таҳлил қилиш, методни асарнинг ички тўқимасидан келтириб чиқарайлик деган фикрни баъзи олимлар унутиб қўйдилар»<sup>123</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, ўша баҳслардаги мақолалар ўқиб кўрилса, ушбу фикрларга бир қадар қўшилиш мумкин бўлади. Аммо масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор: айти баҳс 70-йиллар адабиётшунослигида кичик бир воқеа бўлган эди; адабиётшунослик тарихида ўзининг изини қолдирди.

Баҳсда қатнашган олимларнинг илмий савияси ҳам, бадиий адабиётни, ижодий методни тушунишлари ҳам ҳар хил ва айти чоғда, бири бирига яқин. Муҳими, илмий мунозара объекти ХХ аср ўзбек адабиётининг энг теран ва энг мураккаб даври - 20-йиллар, янада аниқроғи, Абдулла Қодирийнинг ижодий мероси эди.

Гарчанд, баҳсда Абдулла Қодирийнинг ижодий методига тегишли ҳақиқат тўла юзага чиқмаган бўлса-да, адабиётшунос олимларимизнинг қалб-қиефаси, адабий-назарий билим савияси намоён бўлди.

Мубоҳис А.Кулжонов А.Алиев мақоласида келган баъзи фикрлар Г.Ломидзегга тегишли эканлигини, социалистик

---

<sup>122</sup> А л к е в А. Социалистик реализм ва адабий жараён. Ўзбекистон маданияти. 1971. 22 июнь.

<sup>123</sup> Ўша жойда.

реализм методига оид ички принциплар танқидий реализмга ҳам хослигини, масаланинг жиддий ва мураккаблигини таъкидлайди. А.Кулжонов Ҳ.Ёқубов фикрларини қувватлаб, далил келтиради. Танқидий реализмнинг 20-йиллар адабиётида мавжуд бўлганлиги ҳақида нафақат Ҳ.Ёқубов (Ҳамзанинг «Ким тўғри?») асари мисолида), балки адабиётшунос Ҳ.Абдусаматов ва ёзувчи Н.Сафаровлар («Адабий меросга муносабат» мақоласида Ф.Зафарийнинг «Ҳалима» асари мисолида) ҳам ёзган.

А.Кулжонов мақоласида муҳим бир гап бор: «Бизнингча, социалистик адабиёт билан социалистик реализм орасига айнан тенглик аломати қўйиб бўлмайди ва уларни айнан бир тушунча сифатида характерлаш ҳам қатор чалкашликларни келтириб чиқаради»<sup>124</sup>. Бу фикр социалистик реализм адабиёти, социалистик адабиёт ҳамда социал адабиёт устида фикрлашга туртки беради.

А.Алиев мақоласига фикр билдирган мубоҳиш Ф.Насриддинов олим фикрида тўхтам йўқлигига, Абдулла Қодирийнинг ижодий методи гоҳ социалистик реализм, гоҳ танқидий реализм, деб ёзганлигига далил келтиради. Ўзи эса адибнинг ижодий методи социалистик реализм эканлигига шубҳа билдирмайди: «...Биз у ёки бу асарга, унинг автори ижодиётига, ижодий методига баҳо берганимизда унинг қайси даврни акс эттирганлигигагина ёки қахрамонлар биографияси қандай яратганлигига қараб эмас, балки ана шу яратилган асарнинг ким учун қурол бўла олишга қараб, социалистик жамият барпо этиш учун курашаётган инқилобий кучларгами ва ё эски жамият тарафдорларигами - ана шунга қараб ҳукм чиқаришимиз керак. Агар биз, умуман, Абдулла Қодирий ижодига, хусусан, унинг «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» романларига шу нуқтан назардан нигоҳ ташлайдиган бўлсак, у ҳолда унинг асарларини танқидий реализм эмас, социалистик реализмга яқин турганлигини жуда аниқ, равшан кўролган бўламиз»<sup>125</sup>.

Бу ўринда мезон - мафкуравий-сиёсий. Бадний адабиётга ёндашувлар тубдан ўзгарган ҳозирги шароит учун бу фикр анча

<sup>124</sup> Қ у л ж о н о в А. Баҳс давом этади. Ўзбекистон маданияти. 1971 йил. 11 декабрь.

<sup>125</sup> Н а с р и д д и н о в Ф. Абдулла Қодирий реализми. Ўзбекистон маданияти. 1972 йил. 28 январь.

ибтидоий. Аммо, тарихийлик деган тушунча ҳар бир асар ўз замонасининг ҳосиласи эканлигини инобатга олишни талаб этади. Масаланинг иккинчи томони шуки, баъзида олимлар Абдулла Қодирийни атайлаб социалистик реализмнинг қизил кўрғони ичига олиб, эҳтиётлаётгандек бўлади. Аслида муайян асарнинг методи, пафоси, қаҳрамонлари борлиги, психикаси муаллифнинг воқеликни бадий талқин этиш усули, бадий асар ва воқелик муносабатларини текшириш натижасида аниқланади.

Профессор У.Норматовнинг фикрича, социалистик реализм методини бадий асарга татбиқ этишда бир қатор камчиликлар бор: чунончи, уни тор маънода тушунмаслик керак; социалистик реализм тараққиётдаги метод, социалистик реализм билан танқидий реализм орасига хитой девори қўйиб олмаслик лозим. Шунингдек, олим Абдулла Қодирий ўзининг «Ўткан кунлар» романида «танқидий реализм адабиёти тажрибаларидан кенг фойдаланган», дея таъкидлайди ва давом этиб ёзади: «Айни пайтда бу асар нимаси биландир танқидий реализм адабиётидан фарқланади, унда совет ёзувчисининг, халқ, партия позициясида турган адибнинг нигоҳи шундоқ сезилиб туради; роман ўзининг асосий пафоси - феодал ўтмиш тартибларини, ахлоқий нормаларини кескин қоралаш билан янги дунё қуриш - социализм ишига хизмат этади»<sup>126</sup>.

Фикримизча, адибнинг дарду дунёсини ҳам, ромanning мазмун-моҳиятини ҳам тушунган У.Норматов сингари олимларимиз азбаройи Абдулла Қодирийга гард юқтирмаслик ниятларида унинг ижоди давр сиёсатига тўла мувофиқ келишини уқтирган эдилар.

Баҳсга аралашган Бердиали Имомов социалистик реализм тарафдорларини инкор этиб, Абдулла Қодирий ижодий методини танқидий реализм дея баҳолайди. Энг ачинарлиси, бу олим қараплари негадир 30-йиллардаги Қодирийга бўлган муносабатларни эсга солади: «Романда Ўрта Осиёни Россияга қўшиб олиш учун бошланган ҳарбий ҳаракатга нисбатан ёзувчи муносабати хира ва ноаниқ қолади. Отабекнинг ўша давр учун прогрессив тарихий ҳодисага қарши жангга киришини қоралаш ўрнига бу борада Абдулла Қодирийнинг

---

<sup>126</sup> Н о р м а т о в У. Социалистик реализм ва ижод тишлари. Ўзбекистон маданияти. 1972 йил. 2 февраль.

лоқайд қолиши, ҳатто, унга майл билан қарши ёзувчи позицияси анча хато эканини яна бир бор исботлайди. Демак, Отабек социалистик реализм эстетикасига хос типикликка жавоб бера олмайди...

Хуллас, ёзувчининг типик характери ва типик шароити коммунистик партиявийлик билан йўғирилмаган. Мана шу хусусиятлар, дунёқарашдаги зиддиятлар методда из қолдирди. Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар»да ҳаётни бадий тадқиқ этишда танқидий реализмдан чиқа олмади, социалистик реализмга етиб келолмади»<sup>127</sup>.

Гарчи, Б.Имомов адибга реалист сифатида қараса ҳам, социалистик реалист даражага кўтарила билмаганини нуқсон, дея ҳисоблайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ижодий методга доир аини баҳсда икки хил фикр ёнида учинчи бир қараш ҳам мавжуд эди. Бу ўринда баҳсда қатнашган олимларнинг ҳар бирининг мақоласига алоҳида тўхталиб, уларни тавсифлаб беришга кўп ҳам эҳтиёж йўқ. Баҳсдаги йўналишларга келсак.

Мунозарада қатнашган Н.Худойбергазов, К.Қодиров, Д.Қамбароваларнинг қарашлари И.Султонов, А.Алиев ҳамда У.Норматов фикрларига яқин яъни Абдулла Қодирий ижодий метод масаласида социалистик реализмга етиб келди, деган фикрни илгари сурадилар. Б.Фуломов, А.Раҳимов, Ҳ.Абдусаматов сингари мубоҳисларнинг қарашлари эса Ҳ.Ёқубов ва Б.Имомовлар фикрига мос келади, яъни Абдулла Қодирийнинг ижодий методи танқидий реализмдир. Баҳсда шу хусусият кўзга ташланадики, биринчи тоифа адабиётшунослар Абдулла Қодирийнинг ижодий методини социалистик реализмга мутааллақ қилар эканлар, уни алқашга, суяшга, ардоқлашга интиладилар. Иккинчи тоифа адабиётшуносларда ҳолис ва тўғри фикрлар ҳам мавжуд бўлгани ҳолда Абдулла Қодирийдан бегонасираш, унинг дунёқарашидан, қахрамонлари тасвиридан нуқсон топиш каби жиҳатлар ҳам кўзга ташланади.

Баҳс иштирокчилари орасида юқорида айтганимиздек, учинчи бир нуқтаи-назарни - ижодий методлар уйғунлигини илгари сурганлари ҳам бўлди.

---

<sup>127</sup> Имомов Б. Бадий тафаккур усули. Ўзбекистон маданияти. 1972 йил. 17 март.

Чунончи, Абдулла Қодирий романларидаги методни В.Раҳмонов социалистик реализм ва танқидий реализм уйғунлигида, Й.Солижонов романтизм ва танқидий реализм уйғунлигида, М.Абдуллаев реализм ва революцион романтизм уйғунлигида кўрадилар. Албатта, бу фикр эгаларининг карашлари ҳам даврнинг адабиётшунослик устидан юритиб турган мафкуравий сиёсатидан ҳоли эмас.

Нима бўлганда ҳам, мазкур баҳс 70-йиллар ўзбек адабиётшунослигида, хусусан, қодирийшунослиқда ўзининг сезиларли изини қолдирди. Айни муаммо муносабати билан нафақат метод масаласида, балки Абдулла Қодирийнинг дунёқарashi, ижтимоий фикри, қаҳрамонларининг ҳолати, тасвирлаш санъатидаги етакчи хусусиятлар борасида фикр-мулоҳазалар айтилди. Баъзан жаҳон адабиётининг етук намояндалари билан қиёслаб кўрилди.

Агар ижодий метод масаласининг дунё адабиёти ва адабиётшунослигидаги ҳолатига назар ташланса, бу масала ниҳоятда мураккаб эканлиги маълум бўлади. Негаки соф ижодий метод йўқ.


Баъзида адабиётшунослар эътирофидан адибнинг иқрори фарқлиниши мумкин. Масалан, ўз ижодини романтик кайфиятда бошлаган, «Боварихоним»дек реалист роман ёзган француз адиби Гюстав Флобер ўзини умрининг охиригача романтизм оқимига мансуб, дея ҳисоблаган.

Баъзида бир тоифа адабиётшунослар томонидан аниқланган муайян адибнинг ижодий метод иккинчи бир тоифа адабиётшуносларнинг мезонларига мувофиқ келмайди. «Тинч Дон», «Очилган кўрик» каби романлари ҳамда қатор реалистик ҳикоялар ёзган М.Шолохов ижодини рус адабиётшунос олимларидан фарқли ўларок, чех олими Иржи Франек «реалистлардан кўра модернистларга яқин» дея баҳолаган.

Эҳтимол, Абдулла Қодирийнинг ижодий методи масаласига «замон» тушунчасидан келиб чиққан «модернизм» йўналишини ҳам татбиқ этиш лозим бўлар. Ҳа, Абдулла Қодирий романтик эди, Абдулла Қодирий реалист эди, Абдулла Қодирий модернист ҳамдир.

Чунончи рус олими А.С.Бушмин методлар, адабий оқимлар тўғрисида фикр билдирар экан, уларнинг орасидаги чегарани ажратиб олиш қийинчилиги ҳар доим бўлган ва

бундан кейин ҳам бўлишини айтади. Асл эстетик воқеликда методлар орасига аниқ чизиқлар тортиш мушкул бўлса-да, романтик, реалистик ва модернистик ижодий методлар уйғунлигини қуйидаги чизма орқали ифодалайди:



«Икки ёки учта адабий йўналишларнинг ўзаро учрашиши ва чатишиб кетишидан юзага келган аралаш сектор-майдонлар (а, б, в, г, - Б.К.) кўпинча давомли, натижасиз ва баъзида кераксиз баҳс-мунозара предмети бўлиши ҳам мумкин. Бундай баҳс-мунозара фақатгина тарихий давр ўтиши билан ҳал этилиши мумкин (кўп ҳолларда эса жумбоқлигича қолаверади)»<sup>128</sup>

Дарҳақиқат, Абдулла Қодирий романларининг методи устидаги назарий баҳсда ҳам айна ҳолат исботини кузатиш мумкин бўлди. Давомли баҳс-мунозара, эҳтимол, айрим назарий масалаларни хотирга олишда тозариш бўлгандир, ammo баъзида ҳақиқатан ҳам, адиб ижодининг туб моҳиятига умуман, Қодирийнинг эстетик оламига номуносиб фикрлар айтилди.

Бу ўринда биз 70-йиллар бошидаги баҳсни батафсил таҳлил қилиб, оқ-қорага ажратиб, ҳакамлик этиб охирги хулосани бермоқчи эмасмиз. Чунончи, бу масаланинг барча жиҳатлари гўё қамраб олиниб нукта қўйилган тақдирда ҳам яна очиқ тарафлари, баҳс учун майдон мавжудлигича қолаверади. Бу чинакам санъат воқелигига, ҳақиқий эстетик ҳодиса табиатига хос хусусиятдир. Матннинг жозибаси, матннинг товланишлари, турли-туман аспект анализ ва

<sup>128</sup> Б у ш м и н А. С. Методологические вопросы литературоведческих исследований. Л.: Наука, 1969. С. 204.

синтезларига, турлича талқин ва таҳлилларга имкон бериши, манба – «хом-ашё» бўлиши ҳам шу хусусиятдан келиб чиқади.

Жуда кўп адабий-илмий мавзулар устида фикрлашга асос бўлган Қодирий ижоди ва бу ўринда ажратиб, махсус тадқиқ этилаётган ижодий метод масаласи ҳам қодирийшунослик тарихидаги марказий мавзулардан биридир.

Қодирийшунослик тарихида адибнинг романлари талқин қилинар экан, айнан ижодий метод табиатидан келиб чиққан ҳолда образлар системасига, тасвирий ва тавсифий ўринларга баҳо берилди.

Хуллас, Абдулла Қодирий асарлари ўз даврида ҳам, орадан ярим аср, ҳатто сал кам бир аср ўтгандан кейин ҳам талқинчилар учун энг актуал мавзу бўлган. Ва бўлажак ҳам. Бунда адибнинг поэтик олами, бадий маҳорати, услуб ва тил хусусиятлари ва шу каби бир қатор назарий-эстетик масалалари юзасидан эътиборли фикрлар айтилди.

Қодирийшуносликдаги поэтик талқинлар, назарий масалалар, хусусан, ижодий методга тегишли баҳслар ХХ аср ўзбек адабиётшунослигининг қиёфасини кўрсатади. Ҳақиқатдан узоқ баҳслар ўткинчи, чинакам адабий дурдоналар эса абадийдир.

Адабиётшунослар бадий асарни поэтик талқин қилишда, уни эстетик ҳодиса сифатида тушуниши ва тушунтиришида кўпинча матн моҳиятига таянадилар. Шунда воқеликнинг бадий талқини билан олимнинг илмий талқини бир қадар мувофиқ келди.

Чинакам бадий асарга тайёр мафкуравий-сиёсий қолиплар ёки ўша асар табиатига номуносиб фалсафий мезонлар билан ёндашилса, илмий ҳақиқат юзига чиқмайди; асар моҳияти очилмайди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, бадий асарнинг илмий-назарий талқини - хоҳ у поэтик, психологик, хоҳ муайян назарий-методологик масала бўлсин - асл моҳиятни ойдинлаштирган тақдирдагина адабиётшунослик тарихида ўз илмий қийматини йўқотмайди.



## БАДИЙ-ЭСТЕТИК ТАФАККУРНИНГ ЯНГИЛАНИШИ ВА ҚОДИРИЙШУНОСЛИК

XX аср адабиётшунослигини, умуман олганда, ижтимоий-гуманитар фанлар тарихини, давлатнинг сиёсий мафкурасидан ҳоли тасаввур этиш қийин. Кўп ҳолларда сиёсий муҳитнинг ўзгариши билан бадий адабиёт ва санъатда ҳам, илмий йўналишларда ҳам муайян ўзгаришлар юз берди. Ҳаётни, воқеликни бадий талқин қилишда, тарихни, тарихий шахслар фаолиятини тадқиқ этишда, бадий асарларнинг илмий талқинида ана шу ижтимоий-сиёсий воқелик ўз изини қолдирди. Фикр-мулоҳазалар, талқин, таҳлил ва баҳолар бир қутбдан иккинчисига кўчиб ўтди. Ўз вақтида арзимаган асари учун ноёб истеъдод эгаси ўлароқ, тавсифланган, санъат оламидаги истеъдоди мадҳ этилган айрим ижодкорлар маълум пайтга келиб, диққат-эътибор тахтидан пастга тушди. Ва аксинча, бир вақтлар қандайдир душманликда, бадбинликда, дарвешликда айбланиб, ёзган асарларию шахсиятларига қора тамғалар босилган ва ҳатто аёвсиз танқид қилинган чин истеъдод эгалари, пайти келганида, адабий-илмий муҳитнинг кенгиш майдонига қалқиб чиқдилар. Табиийки, бундай телба-тескари, шоҳ ва гадо ўйинлари баъзи адабиётшунос олимларни гангитиб қўйди. Қилган гуноҳлари учун очикдан-очик тавба-тазарруъ этганлари ҳам бўлди. Илман ўзининг нисбатан турғунлашган адабий-илмий фикрига, концептуал йўлига ва талқин принципларига эга адабиётшунослар бундай жараёни одатий қабул этдилар. Манфур, мустабид тузум шароитида ижодий эрксизлик туфайли эзопона тилда ёзган асарларидаги қарашларини моҳиятан давом қилдирдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, марксча-ленинча фалсафа жамиятнинг жони, илм-фаннинг қони эди. Ана шу етакчи ижтимоий фикр кўрғонига бошланган ҳужум унинг аслан - ичдан емирилиб битганлигини намоён этди.

80-йилларнинг иккинчи ярми 90-йиллар аввалида Русиянинг марказий матбуотларида, ошкоралик, қайта куриш ва демократия шиорининг амалий татбиқи ўлароқ эълон этилган қатор мақолалар, халқ кўзидан яшириб келинган турли манбаларнинг чоп этилиши мавжуд қолипларни

парчалади. Руслардаги Л.Шестов, Д.Мережковский, З.Гиппиус, В.Солженицин сингари ижодкорларга эътибор кучайди. Чекинган марксизм фалсафасидан бўшаб қолган маънавий бўшлиқ ўрнини шўролар замонида кам эътибор берилган ва асосан танқид қилинган тасаввуф, фрейдизм, экзистенциализм, сюрреализм сингари илмий-фалсафий, адабий-психологик иррационал фалсафалар эгаллай бошлади. Воқеликка, адабиёт ва санъатга қарашлардаги яқраглик ўрнида ҳур фикрлилик, ижод эркинлиги, фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм) пайдо бўлди. Собиқ иттифоқ қалъасида яшаётган халқларнинг ўз миллий кадриятларига, урф-одатлари, диний эъқодларига, ўтмиши ва буюк тарихий шахсларига қизиқиши ортди.

Адабиётшунослик соҳасида қатағонга учраган ижодкорлар мероси қайта баҳолана бошланди.

Хусусан, ўзбек адабиётшунослари, зиёлилари миллий уйғониш даврига, Бехбудий, Чўлпон, Фитрат, Қодирий ижодига, мумтоз адабиётимиз моҳиятини ўзида мужассам этган ислом дини ва тасаввуфга жиддий эътибор бердилар.

Илмий-эстетик тафаккурдаги янгиланиш ва янги талқинлар Чўлпон ва Фитрат меросини қайта ўрганиш жараёнида яққол кўринди. Кейинги ўн-ўн беш йиллик давр ичида айнан адабий-илмий фикрда плюрализм юзага келгани боис, бир хил ижодкорнинг фаолиятига, баъзида маълум бир асар талқинига доир хилма-хил қарашлар баён қилинди. Бу хусусиятлар қодирийшунослик, чўлпоншунослик, фитратшунослик йўналишларида намоён бўлди. Айниқса, Чўлпон ва Фитрат адабий меросини халқимизга етказиб бериш учун дастлаб улар дунёқарашидagi шўролар сиёсатига мувофиқ жиҳатларга атайин урғу берилган бўлса, истиқлолдан кейин бу сиймоларнинг миллатнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш учун ёзган миллийлик (миллатчилик) руҳидаги қарашларига, асарларига эътибор кучайтирилди. Энг муҳими шундаки, ҳар бир олим муайян илмий муаммони ўзининг бадий-эстетик диди ҳамда ўзига хос ёндашуви асосида талқин қилди. Фитратнинг маънавий-эътиқодий қарашларида исломий, туркчилик ва даҳриёна тушунчаларнинг зоҳир бўлиши баҳс-мунозарани ҳам юзага келтирди. Ва бу дунёқараш масаласида яқлит-яқуний ҳулоса

чиқарилмади ҳам. Чунки Фитратнинг бутун асарлари тўла нашр қилинмади, унинг ўлими олдидан айтган охирги лафзи ҳам маълум эмас.

Фитратнинг «Шайтоннинг тангрига исёни» шеърий драмаси эса ушбу соҳа олимларининг диққатини ўзига жалб этган, баҳс-мунозараларига, турлича талқинларига асос берган манбадир.

«Шайтоннинг тангрига исёни»да Фитрат, тангрининг чораларига унинг тупроқдан Одам Атони яратиб, ҳамманинг тепасига ҳоким қилиб қўйишга қарши, пастдан кўтарилажак ва бўлажак одамга қарши шайтоннинг исёнини тасвирлайди. «Шайтоннинг тангрига исёни» бир дoston шаклида ишланган кичкина сахна асаридир.

Лекин, бунда Фитрат бир материалист сифатида диннинг томирларига болта урмайди. Унинг синфий илдизлари, эксплуататорлар қўлида эзиш қуроли эканини очиб бермайди. У динни ҳамон ўз нуқтаи назаридангина танқид қилади...»<sup>129</sup>

Гарчи, Ҳамид Олимжон 1936 йилдаги «Фитратнинг адабий ижоди ҳақида» номли мақоласида шундай фикрларни ёзган бўлса-да, собиқ шўро замонида бу асар диннинг илдизига болта урган - атеистик руҳиятли асар тарзида тушунилди ва шу боис нашр ҳам қилиб турилди.

«Шайтоннинг тангрига исёни» шеърий драмаси Фитратнинг энг яхши фалсафий дахрийлик асари бўлиб, у эркин фикрли Шарқ мутафаккирларининг анъаналари йўлида ёзилган...»<sup>130</sup>. Адабиётшунос Б.Дўстқораев 1993 йилда эълон қилган «Фитратнинг диний мавзудаги асарлари» мақоласида ана шу фикрини исботи учун далиллар келтиради.

«Шайтоннинг тангрига исёни»ни олмониялик олима Ингеборг Балдауф нафақат Абдурауф Фитрат ижодида, балким «умуман ўзбек атеистик адабиётида ягона чўкки сифатида танҳо қолаётир» деган қарашни илгари суради. Илм оламида ҳар ким ўзининг кўзқарашларини баён этиш, муайян асарни ўзича тушуниш ва тушунтириш ҳуқуқига эга. Далил, мантик ва исбот қатъийлиги бу ҳуқуқни ҳеч қачон

<sup>129</sup> О л и м ж о н Ҳ. Беш томлик асарлар мажмуаси. 5-том. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. 119-бет.

<sup>130</sup> «Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари» тўплами, Тошкент: Университет, 1993. 51-64-бетлар.

сунистеъмол қилишга йўл қўймайди. Ва илмий тафаккурдаги бу компонентлар илмий фикр кучини, илмий мақола қувватини белгилайди. Шу маънода «Шайтоннинг тангрига исёни» хусусидаги фикрлар тизимида ҳам муайян асослар бор, албатта. Профессор Б.Қосимов ёзади: «Шайтоннинг тангрига исёни» кичик драматик дoston. Айрим тадқиқотчилар унда атестик оҳанглар кўрадилар. Бу бизнингча, тўғри эмас. Адибнинг ҳаёти ҳам, фаолияти ҳам бундай дейишга имкон бермайди. У динга эмас, аксинча, динсизликка, имонсизликка, эътиқодсизликка қарши. Айни пайтда у мутаассибликнинг ҳам душмани».

Б.Қосимов асарни рамзий тушунади ва ундаги рамзий образларни, ҳодисаларни ҳаётдаги маълум бир ижтимоий табақа ҳамда воқеликка боғлаб тушунтиради.

Шунингдек, бошқа олимларнинг ҳам ўз нуқтаи назарлари бор бу масалада. Ҳар бир олим ўз илмий концепциясига мувофиқ фикр юритиши герменевтика табиатига, талқиннинг ўзига хос назарий жиҳатларига мос келади, албатта. Бунда фикр-мулоҳазаларнинг изчиллиги, мантиқий хулосаларнинг қатъийлиги ва ишончлилиги муҳим аҳамият касб этади.

Талқин табиатига оид бундай мисолларни чўлпоншуносликда ҳам кузатиш мумкин.

Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз»и ХХ аср ўзбек романчилигида ўзига хос ўрин тутади. Таассуфки, романнинг «Кундуз» қисми йўқолган (эҳтимол, айрим адабиётшунослар тахмин қилганидек Чўлпон ўша иккинчи қисмни ёзмаган ҳамдир). Мавжуд барча фикр-мулоҳазалар, талқину таҳлиллари «Кеча» билан боғлиқ. Ва бу асар талқинида икки хил мулоҳазани романнинг бош қаҳаромонини аниқлаш масаласида кўради.

Профессор Озод Шарафиддинов «Чўлпон» номли китобининг «Кеча ва кундуз»га оид саҳифаларида шундай ёзади: «Романнинг бош қаҳармони - Зеби. Чўлпон бу қаҳармонни жуда яхши кўради ва бу севгисини китобхонга ҳам юктиришни истади. Чўлпоннинг Зебига муносабати кизга берилган таъриф тавсифларнинг майинлигида ҳам, услуб кўтаринкилиги-ю, тасвирларнинг эмоционаллигида ҳам

яққол сезилиб туради...»<sup>131</sup>. Дарҳақиқат, шундай. Чўлпоншунос олимимиз таъкидлаганидек, «романинг бошидан охиригача» Зеби образи китобхонга ҳамроҳ бўлади. Чўлпон ўз асарининг дастлабки саҳифаларидаёқ ўқувчисини Зебига йўлиқтиради. Ва айни чоғда:

«Зеби, Зеби, Зебона,  
Мен кўйингда девона...  
...Зеби, Зеби, Зебонам!  
Қайда қолдинг, дилбарим?...»

деган мисралар билан, Зебининг ёди билан асар яқун топади.

Иккинчи бир чўлпоншунос Д.Қуронов роман моҳиятига «ниқоб» ортидаги саҳнага, «муаллифнинг яқлит дунё ва давр ҳақидаги қарашлари»га эътибор беради: «Чўлпоннинг «Кеча»да ифодалаётган қарашлари эса кўп жиҳатдан Мирёқуб образига боғлиқдир. Зеро, айни шу образ воситасида адиб ўзи асосий ҳисоблаган ижтимоий тўқнашувни бадий талқин қилади, миллий буржуазиянинг сиёсий куч сифатида ўз-ўзини таниш жараёнини кўрсатишга эришади. Айтмоқчимизки Мирёқуб воситасида ифодаланган қарашлар муаллиф қарашларининг асосини ташкил қилади, бошқалари уни тўлдиришга, аниқлаштиришга хизмат қилади. Шу маънода бизнингча, «Кеча»нинг бош қаҳрамони Мирёқубдир»<sup>132</sup>.

Олимлардан бири айни романдаги бош қаҳрамонни Зеби иккинчиси Мирёқуб деб ҳисоблар экан, ҳар икки талқинчи ҳам ўзларида шаклланган эстетик тамойилларга, бадий матнни тушуниш, ҳис этишдаги ўз илмий қарашларини асосланиб иш кўради.

Умуман олганда, жаҳон илм-фани тарихидаги тажрибалар, ижодий эркинликнинг зарурати, бадий адабиётга, аниқ бир асарга турлича нуқтаи назардан қараб мумкинлиги ва бунда матн асосий ўринда туришлиги шунингдек, санъат оламидаги ҳар қандай эстетик ҳодисани ўринли-ўринсиз давлатнинг ижтимоий-сиёсий мафқурасига

<sup>131</sup> Шарафиддинов О. Чўлпон. Тошкент: Чўлпон, 1991. 64-бет.

<sup>132</sup> Қуронов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. Тошкент: Ўқитувчи, 1997. 62-63-бетлар.

боғлаб талқин этиш жудаям тўғри эмаслиги - бу каби бир қатор омишлар янгича талқинлар, адабиётни ўзига хос тушуниш ва тушунтириш эҳтиёжини, бадиий-эстетик тафаккурда янгиланиш жараёнини майдонга келтирди.

Юкорида қисман гувоҳ бўлганимиздек, фитратшунослик ва чўлпоншуносликда, айниқса, келгуси саҳифаларда ёритажагимиз ХХ аср ўзбек адабиётшунослиги тарихи ичидан нур бўлиб ўтадиган кодирийшунослик соҳасида бу ҳолат янада яққолроқ кўзга ташланади.

80-йиллар иккинчи ярми 90-йилларнинг биринчи ярми оралиғи кодирийшуносликдаги туб бурилиш даври бўлди. Адиб таваллудининг 95 йиллиги олдидан, 95 йиллигига, 100 йиллиги олдидан ва 100 йиллигига бағишлаб ёзилган мақолалар, илмий мажмуалар ҳамда рисоалар майдонга келди. Энг муҳими, қачонлардир Абдулла Қодирийнинг дилбар романларини ўқий туриб, ундаги миллий пафосдан руҳланган, аммо барча ҳис-эҳтирослари дилининг туб-тубида сақланган олиму уламоларнинг, шоиру шуароларнинг баҳри-дили очилди. Таъқиб, таҳдид ва таҳликадан омонликда қалам тебратиш имконияти пайдо бўлган муҳитда улуғ адибимизга дахлдор қувонч ва сурур, ғам ва ташвиш афсус ила надомат - барча-барчаси тўқиб солинди. «Бир авлод умри давомида Абдулла Қодирий таъқиқланди ва таҳқирланди. Бу инсонга қарши, инсониятга қарши, халқларнинг маънавий мулки бўлган тарихи, маданияти ва ифтихор туйғусига қарши, тили, одати, дини, ихлос-этиқодига қарши қилинган буюк жиноятнинг бир кўриниши эди...»<sup>133</sup>. Бундай эътирофлар, ҳақиқат тантанаси баъзан шеърий йўсинда ифода этилди:

«Азалий ҳақ гапни яширмақ нечун,  
Завол йўқ энг асл истеъдод учун.  
Агарда коинот тегирмон бўлиб,  
Оламни янчса ҳам, колгай у бутун»<sup>134</sup>.

<sup>133</sup> В о х и д о в Э. Қадримиз қадриятимиз. Совет Ўзбекистони. 1990 йил. 12 январь.

<sup>134</sup> О р и п о в А. Адиб хотирасига. Совет Ўзбекистони. 1990 йил. 12 январь.

Айни замонда адабиётшунослик илми Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодини, «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» деган ўзгал романларига муносабат тарихини қайта идрок этиш, қайта баҳолаш, қайта талқин қилиш жараёнига қадам қўйди.

Илмий тадқиқот қондасига кўра объект тарихига назар ташланади; мавжуд манбаларнинг ҳолати илмий нуқтаи назардан кузатилади. Шу маънода қодирийшунослик ўзининг янги майдони ва босқичига кирар экан, табиийки, айтилажак айрим янги фикрларни аввало мавжуд манбаларга муносабатдан келтириб чиқариши керак эди.

Шу ўринда Хондамир Қодирий «Ўткан кунлар»ни 1926 йилги, «Меҳробдан чаён»ни 1929 йилги нашрлари асосидан 1992 йили қайта нашр эттирганини ва бу нашр охирида изоҳлар илова қилинганини таъкидлаш лозим бўлади.

Ўзининг ижодий-илмий фаолияти давомида Абдулла Қодирий асарларига мурожаатни қанда қилмаган адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов 90-йилларга келиб кўпгина кузатишларини «Қодирий - эрксизлик қурбони» ҳамда «Ўзбекнинг ўзлиги»<sup>135</sup> деган китобларида жамлашган муваффақ бўлди.

М.Қўшжонов «Қодирий - эрксизлик қурбони» китобидан адабий танқидчиликнинг улуғ адиб ижодига муносабатининг айрим қирраларини текширади. Ижоддаги, фикрдаги эрксизлик Қодирий ижодини талқин этишда нақадар ғайриилмий ёндашувларга олиб келганлиги устида қимматли фикрлар билдиради. Абдулла Қодирий ижодини талқин қилган М.Шевердин, С.Хусайн, Ойбекнинг илмий қарашлари билан баҳсга киришади. Бир нарсани таъкидлаш лозимки М.Қўшжонов мазкур шахсларга, хусусан, М.Шевердин билан С.Хусайнга бир хил нуқтаи назардан қарайди. Ҳолбуки, биз мазкур ишнинг биринчи бўлимида кўриб ўтганимиздек М.Шевердинда бирёқламалик, танқидга ўчлик ҳаддан ташқари кучли бўлгани ҳолда С.Хусайннинг «Ўткан кунлар»ид Қодирий романининг моҳиятини, бадииятини тўғри англаган ва тўғри баҳолаган ўринлар ҳам йўқ эмас.

<sup>135</sup> И з о ҳ: бу китобнинг «Отабек ва Кумушбиби» деб номланган биринчи боб олимнинг 1966 йилда нашрдан чиққан «Абдулла Қодирий тасвирлаш санъати» деган рисоласининг бир оз таҳрир қилинган вариантдир, иккинчи боб эса «Меҳробдан чаён» поэтикасига тегишлидир.

М.Қўшжоновнинг: «Демак, «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли»да ёзувчи Ойбек кўпроқ Абдулла Қодирий ижодининг фазилатларини кўради. Унга санъаткор сифатида қарайди. Мунаққид Ойбек эса адиб ижодини таҳлил қила туриб, кўп жиҳатдан ижодкорнинг ўша давр руҳига асосланиб мафкуравий камчиликлар топишга ҳаракат қилади...»<sup>136</sup>, деган қарашлари ҳам бир оз мунозара-эътироз уйғотади. «Ёзувчи Ойбек»ни «мунаққид Ойбек»дан қайси хусусиятига қараб фарқлаймиз? Нега бу тарзда фарқлаш керак? С.Хусайн қарашларини ҳам шундай таснифлаш, уни ҳам икки С.Хусайнга ажратиш мумкин эмасми?

Адабиётшуноснинг мукаммал шаклланган эстетик позицияси бадий асарга эстетик воқеа, санъат намунаси, маънавиятнинг кўркем обидаси сифатида қарашга имкон беради. Агарда инсонда бу ички дид-фаросат, гўзалликни англаш, ҳис этиш, тушунишдек неъмат йўқ бўлса, адабиётдек покиза майдонга, сўз салтанатининг олтин қасрига кўзсиз қалб, қалбсиз кўз билан киришдан фойда йўқ.

М.Қўшжонов «Қодирий - эркисизлик қурбони» рисола-сида улуғ адиб ижодига тегишли илмий-асосли фикрларга ҳам, нисбатан енгил, сиёсий муҳитга мосланган қарашларга ҳам тўхталади. Муаллиф янгича тафаккур шароитига мослаша туриб, бадий адабиётдаги сиёсий ғоябозликни, андоза-возликни, лафзсизлик ва ҳар томонга оғишларни қоралайди. «Ҳар хил давр талаби билан ҳақиқатни ҳар хил талқин қилавериш тарихийликка хилоф ишдир». Олимнинг бу гапи ҳақиқат ва адолат тантанаси истагидан келиб чиқади.

Китобда нафақат Қодирий, балки 80-йилларда кўтарилган Фитрат ва Чўлпон масаласига ҳам диққат қилинган. Муҳим гап шуки, муаллиф кўпинча адабиётшуносликдаги Қодирий, Чўлпон ва Фитрат билан боғлиқ адолатсизликлар, бўҳтон ва тухматларни муайян олимлар исм-фамилиясини келтириш орқали исботлашга уринади; фактлар беради. Бундай илмий талқинни, мавжуд фактларга муносабатдаги дадилликни қандайдир чиркин ғаразгўйлик, кимнингдир шахсини ерга уриш ёки исм-фамилиясини булғаш маъносида тушунмаслик керак. Балким, ранг-баранг фикрлар айтиш мумкин бўлган

---

<sup>136</sup> Қ ў ш ж о н о в М. Қодирий – эркисизлик қурбони. Тошкент: Фан, 1992. 16-бет.



шароит учун, ўзаро баҳс-мунозарага, ҳатто, ҳақиқат сиёқида кўринган саробни тавсифлашга имкон туғилган муҳит учун шукроналар айтмоқ лозим. Агарда муҳитнинг, илм-фандаги сўз эркинлигининг тантанаси бўлмаганда эди, М.Кўшжоновнинг айна китоби типидagi асарлар ҳам, шунингдек, айнан «Қодирий - эркислик қурбони»га жавобан битилган Ҳ.Абдумасатовнинг «Танқидми, тош отиш?» типидagi китоблари ҳам юзага келмаган бўларди.

«Танқидми, тош отиш?» муаллифи мумкин қадар ўша рисоладаги баҳс-мунозарага уч берадиган ҳар бир гапни таҳлил қилади. Айрим ҳолатларда М.Кўшжонов илмий фаолиятининг объектив баҳоларини беришга интилади. М.Кўшжонов ўз қарашларини табиати ва илмдаги ўз услубига содиқ қолган ҳолда босиқлик билан баён этган бўлса, Ҳ.Абдумасатов рисоласида шиддат, жангарилик ва баъзан танқид этикасидан ташқарида фикр айтиш ҳолатлари сезилади.

Қолаверса, янгича муносабатлар, мавжуд воқеликка, босиб ўтилган тарихга қарашлар тубдан ўзгара борган шароитда адабиётшуносларимизда ўзлари ёзиб қўйган асарларига иккинланиш, ҳайрат билан боқиш ҳоллари ҳам зоҳир бўлди. Қодирийшунослик доирасида кечган ушбу мунозарага илм-фандаги табиий ҳодиса сифатида қараш жоиз. Айна чоғда, бундай тортишувлар Қодирий ва Н.Тўрақул, Қодирий ва Ғ.Юнус, Қодирий ва С.Хусайн - қодирийшуносликдаги мавжуд баҳсларни эсга солади. Шу аснода адабиётшунослигимиз тарихидаги талқинларга нисбатан ибратли бир фикр туғилади. Агар муҳит, шароит ва муносабатлар ўзгариши билан ёзиб қўйилган илмий асарларда хатолар, камчиликлар, бирёқламаликлар, ғайритабиийликлар мавжуд бўлса, уни энг аввало, кўзи тирик иймонли муаллифнинг ўзи ўнглагани, лозим кўрса, тавба-тазарруъ изҳор қилгани, виждони олдида тозариб олгани маъқулдир.

90-йилларнинг фикрий изланиш жараёнида мубоҳислар ўзаро нисбатан аёвсиз, баъзан бир бирининг ютуқларини тан олиб, баъзан пашшадан фил ясаб, гоҳида субъективизмга берилиб, гоҳо илмий баҳс-мунозара этикаси чегарасидан чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Илмий рисолаларни талқин қилишда ҳам матн асосий ўринда туради. Ундан фикрларни кенгайтирувчи, баҳс-мунозарали ёки барча бирдек тасдиқловчи ўринлар бўлиши мумкин.

Бадий матн талқинида эса мазмун-моҳиятдан узоқлашиш, матннинг имманент хусусиятларидан келиб чиқмаслик бирёқламаликлар, субъективизм, сиёсий мафкурага мослашишга олиб келади. Матнни тушуниш ва тушунтириш – талқин жараёнидир. Унинг илмий-методологик негизи учун муайян тизимлар, назариялар ишлаб чиқилган. Ўзбек адабиётшунослигида мазкур масала билан қизиқиб, ўз илмий кузатишларида қўллаётган олим Абдугафур Расулов бу ҳақда ёзади: «Асар матни чегарасидан чиқиш, ёзувчига йўқ ердаги талабларни қўйиш зинҳор мумкин эмас. Бадий асарларнинг камрови кенглигидан, маъно миқёсидан четлаб кетиш хатоликларга олиб келади»<sup>137</sup>. Ҳақиқатан ҳам, воқеликнинг бадий талқинини илмий тилга кўчиришда, тушуниш, тушунтириш ва ҳис этишда матн моҳиятидан узоқланиш англашилмовчиликни юзага келтиради.

«Меҳробдан чаён»нинг ёзилганига олтмиш йил тўлган маҳалда «Романнинг машаққатли йўли» номли мақоласи билан чиқиш қилган А.Расулов матн ва талқин орасидаги зиддиятларни, хатолик ва англашилмовчиликларни фактлар асосида кўрсатди; қодирийшуносликдаги тадқиқотларга, дарслик китобларга мурожаат этди. Хусусан, ижодий метод ва роман моҳияти юзасидан ўринли фикрларни билдирди. Мақолада «Меҳробдан чаён» қаҳрамонларини иложи борича янги талқин қилишга интилиш сезилади. «Меҳробдан чаён» романининг текстида сермаънолилик, рамз, ишора ниҳоятда кучлидай» туюлиши айтилади. Ўзигача бўлган талқинлардан қоникмаслик ва албатта, роман матнидаги ўша сермаъноликни, рамзни, ишорани, жозибани намоён этиш кайфияти сезилади. Бу бир қадам илгарилаш, деган гап. Аммо, мақола матнида эҳтиёткорлик ва илгариги назарий асосларнинг таъсири ҳам онда-сонда сезилиб қолади<sup>138</sup>.

<sup>137</sup> Р а с у л о в А. Илми ғарибани қўмсаб..., Тошкент: Маънавият, 1998. 53-бет.

<sup>138</sup> Р а с у л о в А. Романнинг машаққатли йўли. Шарқ юлдузи, 1989. № 7.

Орадан беш йил ўтиб, олим яна «Меҳробдан чаён» романига мурожаат этади. «Тақдирлар талқини» дея номланган бу мақола «Романинг машаққатли йўли» негизида ёзилган; бойитилган, муҳими, асарга «янги ракурсдан боқиш, янгиланган концепциядан ёндашиш» (А.Расулов таъбири) жараёнида юқорида келтирилган бир қатор жумлалар таҳрир қилинган. Мақолада олим гоҳ Отабек билан Анвар салоҳиятига, гоҳ Анвар билан Раъно ҳамда Насим дўстлигига, руҳий яқинлигига, баъзан Солиҳ маҳдум ва унинг мактабидан чиққан ўзбек адабиётидаги хасисларга, зиёлилар образининг қиёси ва баъзан «онҳазратнинг отган ўқлари» бўлиши Гулшаннинг «жонли одам, тирик инсон» эканлигига диққатини қаратар экан, имкони борича янгича тафаккур мезонлари асосида иш қўради. Адабиётнинг чинакам инсоншунослик эканлигини таъкидлаб боради. Ва ўрин келганда авлод-аждодларимизнинг азалий эътиқодий қадриятлари негизини ҳам назардан қочирмайди. «Меҳробдан чаён» - санъат асари. Лекин афсуски, баъзи китобхонлар, кўпроқ ёшлар роман моҳиятига сингдириб юборилган эзгу гоҳ - дўстликнинг уруғланишига ишонмайдилар, уни афсона деб биладилар. Бир-бир ярим асрдирки, биз узоқ асрлар мобайнида қон-қонимизга сингдирилган муқаддас туйғу, тушунчаларни бой бериб келяпмиз. Мусулмон мафқураси пайдо бўлибдики, дўстлик, иймон, одиллик, ҳалоллик улуғланади. Пайғамбарнинг саҳобаларидан бири дўсти содиқ (Абу Бакр), иккинчиси одиллик (Умар ибн ал-Хаттаб) тимсолига айланиб кетган. Мусулмончиликда иймонлилик дейилганда содиқлик, одиллик, ҳалоллик, шафқатлилик англашилган, Абдулла Қодирий романида дўсти содиқлик асрвий йўналиш сифатида тасвирланади»<sup>139</sup>.

Табиийки, бадий асарга, хусусан, Абдулла Қодирий романига бундай янгича ёндашув, талқин ва таҳлиллар ижтимоий-сиёсий, адабий-илмий муҳитдаги тозаришлардан дарак беради.

Бундай тозариш нафаси «Абдулла Қодирийнинг бадий дунёси» (1996 й.) мажмуасига кирган мақолаларда, айниқса,

<sup>139</sup> Р а с у л о в А. Тақдирлар талқини. Абдулла Қодирийнинг бадий дунёси. Тошкент: Университет, 1994. 94-бет.

профессор Умарали Норматовнинг «Қодирий боғи» (1995 й.), «Ўткан кунлар» ҳайрати» (1996 й.) китобларида яққол сезилади.

Жадидчилик, миллий уйғониш даври ижодкорларига муносабат тубдан ўзгарган, уларнинг адабий меросини қайта идрок этиш, янгидан баҳолаш ва янгича талқин қилиш жараёнлари бошланган 80-йилларнинг охирида профессор Умарали Норматов Абдулла Қодирий ижодини жиддий суръатда қайта ҳолис илмий назардан ўтказди. Улуғ адиб ижод оламининг, ҳаёт йўлининг турли-турли қирраларини янгича идрок асосида намоён этадиган ўндан ортиқ ниҳоятда салмоқли мақолалар ёзди. Ва уларнинг жамланишидан юқорида тилга олинган китоблар юзага келди.

«Қодирий боғи» китобининг «Адиб қисмати» қисмида У.Норматов ёзувчининг ҳаёти ва ижодига тегишли бир қатор манбаларни архив ҳужжатларини, мавжуд илмий тадқиқотлар ҳамда биографик маълумотларни қайта назардан ўтказди. Абдулла Қодирий дунёсини, ҳам истеъдодли ижодкор, ҳам ўз замонасининг кишиси сифатидаги хусусиятларини теран тушунади. Адиб дунёқараши шаклланган муҳит об-ҳавоси ҳароратига, таълим-тарбия масканларининг савиясига тўғри таъхис қўяди; бир қанча чигал масалаларга ойдинлик киритади. Олим муайян муаммо устида фикр юритадиган экан, бир қирғоқни ташлаб, иккинчи қирғоқни забт этиб «замона қаҳрамони»га айланишни хуш кўрмайди. Балки, ўз талқинларида ижод психологиясига, инсон табиатига хос барча хусусият ва майларни инобатга олади.

У.Норматов Абдулла Қодирийнинг динга ва диндорларга муносабатини тушунтирадиган экан, маълум бир вақтлар оралиғида давр окимидаги ижодкорга, сўнгра ўз ички бутунлигига қайтган шахс сиймосига урғу беради. Бир неча асарларида диндорлар образининг бадий талқинида Абдулла Қодирий ниҳоятда ҳолисликка боради. «Умуман, 30-йиллар ўзбек адабиётида динга, диндорларга бунақа ҳолис муносабатда бўлган бошқа бирорта асарни, руҳонийларнинг бунақа самимий, ҳаётий образларини кўрмаймиз». Шубҳасиз, бу ўринда У.Норматов мулла Обидни ҳам назарда тутди. Қолаверса, китобдаги «Обид кетмон» ҳақиқати» номли мақоласида айни асар хусусидаги «паст-баланд гаплар»га барҳам бериш ниятида уни янгича тушунтиради. Обид кетмон

образининг адабиётимиздаги «ноёб ҳодиса» эканлигига бизни ишонтиради. Илгариги қодирийшунослар тадқиқотларида учрамайдиган Обид кетмон образининг янги қирраларини ўртага ташлайди; покдомон, ҳалол, ҳақиқатгўй, иймонли бир инсоннинг теварак-атрофидаги «одамча»лардан ҳар жиҳатдан фарқланишини кўрсатади. «Обид кетмон»га ўз вақтида танқидчилар бежизга турли айблар тақашмаган ахир. Яъни, У.Норматов ёзади: «Шунинг учун ҳам динга, руҳонийларга нафрат руҳида тарбияланган ўша давр танқидчилиги бундай талқинни асло ҳазм қилолмайди; ёзувчи диннинг синфий «эксплуататор характерини очишга уринмайди», «диннинг моҳиятини фош этишга уринмаган», повестда руҳонийларни синфий душман сифатида фош этиш эмас, «уларга муҳаббат, улар ҳам одам-ку» деган ачиниш туйғуси бор, «бу динни фош қилиш эмас, балки динга ва руҳонийларга ёрдам қилишдир» дея муаллиф шаънига таъна-дашном ёғдиради, дағдаға қилади...»<sup>140</sup>

Биз дунё адабиётшунослигида «Гёте эстетикаси», «Л.Н.Толстой эстетикаси» ёки «Ф.М.Достоевский эстетикаси» сингари сарлавҳаю таъбирларга кўп дуч келамиз. Зеро, муайян адиб ижодий дунёқарашидаги нафосатни, эстетик принципларни тадқиқ этишда жаҳон адабиётшунослигида адабий-илмий мактаблар бор. Шу жиҳатлар ўзбек адабиётшунослигида ҳам эртами-кечми ўз ифодасини топиши лозим. Ушбу эстетик масала қодирийшуносликда «Адиб эстетикаси» тарзида қўйилди. У.Норматовнинг бу йўсиндаги талқинларида ҳам янгича адабий-илмий тафаккур нафаси сезилади. Олим адибнинг адабий-назарий қарашларини талқин этиб, адиб эстетикасидаги, «адиб адабий-танқидий қарашларидаги бош гап - реализм масаласидир», «ҳақиқат, ҳаёт, ҳақиқатга садоқат - ёзувчининг ижодидаги бош шпирдир...» деган хулосаларга келади.

Олим илгариги «феодализм давридаги социал тартиблар ва ҳаёт қоидаларининг ҳаддан ташқари адолатсизлигини ва бемаънилигини фош этиш руҳи» (И.Султонов) типига талқинлардан фарқли ўлароқ «Ўткан кунлар» негизиде «истиклол қайғуси»ни кўради. Янгича шароитда асарга янгича

<sup>140</sup> Норматов У. Қодирий боғи. Тошкент: Ёзувчи, 1995. 36-бет.

назар билан қарайди. «Ўткан кунлар» романида тасвир этилган социал муҳитнинг иккинчи - муҳим бир қиррасига урғу беради. Ва табиийки, шу фикрнинг, ғоянинг илдизлари Абдулла Қодирий шуурида, асл маслагиде мавжуд эди. Умарали Норматов айни «истиклол қайғуси», «мустамлака балосидан халққа сабоқ бериш» тезисини илгари сурганда бежизга оташин эркпарвар шоир Чўлпонни эсламайди. Шунингдек, Абдурауф Фитратнинг «Туркистонда руслар» мақоласидан иқтибослар келтиради. «Ўткан кунлар» романи ёзилган муҳитдаги психологик ҳолат, ижтимоий-сиёсий воқелик нақадар мураккаб бўлганини таъкидлайди. Бундай мураккабликларни қонга ботирилган Туркистон мухториятини ўз кўзи билан кўрган Абдулла Қодирийдек сиймоларгина соддалаштириб англаши мумкин эди. Юсуфбек ҳожининг огоҳликка даъватларида шу мазмун яширин.

«Ўткан кунлар» романнинг маъно-мундарижа доираси ғоят кенг, унда хилма-хил ижтимоий, маънавий муаммолар кўтарилган. Улар ичида, менимча, энг муҳими юртнинг, миллатнинг тақдири, мустақиллиги масаласидир»<sup>141</sup>.

У.Норматов бу фикр исботи учун етарли далил келтиради. Бирок, мазкур тарихий романда тарихий воқеа-ҳодисалар тасвиридан кўра оилавий-маиший саҳна тасвири катта қисми ташкил этади. Романнинг иккинчи бўлимида (17 та бобда) умуман тарих саҳнаси йўқ, балки ишқий-маиший саргузаштлар тасвири келади. 23 бобни ўз ичига олган биринчи бўлимида олти боб, 17 бобни қамраб олган учинчи бўлимда уч боб тарихга тегишли. Аммо баъзан бошқа бобларда (масалан, «Хон қизига лойиқ бир йигит» боби) ҳам социал масалаларга муносабат кўринади. Бадиий асар талқинида эстетик ҳодисани ҳис қилиш, ҳис қилинган жозибани, нафосатни ўзидаги мавжуд билимлар доирасида баён этиш муҳим аҳамият касб этади. Талқин талқинчи дунёқарашидеги жуда кўп омиллар билан боғлиқ ҳодиса. Кейинги пайтдаги Қодирий романларининг турлича талқини илмий талқин табиатига хос яна бир аҳамиятли хусусиятни юзага чиқарди.

<sup>141</sup> Норматов У. Қодирий боғи. Тошкент: Ёзувчи, 1995. 122-бет.

Айни бир асарни ёш эътибори ила каттагина фарққа эга бўлган икки олим, адабиётшунос икки йўсинда талқин қилиши мумкин.

У.Норматов «Ўткан кунлар»нинг янгича талқинида социал муҳитни янгича кузатса, адабиётшунос Муртазо Қаршибой роман негизида «Бир ишқ, ҳам чин бир ишқ»ни кўради. «Ишқ - адабий эҳтиёж, абадий мавзу»лигини таъкидлаган М.Қаршибой «Ўткан кунлар»да ишқий изтироблар теран тасвир этилганини далилларга асосланиб бир-бир тушунтиради. Роман ичидан яшил ип бўлиб ўтадиган асосий сюжет воқеаси Отабек ва Кумушнинг ишқий Композиция ҳам шу асосга қурилган. Бу икки покиза қаби орасида пайдо бўлган муҳаббатни М.Қаршибой илоҳий ишққа яқинлаштириб қўяди ва баъзан фикри исботи учун ислом динидан илмий асослар келтиради. Хулосани эса, «Худди шундай, «Ўткан кунлар» ҳам «бир ишқ, ҳам чин бир ишқ» ҳақидаги ғуссали рўмондир»<sup>142</sup>, деган сўзлар билан яқунлайди. Айнан бир адабий-эстетик воқеликнинг, аниқроғи бадиий образнинг нисбатан икки хил талқинига яна бир мисол келтирамиз. «Мехробдан чаён» романидаги Солиҳ маҳдум образи янгича баҳоланаётган, «янгича ижтимоий-иқтисодий концепция»лар илгари сурилаётган шароитда баҳс объектига айланди. Адабиётшунос Азим Раҳимов «Солиҳ маҳдумда нима гуноҳ?»<sup>143</sup> номли мақоласида кўпроқ Солиҳ маҳдумнинг фазилят излайди. Унинг илгариги талқинларига нисбатан янгиланган, самимиятга яқин талқинини беришни истайдиган Солиҳ маҳдумни бундай «реаблитация қилиш» адабиётшуноси Муртазо Қаршибойга маъқул келмайди ва «Солиҳ маҳдумда фаришгами?» деган мақола билан чиқади. Адабиётшуносни ўзининг «муқим таянч нуқтаси-концепцияси»ни йўқотганлигини таъкидлаган муаллиф ўз қарашларида, романида инсон табиати, инсон қисматини янгича талқин этишда учун ислом дини асосларини илмий концепция даражасига кўтариб олади. Шу боис, онага яхшилик қилиш ҳақида «Ҳаё - иймондандир», «Тангри наздида бандаларнинг

<sup>142</sup> Қаршибой М. Бир ишқ, ҳам чин бир ишқ. Ватан. 1992 йил. 28 октябрь.

<sup>143</sup> Раҳимов А. Солиҳ маҳдумда нима гуноҳ? Ўзбекистон адабиёт ва санъати. 1990 йил. 3 август.

яхшиси ўз аҳли-аёлига фойдаси кўп тегадиган кишидир», «Бир гуноҳ ишни кўрсаларинг, кўлларинг билан қарши бўлинглар. Кўлларинг билан қарши бўлолмасаларинг, тишларинг билан қарши бўлинглар. Мабодо, тишларинг билан қарши бўлолмасаларинг, дилларинг билан қарши бўлиб турунглар. Аммо, бу иймонларинг заифлигидан далолат беради» каби ҳадислар асосида ўз қарашларини исботлашга уринади. А.Раҳимов Солиҳ махдумни иложи борича зиёли, фазилятли қилиб талқин этишга интилса, М.Қаршибой кўпроқ иккинчи қирокқа ўзини уради. Баъзан ислом шариатида жуда катта гуноҳ бўлиб тақаладиган, Абдулла Қодирийнинг ўзи кўллашдан андиша қилган айрим таъбирларни Солиҳ махдумга нисбатан шафқатсизларча ишлатиб юборади. «Агар Солиҳ махдум образининг бадий мантикидан келиб чиқиб фикр юритсак, махдумнинг сал иймонсизроқ, иккиюзламачироқ ва мунофикроқ эканини кўрамиз»<sup>144</sup>. Яна бир ўринда тўғридан-тўғри Солиҳ махдумни «иймонсиз одам» дея тавсифлайди. Ҳолбуки, шаҳодат калимасини айтган, Аллоҳ буюрган фарз ибодатларни адо этиб юрган, аммо табиатида қусурли бўлган бир мусулмонга нисбатан бу сўз бирикмасини кўллаш тухматдир. Ҳатто, М.Қаршибой «Солиҳ махдум фариштамас, шайтон!» деган фикрни айтади. Солиҳ махдум портрети чизгисидаги «сийрак мўй», «истараси иссиқ», «оқ тан» бўлганлигига вульгар маъно беради. Мақоланинг шу нуқтасига диққатни қаратган адабиётшунос А.Расулов ёзади: «Муртазонинг асосий қарашини тасдиқлаган ҳолда, мақоладаги битта нуқтага - «Солиҳ махдумнинг мадрасадаги қирдикорлари» хусусидаги фикрига тамоман қўшилмайман»<sup>145</sup>.

Илгари ўта хасис, зикна тип ўлароқ талқин этилган Солиҳ махдумнинг бир йўла оппоқ - серфазилят зиёли тўнини кийиши ҳам ёки янги шароитда иймонсиз, мунофикроқ, шайтон, ҳаёсиз сингари сифатлар билан тавсифланиши ҳам айни образнинг бутун жозибасини, эстетик қийматини очиб бера олмайди. Қолаверса, «Меҳробдан чаён» романидаги энг

<sup>144</sup> Қ а р ш и б о й М. Солиҳ махдум фариштами? Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1990 йил. 2 ноябрь.

<sup>145</sup> Р а с у л о в А. Тақдирлар талқини. Абдулла Қодирийнинг бадий дунёси. Тошкент: Университет, 1994. 84-бет.



ёркин, табиий ва реалистик бакувват образи бўлгани учун ҳам ҳалига қадар Солиҳ маҳдумнинг кимлиги устидаги мулоҳаза-мунозаралар давом этмоқда.

Муайян эстетик ҳодисанинг турлича талқини учун манба бўла олиши айни асарнинг бадий қувватини кўрсатади. Бунга шубҳа йўқ. Таъкидлаш жоиз бўлган яна бир фикр шуки, ҳар бир адабиётшунос ўз билими, дунёқараши, ҳаётий тажрибаси, ўз имконияти, иймон-эътиқоди доирасида фикр айтади. Ўзи англаган, ҳис этган ҳақиқатнинг қайсидир қиррасини тушунтиради. Шунингдек, эстетик ҳодисани тушуниш ва тушунтиришда интерпретаторнинг табиати, психик темпераменти ҳамда ёши қайсидир маънода роль ўйнайди.

Илмий-эстетик тафаккурнинг янги моҳияти негизида барчага умумий бўлган қоидалар тан олинган ҳолда кўпинча талқин индивидуал хусусият касб этмоқда. Зотан, бу нафақат талқинчининг имконияти, балки замона имкони ва эҳтиёжи ҳамдир. Бу нафақат кодирийшунослик, балки умуман XX аср ўзбек адабиётшунослигида энди-энди ниш ураётган янги ва жиддий масаладир.

Қодирийшунослар адибнинг бетакрор маҳорати, бадий қудрати, қаламининг жозибаси хусусида назарий фикрларни жуда кўп айтганлар; аксар ҳолатларда романларнинг сюжетларини қайта сўзлаганлар.

«Қуш тилини қуш билади», деганларидек, Абдулла Қодирий қаламининг жозибасини, тасвирларидаги психологик ҳолатларнинг айрим қирраларини очиб берган асар сифатида Хайриддин Султоновнинг «Шоирона, дарвешона, бир маъно» мақоласини кўрсатиш мумкин. Бунда зерикарлик, бадий асар вужудига бегона назарий гапларнинг қуруқ такрори йўқ. «Қодирийнинг маҳорат сирлари ҳақида» фикр юритар экан, Анвар билан Раънонинг муносабатларидан, Тойир аканин хароба кулбасидан, Шариф, Раҳим ва Қобулбойларнинг қатъиятидан ва айниқса, баъзида «ўз қусурлари устидан ўз ҳам кулишга қодир одам» - Солиҳ маҳдумнинг «табиатида ўзига хос жозоба»дан сўз очади. Бошқача айтганда, реалистик роман жозибасини, биз ташналик ила талабида бўлган, эстетик нуқтаи назардан ишонарли талқин этади. «Унинг (Солиҳ маҳдумнинг - В.К.) қилиқларини кузатганингиз сари завқингиз ошиб бораверади, бироқ мийғингиздаги табассум ҳеч ва

заҳарханда ёки ёвуз нафратга айланиб келмайди. Беихтиёр ич-ичингиздан: «Э, буям худонинг бандаси-да», деган ҳаёл кечади.

Чинакам санъаткорга хос жозибанинг кудрати ана шундай бўлади»<sup>146</sup>.

Х.Султоновнинг бундай нозик, нафис талкинлари ёрдамида адабиётчилар баҳсидаги қандайдир мавҳумлик ёки бир ёқламаликларни аниқлаштириб олиш мумкин, албатта.

«Адабиёт» сўзи «адаб»нинг кўплигидир. Сўз санъатининг мазкур алифбосини барча яхши билади. Азал-азалдан адабиёт одоб-ахлоқнинг тақомилига, қомил инсон маънавий қиёфасини юксалишига хизмат этган. Гарчанд, кейинги йилларда бадий адабиётнинг тарбиявий хусусиятига кам эътибор берилаётган бўлса-да, мазкур омилни сўз санъати негиздан ташқарида кўриш мумкин эмас. Эҳтимол, қандайдир асарларни тилга олиб, «бундаги воқеалар ибрати ёки қаҳрамонлар ҳаёти ўқувчида ҳаётга муҳаббат уйғотади» тарзидаги стереотиплардан ҳолос бўлган ҳолда, бадий адабиётнинг инсон руҳияти ва кайфиятини мавжуд бошқа реаликларга ҳам мослаштириши мумкинлиги вазифасини инобатга олмоқ жоиздир. Масалан, инсоннинг ўлимга муносабати. Ўлим ҳар қандай тирик махлук, жонли инсон бошига эртами-кечми келиб кўнадиган ҳодиса. Дунё яралгандан бери, Одам Ота ва Момо Ҳаво яралгандан буён ўлимдан ҳеч ким қочиб қутилган эмас. Зотан, инсоннинг бу ўткинчи дунёни бир кунмас-бир кун тарк этиб кетишлигига табиий кайфиятни, муносабатни, эҳтимол, адабиёт шакллантирмоғи лозимдир. Шахсан мен француз ёзувчиси Альбер Камюнинг «Бегона» асарини мутолаа қилганда ва айниқса, Шарқ тасаввуф адабиётини ўқиганда, хусусан, Аҳмад Яссавий ҳикматлари маъзани чакқанда адабиётнинг «ҳаётга муҳаббат уйғотади» тарзидаги тарбиявий қийматидан ташқари «ўлимга кўникма ҳосил қилиш» тарзидаги хизмати борлигини ҳам ҳис этганман. Инчунун, бу алоҳида мавзу. Бу ўринда кодирийшуносликка алоқадорликда тарбиявий аҳамият хусусида сўз очилар экан, дунё илм-фанида адабий-фалсафий

<sup>146</sup> Султонов Х. Шоирона дарवेशона бир маъно. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991 йил. 1 июнь.

талқиннинг этик - одоб-ахлоқ йўналиши ҳам мавжудлигини эслаб ўтиш жоиздир. Моралистлар бадий адабиётдаги инсон фазилати ва қусурлари билан боғлиқ ҳодисаларни тадқиқ этганлар, албатта. Масалан, Август Антонович Милтс исми латиш профессори ўзининг «Виждон» номли мақоласида айна ахлоқий тушунчани адабий-фалсафий негизда тадқиқ этади. Унинг инсон ҳаётида нақадар муҳим ўрин тутишини таъкидлайди<sup>147</sup>.

XX аср ўзбек адабиётшунослигидаги этик талқиннинг айрим намуналарини қодирийшунослик тарихида кузатиш мумкин. Абдулла Қодирий қаҳрамонлари табиатидаги юксак ахлоқни, шарқона иззат-икром намунасини дастлаб ёш адабиётшунос Афтондил Эркинов ўзининг «Сукут, сукут...» номли мақоласида Алишер Навоий қаҳрамонлари билан Отабек ва Анварларни қиёсан тадқиқ этиб, «Анварнинг сукути замирида мардлик, адаблилик, андиша ва ғурур яширинган», «Фарҳод, Анвар ва Отабекнинг сукутлари андиша адаблиликнинг оқибатидир»<sup>148</sup> каби хулосаларга келган бўлса, кейинчалик юқорида эслаганимиз иқтидорли ёзувчи Хайриддин Султонов айнан адиб романларини соф этик-эстетик нуқтаи назардан талқин қилиб, «Андиша» номли махсус мақола ёзди. Жуда кўп олимлар илғамагай фазилатларни бир фокусга жамлади, маржондек бир ипга тизди. Зотан, Х.Султоновнинг айна мақоласи қодирийшуносликда, таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки кичик бир воқеа бўлди. Х.Султонов «Андиша» мақоласида шарқона ахлоқ мезонлари асосида Қодирий романларига назар ташлайди. Отабек, Анвар, Юсуфбек ҳожи, Қумушбиби ва Раъно сиймоларини бир-бир тадқиқ этади, улар табиатид собит иймонни, «инсон шарафининг гултожи бўлмиш андиша ор-номус, уят каби муқаддас туйғуларни» кўради.

«Андиша, уят, ор-номус, виждон тушунчалари Қодирий романларининг маънавий устунларидир», дея ёзади муаллиф.

Шунингдек, Х.Султонов Абдулла Қодирий романларининг умрбоқийлигини, жозибадорлигини таъминлайдиган баъзи унсурлар хусусида ижодий жараённи

<sup>147</sup> Милтс А. А. Совесть // Этическая мысль. М, 1990. С.274-296

<sup>148</sup> Эркинов А. Сукут, сукут... Ёшлик, 1987. № 5.

англаб, адибнинг бадий сўзга ўта масъулият ва эҳтиёткорлик билан ёндашганлигини ҳис этган ҳолда кузатади. Бу кузатишларда жаҳон адабиётининг номдор вакиллари билан курукдан-курук, номигагина қиёслашнинг ўзи йўқ. Фикрлар ҳам дунёнинг қайсидир бурчагидаги қандайдир бир ажнабий шахсларнинг асарларидан ўринли-ўринсиз қатма-қат кўчирмалар олинмасдан, камёб илмий атамалар атайлаб исроф қилинмасдан ифода этилади. Муҳими, муаллиф бизни ўзининг ноёб топилмаларига романларнинг ўзи орқали, матндаги сирланган нукталар воситасида ишонтира олади. Ҳайратлантиради.

«Андиша»да «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён»даги қаҳрамонлар андишасигина эмас, балки ўша машҳур қаҳрамонлар дунёсига кўчиб ўтган Абдулла Қодирийнинг инсон ва санъаткор сифатидаги юксак маънавияти юзасидан ҳам ғоят ўринли мулоҳазалар айтилган.

Х.Султоновнинг бу кузатишлари ва этик талқинларига кўшимча қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Абдулла Қодирий бошқа ёзувчилардан ҳам ўша юксак инсоний туйғу қонуниятлари асосида иш кўришни талаб этган эди. Хусусан, «Ёзувчиларимизга» номли мақоласида адиб қуйидагиларни ёзади: «Аmmo шу қалам олишдан илгари бирмунча андиша лозимдир; шошмаслик керак. «Шошган қиз эрга ёлчимас» мақолини балки эшитганингиз бордир. Ўн карра ўлчаб, бир мартаба кесмоқ яхши... Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак. Ёзувчининг ўзигина тушуниб, бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб»<sup>149</sup>.

Инчунун, андиша туйғуси, «ўн карра ўлчаб, бир мартаба кесмоқлик» ҳар қандай инсон учун, ҳар қандай қалам соҳиби ва айни пайтда адабиётшунос-талқинчилар учун ҳам жуда зарурдир.

Шу ўринда қодирийшунослик тарихида адибларимизнинг фикр-мулоҳазалари алоҳида ўрин тутишини, бу мавзунинг ўзи алоҳида тадқиқ этилиши кераклигини айтиб ўтиш лозим.

Истеъдодли ёзувчимиз Тоҳир Малик ўзининг «Ибрат мактаби» деган мақоласида: «Гарчи «Ўткан кунлар»,

---

<sup>149</sup> Қ о д и р и й А. Ёзувчиларимизга. Кичик асарлар. Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1969. 186-187-бетлар.

«Меҳробдан чаён» севги киссасига ўхшаса-да, унинг замирида Ватан тақдири, Ватан қайғуси ётади»<sup>150</sup>, деган фикрларни ёзиб, адиб романлари моҳиятини Ватанга боғлайди.

Кейинги йилларда Абдулла Қодирий қаҳрамонларининг талқини алоҳида рисола ҳолатига келганлиги ҳам кўзга ташланади. Масалан, Хадича Лутфиддинова «Лолалар ичидаги гул» рисоласида Кумуш образини алоҳида олиб, роман моҳиятини Отабек билан Кумушбибининг ишқий саргузаштлари фонида текширади. Рисолада роман воқеаларига параллел равишда Кумушни «етақлаб» юриш, шу зайл сюжетни қайта баён этиш ва ёзувчининг тасвирлаш санъатига, маҳоратига урғу бериш йўлидан борилади. Гарчи, чуқур илмий асосини очиб бермаса-да, эстетик идеал тушунчасига такрор ва такрор мурожаат этади. «Асар муҳаббат, висол ва ҳижрон асосига қурилган» (Х.Лутфиддинова). Айни туйғулар ифодасини, бадиий талқинини биринчи планга кўтариб чиққан тадқиқотчи ҳатто, романнинг «тарихий» дея сифатланишига бир оз иштибоҳ билан қарагандек бўлади. «Ўз даври ва замонасининг «Тоҳир ва Зухра»лари бўлган Отабек ва Кумушбиби ўртасидаги соф ва самимий муҳаббат ҳақида ҳикоя қилувчи бу асар ёшлар муҳаббатига асосланган психологик ишқий романдир. Бироқ, ижодкор ўзи қаламга олган тарихий даврнинг ижтимоий, иқтисодий манзараларини, воқеа ва ҳодисалар рўй берган вақт ва замонни, маконни аниқ факт ва деталлар асосида тўлиқ ёритишга ҳаракат қилганлиги сабабли, кўпчилик асарни тарихий роман деб исботлашга уринади.

Бизнингча эса, Отабек ва Кумуш, уста Олим ва Саодатлар ўртасидаги энг олий инсоний муносабат - севги ва муҳаббатни эстетик идеал даражасига кўтариб ифодалаб бериш ижодкорнинг чин мақсад ва армони эди»<sup>151</sup>.

Эҳтимол, рисолага сўнгсўз ёзган адабиётшунос олим М.Қўшжоновнинг: «Бу рисолани қисқача шундай таърифлаш мумкин: «Ўткан кунлар» муҳаббат ҳақида яратилган, эскирмайдиган, замонлар тўфонига бардош бера оладиган

<sup>150</sup> Тоҳир Малик. Ибрат мактаби. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2003 йил, 19 сентябрь.

<sup>151</sup> Лутфиддинова Х. Лолалар ичидаги гул. Тошкент: Ўзбекистон, 1994. 26, 45-бетлар.

кўшиқдир. Ёш олима бу кўшиқни ўзича нафис дид билан қалбидан ўтказиб, янгича куйга солмоқчи бўлибди. Унинг меҳнати бекор кетгани йўқ, у мақсадига эришган», деган фикрига кўшилиш мумкиндир. Аммо «Ўткан кунлар»нинг тарихий романларнинг қайсидир таснифи доирасига кириши ҳеч мунозарасиз масаладир. Бунга адибнинг ўзи ўша пайтдаёқ роман номидан сўнг «Ўзбеклар турмишидан тарихий рўмон» деб аниқлик киритиб қўйган. Қолаверса, бадий асар ва илмий рисолалар кийматига нафақат адабиётшунос олимлар, балки ўқувчидек бетараф баҳоловчи, вақтдек бешафқат ҳакам ҳам ўз баҳосини беради.

Ўзбек адабиёти тарихидаги нодир дурдона, чўнг эстетик ҳодиса бўлиш «Ўткан кунлар» романини гоҳ тарихий-ижтимоий ҳодисаларга боғлаб бир қирғоққа, гоҳ ишқ-муҳаббат чизигига урғу бериб, иккинчи қирғоққа олиб кетиб қолишликлар илмий талқинда ўзини оқламайдиган воқелиқдир. Талқиндаги муҳим хусусият бадий талқин моҳиятига муносиб, мувофиқ ҳолис илмий гапни айтишдир. Бу илмий фикр ифодасида муайян тизимга, маълум бир метод ва методологияга, мантққ измига таянишлик талқиннинг нақадар илмий ва ишонарли бўлганлигини кўрсатади.

Х.Лутфиддинованинг баҳс уйғотадиган юқоридаги тезисларига ўхшаш фикрлар «Гулларнинг раъноси» номли рисоласида ҳам мавжудлигини ўтган бўлимларнинг бирида айтилади. Умуман олганда, биз янгича тафаккур, янгича талқинларга янгиланган давр имкониятининг маҳсули тарзида қараямиз. Бироқ, занжирланган филнинг занжири бўшатиладиган кейин ҳам қозик атрофида тўхтовсиз айланиб турганига монанд биздаги айрим эскича фикрли адабиётчилар ҳали ҳам бир жойда айланаётгани ҳазм қилиб бўлмайдиган ҳодисадир.

Баъзан эстетик воқелик ҳис этилмасдан бадий асар қаҳрамонларини гуруҳлаш, туркумлаш кўзга ташланиб қолади. Гоҳ ёзувчини алқаб, қаҳрамонни қоралаб, гоҳ санъатнинг мумтоз қоидаларини топтаб, қайсидир қаҳрамонларни оқлаб қалам сурмоқдамиз. Яқин кечмишда муайян метин назарий қолипга айланган, анъанавий «ижобий» ва «салбий» сифатларни қўллашга бир оз истиҳола қилган ҳолда, уларнинг синонимларини қўлаб, эскича фикр,

эскича талқинлар доирасида тентирашлар ҳам сезилади. Холбуки, санъат - образли воқелик, рамзлар типидир. «Унутилган тил»ни (Э.Фромм таъбири) қайта идрок этиш янгича тафаккур учун имконият оstonаси ҳисобланади.

Бадий асар қаҳрамонларини қоралаш-оқлаш йўналиши «рамзлар тили»ни жунлаштиради; камалакдек сержило санъатнинг юксак салоҳиятини тубанлаштиради.

Юсуфали Шоназаров «Мумтоз тасвирнинг юксак бадийяти» мақоласида «Ўткан кунлар»даги Зайнаб образига диққатни қаратади. Бу образни одам-инсон сифатида тушунган ва тушунтирган олимлар фикрини, унга ачиниб қараганларнинг мулоҳазаларини ҳазм қила билмайди. Х.Лутфиддинованинг: «Зайнабни қоралашга бизда етарли далил йўқ... Кумушбибини гина-кудратсиз, адоватсиз, ҳожи оталари айтганидек, эгачи-сингилдек кутиб олади. Эри ва кундоши ораларидаги муҳаббатни тан олганлиги учун ҳам муросага кўнади. Ҳатто кундоши уни холи топиб сўз билан «чақиб-чақиб» олганда ҳам Зайнабни «тўппи тикиб» ўтирган ҳолда кўрамыз» («Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1993, №4), деган фикрларига мутлақо қўшилмаган Ю.Шоназаров романдан Зайнабни қоралайдиган эпизодларни эсга олади. «Ўткан кунлар» романидаги Зайнаб образини «оқлаб бўлмаслиги» хусусидаги фикрларига хулоса ўлароқ муаллиф шундай ёзади: «Хуллас, Зайнабнинг қисмати ҳам, муҳаббати ҳам ачиниш уйғотадиган эмас, балки нафрат уйғотадиган, инкор этиладиган, ҳеч бўлмаганда маъқулланмайдиган мазмун ва моҳиятга эга»<sup>152</sup>. Табиийки, ҳар талқинчининг ўз эстетик диди, назарий билими, таянч дунёқараши бўлади.

Демак, талқинда умумназарий, ижтимоий-сиёсий омиллардан ташқари, адабиётшунос-талқинчининг индивидуал назари ҳам, шахсияти ва жинсияти ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фикрий хилма-хиллик ва сўз эркинлиги учун имконият юзага келган муҳимда бадий асарларни янгича талқин қилишга эътибор кучаяди. Ҳатто, адабиёт тарихида аниқ, реал илмий талқини, асар ғоясига, умумпафосига муносиб таҳлили мажуд бўлган ҳолатларда ҳам гоҳида, гарчи, бир оз сунъийроқ туюлса-

<sup>152</sup> Шоназаров Ю. Мумтоз тасвирнинг юксак бадийяти. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2000 йил. 3 ноябрь.

да, янгича фикр айтиш истаги пайдо бўлади. Бу истак меваси-ҳосиласи эҳтимол қандайдир эътирозга, баҳс-мунозарага ёки қўллаб-қувватлашлар ва «воқелик чегараларига хужум» (Фахриёр таъбири) эканини уқтиришга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Шу маънода Абдулла Қодирий ижоди юзасидан янгидан-янги талқинларнинг майдонга келишини, уларнинг тасдиқланиши ёки инкор этилишини, улар устида баҳс-мунозараларнинг авж олишини илм оламидаги табиий ҳодиса сифатида қабул этмоқ жоиз. Зотан, адиб ижод боғидаги оғочларнинг илдизлари бақувват, мевалари тотлидир. Бу улуғ сўз неъматидан баҳрамандлик қалбга ширин безовталиқ олиб киради. Бу безовталиқ муайян фикр либосини кийгунча, фикр муайян шакл ва моҳият касб этгунча йиллар ўтади, ўйлашнинг адоғи кўринмайди, поэтик маъно чегараларига етиб бориб қолмайди. Абдулла Қодирийнинг эстетик, руҳий дунёсига муносиб талқин ёзиш истаги кўнгилни тарқ этмайди.

\* \* \*

Ўзбек адабиёти, умуман, жаҳон адабиёти тарихи кузатишганда бир ҳақиқат аён бўлади: ёзувчи-шоир асосан ўз дунёсини, ўз ҳис-туйғуларини китобхонга маънавий озуқа-мулк сифатида тақдим этади.

Назаримда, Абдулла Қодирий романларининг умр бокийлик асосларини энг аввало адиб шахсиятидан, дунё-қарашини шакллантирган заминдан, адабиётдаги абадий мавзуларнинг маромига етказиб тасвирлашидан, сўзнинг руҳиятга таъсиридан ва шу сингари кўзга кўриниб-кўринмай турган ҳамда ҳисга таъсир этиб-этмай турган қатор унсурлардан излаш керак.

Муҳаббат - адабиётнинг абадий мавзуси.

Бу хусусда жамики ижодкорлар қалам тебратган. Адабиёт тарихида бу мавзунини четлаб ўтган ёзувчи, шоир ёки драматургни топиш амри маҳол. Абдулла Қодирий романларида инсон қалбининг энг ноёб жавҳари бўлмиш айни туйғу покиза либосларга бурканади.

Отабекнинг Кумушга муҳаббати, Зиё шоҳичи таъбири билан айтганда, «бир ишқ, ҳам чин бир ишқ» эди, шубҳасиз. Кумушнинг «Сиз ўшамми?» деган мажзуб саволи, қутилмаган



бахтнинг нафаси қизлар дунёсини ўз оғушига олди; уларни мафтун этди. Романдаги муҳаббат фожеаси тасвирланган саҳифаларни ўқиган йигиту қизлар баробар хўнг-хўнг йинглайдилар: ҳар эслаганларида чуқур хўрсиниб, хомуш тортадилар. Инчунун Отабек ва Кумуш муҳаббатида илоҳий бир робита ҳам бор эдиким, уларнинг ишқ-муҳаббати кейинги йилларда ишқи илоҳий ўлароқ талқин этилиши ҳам шундан.

Нима бўлганда ҳам, Қодирий романларида ошиқлар қалбининг садолари юксак бир оҳангга тараннум этилгандир.

Модамики, бадний адабиётда марказий ўринни инсон эгаллар экан, унинг ҳис-туйғулари, руҳи, умр мазмуни, ҳаёт ва ўлимга қарашлари ифода этилар экан, тақдир ёки тақдири азал деган бир жумбоқ ҳам адабиётнинг азалий ва абадий мавзуси бўлиб қолаверади.

Тақдир. . .

Ислом арқонида тақдир иймон шартларидан бири ҳисобланади.

«Оламда ҳар бир бўладиган нарсаларни ва қилинадиган ишларни Аллоҳ таолонинг азалда тайин ва муқаррар қилиб қўймоқлигидир». Аҳмад Ходий Мақсудийнинг «Ибодати исломия» асарида тақдирга ана шундай таъриф берилади<sup>153</sup> Зотан, ислом дини эътиқоди асосида шаклланган Шаръ мумтоз адабиётида, хусусан, ўзбек классик адабиёти тарихида тақдирга тан бериш мотивлари кўп учрайди. Захириддин Муҳаммад Бобур:

Неким тақдир бўлса, ул булур таҳқиқ билгайсиз,  
Эрур жанги жадал, ранжу риёзат барча беҳуда,

деса, шоҳ Машраб:

Балх шаҳрида қонимни тўқар эмиш Маҳмудхон,  
Тақдири азал бўлса, найлай нага бермай жон,

дея ожизлигини тан олади.

Биз кўп ҳолларда «Ўткан кунлар»ни мутолаа қилганда нима учун Отабек Марғилондан уйланади, нега икки марта

<sup>153</sup> Қаранг: Аҳмад Ходий Мақсудий. Ибодати исломия, Тошкە Меҳнат, 1991. 8-19-бетлар.

уйланади, нима сабабдан Кумуш ўлди, Зайнаб жинни бўлди, деган саволларни хаёлдан ўтказамиз.

Аслида роман жиддий кузатибса, адиб ўрни-ўрни билан барча жумбоқларни тақдир ҳукмига боғлаб ўтганиги яққол кўринади.

«Ўткан кунлар»нинг дастлабки саҳифаларидаги суҳбатдаёқ Ҳасанали Отабекнинг уйланиши хусусида шундай бир изоҳни сўзлайди: «Бек учун бир неча жойларга қиз айтдирмак исталинган бўлса ҳам, аввал тақдир битмаганлик, ундан кейин бекнинг уйланишга бўлгон қаршиликларидан шу кунгача тўй қилаолмай келамиз. Улуғ хўжамизнинг қатъий ниятлари бу сафардан қайтгач, бекни уйландиришдир»<sup>154</sup>. Бошқа бир саҳифага назар соламиз.

Отабекнинг ишқидан хабар топган Ҳасанали Зиё шоҳичиникига маслаҳатга келади, сўнгра биргалашиб Мирзакарим кутидорнинг уйига совчи бўлиб борадилар. Кутидорнинг ризолик жавобидан жиндай хавотирга тушган Ҳасанали: «Тақдир битган бўлсин-да», дейди. Зиё шоҳичи эса: «Иншооллоҳ битар, шундоғ йигитни куявликка қабул қилмаган бир кишини биз одамга санамаймиз», деган гапни айтади (35-бет).

Орада ҳол-аҳвол сўровлар, дастурхонга мулозамат бўлиб, сўнгра «сўз ўнқови» келганда Зиё шоҳичи мақсадга кўчади: «...Шариат ишига шарм йўқ, дейдилар ўртоқ, агарчи сиз билан менга бир мунча оғирроқ бўлса ҳам яна сўзлаб ўтишга ҳожат бор: кунлардан бир куни тақдир шамоли юрадирда, бир кимсанинг иффат пардаси остида ўлтурган қизининг юзидаги ниқобини кўтариб, иккинчи томондан бизнинг Отабекни шу афифа (покиза қиз)га рўбарў қиладир. Шу дақиқадан бошлаб бекда у афифага қарши бир ишқ, ҳам чин бир ишқ туғуладир...» (36-бет).

Бундаги «тақдир шамоли» бирикмаси романнинг бутун воқеа-ҳодисалари-ю қаҳрамонларини ўзаро мустаҳкам жипслаштирувчи ўзак воситага ўхшаб кўринади.

Роман айнан шу «тақдир шамоли»нинг тафсилотлари-ю тавсифлари ва тасвирлари йўлида дунёга келади. Зотан...

---

<sup>154</sup> А б д у л л а «Қ о д и р и й. Рўманлар. Ўткан кунлар, Меҳробдан чаён. Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1992. 11-бет. (Кейинги кўчирмаларда китобнинг саҳифа рақами кўрсатилади).

Агар «тақдир шамоли» бўлмаганда, Отабек Кумушнинг рўбарў келмас эди...

Агар «тақдир шамоли» юрмаганда, Отабек Кумушнинг уйланмас эди...

Агар «тақдир шамоли» елмаганда, Марғилон билан Тошкент орасидаги ширин ва аччиқ сарғузашилару Ўзбек ойимнинг орзу-ҳавас йўлидаги ўжарликлари юз бермас эди...

Агар «тақдир шамоли» эсмаганда, Кумуш билан Зайнаб кундош ҳам бўлмас эди...

Агар «тақдир шамоли» ...

Ҳаяжонга жилов солиб, совчилар суҳбатининг давомига қайтайлик.

Бу нозик масала Мирзакарим қутидорни бир оз ўйга толдиради, Офтоб ойимни мутлоқ эсанкиратиб қўяди. Ўзининг яккаю ёлғиз дилбандидан айрилиб, жудолик азобига тоқат қила билмаслигини сўйлаганда: «Сўзларинг тўғри хотин, - дейди ўйланиб Қутидор, - лекин тақдир битганидами нима бўлса ҳам бу йигитга қарши кўнглим жизилла турадир...» (37-бет).

Хуллас, тақдир икки ёш кўнгилнинг озода висоли тарзиде битилган эди.

Воқеалар ривожига юз тутади. Бир ўринда Отабек тухматга қолиб, Ўтаббой кушбеги томонидан сўровга олинади:

« - Ўзингиз тошкандлик бўлганда, нима мажбурия остида Марғилондан уйландингиз? Жавоб берингиз.

- Тақдир, тақсир» (60-бет).

Бошқа сўзга, ўзгача жавобга ўрин йўқ. Юсуфбек ҳожиде комил мусулмон кишининг тарбиясини олган Отабекнинг турли важларни кўрсатиб, билжираб ўтирмасдан шундай қисқа, лўнда, мантлики ва аниқ жавоб бериши мумкин эди.

Романнинг иккинчи бўлимида «Кумушнинг сўз ўйини» деган боб бор.

Кумуш Тошкентга келганидан кейин бўлиб ўтган можароларни, унга аралашган кишилар ва улар йўлига кимлақ тўсиқ бўлганини рамзий бир суръатда Зайнабга сўйлаб беради. Отабекнинг қувланишига, аразлашувларига Ҳомид сабабчи эканини айтади ва хулосалаб Кумуш:

« - У ҳам эмас, бу ҳам эмас, - деди, - ҳаммаси Худонинг тақдири.

Отабек:

- Ана энди тўғри айтдингиз.

Кумуш:

- Икки ўртада дум кидириб қудокдан ҳам ажралгон пучук ойимнинг ҳоли ҳам Худонинг тақдири!» (265-бет).

Бу охирги сўз бевосита Зайнаб ҳаётига тегишли эди, бироқ Зайнаб уни тузукроқ илғай олмай қолади. Суҳбат мавзуси бошқа ёққа бурилади, Отабек қулимсирайди.

Қодирий қахрамонлари табиий равишда тақдири азал ҳукми остида ҳаракат этадилар. Баъзи ўринларда адиб ўз қаламининг ожизлигини тан олиши ҳам шундан бўлса ажабмас.

Қодирий қахрамонларини судрамайди, мажбурламайди, улар яқунга ўз табиатлари мантиғига кўра табиий борадилар. Шу жумладан ўлим остонасига ҳам.

Агар шундай бўлмаганда эди, тақдири азал ҳукмидан қочиб қутила билмаган Кумушбибининг жасади устида Қодирийнинг ўзи юм-юм йиғламаган бўлур эди.

Айни тақдир тушунчаси билан боғлиқ ўринларни адибнинг «Меҳробдан чаён» романи қахрамонлари оламида ҳам кузатиш мумкин.

Солиҳ маҳдум ва Нигор ойим...

«Хотинлар маҳдум домланинг баъзи қилиқларидан қулишсалар ҳам Нигор ойимнинг орқасидан ғийбат сўзламаслар, олдида қандай ҳурматсалар кейиндан ҳам ўшанча эҳтиромлаб, унинг маҳдумдек зикна кишининг қўлига қарам бўлганига ачиниб «пешана-да айланай қолу бало» дейишар эдилар» (317-бет).

Кўчирма биз илгари сураётган тезис мафҳумасини тасдиқлаб тушади. Шу боис, ортиқча изоҳга берилмасдан кузатувда давом этамиз.

Анварнинг болалиги тасвир этилган саҳифаларга синчиклаб назар соламиз. Опаси Нодира ночорлик оқибатидан уни Солиҳ маҳдум эшигига етаклаб келган бир саҳна. Ёрдам илинжида остона ҳатлаб келган Нодирага Моҳлар ойим шундай илтифот кўрсатади: «Йиғламанг жувон, йўқлик курсин, йўқлик. Поччаси камбағал бўлса, унда ҳам гуноҳ йўқ. Ҳамма гап тақдири азалдан...» (337-бет).

Табиатан мўмина-муслималиги шундай кўриниб турган ойдин юзли Моҳлар ойимнинг бу сўзларини оддий одатий таскин ёки халқнинг кунлик урфли ҳаётида ихтиёрсиз

равишда қўлланадиган жумлалар сифатида қабул этиш ўринсиздир. Чунки Қодирий сўзни танлаб ишлатади.

Анварнинг мирзабоши бўлиб тайинланиши Сафар бўзчи таъбири билан айтганда «Худонинг бериши»дир; Абдурахмонга омад кулиб бокмаслиги ҳам тақдирнинг иши. Қолаверса, ўз маърузаларида «ҳаммабоп бўлишдан кўра хонбоп» бўлишга интиладиган Абдурахмонча ўз қисматидан норози кўринади; ўз тақдирига ўзи лаънат ҳам ўкйди.

Роман якунидан бир оз олдинги саҳифаларда тасвирланган Солиҳ маҳдумнинг «хонга падари аруслик» кайфи ила маст юрган; Раънонинг хон совчиларидан хабар топиб, йиғлаб-йиғлаб хушсизланган, Нигор ойимнинг чуқур андишалар гирдобида Анварнинг кўзига тик қарай билмаётган бир ҳолатини эсга олайлик. Шунда Анвар билан Нигор ойим орасида охириги марта шундай сасли ва сассиз суҳбат бўлиб ўтади: «Нега йиғладингиз? Тақдирни ўзгартириб бўладими? Хафа бўлиш яхши эмас, сиз шундай бўлсин деганмидингиз...

Нигор ойим жавоб қайгармади, йиғлаган кўйи меҳмонхонадан чиқишга ошиқди» (458-бет).

Анварнинг гап оҳангида исён йўқ, ризолик, тақдирга тан беришга ўхшаш кайфият бор. Анвар ўзининг Раънодан буткул ажралган ҳисоблайди, шу зайл овунтирмоқ истайди. Анвар сўзлайди: «Сенинг мурассаъ (қимматбаҳо тошлар билан безалган) халтачага ўхшаш кичгинагина юрагинг бор, ичини қийматли тошлар билан тўлдиргансан. Бу кун қазо муншийси (Аллоҳнинг иродаси, тақдири) шу мурассаъ халтачадаги қийматли тошлар орасига кўпол бир нарса келтириб тикди... Табиий, сенинг кичкина юрагинг бу кўполликни кўтара олмади, қийматли тошлар сиқилдилар, сен йиғладинг, сенинг каби мен ҳам шу кўполликни қабул қилишда қаттиқ энтиқдим, бироқ йиғламадим...» (460-бет).

Романдаги жамики кўзлар (ҳатто, юқорида сўзларини келтирганимиз «Раънонинг эгаси»нинг кўзлари ҳам) Раънони хон ҳарамидида кўрар эдилар. Бечора Нигор ойим: «Тақдирга ҳеч нарса деб бўлмас экан...», дея нафасини ичига ютади. Султонли мирзонинг хотини: «Тақдири азал, айланай», деб унга ҳамдард бўлади (464-бет).

Бироқ, романдаги «рамз»ли хатдан ва айниқса, «Жасур қиз» бобидан кейин ҳолат-обстановка буткул ўзгаради. Албатта, бу жараёндаги воқеа-ҳодисалар натижаси сизга маълум.

Романдаги ана шу «бахтли ечим» кимгадир ғайритабиий, кимгадир романтик ва қаҳрамонлар тақдирига адибнинг ўзи ҳукм ўқигандек таассурот бериши ҳам мумкин.

Эътибор берайлик: роман дунё юзини кўрган маҳали «тақдирни қўл билан яратур инсон» дея хайкира бошлаган бир адабий авлод ҳам адабиёт майдонига сафланаётган эдиким, баҳарҳол Қодирийнинг ечимини ўша авлод овозига жўрлик ўлароқ талқин этиш тўғри бўлмаса керак.

Қолаверса, бадий адабиётнинг - айнан санъат маъносидан - даргоҳи кенг; адабиёт ҳаётда бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисаларни ҳам, ҳаётда бўлмаган ёки бўлиши мумкин бўлмаган нарсаларни ҳам гоҳида қамраб олаверар экан.

Шу маънода Абдулла Қодирий асарларининг қаҳрамонлари тақдирида асосан - аксар ҳолатларда илоҳий бир ҳукм овози жаранглайди; баъзан элас-элас ёзувчининг саси ҳам эшитилгандек бўлади.

\* \* \*

Биздаги адабий-илмий талқинлар ва таҳлиллар доираси кенгаймоқда; жаҳон адабиётшунослигидаги ўтқинчи ва етакчи тамойилларга кизикиш кучайди. Бадий асардан фақат ижтимоий маъно излашдан чарчаганимиз ва бу усулда нафис адабиётни жўнлаштириб қўйишимиз эҳтимоли кучайгани сабабидан йўллар изламоқдамиз. Зотан, айна ҳолат 60-йиллари француз адабий муҳитида ҳам юз берганидан ва натижада уларда психологик, биографик, структурал таҳлиллар кучая борганидан хабардормиз. Бизда ҳам ҳозир шунга яқин бир кайфият бор. Мана етмиш йилдирки, олимларимиз «Ўткан кунлар» юзасидан кўп қимматли фикрлар билдирганлар. Бир томондан қаралса, роман ҳажмидан бир неча бор катталашиб кетган илмий талқинларда гўё ҳамма фикр-мулоҳазалар айтилиб бўлингандек кўринади. Аммо, боқий ва тирик асар жозибаси уни фақат йиллар ва асрлар суронидан эмас, балки турли-туман танқидлару зарурати бўлмаган олқишлар доирасидан ҳам омон олиб чиқаверади. Шу сабаб унга мурожаат учун асос ҳам топилади.

Ривоят: Набира бобосидандан: «Бу ҳаёт нима?», деб сўрайди. Бобо: «Азон ила намоз орасидир», дейди. «Бу нима деганингиз, бобожон? Умр шу қадар қисқами?»

«Ҳа, шу қадар қисқа, аммо бу азон ва намоз нима эканлигини биласанми?»

Албатта, набира бунинг маъносини билмас эди.

«Азон - бу намозсиз азондир, яъни одам туғилган пайтда қулоғига азон айтилади, бироқ намоз ўқилмайди.

Намоз - бу азонсиз намоздир, яъни инсон ўлганда жаноза намози ўқилади, аммо азон айтилмайди. Мен шуни назарда тутдим, тойчоғим!»

Ривоят мазмуни шундай ва негадир мен Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»ини, чексиз замон қаршисида бир неча сонияга ўхшаган инсон умрининг сувратини абадийлаштирган романи шу ривоят ичига жойлангандек кўраман.

Биласизки, «Ўткан кунлар»дан ҳаёт нафаси уфуриб туради. Қахрамонлар сиз билан бир ҳаводан нафас олади, уларнинг юрак уришлари эшитилгандек бўлади: гўё Отабек билан ёнма-ён юрасиз, зиёфатларда бирга ўтирасиз. «Сиз ўшами?» деган ҳаяжонли саволни хотира деворига муҳрлаб қўясиз. Юзларидан нур ёғилиб турган Юсуфбек ҳожининг пурҳикмат ўғитларидан баҳра оласиз. Кумушнинг аччиқ қисматини кўриб, беихтиёр кўзларингиз ёшланади. Зайнабга «бечора», дейсиз, «мажнуна», дейсиз. Хўлас, асардаги салобат ва маҳобат, ёзувчининг ички манералари ва маҳорати сизни ўзига ром этади. Негаки, романда жон бор, тириклик бор, унда «икки эшик ораси»даги умр-моҳияти мужассам.

Романда бор-йўғи беш-олти йиллик воқеа-ҳодисалар қаламга олинади, аммо китобхон мутолаа жараёнида ундаги ҳар бир қахрамоннинг бутун умрини нисбатан тўла-тўқис ва теран тасаввур қила олади.

«1264-нчи ҳижрия, далв ойининг 17-нчиси, қишқи кунларнинг бири, қуёш боткан, теваракдан шом азонини эшитиладир...».

Романнинг мазкур муқаддимасига ҳар ким ўзича маъно беради. Бунинг ўзига хос «бисмиллоҳ», дея изоҳлайди бир ёзувчи. Бундаги қиш қунига, қуёш ботишига, шом қирганига диққат қилади яна бир қаламкаш. Униси ҳам, буниси ҳам тўғридир, эҳтимол.

Аммо, биз ўша жумладаги азонга эътибор бердик, унга туғилиш, сержозиба қахрамонлар учун айтилган илоҳий калималар, дея маъно бердик. Шайтонларни қувлаш

маросими, дея тушундик. Азон - биринчи эшик остонаси, дедик. Эҳтимол, уни энди туғилаётган роман жанри учун янграган илоҳий садо ўларок қабул этиш ҳам мумкиндир.

Зотан, бобонинг набирага берган ўтигига кўра, ҳаёт, бу ниҳоятда қисқа: азон ва намоз оралиғидир.

Оралиқ масофа чексизликка нисбатан бир сония, бир сонияга нисбатан чексиздир. Бу оралиқда инсон умри, Отабек, Кумуш, Зайнаб, Юсуфбек ҳожи, Ўзбек ойим ва бошқа қаҳрамонлар умрининг моҳияти мужассам. Зотан, бу оралиқда бахт ва бахтсизлик, висол ва айрилиқ, ғам-тишвиш ва сурур ёнма-ёндыр.

«Ўткан кунлар»нинг илк саҳифасидан азон овози эшитилса, охирги бетларида Кумушнинг ўлим тўшагида ётган ҳолатининг, азонсиз намоз-жаноза маросимининг тасвири берилади. Дафн маросимига, жанозага «Тошканднинг ҳар бир маҳалласидан деярлик кишилар» қатнашгани айтилади. Шунингдек, роман «Хотима»сида Отабекнинг жангда, ўрис билан бўлган тўқнашувда қаҳрамонлик кўрсатиб ўлгани ҳақида хабар берилади. Отабек шаҳидлар силкига тизилади.

«Юсуфбек ҳожи хатми Куръон қилиб юртка ош берди, Ўзбек ойим қора кийиб таъзия очди».

Роман шу жумлалар билан яқун топади.

«Ўткан кунлар» шакл эътибори билан ҳам, мазмун ва моҳият эътибори билан ҳам азон ва намоз оралиғидаги микроламнинг макросувратиدير. Бу маҳобатли манзаранинг кичик бир ривоят ичига жойланиши кимгадир сунъий ва ёки жуналишгандек таассурот бериши мумкин. Начора, турли китоб ва мақолаларда бир неча топқир чала-ярим қайта сўзлаб берилган роман сюжетини такрорлашни истамаганим ва умуман, бадий асарга янгича ёндашувлар юзага келишини орзулаганим учун ўзимча шу юқоридаги «кашфиёт»ни ёздим.

\* \* \*

Адабий замон ва макон тушунчалари бадий асарнинг поэтик талқини учун муҳим аҳамият касб этади. Адабиётшунослиқда «хронотоп» атамаси билан юритиладиган айни тушунчаларнинг қамрови ҳам, бадий асар қурилмасига,



мазмун-моҳиятига оид турли назарий унсурлар билан боғланиш нуқталари ҳам жуда кенг.

Бадиий асар ичкарасида воқеалар юз берадиган, қаҳрамонлар ўзаро тўқнашадиган, учрашадиган адабий макон ва замон чинакам санъаткорлар ижодида поэтик қатор, имманент тизим ҳолатига келган бўлади. Бу ижодкорнинг истеъдоди, санъаткорлиги, фаҳм-фаросати, услуби, воқеликни «коргизиш» манерасига ҳам дахлдор масала, албатта.

Тарихий-биографик романларда замон ва макон чегаралари танланган тарихий шахс-қаҳрамон ҳаёти салномасига кўп жиҳатдан мувофиқ келади. Бу табиий ҳол. Аммо, адабиёт оламидаги тарихий асарлар турли асослар устига курилади.

Абдулла Қодирий роман ёзишга киришар экан, мозийга назар ташлайди. Мозий эса замон ва макон жиҳатдан чексиз ҳамда абстрактдир. Адиб «мозий»га аниқлик киритар экан «яқин ўткан кунлар», «хон замонлари» бирикмаларини илова қилади. Зеро, биринчи ўзбек романи «Ўткан кунлар»нинг номланишида замон-вақт ифодаси мавжуд.

Аслида инсон ақли билан чегараланган замон-вақт эралар, асрлар, йиллар, фасллар, ойлар, ҳафталар, кунлар, соатлар... - бутунликни, астрономик қаторни тапқил этади. Ижод ақли тасвирлаётган воқеа-ҳодисаларининг ишончлилик қувватини ошириш учун шу астрономик вақтдан турли йўсинда ўз дунёкараши, маҳорати, фаҳм-фаросатига қараб фойдаланади. Бошқачароқ айтганда, бадиий асарда замон-вақт физикавий мазмундан адабий-фалсафий моҳиятига кўчади.

Абдулла Қодирий вақтдаги «Ўткан кунлар» мавхумотини романнинг биринчи сатрларидаёқ парчалайди. Воқеалар сахнага чиқаётган замон аломатини аниқ битиб кўяди: «1264-нчи ҳижрия, далв ойининг 17-нчиси, қишки кунларнинг бири, кўёш ботқан, теваракдан шом азони эшитиладир...»<sup>155</sup>. Романнинг бошланиши шундай, айни чоғда, адибнинг асар ичидаги вақтни ифодалаш принциплари ҳам ушбу жумлада мужассам топган.

<sup>155</sup> Абдулла Қодирий, Рўманлар. «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чақил Тошкент: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. 3-4 (Кейинги кўчирмалар ҳам шу манбадан олинади ва қавс ичида саҳифа рақам кўрсатилади).

«Ўткан кунлар»даги давр қамровини белгилаш учун роман охирига назар ташлаймиз. Кумуш ўлган, унинг мозорига «тошдан ўйиб ясалган лавҳа» қўйилган. Ўқиймиз: «...Кумушбиби бинти Мирзакарим Марғилоний тарихи таваллуди 1248 вафоти 1269 ҳижрий, жумад-ул аввал...» (374-бет). Гарчанд Қаноатшо Авлиё отадан Юсуфбек ҳожига мактуб йўллаб, Отабекнинг шаҳидлиги хусусида (роман «Хотима»сида берилишича) ҳижрий 1277 йил кузида хабар берган бўлса-да, «Ўткан кунлар»даги воқеалар ҳижрий 1269 йили яқун топади. Демак, роман ичкарасида тахминан беш-олти йиллик замон бор.

Бу ораликда 1265, 1267 каби ҳижрий йил саналари қайд этилади. Улар асосан романдаги мактублар охирида берилган. Масалан, Юсуфбек ҳожи Отабекни Тошкентдан ҳам уйлантириш ниятини билдириш учун Қутидорга хат йўллайди; ёзувчи унинг охирига «12-нчи савр (22 апрель - 21 май) ойида 1265 ҳижрияда ёзилди» саналарини қўяди.

Сюжет воқеаларини кульминация ва ечим томон ҳаракатлантираётган ёзувчи ора-орада «бир ойлаб кечикиш», «бир ярим ойлаб вақтни Марғилонда ўтказиш», «орадан икки ойлаб фурсат ўтиб кетди», «ўғлини энди уч ойлаб қўзғалмай қолиши», «беш ойлаб Оқ масжид сафаридан юриб келгач», «ғайри машруъ талок хати тикканига олти ойларча фурсат ўтиб кетган эди», «бу воқеъага ўн саккиз, ўн тўққиз ойлар ўтиб кетган эди» тарзидаги жамланган, чамаланган адабий вақт белгиларини қўллаб боради.

Абдулла Қодирий баъзан адабий вақт-замон ифодаси учун муайян йил фаслига мурожаат этади. Бунда адиб кўпроқ, айрим қодирийшунослар тўғри таъкидлаганидек, қаҳрамон руҳиятига вақт-фасл манзарасини сингдириб юборади.

Масалан, Отабек ота-она орзуига кўра уйланмоқчи. Марғилонга жўнаган. Бироқ оёғи тортмайди. Бу галги совға - «совуқ хабар». Йўлда кетаркан, «отининг бошини ўз ихтиёрига қўйган». Атрофида эса баҳор фаслининг ажиб нафаси. «Ҳозир кўклам кунлари: қирлар, тоғлар, сойлар; кўк-кизил, оқ-қора, сариқ-зангор, пушти-гўлас ва аллақанча ранглик чечаклар билан устларини бежаб, қиши билан тўнгиб аранг етишкан ошиқларига янги ҳаёт, янги умид берадилар...» (138-бет).

Кўш ҳайдаётган деҳқон ашуласидаги: «Икки ёрни ажратувчи бу фалакнинг гардиши!» сатрлари гўё Отабекнинг истиқболидан сўйлайди. Кўкда парвоз этаётган, эркин қанот қоқётган қалдирғочлар ҳолати Отабек руҳиятига монанд эмас. Романнинг «Қоронғу кунлар» бобида яна кўклам тасвири берилади. «Баҳорнинг бу кунги сиҳирлик куни Отабекни ҳам қитиқлади». Али билан Мингўриқка кимизхўрликка чиқди. Аммо Отабек руҳиятида кемтик бор: «Отабек табиъатнинг шу кўркем ва латиф кўринишига мафтун бўлиб, бир оз ётқандан кейин «ул ҳам бўлса эди» деб ўйлади ва узоқ тин олиб қўйди» (285-бет).

Баҳор фаслининг ҳар икки ҳолатдаги манзараси ҳам Отабек кайфиятига зид-контраст равишда берилса, бир ўринда куз фаслининг ҳар икки ҳолатдаги манзараси ҳам Отабек кайфиятига зид-контраст равишда берилса, бир ўринда куз фаслининг чизгиси Кумушбиби руҳиятига параллел келади: «Куз кунларининг оёғи ва киш кунларининг боши эди. Дарахтлардаги сариқ барглар тўкилиб тугаланган, ер юзи ўзининг кишки сариқ кийимини кийган эди... Ҳаво очик бўлиб, қуёш тузиккина кўтарилган, аммо унинг ҳам бу кун унча таъсири йўқ, бу кунги қора совуқ қуёш кўчини-да кескин эди.

Ўрта эшиқдан Кумушбиби кўринди. Бурунги тўлалиғи кетиб озғинланган...» (209-бет).

Албатта, Қодирий йил фасллари ни замон-вақт ифодаси учун, янада муҳимроғи, қаҳрамон руҳий кечимини теранрок, ёркинроқ намоён этиш учун онда-сондагина бериб ўтади.

«Ўткан кунлар»нинг биргина жойида ҳижрий-қамарий йил ҳисобининг бешинчи ойи - «жумад-ул аввал» ёзилади. Бошқа саҳифаларда «27-нчи далв», «17-нчи савр», «17-нчи жавзо», «саратоннинг иккинчи куни...» сингари шамсий ҳисоб ой номларига кўзимиз тушади.

Инсон ўз ақлича чегаралаб, номлаб олган ибтидо ва интиҳосиз замон тушунчасининг муайян чекли бўлагини кун - йигирма тўрт соатлик вақт ташкил этади. Албатта, бу ҳисоб учун қуёш ҳаракати, яна ҳам тўғрироғи, Ернинг ўз ўқи тегарасида айланиши асосдир.

Кунлик воқеа-ҳодисалар тасвири-тавсифида ижод аҳли чексиз замоннинг айни парчасига жуда кўп мурожаат

этадилар. Ва аксар ҳолатларда қуёшнинг чиқиши ва ботиши ёки соат милларининг югуришини вақт белгиси-аниқлиги учун илова қиладилар.

Қодирий романларида кунлик вақтнинг «қуёш ботган», «сахар пайғи» ёки «бу кун соат ўн иккида...», «ҳозир соат кечки еттилар бўлиб қолган...», «кечки соат тўртларда...» тарзидаги ифодаси онда-сондагина кузатилади.

Гоҳи айни тарздаги ифода ёнида кичик бир изоҳ келади: «...қуёш ботқан, теварақдан шом азони эшитиладир», «сахар вақти туриб чой ичадилар. Субҳ намозини ўқиб, арава қўшилди», «Кечки соат тўртлар, асрдан бир оз эртароқ ҳукмат аскари билан халқ орасида уруш бошланди...».

Вақт аломатининг ифодаси учун «шом азони» (шом вақти), «субҳ намози» (бомдод вақти), «асрдан бир оз эртароқ» (аср вақти) шаклидаги кичик бир изоҳ, аниқроқ қилиб айтганда, кунда фарз ўлароқ беш маҳал адо қилинадиган намоз вақтлари Абдулла Қодирий романларида жуда юксак маъно касб этади; яъни адабий замоннинг поэтик тизими-қатори даражасига кўтарилади; деярлик ҳар доим кунлик вақт белгиси, тилшунослар таъбирича, пайт ҳолининг ифодасида намоз вақтлари асосий ўринни эгалайди.

«Халқимиз таъбирича, бу замонлар «муслмонобод» бўлса-да, бироқ бу тантаналик таъбирни бузиб кўятурган ишлар ҳам йўқ эмас эди. Хон муслмон, бек муслмон, халқ муслмон, бунинг устига юриш-туриш ҳам муслмонча, ҳукмлар ҳам шариятча эди... Бутун умрида пешонаси сажда кўрмаганлар ҳам кўб, аммо фарзи айнинг бош томонидан тўрт-беш жумлани ҳар ким қийналмасдан сайрай олар эди...» (213-214-бетлар).

Адиб шундай замин ва даврнинг манзарасини, бутун зиддиятларию жозибасини, айнан ўша тарихий замин ва замонда истиқомат қилаётган инсонлар шуурида мужассам топган ўлчамлар билан тасвирлаб, адабиёт бўстониининг умрбоқийлик гулшанидан ўрин олишга мушарраф бўлади. Бу фикр исботи учун романда исталганча далил топилади.

Айнан шу услубдаги нозик ва латиф йўллардан ўтиб, бутун борлиги билан «Ўткан кунлар» ичига кириб кетган ўқувчи ёзувчининг мазкур нафис поэтик деталарини сезиб-сезмай мутолаасида давом этаверади.

..)  
...ғини  
...ас учун  
(185-бет).  
...уши бошидан  
...кланған еридан  
...н, кишилар уйларига  
...). Унинг шу фурсатда  
...о қолганини англаш қийин  
...илонга неча бор баъзан «шом  
...ина келади; бесамар кетади...  
...из иддаосида бўлган тезис тасдиғи  
...и. Бир ўринда Ҳасанали «...шошиб-пишиб  
...р намозини ўқиш учун жойнамоз» ёзади  
...из, романнинг ўнлаб ўринларида «шом билан  
...гасида...», «Шомдан сўнг...», «Кун асрдан оғиб  
...яқин...», «...хаммалари масжидга чиқиб пешин ўқиб  
...иш учун кўзгалдилар», «Субҳ азони айтилиб...» сингари  
...унлик вақт аломатининг ифодасига оид таъбирлар учрайди.

Дарвоқе, энг муҳими, Отабек билан Кумушнинг илв  
учрашув саҳнасини эслайтик. Бу учрашув қачон, қандай сабаб  
асосида юз берди? Адиб бу мажзуб ва беғубор илоҳий фурсат  
учун қандай воситани қўлади? Уқиймиз: «Отабек Марғилон  
келганининг иккинчи куни пойафзал бозорида бўлган эди. Аср  
намозининг вақти ўтиб борганлиқдан ул шундаги  
дўконларнинг бирисидан таҳорат олиш учун сув сўради.  
Кўчадаги сув ариқнинг тегидан-сой оқар, шунинг учун ундан  
фойдаланиш қулай эмас эди. Дўкондор унга сувнинг қулай

ўрнини кўрсатди: «Мана бу бурчакдаги дарвозадан ичкарига кирсангиз ариқнинг юза жойини топиб таҳорат олурсиз», - деди. Отабек дўкондорнинг кўрсатишича, кутидорнинг ташқарисига кирди. Шу вақт тасодифан нима юмуш биландир меҳмонхонадан чиқиб келувчи фариштага кўзи тушди. Кумуш ҳам ариқ ёқасига келиб тўхтагон чингилин йититга қараб қолди...» (61-бет).

Бундай «учрашув» ва «тасодиф»лар ҳам ишқий-саргузашт романлар хронотопида жуда муҳим нукта саналади. Зотан, «Ўткан кунлар»дек дилбар бир роман ҳам, юқорида айтилганидек, «тақдир шамоли» измидаги тасодифий учрашув импульсининг маҳсулидир. Қодирий бу тасодифий учрашувни маҳорат билан уюштирди. Отабек сеҳрланди, гўё «чин бир ишқ»нинг лаззатли тўрига илинади. Турган жойида узоқ қотиб қолади. Ёзувчи бу ҳолатга «қўб кутди, аср намозини қазо қилиб куч билан кутидор уйдан чиқди», дея изоҳ беради. Ҳа, Отабек аср намозини қазо қилган эди.

Яна бир мисол. Роман «Хотима»сидан олдинги «Ой кунни яқин эди» боби. Кечга томон Кумушнинг дарди кучаяди, доя хотин чақирилган, «ўқтин-ўқтин» «дам-бадамга» айланади. Ҳожи хурсанд ва хафалиги номаълум қиёфада «Далойил ул-хайрот» номли китобни ўқиб ўтиради, ичкарига гоҳ-гоҳида кулоқ тутаяди. Ҳожи билан Ҳасанали масжиддан шомни ўқиб уйига қайтгач, Ойбодоқ уларга кечки овқатни беради. Ичкаридан хабар йўқ, овқат ҳам тамоқдан ўтмайди. Отабекнинг дастурхон устида йўқлиги сезилмайди ҳам.

« - Хуфтанга айтилдимиз? - сўради Ҳожи.

- Эшитмадим... Чиқа берсак ҳам бўлар, - деди Ҳасанали...» (366-бет).

Шу маҳал ичкаридан хотинларнинг кий-чуви эшитилади. Ойбодоқ «суюнчи» олади. Ҳожи билан Ҳасанали «шундан кейин хотиржам бўлган ҳолда хуфтан» намози ибодати учун масжидга чиқадилар. Қодирий чақалокнинг туғилиши пайти шом билан хуфтон оралиғидаги вақтни, аynи чоғда, шу вақт ичидаги босимни, хурсанд ёки хафаликнинг мужмал кайфиятини, руҳиятдаги оғирлик ва енгилликни гоятда маҳорат-усталик билан тасвирлайди.

Кузатишимизча, Абдулла Қодирий романларида кунлик замон қисмларининг намоз вақтлари негизида белгиланиб, ифода

этилиши индивидуал услуб, поэтик тизим ҳолатига келганлиги аниқ кўринади. Бунга адиб шууридаги табиий сезим ва туйғуларнинг ифода тарзи, имон-этикодли бир қалам соҳибининг баён усули сифатида қараш ўринлидир. Қолаверса, маҳит колоритини-замон ўлчамларини фаолиятдаги қаҳрамонлар тасаввурича ифодалаш романнинг таъсир қувватини, сиқотлик даражасини оширади ҳам. Бизнинг бунда ёзганларимиз, эҳтимол, кимгадир илмий жиҳатдан жўн, назарий нуқтаи назардан жуда содда ва роман ичидаги оддий замоннинг оддий тавсифига ўхшаб туюлиши мумкин. Ва яна кимдир замонавий жаҳон адабиётида замон ва макон тушунчалари аллақачон зоҳирдан ботинга, жисмдан руҳга, ташқаридан ичкарига, кўнгилга, қалбга, ботиний шуурга, онг ости сезимига кўчиб ўтканлигини иддао қилар, эҳтимол. Начора, бандан ожизлигимиз ва кўпгина жаҳон миқёсидаги алжирашларни ҳали ҳам тузукроқ англай олмаганлигимиз боис «Ўткан кунлар»имиз жозибасидан узоклаша билмай турибмиз.

\* \* \*

Ижод аҳли муайян ғояни, дилини безовта этган ҳис-туйғуни бадиий шаклда ифода қилиш учун турли воситаларни қўллайди. Кимдир бир зарб билан мўъжазгина шеър битиб, кўнглини бўшатади; ором олади. Айтинан сунъийлик ва зўрма-зўраки чиранишлардан узок бундай асарларнинг умрбоқий-лигини муаллифларнинг ўзлари ҳам яхши билади. Яна кимдир бевосита қалбининг ороми учун аллақандай ҳодисани насрий йўсинда тасвирлайди. Бадиияти, композицион бутунлиги, сюжет чизиқларининг параллелизми, воқелик тасвиридаги ички манера, симметрик ҳолатлар ва энг муҳими, қаҳрамонлар дунёсига уларнинг руҳий, маиший, умуминсоний қиёфасига жиддий эътибор беради. Табиийки яққол кўзга ташланган ва муаллифнинг кўнглига яқин бўлган асл қаҳрамонлар бошқалар қалбидан жой олади.

Ҳар доим эсга олинадиган, айниқса, ўзининг оригинал дунёсига эга қаҳрамонлар янги назарий фикр айтиш учун имкон яратади. Бу тоифа қаҳрамонлар ўзбек адабиёти тарихида мавжуд, албатта. Қайсидир ёзувчи ўша қаҳрамон учун ўнлаб саҳифалар қоралаб мукамал қиёфасини чизишга

эришса, бошқа бири кўпчилик эътиборига тушган қахрамонларни майда штрихлар ёрдамида қандайдир бадий асосда маънавий-руҳий жиҳатдан нисбатан мукамал ҳолатда саҳнага олиб чиқади.

Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романида Юсуфбек ҳожини айнан ҳожилиги эътибори билан юксак бир мақомга кўтариб қўйгандир. Бу қахрамон маиший-ижтимоий жиҳатдан ақл-заковати, фаҳм-фаросати, гўзал одоби, муомила-муносабати, қўйингки, барча-барча фазилатлар билан ажралиб туради. Бу нурюзли сиймо талъатидан таралган ёғду бутун роман борлигига ойдинлик бағишлайди.

Ҳожилик сифати Юсуфбекнинг дин арконларининг тўқис адо этувчи ҳалол-покиза бир инсон эканлигини англатади. У умрининг баҳори этиб, шони яқинлигини, ҳисоб-китоб фурсати келишини юрак-юракдан ҳис қилади. Шу боис, Юсуфбек ҳожининг: «Парвардигоро, кексайган кунларимда доғини кўрсатма», деган муножотлари ўта табиий эшитилади. Шунингдек, солиқ йиғиш масаласида эғнига кимхоб чопон ёпилган ҳожи халққа қилинаётган жабр-зулмни кўриб, қонхўрлик ва зулмга рози эмаслигини: «Мен қонхўрлик учун Худонинг фарз қилган ҳажини адо қилмадим; олдимда ўғлим бор, менда бошқаларнинг ўғлини даррага ётқизиш чоғида кўндаланг келадиган виждон бор, дин бор, диёнат бор», деган мулоҳазалар орқали ифодалайди. Комил инсон қиёфасидаги бу қахрамон халққа ҳам, ўз эътиқодига ҳам хиёнат этишни истамайди. Зеро, «халқ Юсуфбек ҳожидан бир зарра ёмонлик ёки бўлмагур бир кенгаш эшитмаган...». Душманлар ҳам унинг айнан мансаб борасида «ниҳоятда таъмасиз» эканини, «халқ манфатини кузатувчи бир одам экан»лигини эътироф этади.

Романнинг биринчи бўлимида бу шахс ижтимоий фаолиятдаги инсон қиёфасида берилса, иккинчи бўлимида оилавий муҳит доирасида тасвирланади, учинчи бўлимида эса шу икки муҳит уйғунлигида ҳаракат қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, романда ҳожи қатнашган саҳналар кўпчиликни ташкил этмайди. Аммо, Юсуфбек образининг маънавий қуввати романдаги бошқа қахрамонларни ўз аурасига тортади. Ҳожи қатнашмаган саҳналарда ҳам унинг ўткир нигоҳи сезилади; воқеликда ростлик ҳукмронлик



килади. Бу қахрамоннинг салобати бор: оз гапиради, кўп эшитади, кам кулади, мусибатдан дарҳол кўзи ёшланади.

«Юсуфбек ҳожининг кизиқ бир табиати бор: хотини билангина эмас умуман уй ичиси билан ҳар қандай масала устида бўлса-бўлсин узок сўзлашиб ўтирмайдир... Ҳожи бир неча вақт сўзлагувчини ўз оғзига тикилтириб ўлтурғандан сўнг, агар маъқул тушса «хўб» дейдир, гапга тушунмаган бўлса «хўш» дейдир, номаъқул бўлса «дуруст эмас» дейдир ва жуда ҳам ўзига номаъқул гап бўлса бир илжайиш билан кифояланиб, мундан бошқа сўз айтмайдир ва айтса ҳам уч-тўрт калимадан нарига ошмайдир». Иккинчи бўлимнинг «Ота-она орзуси» деган бобида романнавис ҳожи табиатига хос ана шундай индивидуал чизгилар бериб, қахрамон салобатини орттиради.

Юсуфбек ҳожи-йирик шахс. У ўзаро маҳаллий зиддиятларнинг зарарини яхши билади, қипчоқни кириш ишини қоралайди, аксинча уларни «чин ёвға бериладиган куч» учун иттифоқчи санайди. Ноўрин исёнга отланаётган оломонга қарата: «...Биз қипчоққа қилич кўтарганда, ўрис бизга тўп ўқлайдир. Сиз дунёда ўзингизнинг ягона душманингиз қилиб қипчоқни кўрсангиз, мен бошқа ёвни ҳар замон ўз яқинимга ётган кўраман», деган сўзларни айтади. Бирок, ҳожининг истагига қарши ўлароқ қирғин бўлиб ўтади. Бунинг устига-устак Отабек ҳам отасини бу ишда қўли борлигидан шубҳаланиб ҳожини дўнглига озор етказди. Юсуфбек ҳожининг ўзини оқлаб масаланинг туб моҳиятини тушунтиргандан сўнг айтган қуйидаги гаплари бу инсоннинг чиндан ҳам улуғлигини яққол кўрсатади. «Мен кўп умримни шу юртнинг тинчлиги ва фукоронинг осойишта учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қила олмадим. Иттифоқни не эл эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб, ичкан мансабпараст, дунёпараст ва шухратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадиган, бир-биримизнинг тегимизга сув қуядиган бўлсак яқиндирки, ўрис истибододи ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрус бўйиндиригини кийдирган бўлармиз. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлига тутқун

килиб топширғунчи - биз кўр ва ақлсиз оталарга Худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим! Боболарнинг муқаддас гавдаси мадфун Туркистонимизни тўнғузхона қилишга ҳозирланган биз итлар Яратғувчининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темур кўрагон каби дохийларнинг, Мирзо Бобур каби фотихларнинг, Фаробий, Улғбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилгонлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрағувчи албатта Тангрининг қаҳрига сазовордир, ўғлим! Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болаларни етим, хонадонларни вайрон қилғувчи золимлар-қуртлар ва қушлар, ердан ўсиб чиққан гиёҳлар қарғишига нишонадир ўғлим!...»

Ота ва ўғил суҳбати жараёнида айтилган бу гаплар катта ижтимоий моҳиятига эга. Ҳожининг бу масалаларда ўз қараши, ўз гапи бор. Шунинг учун унинг гаплари Отабекни «уялганнамо ерга» қарашига мажбур этади. Ёки бошқа эпизодларда айнан Юсуфбек ҳожининг адл назари баъзан Ўзбек ойимни гангитса, баъзан «нур ичига чўмилгандек бўлиб кўринган сиймоси», «ойим деб хитоб» қилишлари, «беозор ва муассир сўзи» Кумушнинг «қайин отамни ўз дадамдан ҳам яхши кўраман» деган холис эътирофига сабабчи бўлади.

Ёзувчи уюштирган бир мажлис-зиёфатда Юсуфбек хожи Юнус Муҳаммад оҳуд оғзидан Расулulloҳ (саллолоҳу алайҳи васаллам)нинг: «Иза васадал амру ила ғайри аҳлиҳи фантазир ас-соата» (яъни, агар бир қавмнинг иши ноаҳл одамга топширилган бўлса, бас, ўшал қавмнинг қиёматини яқин бил), деган ҳадисини эшитиб: «Вой бўлсин биз бадбахтлар ҳолига», дейди. «Бу соқол шу эл қайғусида оқарди. Бу кўнгил шу манфаатпарастлар таъсирида қорайди. Ёшим олтмиш бешка етиб бир вақт бўлсин ибодатимни жаноби Ҳаққа бевосита йўналтирғанимни ва кўнгил кўзим очилиб қилгон саждамни хотирлай олмайман. Бу алданишим эрса, Ҳақ тарафидан бир танбех, бўлмаганларга бўлишмоқчи бўлғоним учун бир киноядир. Энди мундан кейинги беш кунлик умрим дунё можораларидан этак силкиб гўшаи охираат тадорикини қилмоғим учун ғанимат кўринадир». Бу тарзда ўзини-ўзи тергаши, руҳий мулоқотлардан қоникмаслик, ўзига маломат қилиш, муайян ҳикматлардан тўғри хулосалар чиқариш - фақат Юсуфбек хожи табиатиғагина хосдир. Зотан, ичиси бутун бу шахс маърифатли шахсдир.

Шу ўринда муҳим бир фикрни айтиб ўтиш ўринлидир. Ёзувчи Юсуфбек хожи мақомини маълум бир ишоралар, рамзлар воситасида юксакликка кўтаради. Уни бир ўринда чин дилдан «Қуръон» ва «Далойил» мутолаасига берилган киши сифатида тасвирлайди. Бугунги маърифатли ўқувчи учун Қуръон каримнинг қандай китоблиги ёки мазмун-моҳиятини изоҳлаб беришга ҳожат йўқ. Бироқ, Абдулла Қодирий асарларида тез-тез тилга олинadиган «Далойил» хусусида эса икки оғиз сўз жоиз.

Асримиз аввалида Қозон матбаахоналарида босилган ва юртимиз зиёлилари орасида машҳур бўлган «Далойил ул хайрот» муаллифи Муҳаммад Ибн Сулаймон Жазулий исмли кишидир. Китоб ёзилишининг қизик бир тарихи ва уни ўқиш шарт ҳамда одоблари бор. Биринчидан, комил бир машойихдан изн лозим. Иккинчидан, уни ўқувчи киши ейиш-ичиш, савдосотик каби амалларда ҳаромдан ҳазар этиши керак. Учинчидан, ўзи ҳам, кийим-кечаги ҳам пок бўлиб, уни ўқишда хатога йўл қўймаслиги лозим. Тўртинчидан, тажвид (тўғри талаффуз) қоидаларига амал этиши ҳамда ўқиладиган дуо ва тасбеҳларнинг маъносини имкони борича билиши керак. Бизнингча, умуман шунга ўхшаш барча талабаларни Юсуфбек хожи комил бир инсон сифатида тўла-тўқис адо қилган. Акс ҳолда, дуолар, тасбеҳ ва саловатлардан таркиб топган «Далойил»ни ўқишга Юсуфбек хожи жазм этмаган бўлар эди.

Абдулла Қодирий бундай муътабар китоблар кадр-кийматини яхши билган, албатта. Демак, китоб моҳияти ортидаги сир-синоатни, умуммоҳиятни англаб олиш ўқувчи кўзи ўнгида «Далойил» ўқиётган Юсуфбек хожи сиймосини яна ҳам серфазилат, маънавий-руҳий дунёси яна-да бўрттиқ кўринишига сабаб бўлади. Чунончи, Абдулла Қодирий асарларида машҳур китоблар воситасида қаҳрамонларнинг етилтириш, ўша рамз ва ишоралар ёрдамида уларнинг тавсифлаш усули мавжуд эстетик ҳодисадир. Масалан, адибнинг Анвар ва Раънодек жиддий, Қалвак Маҳзумга ўхшаш ҳажвий қаҳрамонлар дунёси ҳам китобларга дахлдор ҳолатда намоён қилинади. «Ўткан кунлар»да эса, Отабек «Бобурнома» ўқийди, Фузулийни варақлайди; Кумуш «Фузулий яхши китоб» дейди. Юсуфбек хожи «Қуръон» ва «Далойил» мутолааси билан машғул бўлади.

Умуман олганда, иждорнинг бадий нияти ижроси учун гоҳида машҳур китобларнинг восита бўлиши жаҳон адабиёти тарихида мавжуд воқелиқдир. Масалан, И.В.Гёте «Ёш Вертернинг изтироблари» асарида ўзининг яхлит бир бадий-ижтимоий ғоясини Г.Э.Лессингнинг «Эмилия Галотти» трагедияси воситасида ифода этади. Асарнинг охириги эпизоди - Вертер ўлган, шу жойда турли ижтимоий-маиший азоб-укубатлар тасвирини қамраб олган «Эмилия Галотти» китоби очиб қўйилади. Санъат тилини тушунадиган кимса бу рамздан ўзи учун етарли хулоса чиқара билади. Шунингдек, А.С.Пушкин, Л.Толстой, Ф.Достоевский ёзган асарлар ҳам бундай хусусиятдан мустасно эмас.

\* \* \*

«Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён»дек чўнг санъат намуналарини синчиклаб ўқиган киши уларни абадиёт кошонасига олиб кирган жиҳатларга қайта-қайта дуч келаверади. Хайратланади. Роман матнида кўнгилни ўзига ипсиз боғлайдиган ажойиб жозиба, дилларга завқ берадиган лирик оҳанг бор. Албатта, ушбу насрий назм табиатига хос фазилятларни англаш учун оддий товушлар уйғунлигидан тортиб, муайян сўз, сўз бирикмаси, гап ва жумлалар, бадий тил - умуман матн поэтикасига дахлдор унсурлар бирма-бир кузатилиши керак. Бу изланишлар қайсидир тарзда бажарилган ҳам. Аммо, адиб эстетик дунёсининг, романлар бадий қуввати, умрбоқийлиги ва назокатининг сир-асрори бошқа омилларга ҳам боғлиқдир.

Агар муаллиф воқеаликни санъат тилида холисона тасвирласа, бундай асар аср ошади, умри узаяди; кўркамлиги ҳар кимни мафтун этади. Бу хусусият Қодирий романларига бегона эмас, албатта. Шу билан бирга кўпгина ўзбек романларида учрамайдиган, роман матнидан ташқарида келадиган қодириёна айрим изоҳ ва шарҳлар борки, уларни бир сидра назардан ўтказиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Роман матни ташқарисидаги бу манбалар Абдулла Қодирий дунёқарашини, тарихий воқеликка эстетик муносабатини кўрсатади. Умумматндан ташқарида романнавис баъзан маълум бир сўз ёки сўз бирикмасига, тарихий шахслар ёки жой номларига изоҳ берса, баъзан муайян эпизодик воқеа учун қўшимча маълумотлар ёзишни лозим кўради.

Ёзувчининг бадийй воқеликни холисона тасвирлаш тамойиллари тарихий шахсларни таништириш ёки маълум бир ижтимоий-маиший масалани баён қилиш жараёнида яққолроқ кўзга ташланади. «Ўткан кунлар»да Мусулмонкул баджаҳл ваҳший табиатли киши сифатида тасвирланган. Бу ҳолатни «ғариб бир бечора»нинг чақимчилик-тухматона руҳда ёзган мактубини ўқиётиб, «киприксиз қисик кўзларида ўт» чакнаган, ниҳоятда тутоқиб «Чилим!» деб бақираётган Мусулмонкул ҳолати ёки Отабек ўлимга ҳукм қилинаётган даврага, ханжари қонсираган жаллодлар ҳузурига Ҳасаналининг нажот хатини олиб келган, хат ўқиб бўлингач, Мусулмонкулнинг Отабекка қараб «уятсиз равишда илжайиши», Худоёрхоннинг ҳам «йиртқич қайнотасининг чангалидан қутулғонини табрик қилгондек Отабекка қулиб» боқиши тасвири берилган нуқталардаги сифатлашлар Мусулмонкулнинг нақадар «йиртқич»лигини аниқ намоён қилади. Бироқ, Абдулла Қодирий Мусулмонкулнинг Отабек табиатидаги мардликка, жасоратга қойил қолиб: «Дав юрагини бор экан, йигит... Ҳайфки, гуноҳинг бўйнингда», дегап гапидан кейин матндан ташқарида қуйидаги бир изохни ёзади «Мусулмонкулнинг ўзи ҳам фавқулодда юраклик эди. 1853 м тарихида Мусулмонкул қўқонлиларга асир тушиб, уни тўпдап отиб ўлдириш учун дордек бир нарсанинг устига ўтқузалар. Иккинчи томондан тўпка ўт беришни кутадилар. Шу вақтда кишилар Мусулмонкулдан сўрайдилар: «Энди қалайсан, чўлок?» Мусулмонкул қулибқина жавоб берадир: «Алҳамдулиллоҳ, ҳали ҳам сизлардан юқори бир ерда ўлтурибман!» (Муал.). Роман ичқарисидаги мансабда ўтирган Мусулмонкул билан «ҳошия»да қисқача таърифи берилган тутқун, аммо мард Мусулмонкул орасидаги фарқни сезиш, бу образни айни изох асосида янада теранроқ тасаввур этиш қийин эмас. Ёзувчи Мусулмонкулни дунёси алғов-далғов бўлиб турадиган, баъзан кибрга кетиб, баъзан ўзига келадиган бир инсон сифатида беради. Бундай ҳолис таъриф-тавсиф матнда ташқарида Утаббой образи учун ёзилган изохда ҳам кузатилади. «Ўтаббой қушбеги қипчоқ бекларининг тузукларидандир. Бу киши Марғилонда 1263-1267 хижрий йиллар орасида бек бўлиб турди. Мусулмонкулнинг азлидан сўнг унинг ўрнига мингбоши (ҳарбия ва бош вазир) бўлиб

белгуланди. Марғилонда Ўтаббойдан қолғон осор ҳам бор». Романнинг бошқа бир саҳифасида Нормухаммад қушбегини адиб отаси: «Юртни тинч тутти, кўб яхши одам эди, худо раҳмати», деб хотирлаганлигини «хोшия»да ёзади. Бундай ўринлардаги ёзувчининг муносабатини англаш, роман ичкарасидаги умумпафосдан бир оз ўзгача моҳиятини илғаб олиш мушкул эмас. Ҳолбуки, давр танқидчилари юқори табақа вакилларининг ҳар доим оғзи қон, инсонлик қиёфасини йўқотган, қиличи қонсираган жаллодлар сифатида тасвирланишини талаб этар эди. Абдулла Қодирий ўша тарихий шахслар ҳаётининг муайян даврини - эҳтимол «қир ва қора» даврини - тасвирлар экан, улар табиатиға хос инсоний сифатларға, эл-юртнинг уларға берган баҳоларига бефарқ қарамади.

Кўпчилиқ адабиётшунослар томонидан салбий тип сифатида талқин қилинган Худоёрхон образининг бадий талқини нисбатан ўзгача экани маълум. Айнан ана шу хусусиятни эътиборда тутган ёзувчи «Меҳробдан чаён» романида ўз қаҳрамони типидан айтилаётган фикр билан баҳсга киришиб изоҳ ёзади. «Оғача ойим» бўлимида Гулшанга хоннинг хотини: «Сайиднинг никоҳларида биз ўнлаб кундашмиз...», дейди. Адиб ўзи сўзлатаётган бу қаҳрамон нутқидаги шу гапни изоҳталаб ҳисоблайди: «Шариъатда тўрттадан ортиқча хотин олиш йўқдир. Худоёрнинг расмий никоҳидаги хотини тўрттадан ошмас, яъни янги хотин оладиган бўлса, тўртинчи хотинини қанизлиққа кечириб, ўрниға янгисини қўйиб турар эди. Оғача қанизакликқа кечирилганларни ҳам унда қўшиб ҳисоблайдир». Шу билан бирға ёзувчи Розия ойим айтганларига асосланиб хоннинг ўттиздан ортиқ хотинлари ҳақида умумматндан ташқарида салкам икки бетлик маълумот беради. Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён» учун манбалар тўплаб юрган пайтида Қўқонға бориб, ёши тўқсонларға бориб қолган бир замонлар «хоннинг суюкли хотини» бўлган ўша Розия ойим билан учрашади. Худоёрхоннинг ҳарамни, хоннинг айрим ёш қуллардан бир нечасини ўқитгани, баъзиларини мансабларға ҳам кўтаргани тўғрисидаги кўпгина маълумотларни шу кампирдан олади. Хон хотинлари хизматида юрадиган «ёш югурдақ қулча»лар ўн икки ёшға етгач, ҳарамдан чиқарилиб

бошқа ишга ўтказилган. Эрлиги олинган (бичилган) иккита кул - Эшмат саркор билан Тошмат саркор ҳам ҳарамга «хондан ташқари» кирган эмас. «Розия ойимнинг айтишга қараганда, шу икки кулдан бошқаларнинг эрлиги йўқотилмагон экан. Бундан онглашиладирким, Худоёр ҳарамни тўғрисида ёзгувчи ўрусларнинг кул (евнух)ларни каниз ва хонимлар билан аралаш юрган ҳолда кўрсатишлари муболагадир». Мабодо, адибнинг нияти тарихни фақат кирли, қора рангда кўрсатиш бўлса, Худоёрхон ва бошқа тарихий шахслар «ҳимоя»си учун, уларнинг маърифати, адолати, мардлиги хусусида махсус изоҳларни ёзиб ўтирмас эди. Шунингдек, бошқа шаръий масалаларда ҳам баъзан мангдан ташқарида: «Чўри хотинларда кишидан қочиш расми йўқ эди» (Тўйбека тўғрисида), «Хотинлар орасида кулдан қочиш йўқ эди» (Ҳасанали билан боғлиқ бир масалада) каби жумлаларни ёзиб ўтадики, ушбу изоҳлар ҳам адиб маънавий-маърифий, аниқроғи, «хон мусулмон, бек мусулмон, халқ мусулмон, бунинг устига юриш-туриш ҳам мусулмонча, ҳукмлар ҳам шаръиатча» бўлган замонлар манзарасини теран тасаввур этганини кўрсатади.

Тарихий романларда воқеалар кечадиган макон аниқлигининг аҳамияти муҳим. Қодирий ўз романларида тилга олинган айрим жой номлари китобхон учун изоҳталаб эканини яхши англаган. «Ўткан кунлар» аввалида айтилганидек, Отабек савдогарлик қилиб Шамайга борган. Бироқ «Шамай» изоҳталаб жой номи. Бу шаҳарни муаллиф: «Семипалат шаҳри, хон замонларида Туркистон савдогарларининг ўрис билан олиш, бериш - савдо шаҳарлари бўлгондир», деган тарзда китобхонга таништиради. Шунингдек, «Кировчи», «Оқ тепа», «Минг ўрик» каби жойлар ҳақидаги маълумотлар ҳам роман «ҳошия»сидан ўрин олган.

Абдулла Қодирий ўз асарлари билан ўзбек адабий тилининг бойитди; шевага оид сўзлардан унумли фойдаланди. Адиб халқ тилида қўлланадиган «чип» сўзи учун «ғов, баррикада маъносида», «қирчиллаш» сўзига «Одатда қорга айтилади. Масалан, қаттиғ совуқда ёққан қор қирчиллайди. Шундан олиб, айна етилган йигитларни қирчиллама йигит, дейдилар» тарзида матндан ташқарида изоҳлар ёзди. Бошқа бир саҳифадаги диалогда келган «эшик» сўзини «Фарғонада»

ҳовлини эшик дейдилар» ёки яна бир диалогдаги «Ўғулми, ҳолва?» саволининг иккинчи қисми жавобини: «Топшкандда «қиз туғди» ўрнига «ҳолва туғди» дейдилар», деб изоҳлайди. «Меҳробдан чаён»да Худоёрхон: «Эналаринг арапқа текканма?» дейди мирзоларни койиб. Абдулла Қодирий шу «эналаринг» сўзининг охириги «нг» товуши устида тилшунос сифатида фикр юритади. «нг» ва «нғ» товушларининг махражлари – артикуляция ўрни хусусида сўзлайди. 20-йилларнинг ислоҳ қилинган алифбосида юмшоқ «нг» билан қалин «нғ» товушларини фарқлайдиган махсус шакл йўқлигидан куюнади. Таркибида «нғ» товуши бўлган сўзлардан бир неча мисол келтиради ва ийманибгина: «Бу йўгон «нғ» ҳам «ғ» ҳарфининг устига нукта кўюлиб ёзилсамикин...», деган таклифни беради. Адиб ўзбек тилининг табиий хусусиятларини, жамики фазилатларини қадрлаш устида бош қотирган; шунинг учун ҳам тилдаги бундай муаммоли фонетик ҳодисага махсус тўхталади.

Шуни ҳам айтиш жоизки, араб ва форс тилларидан сабоқ олиш қодирийлар замонаси кишиларига оддий анъана бўлгани учун романлар матнида учрайдиган шу тилларга оид кўпгина сўзларни махсус изоҳлашга, таржима этишга эҳтиёж бўлмаган. 1992 ва 1994 йиларда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бир мукова ичида қайта нашр этилган «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари тилида учрайдиган, бугунги китобхон тушуниши нисбатан қийин бўлган «ашроф» (эътиборли кишилар, улуғлар), «мусоҳиб» (суҳбатдош), «бесар» (боши айланган, ақлсиз), «масбур» (сабр қилувчи), «суи зан» (гумон, тахмин, шубҳа) каби ўнлаб сўзларга ношир томонидан изоҳ берилган. Абдулла Қодирий ёзган махсус изоҳ ва шарҳлар ёнига «муал.» тарзидаги белги қўйилган.

Абдулла Қодирийнинг ҳар икки романи учун ўзи ёзган изоҳ ва шарҳлари кўп. Булар қаторига «Ўткан кунлар» романи аввали ва охиридаги иккита «Ёзгувчидан» деб ёзилган изоҳларни, «Меҳробдан чаён» аввали ва охиридаги «Рўманнинг мавзуйи тўғрисида» ҳамда «Мирзо Анварнинг кейинги ҳаёти тўғрисида» ёзилган изоҳларни, шунингдек, Сотти Ҳусайнга жавобан «Ўткан кунлар» ҳам «Ўткан кунлар» танқиди устида баъзи изоҳлар»ини ҳам киритиш ҳам мумкин.



Умуман олганда, Абдулла Қодирий томонидан ёзилган бундай изоҳлар роман кадр-қийматини оширади, қамровини кенгайтиради; шунингдек, адибнинг ижод дунёсини теранроқ очиб беришга, руҳий кайфиятини ҳис этишга ёрдам беради.

\*\*\*

Хуллас, XX асрнинг охириги ўн-ўн беш йиллиги оралигида майдонга келган янгича тафаккур ҳосилалари, янгича талқинлар ўзбек адабиётшунослиги тарихида, хусусан, қодирийшунослик соҳасида ўзининг жиддий изини қолдирди.

Янгича тафаккур шароитида аниқ бир асарга, унинг бадиий-ғоявий моҳиятига ёндашувларда катта ёшдаги адабиётшунослар фикри билан нисбатан ёш адабиётшуносларнинг қарашлари фарқланадиган, бири иккинчисини тўлдирадиган ва зид келган ҳолатлар ҳам бўлди.

Бадиий асарнинг поэтик моҳиятини, бадиий қийматини намоён этиш йўлида эстетик, этик талқинларга, тил ва услубни тадқиқ этишга, мавжуд адабий дурдоналарни ўзаро қиёслашга ҳам эътибор берилди.

Эътироф этиш жоизки, адабиётшунослигимизда талқин асар моҳиятига яқинлашди. Қодирийшунослик миқёси кенгайди. Ҳеч шубҳа йўқки, Абдулла Қодирий ижоди бундан кейинги ўзбек адабиётшуносларининг ўз миллий менталитетидан келиб чиқадиган социопсихологик, психобиографик, психопэтик, структурал талқинлар учун ҳам объект бўлажак.

## БИОГРАФИК МАЪЛУМОТ ВА ТАЛҚИН

Ҳар бир ижодкор-санъаткор ўзича бир олам. Улар бири иккинчисини такрорламайди, бири бошқасидан фарқланади. «Ҳар бир санъаткорнинг ўз мамлакати бўлади ва шу мамалакатда яшайдиган, истиқомат қиладиган ўз фуқаролари бўлади»<sup>156</sup>. Шу маънода ижод аҳлининг ўз ижод оламига муносиб дунёси, эътиқод таянчлари мавжуддир. Ёзувчи ва шоирларнинг, умуман, санъаткорнинг таржимаи ҳолини-биографиясини асарларидан, айнаи чоғда асарларини таржимаи ҳолидан айрича тасаввур этиш мушкул. Зотан, дунё адабиётшунослигида масаланинг шу жиҳатини бўрттириб, уни муайян тизим ҳолатига келтирган биографик метод ҳам бор. Рус олими Юрий Боров бадий асарга айнаи метод татбиқини «бадий асарни ёзувчи шахси орқали ўқиш услуби», дея атайди ва: «Санъаткорнинг индивидуал тақдири унинг ижодини талқин этишда калит вазифасини ўтайди», деган жумлаларни қўшимча қилади<sup>157</sup>. Албатта, адабиётшуносликдаги бу методга кўра ижодкорнинг шахсий ҳаёти, шахсияти, биографиясига ижодининг энг муҳим, энг асосий белгиловчи хусусияти сифатида қаралади. Бирок, бу метод шўро адабиётшунослари томонидан кенг ишланмаган ва айнан «психобиография», яъни ёзувчининг психологик биографияси тарзида амалиётга татбиқ этилмаган. Бирок, воқеа-ҳодисаларнинг бадий талқинида ижодкорнинг рухий кечинмалари, ҳаётий тажрибалари инъикос қиладик, бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор эта билмайди. Ёзувчи биографияси эса қайсидир йўсинда унинг асарларида ўз ифодасини топади. Ва қайсидир даражада санъат асарининг оригиналлигини таъмин этади. Ёзувчи ҳаётидаги ўзгаришлар, рухий кечинмалар, дунёқарашидаги силкинишлар фонида бадий асарни талқин қилиш ўзининг ижобий самарасини беради, албатта.

Масалан, адабиётшунослар «Ҳинд сайёҳи», «Мунозара», «Раҳбари нажот» каби асарлар ҳақида Абдурауф Фитратнинг рухий-маънавий дунёси, эътиқодий қарашлари, унга таъсир этган микромуҳитни теран ўрганмагунча энг тўғри

<sup>156</sup> Марҳум домламинз доцент Талғат Солиқов фикри.

<sup>157</sup> Б о р о в Ю. Искусство интерпретации и оценки. М. 1981. С.56.

хулосаларга кела олмайди, албатта. Айни чоғда, орадан ўн-йигирма йил ўтиб ёзилган «Меърож», «Захронинг иймони», «Зайд ва Зайнаб» типидаги ҳикоялари талқинида ҳам Фитрат ижодига психобиографик ёндашув лозим.

Ижод аҳлининг ҳаётини чуқур билиш кутилмаган талқинларни юзага келтиради. Абдулҳамид Чўлпоннинг 1922 йилда ёзган «Алданиш» номли шеъри бор. Унда:

Беш йиллик ёнишим бир йил учунми?  
Эркалаб ўтгувчи бир ел учунми?

Кўзимга кўринган саробми эди,  
Мен шунга ишониб тоғларми ошдим?  
Севгимнинг боғчаси харобми эди,  
Шу боғча ичида йўлми адашдим?

...Кўлимни тегиздим... Одам эди-ку,  
Кўзимда ўйнаган бир нур эди-ку,  
Сезгим-да соғ, тетик, бардам эди-ку,  
Бўйнимга қўл солган бир хур эди-ку,

деган мисралар бор.

Чўлпоншунос Дилмурод Қуронов бир оз истиҳола билан «ошиқ ва маъшук»ни, «шеърнинг зоҳирий ва ботиний қатламлари»ни 1917 йилги ўзгаришларга боғлайди<sup>158</sup>. Чиндан ҳам айни ижтимоий-сиёсий ўзгариш содир бўлган вақт билан шеър ёзилган вақт орасида беш йиллик давр бор. Қолаверса, шеърнинг ўзида ҳам айни «беш йил» тилга олинади. Шу боис, «Алданиш»ни қатъий равишда ижтимоий таҳлил этганлар ҳам бўлди. «...Шоир октябрь тўнтаришининг алдамчи тузоғида беш йил жони қийналганини англади, унинг барча орзулари сароб бўлиб чиқди»<sup>159</sup>

<sup>158</sup> Қуронов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. Тошкент: Ўқитувчи, 1997. 30-бет.

<sup>159</sup> Солижонов Й. Эрк кўйчиси // «Чўлпон: ҳаёти ва ижодий мероси» рео-публика илмий-амалий анжумани материаллари. Андижон, 2000 йил. 2-3 июль. 17-бет.

Худди шунга ўхшаш Чўлпоннинг Миср маликаси Клеопатрага доир шеърлари талқинида қадимги дунё тарихини кезинган олимларимиз ҳам бор.

Ҳолбуки, Чўлпоннинг биографиясини жиддий ўрганган олимларимиздан Наим Каримов шоирнинг Клеопатрага бағишланган асарларининг ҳам, «Алданиш» шеърининг ёзилишини ҳам татар миллатига мансуб Обида исмли аёлга боғлайди. «Шоир ана шу гўзал қизнинг муҳаббатини қозониш учун беш йил ишқий азобларда қоврилган, уни деб Мохирўядан воз кечган, дўстларидан узоклашган эди...»<sup>160</sup>, дея ёзади Н.Каримов. Айни чоғда, шоирнинг шахсий ҳаётидаги изтироблар, ишқий саргузаштлар, «руҳ манзаралари» вайронагарчиликка айланаётган «давр манзаралари»га ҳам мутаносиб эканлигини таъкидлайди. «Шоир қалбида, шахсий ҳаётида рўй берган воқеа тарихий даврда содир бўлаётган воқеалар билан мутлақо уйғун эди.

Теварак-атрофда бўлгани сингари, шоир қалбида ҳам шу тарзда вайронагарчилик бошланди».

Баъзан биографик маълумотлар бадий асар талқинини бутунлай кутилмаган янги ўзанларга солиб юбориши мумкин. Ижод мевасини муаллифнинг маънавий-руҳий тафаккур дунёсидан айрича тасаввур этиш қийин. Идрок қуввати кучсиз, ҳаёлот олами маҳдуд, маънавий-ахлоқий табиати тубан ва истеъдодсиз кишилар бетакрор бадият дурдоналарни, ўлмас-абдий қаҳрамонларни юзага чиқаришига ишониб бўлмайди. Зотан, бадий асар матнида, руҳиятида, пафосида қайсидир даражада (тўғрироғи, асосан) муаллиф-ёзувчининг ўзи марказий ўринда туради. Унинг турли-туман ижтимоий-сиёсий, маънавий-маиший, илоҳий-ишқий масалаларга қарашлари ўзи тасвирлаётган сиймоларнинг маънавиятида акс этади. Шу маънода бадий асар матнини психобиографик йўсинда тушуниш ва тушунтириш ижобий натижалар бериши шубҳасиздир.

«Ҳол таржимасидаги сакталик ва сохталиклар» хусусида фикрлар билдирган адабиётшунос А.Расулов ёзувчи биографияси билан унинг асари орасидаги узвий боғланиш, руҳий яқинлик аҳамиятига алоҳида эътибор беради: «Ёзувчи

---

<sup>160</sup> Каримов Н. Истиқлолни уйғотган шоир. Тошкент: Маънавият, 2000. 52-бет.

ҳолати билан ижоди орасида узвий боғлиқлик бор... Ҳар қандай асарда ёзувчи руҳи, ҳоли, қалби акс этади. Асарлар синчиклаб ўрганилса, улар ёзувчи ҳолати, руҳияти ҳақида кўп нарсалар сўзлаб беради»<sup>161</sup>.

Зотан, аллома адибнинг Юсуфбек ҳожи, Отабек, Анвар, Кумуш, Раъно сингари қаҳрамонларида инъикос этган бебаҳо маънавий қадриятлар Абдулла Қодирий маънавий-руҳий дунёсида мавжуд эди, албатта. «...Артист бўлганимда эди, Отабек ролида ўзим ўйнардим...Негаки, Отабек характерини мендан яхши билгувчи йўк...»<sup>162</sup>, деган истаги асосида ҳам ўша руҳий бутунлик сезими бор.

Қолаверса, ушбу ҳолатга ўхшаш эътирофлар, далиллар дунё адабиётшунослигида мавжуд ходиса. Француз адибларининг кўплаб бадий-эстетик биографиясини ёзган Андре Моруа (1885-1967) Бальзак ижодини, унинг «Горио ота» романидаги Растиньяк образи устида тўхталар экан, бу образ ҳаммадан кўпроқ Бальзакнинг сифатларини ўзига олганлигини таъкидлайди. Далиллар келтиради<sup>163</sup>.

Ҳабибулла Қодирийнинг «Отам ҳақида» номли китоби, Абдулла Қодирий биографиясини ойдинлаштиришда муҳим асар ҳисобланади.

«Отам ҳақида» номли китоб қуйидаги манбаларга таянади:

- 1) Қодирий асарларидаги маълумотлар;
- 2) Баъзи «қолдиқ ҳужжатлар»;
- 3) Абдулла Қодирий ҳақидаги замондошларининг хотиралари;
- 4) Ўғилнинг ўз отаси ҳақидаги хотиралари.

Муаллифнинг ўзи китоб аввалида ёзиб қўйганидек, бунда «чуқур таҳлил ва илмий мулоҳазалар» берилмайди. Айни чоғда, бу манба Қодирий таржимаи ҳолининг «туғал баёни» ҳам бўла олмайди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, 70-йилларда ёзилган ва нисбатан тўлдирилиб, 1983 йилда иккинчи марта нашр

<sup>161</sup> Расулов А. Илми гарибани қўмсаб. Тошкент. Маънавият. 1998. 27-6е

<sup>162</sup> Қодирий Х. Отам ҳақида. Тошкент: 1983. 113-бет.

<sup>163</sup> Қаранг: Андре Моруа. Оноре де Бальзак. Жаҳон адабиёти. 1999. №9.

этилган бу китобда сўз эркисизлиги, сиёсий-мафкуравий шароит таъсири ҳам сезилади.

Бундан қатъи назар, гарчи кўлида тугал архив хужжатлари, адибнинг «кундалик хотира дафтари», бировлар билан шахсий ёзишмалари мавжуд бўлмаса-да, Ҳабибулла Қодирий отаси олдидаги фарзандлик бурчини адо этди.

«Калвак махзум...», «Тошпўлат тажанг...» ҳажвий асарлари талқини учун муайян аҳамиятга эга бўлган фикрларни муаллиф баён қилишда кўпроқ ўша қаҳрамонларнинг прототиpleri хусусида сўзлайди. Зотан, Абдулла Қодирийнинг бу типдаги Исоқ домла, Полвон, Салим ўғри, Зокир ўғри, Носир ўғри, Бадир ўғри каби ўнлаб «ошно»лари, бир гуруҳ «улфат»лари бўлганлигини ёзади.

Ҳеч шубҳа йўқки, бундай «манба» - «объект»лар ижодкорнинг қалб призмасидан, тафаккур олаmidан ўтгандан сўнггина чин бадиий қаҳрамонга айланади.

Абдулла Қодирий қаҳрамонларининг маънавий-ахлоқий дунёсини адибнинг эстетик олаmidан айрилган ҳолда тасаввур этиш қийин. Аммо, ижодкор «ўз гапи»ни айтишда қандайдир «туртки»га, ҳаётдаги қайсидир кишилар қиёфасига таянган бўлади. Шу маънода «Отам ҳақида» китобида адибнинг ўғли прототиplарга оид асосли, ишончли тахминларни илгари суради.

Масалан, адибнинг Усмонбой исмли замондошининг ўзига хос фалсафасини, ташқи кўринишларини баён эта туриб: «Усмонбойнинг юриш-туриши, кийиниши, гап-сўз, қиёфаси қисман бўлса-да, Юсуфбек ҳожи образида акс этгандай...», дея ёзади. Юсуфбек ҳожи сиймоси учун асос бўлган иккинчи бир шахсни муаллиф Абдулла Қодирийнинг Эшонгузар маҳалласидаги «мулла Алижон исмли домла» дея тахмин этади. «Домланинг ички дунёси ҳам нурга тўлган каби эди. Гапни ўйлаб, босиқ, содда, ёқимли сўзлардилар. Сўзларида мантисиз ортиқча иборалар мутлақо бўлмас, тингловчи гўё ҳузурланар, яна-яна тингласам, дер эди. Бундай оталар гарчи кўп учраса-да, негадир айниқса, бу кишини мен Юсуфбек ҳожи образига жуда-жуда ўхшатаман. Муаллиф албатта, Юсуфбекни сиёсий бир арбоб, маълум табақанинг вакили қилиб тасвирлайди, Алижон домлада гарчи, бу томонлар

кўринмаса-да, ҳар ҳолда бошқа жиҳатлари, менимча, руҳан ва жисман Юсуфбек ҳожига тимсолдекдир»<sup>164</sup>.

Қолаверса, Қодирий Алижон домлани жуда қаттиқ ҳурмат қилган, унга эҳтироми жуда юксак бўлган экан.

Бадий асар учун жамиятдаги муайян шахслар прототип вазифасини ўташи табиий. Бироқ, бадий қаҳрамонлар билан ҳаётидаги маълум бир шахслар орасига тенглик аломати қўйиш бу адабиётшунослик илмига муносиб эмас. Аммо ёзувчининг ҳақ-ҳуқуқларини, қаҳрамонларини юзага чиқаришдаги усулларини ҳеч бир кимса чегаралашга ҳақи йўқ. Зеро, бадий образ воқелиқдаги кимларгадир ўхшаб кетиши ҳам, мутлоқ фарқланиши ҳам мумкин.

Биз «Отам ҳақида» китобидан хотиралар, ҳужжатлар билан бир қаторда муаллифнинг қуйидаги тахминларига ҳам дуч келамиз.

«...Шуниси аниқки, муаллиф асарларидаги кўпгина шахслар, воқеалар ва ўринларни ўзи яшаган муҳитидан, маҳалласидан танлаган». Ҳ.Қодирийнинг тахминича, Тошпўлат тажанг ва «Ўткан кунлар» романидаги Мутал полвон учун Мирза қассоб исмли кўшнилари, Ҳомид образи учун Мирсобир бойвачча деган кўшнилари, Ўзбек ойим учун Жосият бибиси прототип вазифасини ўтаган.

Ҳ.Қодирий «Меҳробдан чаён» романидаги Абдурахмон домла учун Абдулла Қодирий билан болалиқда бирга ўйнаб, ўсиб улғайган, Бухоро мадрасаларида таҳсил олиб келган мулла Тўлаган исмли мунофиқнусха бир кишининг прототип бўлганлигини ёзади.

«Жосият бибимнинг шу сўзларини хотирлайман:

- Мулла Тўлаган Абдуллани динсиз, ўрис деб гап тарқатди. Мана, охир ўзи ким бўлди?

Бибимнинг бу сўзларидан мулла Тўлаган бир маҳаллар Қодирийга қарши иғво ҳам кўзготгандек кўринади... Шу йўсин икки дўст ораларидаги иноклик аста-секин совуқчиликка, бора-бора сабабини англаш қийин бўлган ҳасад-рақобатган айланади. Мадраса кўрмаган бир кимса кун сайин матбуотда обрў қозонсин-да, ўн йиллаб мадрасада ўқиб

<sup>164</sup> Қодирий Ҳ. Отам ҳақида. Тошкент: 1983. 98-99-бетлар.

келган шундай катта мулла маҳалла имоми бўлиб юрсин!...»<sup>165</sup>

«Отам ҳақида» китобида мулла Тўлаган хусусида анча батафсил маълумот бор. Ҳ.Қодирийнинг бу фикрларини ўқий туриб, беихтиёр мулла Абдурахмон билан Анвар мирзо орасидаги конфликт эсга келади. Мулла Абдурахмоннинг муфлислиги, тубанлиги Анвар мирзонинг кўнглини ўкситиб, жисмини дор остигача етаклаганидек ҳаётидаги, жамиятдаги мулла Тўлаган тоифасидаги «чаён»лар Абдулла Қодирийнинг қалбига озор етказганлиги, ҳатто, 1926 йил бир неча ой қамалишига сабаб бўлганлиги аниқдир. Зотан, Қодирий иккинчи романини ўша қамокдан кейин ёзди ва Абдурахмон домла қиёфаси орқали мулла тўлаганларга чексиз нафратини сочди. Шу боис Абдурахмон домланинг ифлос ўтмишига доир натуралистик тасвирлардан ўзини тия билмади. Ёзувчи романидаги бундай ҳодисаларнинг бадий талқинини тушуниш ва тушунтиришда биографик маълумот муҳим аҳамият касб этади.

Абдурахмонга зид образ - Анвар, ҳаётда эса мулла Тўлаган билан тескарилашиб қолган киши - Абдулла Қодирий. Қодирийнинг болаликда қийинчилик билан таҳсил олганлиги, Расулмуҳаммадбой эшигида мирзаллик қилиб, сўнгра бойнинг ўз таклифи билан унинг қизига уйланганлиги қайсидир даражада Анвар ҳаёти билан боғлиқ (Анварнинг Солиҳ махдумга ёрдамчи бўлганлиги сўнг Раънога уйланиши каби) воқеаларни эслатади. Буни қарангки, Абдулла Қодирий ўз тақдиридан башорат қилгандек мирзо Анварни дор тагига олиб боради ва «ўз марҳамати» ила ўлимдан кутултириб юборади. 1937 йилги машғум тузумнинг қаҳратонлари адиб қалбини музлатди; аммо адибни унинг бўйнига солинган сиртмоқдан, гарданига юкланган тухматлардан, афсуски, ҳеч ким қутқариб қола билмади. Қодирий шахидлар силкига тизилди.

Шу ўринда эслаб ўтиш жоизки, адабиётшунос Р.Тожибоев ўзининг «Мирзо Анвар ким?» номли мақоласида Мирзо Анвар образи учун Худоёрхон саройида мирзабоши бўлиб хизмат этган, сўнгра Тошкентга сургун қилиниб ўша

---

<sup>165</sup> Қ о д и р и й Ҳ. Отам ҳақида. Тошкент, 1983. 130-131-бетлар.



ерда қатл қилинган Мирзо Мунаввар исмли тарихий шахс прототип вазирасини ўтаган, деган ўринли тахминни илгари суради. Тадқиқотчи уларнинг исмлари бир ўзакдан келиб чиққанлиги, мирзабошиликлари, Тошкентда яшаплари каби барча мувофикликларни таъкидлаган ҳолда ёзади: «Бизга маълумки, Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Амир Умархоннинг канизи» (афсуски, бу асарнинг тақдири бизга номаълум) романларини яратиш жараёнида Қўқон хонлиги тарихига оид китобларни, тарихий манбаларни пухта ўрганган»<sup>166</sup>.

Адабиётшуносликдаги бундай ўринли тахмин ва талқинлар адибнинг маънавий-маърифий дунёсини тушунишда ҳам, бадиий-тарихий асарни тарихий воқелик билан қиёслаб ўрганишда ҳам ўз қийматиغا эга. Бироқ бадиий асардаги аниқ тарихий шахслар сиймосидан фарқли ўлароқ тўқима, жамланма образларни қийсидир айтган гапи ёки ташқи кўриниши ёхуд бошидаги дўписига қараб, ҳаётдаги қийсидир шахсларга мутлоқ боғлаб қўйиш сўз санъати табиатиға номуносибдир...

Архив ҳужжатларининг илмий-адабий муомалаға олиб кирилиши бир томондан, ўзбек адабиётидаги муайян адабий сиймоларнинг таржимаи ҳолларидаги қоронғи нуқталарни ойдинлаштиришға хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан, қатағонға учраган адабий авлод билан ундан кейинги авлод орасида қандайдир зиддиятлар, мажбурият остида турли тухматона руҳдаги қоғозларға имзо қўйиб беришлар ҳам бўлганлигини кўрсатади.

90-йилларда архив манбалари асосида ёзилган қодирийшуносликка тегишли китобларда ҳам шу икки ҳолат кузатилади. Набижон Боқий қаламиға мансуб «Қатлнома» асари шу жиҳатдан эътиборға молик. Асар бевосита собиқ КГБ архиви манбалари асосида ёзилгани боис, жанриға кўра «ҳужжатли қисса» деб аталган ва унга «Абдулла Қодирийни кимлар, қандай йўсинда, қаерда, қачон ва нима учун қатл қилган эдилар?» деган тагсарлавҳа қўйилган. Дарҳақиқат, «дилбар адибимиз Абдулла Қодирийнинг аччиқ қисмати акс эттирилган 976225-сонли» жиноятнома ҳужжатларини қамраб

<sup>166</sup> Т и ж и б о в Р. Мирзо Анвар ким? Ёшлик. 1989. № 1.

олган «Қатлнома»дан ўша юқоридаги саволларга қайсидир даражада жавоб топиш мумкин.

Аввало таъкидлаш жоизки, Н.Боқийнинг «Қатлнома» китоби соф илмий асар эмас. Унда моҳир публицист нигоҳи бор, унда киноя, пичинг, кесатиқ ва жиддий тергов жараёни манбалари ёки «англатма»лардаги фактлар-далиллар билан уйғунлашиб кетади. Илмий-публицистик услубга хос хусусиятлар кўпроқ кўзга ташланади.

Асар бошида сталинизм балоси ҳукмронлик этган замонлар зикр қилиниб, унинг интиқоси қуйидаги йўсинда берилади: «Ниҳоят, қаҳратоннинг қаҳри кесилди. Аммо унинг захри қолди...

Боғданми, тоғданми, илиқ шабада эса бошлади: шабадаки, олислардан қон ҳидини олиб келарди, кўнгилларни ағдар-тўнгар қиларди...»<sup>167</sup>

Бу «илиқ шабада» Қодирий авлодларига то 1956 йилга қадар бедарак кетган оталари хусусида сўраб-суриштириш журъатини беради. Абдулла Қодирийнинг жиноятномасига 1956 йил 9 январь куни Масъуд Абдуллаев томонидан Бош прокурор номига ёзилган ариза-шикоят тикиб қўйилган. «Илиқ кунлар» об-ҳавосидан нафас олинаётган бу даврда ҳали кўркув чекинмаган эди. «Тройка» - расмий учликнинг талаби, зуғумлари остида расмий қолипда тухматномалар ёзиш, афсоналар тўкиш, тергов жараёнида уриб-янчиб ёлғон гувоҳлик беришга мажбурлаш 30-йиллар муҳитининг оддий ҳодисаси эди.

Шу маънода архив ҳужжатларини титкилаётган Н.Боқий шоир Фафур Фулом томонидан Абдулла Қодирий ҳақида дастлаб 1938 йили, сўнг 1956 йил 16 январда берилган кўргазмаларга чиқоётда эҳтиёткорлик билан ёндашади. Фафур Фуломнинг ҳолатини тўла тасаввур этади; унинг шаънига қора доғ туширишни истамайди. Чунки «Агар мантиқ бўйича фикр юритилса, истездодсиз кимса бошқаларнинг ноёб истездодига - омонатига хиёнат қилиши лозим. Фафур Фулом эса истездод борасида асло қисилмаган эди: у кемтик кўнгли билан қуйлаганда ҳам дунёни тўлдириб кетган шоир ҳисобланади.

---

<sup>167</sup> Боқий Н. Қатлнома. Тошкент: 1992. 6-бет.

Ҳар ҳолда Фафур Фулом энг жирканч шайгоний кутку-ҳасад туфайли кўлини булғамаган...»<sup>168</sup>.

Абдулла Қодирийнинг қатли арафасидаги ҳаётига оид манбаларни оммага тақдим этаётган Н.Бокий холислик билан фикр юритишга интилади. Айниқса, миллатимиз қалбидан чуқур ўрин эгаллаган Фафур Фулом, Абдулла Қахҳор, Ойбек, Мақсуд Шайхзода хусусида сўз ёзганда уларнинг руҳий ҳолатини, кўнгил оғриқларини, тилсизланиб қолганлигию умрини ботинан азобда кечирганлигини уктиради. Ҳар доим «буюк ғоядор» ўз ниятлари-режаларини амалга оширишда ўзбек миллатининг номдор ижодкорларидан фойдаланиб, уларнинг «тилини қисик» қилиб кўйишга интилганини эътиборга олади.

«Қатлнома»да бевосита Абдулла Қодирий «иши»га дахлдор Насрулла Охундай, Курбон Берегин, Мўмин Усмонов, Назрулла Иноятов, Ғози Олим Юнусов каби шахслар билан боғлиқ манбалар, кўргазма ва юзлаштириш баённомалари кўп учрайди. Айни чоғда, муаллиф адибга умуман алоқасиз, аммо давр-замон қиёфасини намоён этадиган «қизиқарли кўчирмалар»ни ҳам ёзиб ўтади; ўқувчи қатлгоҳдан қон ҳиди келаётганини ҳис этади.

Мазкур ҳужжатли қиссага хос яна бир муҳим хусусият шуки, муаллиф Абдулла Қодирий жиноятномасини варақлар экан, баъзан ишга адиб қахрамонларини аралаштиради, уларнинг нутқидан, суратидан иқтибослар келтиради.

« - Ҳақсиз жазо! - деб Отабек кулимсираб кўйди...» («Қатлнома» 10-бет). Эҳтимол, бу Абдулла Қодирий нидосидир.

« - Қимки қасддан битта мўмин бандани ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлади ва ўша жойда абадий қолади! - дерди бир четда тасбеҳ ўгириб ўтирган Юсуфбек ҳожи.

- Иншааллоҳ!» (10-бет).

Ёки Фафур Фуломни «нуроний бир чол» қиёфасида кўрган муаллиф Юсуфбек ҳожига хос сўзлатади ҳаёлан: «-Ўринсиз тўкилган бегуноҳ қонлар устига қурилган жамиятни қайта қуришга сира ақлим етмайди. Мабодо, у жамият қайта қурилса, сон-саноксиз шаҳидлар гўрида тик турадилар ва

<sup>168</sup> Бокий Н. Қатлнома. Тошкент. 1992. 30-бет.

мадфун Туркистонимизни кофирхонага айлантириб қўйган биз итларни қарғайдилар!!! - деб юм-юм йиғларди» (33-бет).

«Қатлнома»да хужжатлар талқини жараёнида бундай чекинишлар, шеърӣ ёки бевосита адиб ижодига доир илмӣ манбалардан кўчирмалар кўп. Умуман олганда, «Қатнома» ХХ аср инсоният бошидан кечирган мудҳиш сталинизм сиёсатини тасаввур этишга, хусусан, Абдулла Қодирий ҳаётининг сўнги саҳифалари билан танишишга имкон беради.

Дарвоқе, адиб ҳаётининг сўнги кунлари хусусида Ҳабибулла Қодирий ҳам архив хужжатлари асосида «Қодирийнинг сўнги кунлари»<sup>169</sup> номли хотира қисса ёзган эди. Муаллиф таъкидлашча, мазкур асарида «Отам ҳақида» китобига кирмай қолган, ўша 70-80-йиллар сиёсати боис киритилиши мумкин бўлмаган «кўпдан-кўп кизиқарли кўрган-кечирган, билган» воқеа-ҳодисаларни қаламга олади. Хотира қиссанинг ички тизими (структураси)да учта муҳим нуқта бор:

1. Абдулла Қодирий хусусида илгари айта билмай қолинган «қалтис» хотиралар.
2. Архив манбалари асосида адибнинг сўнги кунларига доир хужжатлардан кўчирмалар.
3. Сталинизм сиёсатининг қодирийлар хонадони, хусусан, муаллиф бошига ёғдирган бало-офатлар баёни.

Қиссада бу уч масала ёритилар экан, ҳар доим Абдулла Қодирий сиймоси биринчи планда туради, воқелик унинг кўнгли, вужуди орқали ўтказилади.

Ҳабибулла Қодирийнинг маҳбуслик даври, лагерь ҳаётининг тасвири-тавсифи берилган саҳифалар китобхон диққат-эътиборини ўзига оҳанграбодек тортади. Сталинизм сиёсати нақадар даҳшатли эканлиги, қанчадан-қанча бегуноҳ инсонлар арзимаган баҳонаи сабаб туфайли озодликдан маҳрум этилганлиги қиссада ўзининг ёрқин ифодасини топган, албатта. Зотан, инсон қалбининг оғриқларини кўрсатган бу қисса юрак қони билан ёзилган, чин дилдан чин бир ҳақиқат битилган. Асар устида ишлаётган муаллиф қуйидаги фикрларни бежиз айтмаган: «...Мен шу пайтга қадар қалам тебратиб, унча-мунча нарсалар битдим. Аммо ҳеч қачон ҳозир битаётган асарим каби ўзимда ёзишга, кўнглим-

<sup>169</sup> Қ о д и р и й Ҳ. Қодирийнинг сўнги кунлари. Ёшлик. 1989. №4, 5, 6, 7.

дагиларни бўшатишга бу қадар кучли эҳтиёж сезган эмасман. У мислсиз оғир дард бўлиб, вужуд-вужудимни ўртамоқда. Шу дард, шу армонни қоғозга туширмагунча, ёзиб битирмагунча бу дунёдан кетолмайман, жон беролмайман...»<sup>170</sup>

Дарҳақиқат, киссадаги энг жозибали, энг жонли ва кизиқ саҳифаларни муаллиф эҳтирос билан ёзган. «Ижодкор туйғулари жўшган, фикрлари ойдинлашиб, дард күзёшга айланган маҳалда ёзмоғи керак. Фикр шу даражада етилмоғи жоизки, у қалбингизни ёндирсин, сизга тинчлик бермасин - шунда ёзинг. Мазмун эса ўз-ўзидан келади. Хуллас, дард билан, юрак қони билан, куйиб-ёнаётган қалб амри билан ижод этмоқ лозим»<sup>171</sup>. Рус олими И.Гариннинг ёзишнинг изтиробли ҳаловати хусусидаги ушбу фикрларига монанд ҳолат, аввало, улуғ адиб Абдулла Қодирийнинг ўзида, шунингдек, Ҳ.Қодирийнинг ижоди жараёнида ҳам қайсидир даражада юз берганлигига ишониш мумкин.

Профессор Умарали Норматов «Қодирийнинг сўнгги кунлари» аҳамиятини, фазилатини, ҳақиқатини алоҳида таъкидлайди ва хотира-кисса «ўзининг мавзу-материали, бешафқат ҳақиқати, пафоси» жиҳатидан А.Солженициннинг «ГУЛАГ архипелаги» асарига ҳамоҳанглигини айтади. Муаллифнинг қалб туғёнига, фиғонига эътибор беради ва мақолани ҳам «Фиғон» дея номлайди.

Дарҳақиқат, хотира киссадаги энг жиддий, кўпчиликнинг ҳайратига, безовталигига сабаб бўлган нарса архив манбаларининг адабий муомалага киритилган ўринларидир. Бу тарихий-биографик маълумотлар кимгадир хуш ёқади, кимгадир шартакилик, маданиятсизлик бўлиб кўринади; кимнидир нохуш бир кайфиятга туширади. Нима бўлганда ҳам ҳукмрон давр сиёсати юқорида санаб ўтилган қатор донгдор ижодкорларни майиб қилганлиги, ижод эркини бўғибгина қолмай, ўз устозларига уюштирилган тўхмат ва бўҳтонларнинг эгасига айлангирганлиги ҳақиқат. Хусусан, А.Қаҳҳордек жасур ёзувчи тўғрисидаги янги маълумотлар, айниқса, Ғафур Фуломдек ўктам шоир билан КГБ ходимларининг Абдулла Қодирий борасидаги мулоқотлари

<sup>170</sup> Норматов У. Фиғон. Ёшлик. 1990. № 6.

<sup>171</sup> Гарин И. Пророки и поэты. М. 1992. С.10.

ҳар кимни манфур сиёсатнинг нақадар «хийлакор тулки» эканлиги устида фикр юритишга мажбур этади.

Н.Боқийнинг «Қатлнома»сидаги тергов фактлари Ҳ.Қодирий асарида ҳам бор. Аммо, муайян бир ҳужжатга муаллифларнинг муносабатлари, талқинлар бир оз фарқли. Н.Боқий муҳитни, инсонни, қишанни тушунишга ҳаракат этади. Ҳ.Қодирийда бир оз гинахонликка, хафаланишга ўхшаш кайфият сезилади. Эҳтимол, адибнинг бунга асоси ҳам бордир.

Хотира қиссада Фафур Фуломнинг олижаноблигини намоён этидиган бир фактни Ҳ.Қодирий ҳолислик учун эслаб ўтади. 1956 йили 11 октябрда Ўзбекистон зиёлиларининг биринчи съездида Абдулла Қодирий оқланади. Бундан қувонган, шодликдан боши осмонга етган Фафур Фулом қодирийлар хонадонига съезднинг эртаси кунинг биринчи бўлиб кириб келади ва уларни муборакбод этади<sup>172</sup>.

«Қодирийнинг сўнги кунлари»да Абдулла Қодирийнинг инсоний қиёфасини, мардлиги ва жасурлигини кўрсатадиган ўринлар кўп. Ҳ.Қодирий 1937 йили куз фаслида Маннон табиб билан бўлган мулоқотни хотирага олади. Табиб ёш Ҳабибулладан ҳол-аҳвол, кимнинг ўғли эканлигини сўраб-суриштиргандан сўнг айтади: «...Ўзинг тушунадиган бола кўринасан, гапимни ҳеч кимга айтма, дадангга бориб секин айт, у албатта ўзини Тошкентдан четроққа олсин... Тожикистон томонларга бориб, тоғ-тош қишлоқларда соқол-муртини ўстириб, эшакарава миниб бир тирикчилик ўтказиб юрсин. Бир кун манови алғов-далғовлар босилиб, «омон-омон» бўлганда яна қайтиб келар. Бу сўзимни дадангга албатта айт, жон болам! Буларнинг арқонни узун ташлаб қўйганидан хотиржам ўтиравермасин. Дадангни ҳам албатта камашади. Ҳозир турмалар тўлиб кетган, отангни камашга жой ҳам йўқ! Ўзим ана шу табибчилигим учун яқинда ўн бир ой қамалиб чиқдим, ўз кўзим билан кўрдим, билдим...»<sup>173</sup>.

Албатта, бу гапни Ҳабибулла дадасига етказди. Шунда Қодирий анча вақт ўйланиб ўтиради, сўнг сўзлайди: «Менинг ҳеч гуноҳим йўқ! Гуноҳсизни қамамасалар керак. Йўқ гуноҳни бўйинга олиб ватанни тарк этиш, халқ кўнглига шубҳа солиш,

<sup>172</sup> Қодирий Ҳ. Қодирийнинг сўнги кунлари. Ёшлик. 1989. №7.

<sup>173</sup> Қодирий Ҳ. Қодирийнинг сўнги кунлари. Ёшлик. 1989. №6.

аллақайси жойларда бўйин эгиб, саргайиб юриш... Йўқ, бўлмайди!..»<sup>174</sup>

Бу мулоҳаза, қатъият, жасорат улуғ адиб табиатига хос ва айни чоғда, унинг адабий қаҳрамонлари характерига мувофиқдир. Зотан, Отабекнинг тухматга қолиб, терговга тортилиш эпизодларидаги жасурлиги, Анварнинг беғуноҳ дўстини ўлимдан қутқариш учун ўз оёғи билан дор остига келишлиги қайсидир маънода «хўрликдан ўлим тансиқроқдир», «Мен тўғрилиқ орқасида бош кетса «иш» дейдирган йиғит эмасман», шунингдек, қатъиян «Йўқ, бўлмайди!» деяётган Абдулла Қодирий сиймосини беихтиёр хаёлга келтиради.

«Қодирийнинг сўнгги кунлари» - ғуссали қисса. Унда бевосита адибнинг ўзига, унинг қамалиши ва оқланиши жараёни тафсилотларига доир жуда муҳим нуқталар борки, албатта, улар адиб шахсиятини теранроқ англашга, асарларини чуқурроқ тушунишга, адибнинг ҳаёт йўли билан ижодий йўлини бир бутунликда олиб тадқиқ этишга ёрдам беради.

Агар адибнинг ҳаётига, ижодига жиддий назар ташланса, ўзлигига, ўзига ва ўз миллатига садоқат яққол кўринади. Жуда кичик, гўё арзимас бўлиб кўринган биографик маълумотлар ҳам баъзида айни жараёнда катта ва жуда муҳим маъно касб этади.

\* \* \*

Ижодкор таржимаи ҳоли тузилган ё вафот эткан йилдагина, асарларининг ёзилган санаси ёки қандайдир мукофотлар олганига оид маълумотлардангина иборат бўлса, бундай «тарих», бундай биография анча жўн, зерикарли ва ҳатто бадий ижод жараёнларидан, ижодкор руҳиятидан узилган бўлади. Негаки, ёзувчи-шоир ҳаётидаги энг майда воқеа-ҳодисалар ҳам баъзида унинг асарларида рухий-психологик суратда ўз муҳрини қолдиради. Дунё адабиётшунослигида бадий асарга ижодкорнинг яшаш тарзи, шароити, муҳити, ишқий саргузаштлари, эътиқодий таянчлари, ҳаётида кечган турли ҳодисалар, кундаликлари ва шу каби бир қанча унсурлар призмасидан қарайдиган биографик метод кўпинча муваффақиятга эришиб, ўз натижаларида камалакнинг етти рангини кўради. Жаҳон

<sup>174</sup> Ўша асар.

адабиёти тарихида ҳар босган қадами, ҳар олган нафаси қогозларга муҳирланган донгдор санъаткорлар ҳаёти салномасини учратиш мумкин. Масалан, И.В.Гётенинг котиблари олмон шоирининг охириги нафасигача, охириги сўзлари ва умуман, ўлим ҳолатининг тафсилотларигача батафсил ёзиб қолдирганлар.

Таассуфки, бизда бадиий асар моҳияти билан бевосита боғлиқ ҳодиса - таржимаи ҳолни тавсиф этиш ёки бирор бир ижодкор портретини ёзиш ҳали шу кунга довур оддий хронологик маълумотлар қайдларидан кўп ҳам юқори кўтаришгани йўқ.

Бизнинг адабиётшунослигимизда Қодирий ҳақида тадқиқотлар кўп. Гарчанд қодирийшуносликда «Отам ҳақида», «Қодирийнинг сўнги кунлари», «Қатлнома» сингари биографик йўсинда ёзилган китоблар мавжуд бўлса-да, улуғ адибимиз ҳаётининг кўпгина саҳифаларини яхши билмаймиз: чалкаш фактлар, ғайримантикий талқинлар учрайди.

Қодирий отилган, Қодирий «халқ душмани» сифатида судланган, сал илгари Қодирий «аксилинкилобий ҳаракат» қилганликда айбланиб ҳам судланган; Қодирий Масковда ўқиган...

Ушбу мавзу учун шу нуқта, шу охириги жумла муҳим.

60-йиллари ёзилган айрим адабиётшуносларда адибнинг ўқиш даври 1925-1926 саналари билан кўрсатилади («Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки», Т., 1962. 159-160-бетлар). Шунингдек, 1990 йили олий ўқув юртлари талабаларига мўлжаллаб чиқарилган адабиёт тарихи дарслигида ҳам айни сана такрорланади.

Ҳолбуки, адибнинг «Кичик асарлар»ига кирган «Таржимаи ҳоли»да ҳам, шу манбага суяниб ёзилган Х.Қодирийнинг «Отам ҳақида» китобида ҳам адиб ҳаёти, ижодининг Масков даври 1924-1925 йил экани тўғри қайд этилади.

Х.Қодирийнинг «иккита ўн икки варақли, кўк муқовали тўла конспект дафтар»дан ўқиб олган («Отам ҳақида», 50-бет) ва хотирасида қайта тиклаб ёзган тахминий маълумотларидан бошқа, афсуски, Абдулла Қодирийнинг таълим-таҳсили хусусида тафсилий маълумот йўқ.

Ўқиш-ўрганишга ихлос, хоҳиш ҳар кимда бўлиши табиий. Жумладан, таниқли ёзувчи бўлиб етишганларда ҳам. Бироқ, ҳар доим иқтисодий масала муаммо бўлиб келган. Айниқса,



калам учидан келадиган даромад эвазига кун кечирадиган ижодкор зотига.

Хўш, улуғ адибимиз Абдулла Қодирий Масковга қайси маблағ ҳисобидан кетган эди?

Фикримизча, «Туркистон» газетасининг 1924 йил 15-сонидан ўқиб, кўчириб олганимиз қуйидаги мухтасар хабар айти саволга жавоб бўлади, адиб биографиясининг қоронғу бир саҳифасига ойдинлик киритади, деб ўйлаймиз. «Такдир этарлик бир иш» деб номланган хабар-мақола муаллифи Шокирбекоф фамилияли киши шундай ёзган:

«Эски шаҳар вақф бўлинмаси Жулқунбойни ўз таъминотига олиб, Масковга ўқушқа юборди. Жўнатиш олдидан беш ойлик маошини қўлига нақд беруб, бир ойлик мукофот ҳам берди. Иқтисодий идораларимизнинг шундай кадр қилиб қилгон ҳимматларига офарин деймиз ва ўртоғимиз Жулқунбойга муваффиқият тилаб, ўзи узоқ кетса ҳам, қаламининг яқинда туришини умид қиламиз».

Бор гап шу. Демак, Абдулла Қодирий «эски шаҳар вақф бўлинмаси» ҳисобидан, унинг иқтисодий ёрдами билан Масковга ўқишга кетган экан.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Туркистонда илгаридан фаолият кўрсатиб келаётган вақфлар 1923 йили Туркистон шўролар жумҳурияти ижрокўмининг 173-сонли декрети билан маориф комиссарлиги таркибига киритилади. Бу иқтисодий ташкилот таркибида иккита - диний ҳамда маданий ва маориф ишларига белгиланган вақфлар иш юритади. Айти вақфлар, шунингдек, «Кўмак» ва «Нашри мориф» ҳайрия уюшмаларининг ёрдамида ўша йиллари Русияда беш юздан ортиқ, Германияда юзга яқин, Бокуда ўттиз бешта ўқувчи таҳсил олади (маълумотлар 1923 йил 1 февралда «Туркистон» газетасида босилган И.Хидиралиевнинг «Вақфлар тўғрисида бир неча сўз» номли мақоласидан олинди). Қолаверса, Қодирийнинг Масковда ўқишининг харажатларини ўз зиммасига олган вақф идорасида ёзувчининг кўнглига яқин Ҳожи Зуфарий, Муннавар Қори, Заҳириддин Аълам каби ҳаммаслак кишилар ишлар эди. Воқеан, Шокирбекофнинг тилагига, «Муштум»га берилган ваъдага кўра Жулқунбой «ўзи узоқ кетса ҳам», юрт матбуотига «қаламининг яқин туриши»нинг имконини топди. Хат йўсинида мақолалар юбориб турди. Жулқунбойнинг Масковдан туриб ёзган битикларида ёлғизланиш,

бегонасираш, мухитга кўника олмасликка ўхшаган кайфият сезилади. Айни чоғда, у ерга ўқишга борганлар ҳолидан, бекорчилигидан, олифтагарчилигидан муштумона шевада ёзади. «Бу ердаги болалари аҳволларидан сўрасалар, алҳамдулиллоҳ, улар ҳам ўйнаб-кулиб юрийдилар. Субҳи шом, балки алад давом таҳсили улум кўйидадирлар. Аммо болаларингиз орасида беғоя ва беамал ошиқ ўйнаб, ит уриштириб, кўйнак-иштон йиртиб юрганлари йўқ, деб айта олмасам ҳам, лекин бор дейишга ҳам тилим бормаиди...»

Жулқунбой шу зайл қалам суради. Чамаси баъзи ўқувчи-талабалар таҳсилидан кўнгли тўлмайди, маърифат тилагида келган айрим ёшлар маржаларни етаклаб, бузғунчилик кўчаларига киради: эҳтимол, кийимини ўзгартирар, аммо миллат қайғусида, миллий фикрда ўзгариш кўрилмайди. Шунингдек, она кўксини кўмсаб тургунчи, она сути оғзидан кетмаган, жиддий қилиб айтганда, миллатга, хизмат нелигини англамаган, фикран етилмаган гўдак-болалар ҳам ўқишга юборилганки, бунинг фойдасидан зарари кўп. Бундай курук исрофгарчилик учун куюниб ёзилган сатрлар «Миллий ашулачимиз фалончи Италияда ўқиб қайтдим!» номли пичингда ҳам кўринади... Жулқунбой Масковдан йўллаган «Тўртинчи хат»нинг «Қари қиз пешонанга йиғла!» деган жойида ёзади: «Оғзимни қапа-қапа очиб, рутубат микробларидан уч-тўрт юзини наҳорга танаввул қилгач, устидан «қир-қир» қилиб йўталиб ҳам кўйдим. Баъдазон юзимни қиблага қаратиб, Масковнинг шундай болонишин еридан уй олиб, менга ўхшагон нимжонларни рамакижонлик даражасига етказишга таважжуҳ қилгон ваколатхонамиз ҳақиқа дуойи холис учун кўлимни очдим...». Хуллас, илм талабида юрган баъзи кимсаларни яшаш шароити ҳам кўнгиликдек эмас; оғир шароитга, етар-етмас таъминотга тоқат қилиб, илм олиш учун ҳазрати «Айюб Собир»нинг сабрлари лозим. Қодирий Масковдалиги пайтида бу каби ҳолатларни ўз кўзи билан кўрди; шунинг ичида яшади ва «Муштум»га ҳангома, пичинг, тажоҳили орифона йўсинида ёзиб, журнал сипоришларини қондирди. Албатта, хизматидан атайин рухсат олган ёзувчининг нияти «уч-тўрт йил илмий муассасаларда бўлилмак эди». Аммо... Зид фикр давоми учун далил: «Масковдан 1925 йилнинг июн ойида ёзги таътилга Тошкентга қайтдим. 25-26 йилнинг таҳсилига Масковга бораман, деб

тайёрлагон вақтимда Алимов мени олиб қолди...». (Демак, адибнинг ўқишда юрган даври ропша-роса бир йилга - 1924 йил июнидан 1925 йил июн ойларига тўғри келади). Қизил матбуот арбоби Комилжон Алимов, эҳтимол, Абдулла Қодирийни матбуотда бирга ҳамкорлик қилиш таклифи билан «олиб қол»гандир. Иккинчидан, кейинчалик ёзувчи ижодининг қора нуқталари ўлароқ хотирага олиниб, танқид этилган «Москов хатлари» ҳаммага ҳам хуш ёқаверган бўлмаса керак. Негаки, унда ҳақиқатни кулгили йўлда айтиш, мавжуд ижтимоий, адабий ҳаётга, маданий-маърифий таълим тадбирлари жараёнига нисбатан танқидий руҳ кучли эди. Шуниси ибратлики, Қодирий ўзгача бир муҳитда ҳам ўз услубига, ўз қаламига содиқ қолади: руҳиятдаги тирик назар, уйғоқ қалб ўз маншаъидан асло узоқ кетмади.

\* \* \*

Хуллас, ёзувчининг биографик маълумотларини унинг ижодий жараёнига уйғунликда талқин этиш зарурати мавжуд ва бунинг илмий ифодаси муайян илмий тизим тусини олиши керак.

Бадиий-эстетик биографиялар ёки ижодий портретлар ёзишда дунё адабиётшунослигининг, мумтоз адабиётшунослигимизнинг тажрибаларига таяниш лозим.

Ижодкор биографиясида, хусусан, Абдулла Қодирий таржимаи ҳоли тавсифида унинг ўз-қўли билан ёзган турли жанрдаги асарлари, замондошларининг хотиралари, фарзандлари томонидан битилган ҳужжатли, хотира асарлари ва айниқса, архив ҳужжатларида муҳрланиб қолган маълумотлар муҳим аҳамият касб этади.

## ХОРИЖДА ҚОДИРИЙШУНОСЛИК

XX аср ўзбек адабиёти намояндаларининг ижоди баъзан собиқ иттифоқ олимлари, баъзан рус олимлари томонидан ўрганилди; мақолаларида, хотираларида эътирофлари берилди. Бундаги эътирофлар, хусусан, қодирийшунослик доирасидаги фикр-мулоҳазаларда кўпроқ ўзбек романчилигининг майдонга келиши катта воқеа экани айтилади.

Масалан, татар олими Зариф Башир 1929 йили Қозонда нашр этилган «Ўзбек адабиёти» китобида: «Унинг (Абдулла Қодирий назарда тутилади - *Б.К.*) 1923 йилдан сўнг босилган «Ўткан кунлар» номли зўр бир романи уч бўлим бўлиб нашр этилди. Мундарижаси Худоёрхон диёридан олиб ёзилган бу романни ўқиган чоғингда, ўзингни бутунлай шу диёрнинг қахрамонлари орасида ҳис қиласан...», деган сатрлар бор<sup>175</sup>. Қозоқ ёзувчиси Мухтор Аvezовнинг: «Абдулла Қодирий (Жулқунбой) юксак романлар яратди. Унинг романлари 20-йилларда гўё текис саҳрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлди...», деган эътирофини кўпчилик яхши билади. Шу сингари мулоҳазалар бошқа қардош миллат ёзувчилари томонидан ҳам айтилган<sup>176</sup>. Бундаги адиб новаторлигини, устозлигини улуғловчи фикрлар ўзбек адабиётшунослигида мавжуд қарашларга жуда ҳамоҳангдир. Шу боис, айнан қодирийшуносликка оид нисбатан ўзгача талқинлар бор-йўқлигини кузатиш ниятида хориж олимлари томонидан битилган манбаларни имкони қадар бир сидра кўздан кечирамиз. Зотан, собиқ совет мафқураси ҳукмронлик этиб турган йилларда Фитрат ва Чўлпондек забардаст адиблар хусусида хорижда қатор эътиборли мақолалар юзага келган эдиким, бу хусусда илмий жамоатчилик муайян тасаввурга эга бўлди. Мудҳиш қатағон қурбонлари бўлган бу ижодкорларнинг шон-шухрати 20-30-йиллардаёқ турк дунёсига маълум эди. Шу сабаб улар хусусидаги фикр-мулоҳазалар оқими бутун XX аср давомида тўхтамади.

<sup>175</sup> Башир З. Ўзбек адабиёти. Қозон. 1929. 15-бет.

<sup>176</sup> Бу ҳақда қаранг. Иноғомов Р. Қодирий жаҳон кезади. Шарқ юлдузи. 1994. № 3-4.

Абдулла Қодирий сиймоси ҳам мухожиротдаги туркий миллат вакиллари, шунингдек, Ғарб ва Америка олимларининг назаридан четда турмади. 1929-1939 йиллар оралиғида Мустафо Чўкай ўғли раҳбарлигида Париж шаҳрида «Ёш Туркистон» номли журнал нашр этилган. Унда барча жаҳидларга жиддий эътибор қаратилганидек, баъзи мақолаларда Жулқунбойга ҳам муносабат билдирилди<sup>177</sup>.

Айнан шу «Ёш Туркистон»нинг 1931 йилги 18-сонида Азимзода исмли муаллифнинг Машҳаддан ёзган «Ўткан кунларимиз» сарлавҳали бир мақоласи борки, Абдулла Қодирийга муносабат бу ўринда анча жиддий ва айбнома руҳидадир.

30-йилларда С.Хусайн, М.Бузрук сингари ўзбек мунаққидлари адибнинг «миллатчи», «майда буржуазия» вакили эканлигини ёзган, романларидан шўроча талабларни қониқтирадиган манзаралар топа билмай айблаган бўлсалар, Азимзода Абдулла Қодирийни ўз мақоласида «бўлшавикларга сотилгон» ҳисоблайди; адиб романларини ўқиб, унга шундай айбни юклайди. Дарвоқе, бир ўринда Ботуни большевикларнинг ишончли хизматчиси, Миртемирни эса «бўлшавиклар манфаати учун шеърлар ёзади», «бўлшавик малайларидан», деб айтади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу мақоладаги мулоҳазалар чуқур илмий-эстетик талқинлар натижаси эмас, балки мавжуд ҳокимият билан бир оз муросага келиб ижод этаётган, таҳликалар ичида куй кечираётган миллий бир адибга нисбатан қуруқ асоссиз ҳужумлардир.

Азимзода қуйидагича ёзаверади: «Абдулла Қодирий бўлшавиклар учун хизмат қилиб турадир. Унинг «Меҳробдан чаён» деган китоби миллий рўмон эмасдир. Бу асарда бурунги хонларнинг айблари хаёлий ва муболағали бир суратда тасвир этилиб, эски анъаналар халафлар назаринда такбиҳ этилади; миллат ва миллият туйғуси алайҳинда бўлгон бу рўмон бўлшавиклар манфаати учун нашр этилмишидир...

Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» каби яна «Ўткан кунлар» деган рўмони бор. Бу асар-да бўлшавикларга пак мақбулдир»<sup>178</sup>.

<sup>177</sup> Ўқ т о й. Туркистон адиблари вазифаси. Ёш Туркистон. 1937 йил. № 95.

<sup>178</sup> А з и м з о д а. Ўткан кунларимиз. Ёш Туркистон. 1931 йил. № 18.

Азимзода фикрича, Абдулла Қодирий ўша романларини бирёклама ёзган, чунки қаҳатчилик ҳукм сураётган ўша йилларда унинг «қалами кунлик озукқа» сотилган эмиш. Адиб ўз романларида ўтган кунларимизни қаро буёқларда берган, фақат ёмонлаган. Ҳолбуки, эски замонларда қадим Туркистонда улуғ бинолар, нақш, ипак санъати, оғоч, мис ва темир ўймакорликлари, тошқўмир ва қоғоз саноати ривожланган бўлган. Абдулла Қодирий ўтмиш хусусида рўмон ёзар экан, «бунларни кўрмамиш ва унга отаси-да сўйламамишдир». Бадий асар билан реал тарихий асарнинг фарқига бормайдиган муаллиф фикрлари шундай. Ва ҳатто, бир ўринда: «Ўткан кунларимизни яхши билмасдан у ҳақда рўмонлар ёзишга жасорат этиш буюк хиёнатдир», деган иддаони ёзади. Эҳтимол, Азимзода Туркистоннинг ўтмишини улуғлаши, унинг буюклигини овоза қилиш лозимлигини таъкидлаши билан ватанпарварлик, миллатпарварлик қилаётгандир. Аммо, унинг бадий воқеликка ёндашуви матндан узок. Чунки мақоласида роман воқеа-ҳодисалари ёки муайян образлар таҳлили йўқ. Гўё унга кимдир Абдулла Қодирий ўша романларида ўтмишни қоралаган, деган гапни етказиб қўйган-у, у романларни ўқимасданок, ўша «қора ўтмиш»ни «оқлаш»га тушиб кетган кўринади. Ҳар ҳолда мақоланинг умумий пафоси шундай таассурот беради.

Назаримда, бу ўринда Азимзода фикрларининг инкори учун узундан-узок далиллар келтириш шарт эмас. Чунки «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён»нинг ўзбек миллати маънавиятига, бадий-эстетик тафаккурининг юксалишига берган таъсири Абдулла Қодирий миллат ва ватан учун қандай хизмат этганини кўрсатади.

Қизиқ ҳолат. Айнан ўша тарихий даврда адибга нақадар қийин бўлганини тасаввур этиш мумкин. Ичкаридагилар уни «миллатчи»дан олиб, «миллатчи»га солган бўлсалар, ташқаридаги бир «миллатсевар» киши ўз талқинларида адибни «бўлшавикларга сотилгон», тарих олдида буюк хиёнат қилган хиёнатчига чиқарди...

Иккинчи жаҳон уруши даврида Берлинда нашр этилган «Миллий адабиёт» мажмуасида «Ўткан кунлар»дан парчалар берилди (1943. 5-сон). Қ.Исроилжон имзоси остида босилган «Туркистон ёзувчилари ҳақида бир неча сўз» номли мақолада

- асосий гап Чўлпон хусусида бўлса-да - Абдулла Қодирий номи жадиждлар қаторида тилга олинади<sup>179</sup>.

Шунингдек, «Миллий Туркистон» мажмуасининг 1964 йил май сонида Боймирза Ҳайитнинг «Туркистон янги адабиётида икки сиймо: Қодирий ва Чўлпон» номли мақоласи босилади. Мақоланинг аввалги қисми Абдулла Қодирий хусусида бўлиб, сарлавҳадан кейин «бошқарма» - таҳририят томонидан шундай эслатма битилган: «Б.Ҳайит томонидан XXVI Байналмилал шарқшунослар қурултойи, туркшунослар бўлимида, Дехли 7. 1. 1964 да берган маъруза»<sup>180</sup>.

Б.Ҳайит Абдулла Қодирий асарларининг матнини махсус адабий-назарий нуқтаи назардан талқин этмайди, балки умумий йўсинда адибнинг ҳаёти ва ижоди хусусида фикр билдиради. Албатта, бу даврга келиб Абдулла Қодирий аллақачон оқланган ва унинг ижоди советлар мафқурасига бегона эмаслиги исботланаётган эди.

Б.Ҳайит собиқ иттифокдаги чиқишлардан фаркли ўлароқ айрим мулоҳазаларни билдирди.

1. «Ўткан кунлар»да «Хўқанд хонлиги ва Русиянинг Туркистонга хужуми олдидаги ҳаёт тасвир этилган»лигини очик ёзди.

2. Абдулла Қодирийнинг ижоди на «советлар бирлигида ва на Оврўпада» мукамал ўрганлмаётганини айтди.

3. Б.Ҳайит фикрича, адибнинг ўзбек романчилиги мактабининг асосчиси эканлигини ҳар ким ҳар доим зикр этади. «Лекин совет адабиётшунослари, унинг мафкура масаласида айблайдилар, - дея ёзади у ва И.Султонов фикрларига пичинг аралаш мурожаат этади, - чунки у «жадидчилик ҳаракати таъсири остида қолган, Туркистоннинг Русия тарафидан қўшиб олинишининг тараққийпарварлигини сезмаган ва синфий курашни ўз асарларида яққол кўрсата билмаган» эмиш».

4. Адиб оқлангандан кейин, албатта, унинг асарлари нашр қилина бошланди. Бироқ «Ўткан кунлар»нинг 1958 йилда наشري илгари нашрлардан фаркли эди. Б.Ҳайит роман

---

<sup>179</sup> И с р о и л ж о н Қ. Туркистон ёзувчилари ҳақида бир неча сўз. Миллий Туркистон 1942. № 11.

<sup>180</sup> «Миллий Туркистон» мажмуаси. 1964. № 11. 22-26-бетлар.

матнларини қислаб, баъзи ўринлар тушуриб қолдирилганини, айрим жумлалар таҳрир этилганлигини таъкидлайди. Жумладан, роман охирида Отабекнинг «ўрис билан тўқнашма»да шахид бўлганлиги ибораси «чор аскарларн билан тўқнашиш»да бирикмасига ўзгартирилганлигини мисол қилиб келтиради.

Албатта, Б.Ҳайит мақоласида Абдулла Қодирий ижодининг фавқулодда янги, қутилмаган талқинлари сезилмайди. Бирок, унда «миллатлар турмаси»да айтиш ва ёзиш мумкин бўлмаган айрим гаплар бор. Айнан адабий сиёсат эътиборидан талқиндаги фарқни билиш қийин эмас. Табиийки, бундай коммунистик жамият сари ингилаётган тузумга нисбатан билдирган шак-шубҳалар унинг муҳолифатдаги жуфтликлари томонидан сўз бўрони ила қаршиланиши шарт эди. Адабиёт майдонидаги ҳукмрон сиёсатнинг талаби шундай эди.

XX аср жамиятида бир-бирига муҳолиф бўлган икки лагерь идеологлари битта адабий-тарихий воқеликка икки хил назар билан қаради. Ғоявий кураш майдонида бу идеологлар мурасага кела олмайдиган масалалар бор эди. Рус босқинчиларига, жадидларга, Чўлпон, Фитрат ва шу жумладан, Қодирийга муносабат масаласи шу доирага киради.

Зотан, хорижда ушбу масалаларга ўз муносабатини баён этган олимлардан бири Эдвард Олворт эди. Унинг «Ўзбек адабий сиёсати» номли китоби бор. Олим унда жадид адабиётига жиддий эътибор қаратади ва умуман тўғри қарашларни ҳам илгари суради. Мафкуравий-сиёсий адабиётшунослик намунаси бўлган «Ўзбек адабий сиёсати» китобида Абдулла Қодирий номи бир неча ўринда, яъни Бехбудийнинг «Падаркуш»ига таклидан «Бахтсиз куёв» драмасини ёзганлиги, гарчи Абдулла Қодирий биринчи ўзбек романнависи бўлса-да, диққат-эътибордан четда қолиб келганлиги, 1956 йилги Н.Муҳиддиновнинг Абдулла Қодирий сиймосига алоҳида эътибор берганлиги каби қатор масалалар тилга олинади<sup>181</sup>.

<sup>181</sup> Edward Allworth. Uzbek Literary politics. London-Paris. 1964. P. 36-37. 72-73, 209.



Бу фикр-мулоҳазалар шўро адабиётшунослигидан бир оз фарқ этар эди, аммо Абдулла Қодирийнинг муайян асари махсус талқин қилинмайди ва адабиётшуносликнинг, бундай ўзак масаласи бу тип олимлар зиммасига тушмас ҳам эди. Э.Олвортнинг китобидаги фикрлари билан ҳам совет олимлари ҳисоб-китоб қилишга мажбур бўлдилар.

Бироқ шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, агар хориж олимлари томонидан ёзилган илмий мақолалар совет адабий сиёсатига мос келса, албатта, инюбатга олинар ва юксак эътироф рамзи ўларок, мақолаларда ундан иқтибослар келтирилар эди.

Маълумки, 1968 йили Германия Демократик Республикаси пойтахти Берлинда «Ўткан кунлар» «Die Liebenden von Taschkent», яъни «Тошкентлик севишганлар» номи остида рус тили орқали олмончага ўгирилиб, нашр қилинади. Унга олмон адабиётшуноси Ниота Тун сўнгсўз ёзган. Бу адабиётшуносликнинг фикр-мулоҳазалари хориждаги «буржуа идеолог»лари қарашларидан фарқли ўларок қодирийшуносликдаги шўроча талқинларга яқин келади. Адибнинг истеъдодини, бадий тафаккур равнақига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаган Н.Тун сиёсий тушунчалар исканжасидан ташқари чиқмайди ва ёзади: «1924-1925 йилларда Абдулла Қодирий Москвада ўқийди, бу ерда ўша вақтда қизгин мунозара объекти бўлган ёш рус совет адабиётидаги турли масалалар билан яқиндан танишади. Москвада олган билим ва тажрибаси унинг она диёри Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятга, мафкуравий ва эстетик масалаларни қайта ўйлаб кўришга, шу билан боғлиқ саволларга жавоб қидиришга ёрдам беради». «Абдулла Қодирий ўзининг романини Октябрь революцияси тажрибаларидан келиб чиқиб ёзди. У ўз халқининг асрлар бўйи эзлишида айбдор бўлган ижтимоий кучлардан нафратланади».

60-йилларнинг охирларида ёзилган бу фикрлар билан кимдир баҳслашиши, ўша тарихий муҳитдаги талқин табиатини англаб етиши ва энг муҳими адабий сиёсат дастининг нақадар узунлигини аниқ кўриши мумкин. Чунки ГДРнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳам Ўзбекистонга таъсир этиб турган Москвадаги ҳукумат тарафидан бошқарилар ва шу

боис «бир лагерь» намояндаларининг қарашлари ўзаро яқин бўлиши табиий эди.

1975 йили Американинг Колумбия университетида «Transitional Central Asian Literature: Tajik and Uzbek prose fiction from 1909 to 1932», яъни «Ўрта Осиёнинг ўтиш даври адабиёти: 1909 йилдан 1932 йилгача тожик ва ўзбек бадий прозаси» номли фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун бир илмий иш ҳимоя этилади. Унинг муаллифи Э.Олвортнинг шогирди Эден Наби исмли олима эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, анча фактларга бой ва холис ёзилган бу диссертацион иш марказида, гарчи, ўша даврда ўнлаб ижодкорлар фаолият кўрсатган бўлса ҳам, асосан Садриддин Айний ва Абдулла Қодирий туради. Диссертант ҳар бир илмий масалани ёритишга интилар экан, шу икки ижодкор ҳаётига, ёзган асарларига муурожаат этади. Диссертациянинг (у 14 бобдан, 240 саҳифадан иборат) «Cultural effectes of increased trade», яъни «Маданий анъаналарнинг таъсири» деган иккинчи бобида ҳар икки адибнинг таълим, таҳсилига эътибор беради. Абдулла Қодирий эскича, янгича рус-тузем мактабида ҳам ўқиганини, С.Айнийнинг 30-йилларнинг охиригача эски мактабда олган билими билан чекланганини ёзади (25-бет).

«Ўткан кунлар»нинг дастлабки танқиди ва унга Абдулла Қодирийнинг жавоби хусусида тўхталар экан, С.Хусайн адибни асосиз равишда кўчирмачиликда айблаганини, шунингдек, Абдулла Қодирий Жўрж Зайдон асарларини Озарбайжон ва турк тилларидагина эмас, балки форс тилида ҳам ўқиган бўлиши мумкин, чунки бу даврда (яъни 20-йилларда) ўша ёзувчининг 20 та асари форс тилига таржима этилган эди, деган фикрни илгари суради (40-бет).

Э.Наби бир ўринда Абдулла Қодирий романчилик маҳоратини С.Айнийга қиёслаб, илк ўзбек романависининг устунлигини баён этади: «Айнийнинг тарихий романлари Ғарб маданияти нуқтан назаридан қараганда ўз моҳиятини тўлиқ ифодалай олмаган бўлса, Абдулла Қодирий томонидан ёзилган икки роман тарихий роман элементларини кўрсатишга анча яқинлашди. Шунингдек, ушбу икки роман маълум бир

хусусиятлар билан Ғарб романчилигидан фаркланиб, ажралиб туради»<sup>182</sup>

Э.Наби эътиборини тортган яна бир жиҳати шуки, Абдулла Қодирий хотин-қизлар образини реалистик, ҳистуйғулари, ички ва ташқи дунёси билан ёрқин тасвирлаган; ўша даврнинг бошқа совет ўзбек ва тожик адибларида айнан хотин-қизлар дунёси жуда саёз, бирёқлама, совет тузумини ёқлаш ва эски анъаналарни қуруқ қоралаш йўсинида ёзилган.

Абдулла Қодирий реализми роман охирида Зайнаб образини бадий талқинида янада очикроқ кўринади. Ёзувчи «Зайнабни ёвуз дея ҳукм чиқармайди», аксинча, унинг ҳолатини, изтиробларини таҳлил этади ва «жуда гўзал талқинни» майдонга қўяди. Жинни дея ҳукм этилган Зайнабни ҳеч ким жазоламайди. «Қодирийнинг Зайнабга муносабати гуманитар ва реалистик... Бу муносабат бошқа муаллифларнинг аёллар тасвирланган мелодраматик шаклли асарларидаги муносабатдан буткул фарқ қилади. Прозада ижод этган кўплаб ёзувчилар, гарчи аёлларнинг нисбатан ишонарли образларини акс эттирган бўлсалар-да, ҳеч бири Қодирий каби унинг ички хусусиятлари, ички дунёсини берган эмас»<sup>183</sup>.

Шунингдек, мазкур қиёсий услубда ёзилган тадқиқотда Абдулла Қодирийнинг «Калвак махзум...» ва «Меҳробдан чаён» асарлари, уларнинг жозибали тили, ўзбеклар тарихидаги уруғларга эътибор берганлиги, сиёсатга ва қатағон ҳамда кейинчалик ўзгарган сиёсатнинг адибга муносабатлари хусусида ҳам қатор фикрлар бор. Тадқиқотчи умуман, Абдулла Қодирий ижодини билади, ўз ишида Ҳ.Қодирий, Фитрат, Ғафур Ғулом, Ҳ.Олимжон асарларига, баъзан И.Султонов, В.Зоҳидов, Л.Қаюмов, У.Норматов, С.Мирвалиев, Н.Владимирова, Р.Иноғомов каби олимларнинг китоб ва мақолаларига, асосан эса, устози Э.Олвортнинг «Ўзбек адабий сиёсати» китобига мурожаат этади.

Абдулла Қодирий ижодининг хорижда ўрганилишини яхши текширган адабиётшунос олим Хайрулла Исматулла Эден Наби диссертациясидаги камчилиқни қуйидагича

<sup>182</sup> E d e n N a b y. Transitional Central Asian Literature: Tajik and Uzbek prose fiction from 1909 to 1932. Columbia University 1975. P. 72.

<sup>183</sup> Ўша диссертация. 118-бет.

кўрсатади: «Бу ишнинг бўш томони: ишда муаллиф ҳар икки адабиёт (Ўзбек ва тожик) учун муҳим саналган катта бир даврни, ўнлаб адиблар ижодини 240 саҳифада ёритишга уринган. Натижада бу диссертация қисқача берилган обзорлар мажмуасига ўхшаб қолган»<sup>184</sup>. Хайрулла Исматулла ўзининг «Абдулла Қодирий абадияти» номли мақоласида анча маълумотлар берган эди. Жумладан, Э.Наби ва унинг иши хусусида ҳам. Юқоридаги мулоҳаза ҳам шу мақоладан иқтибос.

Америкада Абдулла Қодирий ижодини «The Relationship of Abdulla Qodiriy's Historical Novels to the Earlier Uzbek Literary Traditions» (University of Washington 1980), яъни «Абдулла Қодирий тарихий романларининг илк ўзбек адабий анъаналарига алоқаси» (Вашингтон университети, 1980) мавзусида текшириб, докторлик диссертацияси ёзган Христафор Майкел Мурфи адиб романларига «структурал адабиётшунослик услуби билан» ёндашади. 209 бет ҳажми бу диссертация «Кириш» ва «Хулоса» билан бирга етти бобдан таркиб топган.

Ишнинг «Кириш»дан кейинги иккинчи боби «Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва унинг ишларига ўзбеклар берган баҳолар» (11-50-бетлар), учинчи боби «Назарий асос» (50-61-бетлар), тўртинчи боби «Ўзбекларнинг классик исломий адабиёти ва фольклор анъаналарида ҳикоянинг баён этиш шакллари» (62-119-бетлар), бешинчи боби «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён»да ҳикояни баён этиш усуллари» (120-173), олтинчи боби «Романларда ҳикоячи ва ҳикоя қилиш услублари» (174-189) дея номланади. Еттинчи боб ўларок, «Хулоса» ёзилади.

Х.Мурфи структурал анализ методологиясини танлаш сабабини бевосита адиб романларининг ички моҳиятига, уларда ўзи илғаб олган иккита муҳим омилга боғлайди. Аввало, «Ўткан кунлар» тадқиқотчига романдан кўра бошқачароқ асар бўлиб кўринади. Иккинчидан, «Ўткан кунлар»нинг баён услубидаги жуда кўп қирралар анъанавий ўзбек халқ оғзаки ижодида учрайдиган жиҳатларни эслатар экан.

---

<sup>184</sup> И с м а т у л л а Х. Абдулла Қодирий абадияти. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994 йил. 14 октябрь. 11 ноябрь.

Шу боис, Х.Мурфи роман структурасини, баён услубини «Алпомиш» (кахрамонлик эпоси), «Кунтуғмиш» (романик эпос), Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» дostonлари ҳамда халқ китоби «Тоҳир ва Зухра»ларга таққослашни маъқул топади. Тадқиқотчининг диққатини ўзига тортган муҳим факт шуки, «Тоҳир ва Зухра», «Фарҳод ва Ширин» дostonлари «Ўткан кунлар» муқаддима-сида тилга олинади. Ва демак, қиёс учун асос ҳам борлиги кўринади.

Олим диссертациясининг «Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва унинг ишларига ўзбеклар берган баҳолар» бобида бизга маълум маълумот, фикр-мулоҳазаларни Ойбек, И.Султонов, Ҳ.Қодирий асарларига таянган ҳолда бир сидра такрорлаб чиқади. Албатта, бу Абдулла Қодирий сиймосини хорижда танитиш учун жуда муҳим эди.

Х.Мурфи юқорида саналган бешта дoston сюжети структурасини текшириб чикқач, «Ўткан кунлар»га келади. Воқеа-ҳодисаларнинг жойлашиш структурасини «ўқувчи қабул қиладиган» (ижобий) ва «ўқувчи қабул қилмайдиган» (салбий) тарзда махсус жадвалга солади.

Шу жадвалдаги «плюс» ва «минус», «ижобий» ва «салбий» томонлар кимгадир содда ёки жўн туюлиши мумкин. Аммо, бу жадвал романинг сюжет ривожини «ажралиш» ва «бирлашиш» тарзидаги изоҳи билан кўз олдимизда намоён этади. Тадқиқотчи сюжетни баён этишнинг бизнинг адабиётшунослигимиз тажрибасида кўрилмаган йўлини танлаган.

Шунингдек, Х.Мурфи «Ўткан кунлар»даги конфликт масалаларига, образлар учун танланган исмлар ва уларнинг талқинига, романда акс этган тарихий воқеаларга, характер ва персонажларга, «Меҳробдан чаён» романи сюжет воқеалари, кахрамонларига эътибор беради. Олим фикрича, Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён»да ҳам «Ўткан кунлар» романидаги каби рамзий маъноли исм танлашга жиддий қараган.

Тадқиқотчи Қодирий романларининг тили янги ва айни чоғда, ўзбек адабиёти тарихида мавжуд ҳикоя қилиш анъаналарига яқин туради, дейди. Фикр исботи учун «Маҳбуб ул-қуллуб» ва «Бобурнома» қиёсланади. Халқнинг сўзлашу-

тилига яқинлиги, баъзан халқ достонлари тилига хос хусусиятлар мавжудлигини кўрсатади.

Куйидаги мисолларни ёзади: «Меҳробдан чаён» - «Биз ўтган фаслда Анвар билан Раънони Султонали дарвозасида кўйиб...»;

«Ўткан кунлар» - «Энди биз ташқари ҳовлини кўйиб, меҳмонхонанинг ёнидан ичкари кирамиз...»;

«Алпомиш» - «Энди сўзни Алпомишдан эшитинг»;

«Кунтуғмиш» - «Энди гапни Кунтуғмишдан эшитинг».

Булар асар фасллари узвий боғланишга ҳам кўмак беради»<sup>185</sup>.

Х.Мурфи «Ўткан кунлар»да халқ достонлари услубидан кенг фойдаланиш сабабини, адиб ўқувчи-китобхон оммасини кўпроқ ўйлаган, деб ҳисоблайди.

«Меҳробдан чаён» эса структура жиҳатидан ўзбек халқ достонларидан фарқ қилади. Аммо, «Ўткан кунлар» халқ достонларига яқин келса, «Меҳробдан чаён»да Абдулла Қодирий бошқа йўлдан борган. Бу романда ёзувчи халқ достонлари структурасидан узоқлашган.

Тадқиқотчи Қодирий романларидаги замон ва макон реаллигини новаторлик-янгилик сифатида баҳолайди. Зеро, ўтмиш халқ эпик достонларидан ана шу эътибор билан ҳам фарқланади. Умуман олганда, америкалик олим Х.Мурфи диссертациясида бундай муҳим хулосалар кўп. Эҳтимол, баъзи масалаларда олим билан баҳс-мунозара қилиш мумкин. Чунинчи, Туркистон халқининг 10-20-йилларда бор-йўғи тўрт фоизи саводли эди ёки Қодирий романлари халқ оғзаки ижодига гўё мутлақо қиёсланмаган эди, каби фикрлари шулар жумласидандир.

Абдулла Қодирий ижодининг Америкадаги мухлиси Х.Мурфи 1992 йилда «Ўрта Осиё мусулмонлари. Ўзликнинг ифодаланиши ва ўзгаришлар» номли тўпламда «Абдулла Қодирий ва большевиклар. Ислоҳдан инкилобгача» деган мақола билан катнашади. Олим бунда адибнинг «Бахтсиз куёв», «Жувонбоз», «Жинлар базми», «Тинч иш», «Отам ва большевик» сингари бир қатор асарларини талқин этиш жараёнида Абдулла Қодирийнинг ижтимоий қарашларини ўрганади.

<sup>185</sup> Ушбу диссертация. 180-181-бетлар.

Олим фикрича, Абдулла Қодирий баъзи мулла-имомларни танқид этган, аммо, у ҳеч қачон ислом динига қарши ёзмаган. Шунингдек, адибнинг ижтимоий қарашида жамиятни ислоҳ йўли билан тузатиб бўлмайди, балки инқилобий йўл билангина жамиятдаги ёмон одатлардан қутилиши мумкин<sup>186</sup>.

Албатта, америкалик олимнинг «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён»дек романларни структурал метод асосида талқин қилиши биз учун янгиликдир. Унинг тажрибаси бизнинг адабиётшуносликда шу йўналишдаги тадқиқотлар майдонга келиши учун бир намуна бўлиши ҳам мумкин. Бироқ, Абдулла Қодирий романларини, уларда халқ донолигининг ҳикматлари ўз ифодасини топганлигини ёки халқ кулгисидан адиб жуда ўринли фойдаланганлигини бизнинг олимларимиз ҳам жуда яхши билади<sup>187</sup>.

Демак, Х.Мурфининг тадқиқоти бизда мавжуд илмий ишларни тўлдирувчи ва айни чоғда, тадқиқот услубидаги оригиналлик билан фарқланиб турувчи муҳим ишдир.

Ўтган асрнинг 90-йилларида олмон олимлари Абдулла Қодирий ижодига жиддий қарадилар. Махсус адабий луғатларда Абдулла Қодирий ҳаёти, ижоди хусусида маълумот бердилар. Рудольф Радлер муҳаррирлиги остида бир неча йил давомида нашр этиб келинган, кўп томлик «Kindlers Neues Literatur Lexikon»ининг 1990 йилда босилган 9-томида «Abdulla Kadyri. Otgan kunlar» деган икки бетлик мақола шулар жумласидандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ғарб олимлари, умуман, хорижлик ўзбекшуносларнинг 90-йилларда ёзган илмий ишлари 60-70-йиллардагига нисбатан чуқурроқ. Мафкуравий-сиёсий талқинларга қараганда киёсий-маърифий талқинлар кўпроқ кўзга ташланади.

Масалан, бу ўринда ўзбек адабиётшуносларига яхши таниш олмониялик олима, ҳозирда Гумбольд университетида ишлаётган профессор Ингеборг Балдауф хонимнинг «Auf der Suche nach der Wahrheit», яъни «Ҳақиқат ахтариб» деган

<sup>186</sup> Бу ҳақда қаранг: И с м а т у л л а е в Х. Абдулла Қодирий абадиёти. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994 йил 11 ноябрь.

<sup>187</sup> С о б и р о в О. Сарчашма адиб ижодида. Тошкент: 1975. 68-бет. Бу фактга барча қодирийшунослар ўз ишларида қайсидир даражада ифодалаганлар.

мақоласини эслаб ўтиш мумкин. Мазкур мақола Бамбергдаги «Otto Friedrich Universinat»да 1990 йили ўтказилган шарқшунос олимлар анжуманидаги маъруза матнидир<sup>188</sup>. Олима бунда муайян бир фалсафий тушунча - ҳақиқатнинг эврилишларини, ҳар даврда ҳақиқат турли моҳият ташиганлигини, шунга кўра ҳар замоннинг ўз ҳақиқатлари бўлишлигини турли ўзбекча матнлар устида тадқиқ этади. «Ҳақиқат» тушунчаси «жадидчилик, инқилобчилик, миллатчилик ва ғайридинчилик руҳидаги матнларда» турлича акс эттирилади. И.Балдауф бу фикрни Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулҳамид Чўлпон, Шокир Сулаймон ва Абдулла Қодирий сингари сиймолар ижодидан олинган иқтибослар орқали исбот этади.

И.Балдауф Абдулла Қодирий ижодига ҳам «ҳақиқат» нуқтаи назаридан ёндашади. Адибнинг «Ҳақиқат очик сўзлашдадир» деган жумласидан ҳам, унинг бошига келган, асарларига тамғаланган ноҳақликлардан ҳам яхши хабардор. Абдулла Қодирийнинг колхоз ҳаётидан олиб ёзилган «Шубҳа» ҳикоясига бизнинг адабиётшуносларимиз кам диққат қилган. Олима эса «Шубҳа»да иккита шубҳани кўради. Биринчиси, ҳикоядаги характер табиатида кўринган шубҳа. Иккинчи шубҳа эса «метафорага, бадий, ижодий мусаффоликка ёки бошқача қилиб айтганда, социалистик реализм методининг асослилигига, қонунийлигига билдирилган». Олиманинг бу қарашларини ўзига хос нозик талқинлар сифатида қабул этиш ҳам мумкин.

Шунингдек, мақолада «Обид кетмон» асари муносабати билан, айнан, «ҳақиқат» сўзи ишлатилгани учун профессор Умарали Норматовнинг «Обид кетмон» ҳақиқати» мақоласига<sup>189</sup> муносабат билдиради. «...Абдулла Қодирий кўринишидан ҳақиқат ахтара туриб, кўз олдига ғоявийлик ва партиявийлик тозалигичини қўйгиси келмасди.

Рақиблари эса унга барча асарларида ва «Обид кетмон»да ҳам кишиларни ижтимоий синфларга бўлиб эмас, балки,

---

<sup>188</sup> И з о ҳ: Уни ўзбек тилига Йўлдош Парда таржима этди ва мақола «Миллий тикланиш» газетасининг 1998 йил 20-27 октябрь сонларида қисқартирилган ҳолда нашр қилинди.

<sup>189</sup> Н о р м а т о в У. «Обид кетмон» ҳақиқати. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989 йил, ноябрь.



иккита ўзи ясаган синфга, яъни яхши ва ёмонга ажратиб тасвирлаганини рўқач қилиб, таъна тошларини ота бошладилар. Бу таъналар 1989 йилга келибгина шубҳа остига олинди». Яъни У.Норматовнинг «Обид кетмон»ни янгича нуктаи назардан талқин этган, қисса марказида Обид исмли ниҳоятда инсофли, иймон-этиқодли бир инсон турганлигини таъкидлаган мақоласи ёзилди. Олима У.Норматов сарлавҳага олиб чиққан «ҳақиқат» сўзига ўз изланишларидаги илмий-фалсафий мезон билан ёндашиб, бир оз чуқур кетади. Ва шу боис, айрим эҳтимолларини ҳамда сарлавҳанинг бошқача вариантларини ўртага ташлайди. Олиманинг бу жиддиятини, сўзга эътиборини инобатга олиш керак, албатта. Аммо, бизнингча, У.Норматов «Обид кетмон» ҳақиқати» деганда энг аввало қиссанинг фазилатларини, янгича шароитдаги янгича талқинларини назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Профессор И.Балдауф ўзбек адабиётини, хусусан, Абдулла Қодирий ижодини ўзича тушунади, ўзича тушунтиради. Баъзида ўзбек адабиётшунослари эътиборсиз қолдирган нукталарга диққатни қаратади.

Олмонияда Абдулла Қодирий ижоди билан жиддий шуғулланган олималардан яна бири Зигрид Клайнмихел хонимдир. Бу олима ҳам ўзбек адабиётшуносларига яхши таниш. Ўзаро илмий алоқалар ҳам ўрнатган. З.Клайнмихел ўзининг 1993 йили нашрдан чиққан, 279 бетлик «Шарқона ёзиш анъанасининг ривожланиши: 1910-1934 йиллар ўзбек драмаси ва насрий асарлар тадқиқи» деб номланган китобининг махсус бир бўлимини (201-263-бетлар) Абдулла Қодирий романларига бағишлайди. «Туркистон ҳаётидан Абдулла Қодирийнинг икки романи» дея аталган мазкур бўлим: «XX асрда ёзилган ҳеч бир ўзбек китоби ҳақида Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» (Ўзбеклар ҳаётидан тарихий роман) романи хусусидаги каби кўплаб мақола, хотира, латифа ва афсонлар тарқалган эмас»,<sup>190</sup> деган сўзлар билан бошланади. Шундан кейин Абдулла Қодирийнинг обрў-эътибори, ўзбекча манбаларга таяниб, «Ўткан кунлар»нинг ёзилиш тарихи, китобнинг халқ орасида нақадар севилиб

---

<sup>190</sup> Kleinmichel Sigrid. Aufbruch aus orientalischen Dichtungstraditionen. Studien zur Usbekischen Dramatik und Prosa zwischen 1910 und 1934. 1993. Wiesbaden. F. 201.

ўқилганлиги каби қатор масалаларга тўхталади. Олима ўз китобини олмон тилли шарқшуносларга мўлжаллаб ёзгани боис, Абдулла Қодирийнинг кимлигига, аниқроғи, таржимаи ҳолига доир саналарга бирма-бир мурожаат этади. Унинг назаридан «Ўткан кунлар»га бағишлаб ёзилган Сотти Хусайн ва Ойбек сингари сиймоларнинг асарлари ҳам четда қолмайди. Ва ҳар иккала текширувчининг асосий адабий-илмий концепцияси социалистик элементлар билан боғлиқ бўлганини таъкидлайди.

Олима Абдулла Қодирий романларидаги образларни ижобий ва салбийга ажратиш беихтиёр содир бўлишини ёзгандан сўнг: «Шоир ва драматурглар етим образидан инқилобдан аввал ҳам фойдаланишган эди. Бундай образ билан улар одамлар орасидаги иқтимоий фарқни кўрсатишган. Жумладан етим образи Абдулла Қодирий ижодида ҳам учрайди»<sup>191</sup>, дейди. Ва Уста Олим ҳамда Анварларни бунга мисол қилиб беради.

Шунингдек, З.Клайнмихел тадқиқотидан: «Муаллиф Отабек учун шеърятдаги образларга хос нутқни прозага кўчирди: ошиқ касал бўлиб қолади ва оҳ ура бошлайди», «Ота-бола ўртасидагига ўхшаш муносабат (гап Юсуфбек ҳожи билан Отабек ҳақида - Б.К.) на халқ адабиётида, на маснавийда ва на Жўржи Зайдон асарларида кўзга ташланади...». «Бирон шахсга воқеликда мос тушиши мумкин бўлган тасниф ва ўзини тутиш имкониятлари бир неча шахсга бўлиб-бўлиб берилганга ўхшайди», каби эътиборли қарашлар кўп. Шуниси муҳимки, олима ўз талқинларида адибнинг ҳар икки романини ёнма-ён, уйғунликда қиёсий талқин этади ва ўрни-ўрни билан халқ оғзаки ижодига таққослаб боради. Бу гамайил олиманинг «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларининг хотимасига доир қарашларида ҳам ўз ифодасини топди: «Қодирийнинг ҳар икки романи икки ечимга эга. «Ўткан кунлар»да «қора Ҳомид» устидан қозонилган ғалаба эртақларда учрайдиган бахтли ечимни эслатади. Ваҳоланки, бу билан романининг иккинчи қисми тугаб, учинчи қисм бошланади. Кумуш ва Отабекнинг ўлими

<sup>191</sup> Клайнмихел З. Ўша асар. 241-бет.

бахтсиз ечим бўлса ҳам, у реалистик ечимдир, у эртақларда бўлиши мумкин эмас...

«Мехробдан чаён» романининг ниҳояси аслида Раънонинг хон саройига келтирилиши билан тугаши керак эди. Унинг отаси тўйга розилик берган. Анвар ўзини четга олган, тўй саруполари аллақачон қабул қилиб олинган. Аммо, асарда реал ечим йўқ. Асарга ғаройиб, саргузаштли ҳодисани қўшиш натижасида севишганлар ўша тақдирдан қутилиб қоладилар. Уларнинг мақсади, ўша пайтда аллақачон Россия қўлига ўтган Тошкентга етиб олиш. Бу ерда улар Қўқон хонининг таъқибларидан кўркмасга ҳам бўлади. Бу иккинчи бахтли хотимага эртақларда учрайдиган ечим сифатида қараш мумкин»<sup>192</sup>.

Олима фикрича, Абдулла Қодирийнинг ҳар икки романи ана шундай икки ечимлидир. Шуниси эътиборлики, «Мехробдан чаён» охиридаги эпилог ҳам ечим-хотима учун катта имкониятлар беради.

З.Клайнмихел Қодирий романларига жуда катта эътибор бериб, ўз талқинларида 30-йиллардаги С.Хусайн, Ойбек, 60-80-йиллардаги таниқли қодирийшуносларидан И.Султонов, М.Қўшжонов, И.Мирзаев, А.Алиевларнинг фикрларини инобатга олди, баъзан улар билан баҳсга киришади.

Зигрид Клайнмихел хоним қаламига мансуб яна бир манба «Die Gestalt des Prosaschriftsteller Abdulla Qadiri im geistigen und kulturellen Leben Uzbekistans» («Ёзувчи Абдулла Қодирийнинг Ўзбекистон маънавий ва маданий ҳаётидаги ўрни») дея номланган бўлиб, бу манба 1990 йил 15-16 июнь кунлари Бамбергга ўтказилган Ўрта Осиёга бағишланган илмий анжумандаги маъруза матни ҳисобланади<sup>193</sup>. Бу мақолада ҳам олиманинг Абдулла Қодирий шахсиятини, ижодини яхши билиши ўз ифодасини топган. Олима бунда китобидаги фикрларини такрорламайди. Янги маълумотлар - Иззат Султоннинг 1988 йилда ёзган «Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»и номли пьесаси, Х.Қодирийнинг 1989 йил «Ёшлик» журнаlining 4-7-сонларида эълон этилган «Қодирийнинг сўнгги кунлари» хотира қиссасини эслаб ўтади.

<sup>192</sup> К л а й н м и х е л З. Ўша асар. 258-бет

<sup>193</sup> Bomberg Mittelasiestudien. Berlin. 1994. 153-168.

Тадқиқотчининг куйидаги кузатиши ҳам диққатга лойиқдир: «Адабиёт тарихида ёзувчининг (Абдулла Қодирийнинг - Ь.К.) туғилган йили, насл-насаби, таълим йўли ва бой адабий ижоди ҳақида маълумотлар бор. Ўлими масаласи эса очик. Албатта, XIX аср қисман XX асргача бўлган Шарқнинг кўпгина шахсларидагидек, Абдулла Қодирийнинг ҳам туғилган йили номаълум қолган. Ҳали Абдулла Қодирий ҳаётлигидаёқ унинг туғилган йили 1894, 1895, 1896 ва 1897 йил деб берилган. Ҳозирда 1894 йил 10 апрель, деб белгиланди. Худди шунингдек, 1989 йилгача ёзувчи ҳаётининг охири ҳам ноаниқ бўлиб келди. У 1937 йил камоққа олинди ва унинг излари Тошкент камоқхонасида йўқолди. Оқлангандан кейин ўлган йили сифатида 1938, 1939 ва 1940 йиллар кўрсатилди. 80-йилларнинг охириларига келиб Ҳабибулла Қодирий отасининг 1938 йил 5 октябрда ўлимга ҳукм этилгани ва ҳукм шу куни амалга оширилгани ҳақида маълумот олди»<sup>194</sup>.

Дарҳақиқат, Абдулла Қодирийнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар, хусусан, архив ҳужжатлари асосида ёзилган манбалар адиб ижодининг хориждаги мухлислари эътиборини ҳам ўзига жалб этди.

Олима И.Султон пьесасига тўхталиб, мақоласининг охирида пьесада фойдаланилган Абдулла Ориповнинг «Оломонга» (1980) шеърини тўлиқ келтиради. Маълумки, бу шеърнинг бир ўрнида:

Суриштирганмидинг Қодирийни ё,  
Қалқон бўлганмидинг келганда бало?

деган сатрлар бор. Олима фикрича, иродасизлик ва лоқайдлик хусусида жиддий ўйлаш лозим.

Умуман олганда, И.Балдауф, З.Клайнмихел сингари олмониялик олималарнинг Абдулла Қодирий ижодига доир холис илмий қарашлари илмий жамоатчиликка етказилса, адиб ҳақидаги фикрлашув майдонининг янада кенгайишига ҳеч шубҳа йўқ.

<sup>194</sup> К л а й н м и х е л З. Ёзувчи Абдула Қодирийнинг Ўзбекистон маънавий ва маданий ҳаётидаги ўрни. Bamberg Mittelasiensstudien. Berlin. 1994.

Маълум бўлмоқдаки, XX аср мобайнида турли тоифадаги хориж олимлари Абдулла Қодирий ижодини турли аспектдан қараб тадқиқ этганлар. Албатта, уларнинг баъзиларида тузумлар орасидаги ғоялар, қарашлар қурашининг таъсири ҳам, айримларида ўта субъектлашув ҳолатлари ҳам кузатилади. Шунингдек, Абдулла Қодирий ижодини иккинчи бир миллат ёзувчилари ижодига қиёсан ҳолис ўрганган ёки мутлақо янги йўналишда - структурализм методи асосида талқин этган олимлар ҳам бўлди.

Хориждаги олимларнинг бу хизматлари ўзбек адабиётини, хусусан, Абдулла Қодирий ижодини дунё адабий жамоатчилигига таништиришда катта аҳамият касб этади.

Дунё олимлари ўзбек адабиётига қизиқиб, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий сингари адабий сиймоларимиз ижодини тадқиқ этаётган экан, бундан фақат фахрланмоқ ва ўша фикр-мулоҳазалардан хабардор бўлмоқ жоиз, албатта.

## Х У Л О С А

Абдулла Қодирий асарлари, уларнинг талқинлари, мустабид ҳукмрон сиёсат ва бадий адабиёт, илмий методологияни янгилаш зарурати, талқинда шахснинг билими ва ёши, бадий асарни тушуниш ва тушунтиришда биографик маълумотларнинг аҳамияти, воқеликнинг бадий талқини билан бадий асарнинг илмий талқини ўртасидаги мувозанат, талқин учун матннинг нақадар зарурлиги, хорижлик қодирийшуносларнинг талқинлари ва бошқа қатор масалалар ушбу китобда қайсидир даражада ўз ифодасини топди.

XX аср ўзбек адабиётшунослигида Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига доир талқин манбалари муҳим ўрин тутди. Қодирийшуносликнинг асосий негизини ташкил этадиган бу тақриз, илмий мақола, баҳсли мақола ва рисоалар 20-30-йиллардаёқ майдонга келди. Ва аср охирига қадар уларнинг ҳажми ҳам, илмий баҳс доираси ҳам кенгайди. Ўтган аср адабиётшунослигининг ҳолати, мазмун-моҳияти, илмий методлари ва энг муҳими талқин тамойиллари қодирийшунослик мисолида аниқ кўзга ташланади.

Сир эмаски, собиқ мустабид тузум барҳам топгач, унинг ҳукмрон мафқураси ҳам, бу мафқурага асоси бўлган таълимот ҳам яқин тарихга айланди. Муайян фан соҳаси, шу жумладан, адабиётшунослик фани учун ҳам ўткинчи сиёсий-мафқуравий методология ўрнига нуфузли илмий-назарий методология зарурати туғилди. Адабиётшунос олимларнинг дунё илм-фанидаги етакчи, энг муҳим тадқиқот усулларига мурожаати бошланди. З.Фрейд, Э.Фромм, Г.Г.Гадамер, Р.Барт, Х.Ортега-и-Гассет, М.М.Бахтин, А.Моруа каби файласуф, адабиётшуносларнинг асарларига эътибор кучайди.

Ғарбда фалсафий оқим, матн талқини назарияси ҳисобланадиган герменевтика таълимоти мавжуд матнни тушуниш, тушунтириш, талқин қилиш жараёнларини қамраб олади. Унинг назарий-методологик имкониятларини, илмий хулосалар чиқаришдаги асосий тамойилларини ўзбек адабиётшунослигига татбиқ қилиш фойдали бўлиши табиий. Шарқ илм-фанида муайян тизим ҳолга келган тафсир ва шарҳлар қайсидир маънода «Шарқ герменевтикаси» тушунчасини беради. Демак, айти масалани илмий-назарий жиҳатдан қиёсий тадқиқ этиш эҳтиёжи мавжуд.

XX аср қодирйишунослиги бир бутунликни, унга дои манбалар таркибий қисмни ташкил этади. Герменевтик усу тамойилларига кўра айнан муайян илмий-назарий хулосали чиқаришда бутун ва қисм муносабатлари муҳим саналади.

Қодирйишуносликнинг биринчи босқичи бўлган 20-30-йиллар адабиётшунослигида баъзан холис ва асосан ғайриилмий вульгар социологик ҳолатлар ҳукм сурди. Бу давр талқинларида матндан узоқлашиш, бадий асарга тайёр қолиплар билан ёндашиш, ижодкорни айблаш ва унга сиёсий йўл-йўриқлар кўрсатиш, гарчи, баъзан бадий ҳақиқат теран ҳис этилса-да, ижод эрксизлиги туфайли уни матнга номувофиқ тушунтириш, кўпинча фикр-мулоҳазаларни ҳукмрон мафкуравий таълимотлардан олинган иқтибослар асосида баён қилиш, ҳар бир адабий-илмий тушунчани синфийлик билан боғлаш ҳолатлари кўзга ташланади. Таъкидлаш жоизки, бундай вульгар социологик руҳдаги талқин эгалари баъзан тасвирдаги замон ва макон контрасти, образлар конфликт, тарихий роман моҳияти, бадий асар тили, адабий таъсир, муайян образ нафосати каби масалаларни ҳам ўртага қўйдилар.

Маълумки, Абдулла Қодирйининг «Ўткан кунлари» муқаддимасида «Ёзувчидан» деган, охириги «Ой-куни яқин эди» бобидан кейин роман хронотопидан узоқлашган «Хотима» ва яна «Ёзувчидан» деган сўнгги изоҳ берилган. Шунингдек, «Меҳробдан чаён» романининг аввалида ҳам «Романининг мавзуси тўғрисида» сарлавҳали муқаддима, туганчида эса «Мирзо Анварнинг кейинги ҳаёти тўғрисида» деган сўнгсўз бор. Ёзувчи томонидан битилган мазкур сўзбоши ва сўнгсўзлар роман талқинида ўзига хос ўрин тутди. Зотан, герменевтикада бундай манбалар, хошиядаги битиклар, муаллиф изоҳлари жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий ҳаётда жиддий сиёсий ўзгаришлар юз берган 60-йилларда қодирйишуносликнинг иккинчи босқич бошланди. Ижодкорлар учун ҳам нисбатан эркин муҳит юзага келди. Бироқ, юраклар туб-тубидан жой олган, инсон эркига ҳар вақт таҳдид солиб турган кўркув салтанати ҳали чекинмаган эди. Шу боис, гарчи Чўлпон ва Фитратларнинг номлари турли ножиоз, айбнома тамғалардан холос этилган бўлса-да, асарлари тақиқланганича қолди. Абдулла Қодирйи масаласида эса вазият бир оз бошқача кечди. Адиб халққа, оммага, ҳаётга қайтди. Асарлари қайта нашр этилди. Аммо, 60-70-йиллардаги барча нашрларда адиб романларидаги

«қалтис» нукталар таҳрир қилинди. Зотан, матнга бундай заҳа етказиш унинг талқинига таъсир этиши табиийдир.

Абдулла Қодирий ижоди бу даврда ҳам кўпинча мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумга мослаб талқин қилинди. Адибни социалистик жамият хизматкори эканлигига, баъзан уни асраб-авайлаш учун атайлаб урғу кучайтирилди. Адабиёт ва санъат устидаги мустабид тузумнинг сиёсий ҳукмронлиги санъаткор-ижодкорлар асарлари эстетик моҳиятининг тўлиқ намоён бўлишига йўл қўймади.

Айрим олимлар айнан матн жозибасидан келиб чиққан ҳолда эзопона тил воситасида поэтик талқинларни ҳам илгари сурди. Айни мазмун-моҳиятдаги илмий асарлар қодирийшуносликда бир қадар илгарилаш бўлди.

Абдулла Қодирий ижоди жуда кўп назарий фикр-мулоҳазалар учун манба бўлди. Айниқса, унинг романлари мазкур йирик жанр хусусида ўзбекона фикрлаш, романга хос тафаккур қўламларини чамалаш учун имкон берди. Шунингдек, 70-йиллар адабий-илмий жараёнидаги ижодий методга оид шиддатли баҳслари ҳам қодирийшунослик доирасида кечди. Муҳим бир мулоҳаза шуки, назарий-фалсафий дунёқараши фарқли олимлар аниқ бир бадиий асарнинг ғоявий-бадиий хусусиятларини, ҳатто ижодий методини турлича талқин этишлари ҳеч ажабланарлик эмас.

Абдулла Қодирий ижодининг маълум бир қисмини сатирик асарлар ташкил этади. Воқеликни ҳажвий йўсинда бадиий талқин қилишда бу адиб бағоят моҳир эди. Кичик-кичик ҳажвиялари учун қўйилган «Овсар», «Думбул», «Индамас сўфи», «Чапани» сингари шартли имзолар ўша мўъжаз матн талқинида катта аҳамиятга эга. «Калвак махзумнинг хотира дафтаридан», «Тошпўлат тажанг нима дейдир?» каби нисбатан йирик ҳажвий асарлари табдилидаги ҳаттолик, тагматни тушунмаслик, талқинидаги бирёқла-маликлар мазкур йўналишнинг муаммолари саналади. Буларни тўғри ҳал этишда асарнинг ёзилиш даврининг давомийлигини, муаллиф дарду дунёсидаги ўзгаришларни инобатга олиш ва энг муҳими, коса остида нимкоса услубида ёзилган матн моҳиятини нозик тушуниш лозим. Ҳажвий образ тасвиридаги гротеск моментларни жаҳон адабиёти намояндалари асарларига таққослаб ўрганилганда Қодирий сиймоси айнан санъаткор сифатида яна ҳам улканлашади.

XX аср ўзбек адабиётшунослигидаги янгича талқинлар 80-йиллар охири ва 90-йилларда майдонга келди. Бу даврда



чинакам санъат асарининг турлича бир-бирини такрорламайдиган талқинлари ҳам кўзга ташланади. Зеро, «Буюк санъат асарлари тушга ўхшайди; улар ўз-ўзидан ҳеч қачон тушунарли бўлиб қолмайди ва талқинда ҳам асло биргина маъноли бўлмайди» (К.Г.Юнг фикри). Бундай абадий монументлари ўзбек мумтоз адабиёти тарихида йўқ эмас. Шунингдек, Абдулла Қодирийдан авлодларга мерос бўлиб қолаётган асарлар ҳам қайсидир маънода абадийга, асарлар оша инсон ҳис-туйғулари, завқ-шавқи ва тафаккур оламига маънавий юк ортишга дахлдордир. Шунинг учун Қодирий ҳаёти ва ижоди мустақиллик шароитида турли назарий аспект учун жуда бой манба бўлди.

Бу даврда Абдулла Қодирий асарларини макон ва замон нуқтаи назаридан ўрганиш, адабий таъсир ҳодисаларини талқин қилиш ҳамда романларни муайян маънавий-ахлоқий жиҳатларга боғлаб текшириш ҳам ўзининг ижобий самараларини берди.

Айрим ҳолатларда олимларимиз Абдулла Қодирий Номоз ботир, Амир Умархон канизи хусусида ҳам романлар битишга ҳозирланганини бироқ, қатағон туфайли бу ният шу ҳолича қолганлигини афсус билан таъкидладилар. Тўғриси, ҳали майдонга келмаган асарларнинг шухратида башорат бериш ортиқча иш. Биринчидан асилнинг, матннинг ўзи йўқ. Иккинчидан, «ҳозирга қадар ҳеч бир эстетик назария келажақда санъаткорнинг фикри қайси йўналишдан бориши ва унинг ижодий фаолиятининг чек-чегараси қаерда эканлигини аниқлаб берган эмас» (Л.Шестов фикри).

Ижодкорнинг эстетик дунёсини тушуниб олишда биографик маълумотларнинг ўз ўрни бор. Адабиётшуносликдаги биографик метод ўз назарий қарашларини асосан ижодкор шахси призмасидан ўтказди; унинг ҳаётига, психологик ҳолатига доир манбаларни – мактублар, хотиралар, кундаликлардаги битиклар, архив ҳужжатларини бадий асар талқини жараёнига татбиқ этади. Зеро, муайян асарга социологик жиҳатдан бир маъно берилаётган бўлса, айнан биографик маълумотлар талқинни мутлақо ўзгартириб юбориши ҳам мумкин. Ҳар қандай ижодкор бадий асарда ўз индивидуал дунёсини тўкиб солади; демак, биографик метод бадий матнни тушуниб олишда анча кенг имкониятлар яратади.

XX аср ўзбек адабиётига, хусусан, Абдулла Қодирий ижодига қардош халқ олимлари, хориждаги ўзбекшунос

олимлар эътибор берди. Уларнинг қарашларида, гарчи, гоёвий-мафкуравий йўсиндаги бахслар, ўзбек олимлари томонидан айтилган фактларни такрорлаш ҳолатлари устинлик қилса-да, улар орасида Қодирий асарларини янгича илмий нуқтаи назардан талқин қилганлари ҳам бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳақиқий санъат асари доимо ҳар қандай инсоннинг рухий-маънавий дунёсини бойитади, ҳис-туйғуларини жунбушга келтиради; унда одам ва олам хусусида жиддий фикрлашга ундаб турадиган бадий-эстетик қуввати бўлади. Немис олими Макс Вебер фикрича, илмий иш тараққиётга, ўсиш-ривожланишга маҳкум бўлса, санъат дунёси хусусида бундай мулоҳазани айтиш мушкул. Олим ёзади: «Етук санъат асари ҳеч қачон ўткинчи бўлмайди: ҳар бир шахс унинг аҳамиятини ўзича баҳолаши мумкин. Аммо, ҳеч бир олим ўша мукамал асар бошқа қандайдир асар туфайли ўткинчи ҳолатга келди, деган гапни айта олмайди.

Бундай фаркли ўлароқ бизларнинг ҳар биримиз яхши биламизки, биз илмий соҳада қилган ишлар, эҳтимол, 10, 20, 40 йил ўтиб эскириб қолар.

Начора, қисмат шундай, қолаверса, илмий тадқиқот моҳияти ҳам шуни тақозо этади.»

Кимда-ким илмга хизматни ўз зиммасига олган экан, бу тақдир тақозосига рози бўлмоғи лозим. Албатта, илмий кашфиёт узок даврлар ўз аҳамиятини сақлаб қолиши мумкин. Аммо, такрор айтаемизки, илмий маънода ўткинчилик нафақат бизнинг тақдиримиз, балки, айни чоғда, мақсадимиз ҳамдир. Биз биздан кейингилар масала моҳиятига чуқурроқ кириб боради, деган умидда ўзимиз англаган ҳақиқатнигина айтаемиз. Зотан, илмдаги бундай тараққиёт чексиз ўтмиш бағридан ўрин олади»<sup>195</sup>

Шу маънода ўзбек адабиётшунослигининг жаҳон миқёсига чиқишини, дунё эстетик тафаккурига жиддий таъсир этишини орзу қилган киши мавжуд илмий-назарий ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, жаҳон адабиётшунослигидаги энг муҳим тамойиллар, назарий қарашлар, метод ва методологияларни ўзлаштирамоғи лозим. Истиқбол шуни тақозо этади.

<sup>195</sup> Вебер М. Наука как призвание и профессия. Самосознание европейской культуры XX века. М, 1991. С.133.

## Фойдаланилган адабиётлар

### I

1. Абдулла Қодирий бадий дунёси. Тошкент: Университет, 1994. 120 бет.
2. Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. 176 бет.
3. Абу Фидо Исмоил ибн К а с и р. Тафсирул Куръонил Аъзим. Байрут : Дорул маърифат. 1984. 318 бет.
4. А б д у с а м а т о в Х. Танқидми, тош отиш? Тошкент: Фан. 1992. 88 бет.
5. А л и е в А. Абдулла Қодирий. Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1967. 216 бет.
6. А л и е в А. Истиклол ва адабий мерос. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 272 бет.
7. Allworth E. Uzbek Literary Politics. London-Paris. 1964. 324 p.
8. Б а л д а у ф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. Тошкент : Маънавият, 2001. 72 бет.
9. Б а р т Р. Семиотика. Поэтика. М.: Прогресс, 1989. 616 с.
10. Башир З. Ўзбек адабиёти. Қозон.: Яналиф, 1929. 112 бет.
11. Б а х т и н М. М. Эстетика словесного творчества. М.: Искусство, 1979. 424 с.
12. Б а х т и н М. М. Литературно-критические статьи. М : Художественная литература, 1986. 543 с.
13. Б о р е в Ю. Искусство интерпретации и оценки. М.: 1981. 400 с.
14. Б о р е в Ю. Эстетика. М.: Полит. лит, 1988. 496 с.
15. Б о қ и й Н. Қатнома. Тошкент: Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. 208 бет.
16. В е р л и М. Общее литературоведение. М, Иностран. лит. 1957. 244 с.
17. Г а д а м е р Г. Г. Актуальность прекрасного. М, Искусство, 1991. 397 с.
18. Гадамер Г. Г. Истина и метод. М: Прогресс, 1988. 704 с.
19. Ё к у б о в Х. Адабий мақолалар. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1970. 368 бет.
20. К а р и м о в Н. Истиклолни уйғотган шоир. Тошкент: Маънавият, 2000. 88 бет.

21. Kleinmichel S. Aufbruch aus orientalischen Dichtungstraditionen. Studien für Uzbekischen Dramatik und Proza Zwischen 1910 und 1934. Wiesbaden, 1993. 279 f.
22. Kindlers news Literatur Lexikon. Berlin. № 9. 1990.
23. Лутфиддинова Х. Гулларнинг раъноси. Тошкент. Ўзбекистон. 1997 й.
24. Maren Grisebach. Methoden der Literaturwissenschaft. Stuttgart. 1992. 144 f.
25. Махмудов М. Талант ва ижод фалсафаси. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1976. 285 бет.
26. Мережковский Д. Акрополь. М.: Книжная палата, 1991. 352 с.
27. Мирвалиев С. Ўзбек романи. Тошкент: Фан, 1969. 314 бет.
28. Мирзаев И. Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси. Тошкент: Фан, 1997. 150 бет.
29. Murgu Ch. The Relationship of Abdulla Qodiriys Historical Nowels to the Earlier Uzbek Literary Traditions. University of Washington. 1980. 209 p.
30. Naby E. Transitional Central Asian Literature: Tajik and Uzbek prose fiction from 1909 to 1932. Columbia. University. 1975. 240 p.
31. Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. Фоявийлик. Метод. Қахрамон. Т: Фан, 1979. 286 бет.
32. Насриддинов Ф. Адибнинг йўли. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971. 120 бет.
33. Норматов У. Қодирий боғи. Тошкент: Ёзувчи, 1995. 220 бет.
34. Норматов У. «Ўткан кунлар» хайрати. Тошкент: Ўқитувчи, 1996. 80 бет.
35. Ойбек. Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли. Тошкент: ЎзССР фанлар комитетининг нашриёти, 1936. 54 бет.
36. Ойбек. Асарлар. Ўн томлик, 9-том. Т. , 1974. 349 бет.
37. Расулов А. Илми ғарибани кўмсаб. Тошкент: Маънавият, 1998. 64 бет.
38. Розенталь М. Против вульгарной социологии в литературной теории. М.: Художественная литература, 1936. 160 с.
39. Ржевская Н. Ф. Литературоведение и критика в современной Франции. М.: Наука, 1985. 272 с.
40. Самосознание европейской культуры XX века. М.: Полит. лит., 1991. 366 с.

41. Солихов М. Ўзбек адабиётида миллатчилик кўри-нишлари. Тошкент, 1932.
42. Султонов И. Пьесалар, мақолалар. Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1959. 372 бет.
43. Фрейд З. Психология бессознательного. М.: Просвещение, 1989. 448 с.
44. Фромм Э. Душа человека. М.: Республика, 1992. 430 с.
45. Хосе Ортега-и-Гассет. Дегуманизация искусства. М: Радуга, 1991. 639 с.
46. Чўлпон. Адабиёт надири. Тошкент: Чўлпон, 1994. 240 бет.
47. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. Тошкент: Ёзувчи, 1994. 48 бет.
48. Шестов Л. Апофеоз беспочвенности. Л: Университет, 1991. 216 с.
49. Schatte J. Einführung in die Literaturinterpretation. Stuttgart. Weimar. 1997. 231 f.
50. Ўзбек совет адабий танқиди тарихи: 2 томлик. 1-том. Тошкент: Фан, 1987. 348 бет.
51. Қодирий А. Кичик асарлар. Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1969. 214 бет.
52. Қодирий А. Тошпўлат тажанг нима дейдир? Калвак махзумнинг хотира дафтарида. Тошкент, 1993. 104 бет.
53. Қодирий А. Ўткан кунлар\* Мехробдан чаён. Рўмонлар. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. 656 бет.
54. Қодирий А. Тўла асарлар тўплами. Олти жилдлик. 1-жилд. Тошкент: Фан, 1995. 296 бет.
55. Қодирий Х. Отам ҳақида. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. 224 б.
56. Қодиров П. Халқ тили ва реалистик проза. Тошкент: Фан, 1973. 166 бет.
57. Қосимов Б. Маслақдошлар. Тошкент: Шарқ, 1994. 160 бет.
58. Қуронов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. Тошкент: Ўқитувчи, 1997. 80 бет.
59. Қўшжонов М. Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати. Тошкент: Фан, 1966. 76 бет.
60. Қўшжонов М. Қодирий – эркислик қурбони. Тошкент: Фан, 1992. 96 бет.
61. Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. Тошкент: Халқ мероси, 1994. 136 бет.
62. Хусайн С. Ўткан кунлар. Тошкент-Баку: Ўзнашр, 1931. 152 бет.

## П

1. Азимзода. Ўткан кунларимиз // Ёш Туркистон. 931. №18.
2. Айн. Ўзбек шоирлари. Чўлпон // Қизил Ўзбекистон. 1927. 14 февраль.
3. Балдауф И. Ҳақиқат ахтариб // Миллий тикланиш. 1998 йил. 20-27 октябрь.
4. Бехбудий М. Танкид-сараламоқдур // Ойина. 1916 йил. № 17.
5. Брюсов В. Свобода слова // Литературная газета. 1990 йил. 22 август.
6. Бузрук М. Мехробдан чаён // Шарқ ҳақиқати. 1929 йил. 1, 2 апрель.
7. Журакулов У. Ўзбек ойим нега “оғма”? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати 2001 йил 6 апрель.
8. Иноғомов Р. Қодирий жаҳон кезади // Шарқ юлдузи. 1994. № 3-4. 189-196-бетлар.
9. Исматуллаев Х. «Ўткан кунлар»: наҳрлар, таржималар, тадқиқотлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1989. №4. 122-134-бетлар.
10. Исматуллаев Х. Абдулла Қодирий абадияти // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994 йил. 14 октябрь, 11 ноябрь.
11. Исроилжон Қ. Туркистон ёзувчилари ҳақида бир неча сўз // Миллий Туркистон. 1942. №11.
12. Короленко В. Луначарскийга ёзилган хатлар // Шарқ юлдузи. 1989. №6. 107-113.
13. Маҳмуд В. Ҳинд ихтилолчилари // Туркистон. 1923 йил. 19 октябрь.
14. Мирмуҳсин. Динчилар, тараккийчилар // Шўро. 1917. № 20.
15. Моруа А. Оноре де Бальзак // Жаҳон адабиёти. 1999. № 8. 123-136-бетлар.
16. Муҳиддинов Н. Ўзбекистон Интеллигенциясининг вазифалари // Совет Ўзбекистони маданияти. 1956 йил. 13 октябрь.
17. Норматов У. Фигон // Ёшлик. 1990. № 6. 57-64-бетлар.
18. Овсар. Йиғинди гаплар // Муштум. 1926. № 27.
19. Расулов А. Романнинг машаққатли йўли // Шарқ юлдузи. 1989. № 7. 104-112-бетлар.
20. Раҳимов А. Солиҳ маҳдумда нима гуноҳ? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1990 йил. 3 август.
21. Ризоуддин ибн Фаҳриддин. Интиқод ва таъналар // Шўро. 1916. № 17.

22. Саъдий А. Октябрь ўзгариши ва ўзбек адабиёти // Туркистон. 1922 йил. 7 ноябрь.
23. Саъдий А. Олти йил ичида ўзбек шеърий адабиёти // Туркистон. 1924 йил. 21 июнь.
24. Султонов И. Ёзувчи Абдулла Қодирий ҳақида // Қизил Ўзбекистон. 1956 йил. 28 октябрь.
25. Султон И. Улкан адиб сабоқлари // Жаҳон адабиёти. 1997. № 2. 163-167-бетлар.
26. Султон Х. Андиша // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989 йил. 8 декабрь.
27. Султон Х. Шоирона, дарвешона бир маъно // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1990 йил. 1 июнь.
28. Тожибоев Р. Мирзо Анвар ким? // Ёшлик. 1989. № 1. 43-44-бетлар.
29. Тоҳир Малик. Ибрат мактаби // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2003 йил. 19 сентябр.
30. Фитрат. Ёпишмаган гажожақлар // Қизил Ўзбекистон. 1929 йил. 15-16 май.
31. Ципко А. Хорошо ли наши принципы? // Новый мир. 1990. № 4. С. 117-123.
32. Шоназаров Ю. Мумтоз тасвирнинг юксак бадийати // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2000 йил. 3 ноябрь.
33. Эркинов А. Сукут, сукут... // Ёшлик. 1987. № 5. 75-78-бетлар.
34. Ўктой. Туркистон адиблари вазифаси // Ёш Туркистон. 1937. № 95.
35. Қаршибой М. Солиҳ маҳдум фариштами? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1990 йил. 2 ноябрь.
36. Қаршибой М. Бир ишқ, ҳам чин бир ишқ // Ватан. 1992 йил. 28 октябрь.
37. Қодирий А. Суддаги нутқ // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989 йил. 1 декабрь.
38. Қодирий Х. Қодирийнинг сўнги кунлари // Ёшлик. 1989. № 4, № 5, № 6, № 7.
39. Қосимов Б. Фитрат // Шарқ юлдузи. 1992. № 10. 102-118-бетлар.
40. Фафуров И. Раъно ва Хайём // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989 йил. 13 октябрь.
41. Ҳаё. Жулкунбой бирла мусохаба // Туркистон вилоятининг газети. 1914 йил. 26 июнь.
42. Ҳайит Б. Туркистон янги адабиётида икки сиймо: Қодирий ва Чўпон // Миллий Туркистон. 1964. № 11. 22-26-бетлар.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
Қодирий ижодида дастлабки қарашлар («Ўткан кунлар» ва 20-30-йиллар муҳити) .....	10
Адабий танқиддаги зиддиятлар («Меҳробдан чўзи»га муносабат) .....	45
Илмий-адабий муҳит ва адабий талқин .....	70
Сатирик талқин қирралари .....	87
Бадийят масаласи ва айрим назарий қарашлар баҳси .....	115
Бадий-эстетик тафаккурнинг янгилиги ва қодирийшунослик .....	136
Биографик маълумот ва талқин .....	185
Хорижда қодирийшунослик .....	203
Хулоса .....	221
Фойдаланилган адабиётлар .....	226



**Мирзо Улузбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
университети Илмий кенгаши томонидан  
нашрга тавсия этилган**

**Муҳаррир: М.Саидова**

Нашриёт рақами: М-304 Теришга берилди 15.05.06.  
Босишга рухсат этилди 4.07.06 бичими 84x108 1/32.  
Таймс гарнитураси. Офсет босма. Офсет қоғоз.  
Шартли босма т. 13,125. Ҳисоб-нашриёти 15,1 б.т.  
Адади 1000 нуска. Келишилган нарҳда.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 100047. Тошкент, акад.  
Я.Ғуломов кўчаси, 70.

«Сано-Стандарт» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Широқ кўчаси, 100.

